


Ҳамроқул Ризо

# ЎҒИРЛАНГАН БОЛАЛИК



*(Қисса ва ҳикоялар)*

ТОШКЕНТ  
«ЧЎЛПОН»

Ўз2  
Х25

Ҳамрокул, Ризо.

Қиссалар. Ўғирланган болалик: (Қисса ва ҳикоялар).—Т.:  
Чўлпон, 1992.—160б

Инсон умрини безашга арзигулик лаҳзалар кўпинча ҳаётнинг оғир, чигал нуқталарида кечади. Кечмиш ва ҳозирнинг муқобилияти, эзгулик ва ёвузликнинг тўқнашуви, содда ва оққўнғил кишиларнинг қувончу ташвишлари кўлингиздаги китобнинг умумий мундарижасини ташкил этади.

Ризо, Ҳамракул. Украденное детство: Повести рассказы.

4803620201—1  
Х \_\_\_\_\_ қўш — 92  
360 (04) 892

ISBN 5-8250-0352-5

©Ҳамрокул Ризо

# Қ И С С А Л А Р



# ЎҒИРЛАНГАН БОЛАЛИК

## ТОНГДА

Бизни мактаб директори Хошим Кудратов истаган куни далага — ишга чиқариб юборади. Бугун ҳам эртага далага чиқасанлар деди.

Тонгда дала шийпони олдига келсам, бригадир Ўринбой ака шийпон ёнида қўлларини белига нуққанча мени кутиб турган экан. Ёнида янги ГАЗик. Шофёр рулга қўллари ва бошини кўйганича мудрарди.

— Чаққон бола, келдингми?— деди бригадир.

— Келдим. Буюринг. Топширикни бажаришга шайман,— дедим қандай ишни бажаришим зарурлигини суриштирмай.

— Велосипедингни шийпонга қўй, кейин кетмонингни қўлга ол-да, машинага ўтир,— деди ГАЗик томонга ишора қилиб.

Мен қандай ишни бажаришим кераклигини тушунолмайд бригадирга юзландим.

— Областга — бораманми?— дедим.

— Курултойга кетмон олиб бормайдилар,— деди бригадир.

— Раиснинг томорқасини чопишга бораманми?

— Раисникига бормаёсан.

— Бўлмаса кимникига бораман?

— Ер чопишга эмас, кузда ерга кўмилган тоқ ва анор кўчатларини очиб беришга борасан.

— Тоқ ва анор кўчатларининг эгаси шаҳарда туришадими ёки қишлоқда?

— Шаҳарда туришади.

— Шаҳарда туришса, нима иш қилишади?

— Терговчига ўхшайсан-а!

— Ахир, қаерга боришимни билишим керак-да!

— Область «Сельхозтехника» бошқармаси бошлиғининг уйига борасан.

— Катталардан экан-да!

— Балли, катталардан. Шунинг учун одоб доирасидан чиқма. Ҳар хил гапларни айтиб, қайнаган кумғондай варақлама,— огоҳ-лантирди бригадир.

— Тушунарли,— дедим итоаткор одамдай.

Бригадир ўнг қўлини кўтарди — гап тамом. Буни сезгач, лип этиб машинага чиқдим. Шофёр рулдан бошини кўтариб, стартёрни босди. Гуриллаб ўт олган машина шаҳар томон елдай учиб кетди.

Атрофи одам бўйидан баланд тахта билан ўралган, деразалари темир панжаралар билан тўсилган уй олдида машина «ғийк» этиб тўхтади.

— Келдик, — деди шофёр.

Машинадан дастаси силлиқ кетмонни олиб тушдим. Бегонасираган одамларга хос иккиланиш билан кўк рангга бўялган темир дарвоза томон юрдим. Машина келиб тўхтаганини сезган уй эгаси темир дарвозанинг кичик эшигини очди.

— Келинг, йигит, — деди уй эгаси йўл-йўл узун халатининг белбоғини бойларкан. «Узсельхозтехника» бошлиғи шу бўлса керак деган хаёл миямдан лип этиб ўтди.

Бу калласи катта, сочлари оқарган одамни колхозимиз ёнидан оқиб ўтадиган дарё бўйидаги жингилзорда бир неча бор кўрганман. Шанба, якшанба кунлари ўртоқларим билан дарёга чўмилгани борганимда назарим тушганди унга. У бир куни қайиқда дарёнинг бу бетидан нариги жингилзор томонга сузиб ўтди. Кейин эв миллининг гумбирлаган овози кетма-кет эшитилди. Жингилзордаги қирғовуллар катта фалокат рўй бергандай гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга учиб, ўзларини ундан панага олишди. Орадан бир-икки соат вақт ўтгач у дарёнинг у бетидан бу бетига сузиб ўтди. Қирғоқда турган сутдай оппоқ «Волга» юкхонасига отиб ўлдирилган бир тўда қирғовулларни солди. Одамларнинг айтишларича жингилзор ичидаги махсус очик жойга Собиржон деган ўрмон қоровули тарик ва бугдой сепиб кўяр эди. Шу донларни териб егани келган қирғовулларни мана шу киши қийналмай осонгина отиб олар экан.

Бригадирим «Одоб доирасидан чиқма», хар хил гапларни айтиб, қайнаган кумғондай варақлама», — деб огоҳлантирган гапи эсимга тушди-ю, нафасимни ичимга ютдим.

— Мана бу кўмилган ток ва анор кўчатларини авайлаб очасиз, — деди уй эгаси.

— Хўп бўлади, — деб ишга киришдим. Кафтларим орасига туплаб, кетмонни қулоч бўйи кўтариб ерга урганимни кўрган уй эгаси: «Ёшлиқ ғайрати жўш уриб турибди. Ишни кўнгилдагидай бажаради», деган хаёлга борди шекилли, уйга кириб кетди.

Орадан ярим соатча вақт ўтгандан кейин қизғиш баркутдан кўйлак кийган, кўкраклари кенг, қора бўёкка бўялган сочлари бошига турмакларнган аёл чойнақда яхна чой олиб чиқди.

— Чанкаганда ичарсиз, — деди мулозимлик билан. Катта пахтагулли чойнақни хонтахта устига аста қўяётганда унинг оппоқ гўштдор билакларига назарим тушди. Гул ва қандиллардан бошқа нарсани ушламаган бу қўллар ғоятда юмшоқ туюлди менга. Унинг шошмаслиги, бирор нарсага куйинмаслиги сокин ҳаракат ва совуқ қарашларидан билиниб турарди.

Кетмоннинг дастасига суянганча шуларни ўйлаб турганимда бир асалари келиб, ғунғиллаб аёлнинг кенг елкалари узра айланди.

— Вой ўлмасам, чақиб олади-я, зорманда,— деб юзларини қафтлари билан беркитганча, лапанглаб, уйга кириб кетди.

Бир маҳал ҳовлига женси кастюм-шим кийган бола қўлларида тухумдай оппоқ тўпни ўйнаб, кириб келди.

— Привет, деҳқон бола,— деди донга тўйган хўроздай бўйнини баланд кўтариб.

— Салом,— дедим мен истар-истамас.

— Кетмонни уравер, тақдирларинг кетмонга боғлиқ,— деди тепамга бостириб келиб.

Шу топда шайтон бу олифтани кетмон билан солиб юбор, деди. Лекин ўзимни босдим, шаштимдан қайтдим. Бу олифта жисмоний чиниқиш майдонида тили оғзидан чиқиб, ҳансираганча тўп тепади. Аммо, сурпа сатҳидай келадиган томорқасида бир соат ҳам ишлашга бўйни ёр бермайди. Шуларни ўйлаганча намхуш ҳид таратиб турган тупроқдан токнинг чайир зангини чиқара бошладим. Бу қишлоқи бола билан ади-бади айтиб ўтириш фойдасиз деган ўйга борди шекилли: «Ишлайвер, деҳқон бола» деганча уйига кириб кетди.

Уй бекаси чойнакда қўйиб кетган яхна чойни хузурланиб ич-ётганимда ҳовлига ортидан қутирган ит қувгандай чошиб, бўйдор бир қиз кириб келди. Унинг оёқлари узун, юзлари кенг, сочлари ўғил болаларниқига ўхшатиб қайчиланган. Елкасида жигарранг сумка. Чамаси тўққизинчи синфларда ўқиса керак.

— Мамуля,— деди у баланд овозда. Ойиси ичкаридан садо берди.

— Қаймоқ егим келяпти,— деди эркаланиб қиз.

— Ҳозир қизалоғим, ҳозир айтганинг муҳайё бўлади,— деди ичкаридан ойиси.

Асилзода аёлнинг қизи елкасидаги сумкасини қўлига олиб, ўйнатганча ичкарига ўзини олди.

У ҳовлида бегона бола пайдо бўлибди, арзимас юмуш билан банд экан деган фикрни хаёлига ҳам келтирмади. Мен қандай иш билан ивирсиётганимга ҳам эътибор бермади.

Бир замон ҳовлига ориқ, узун, сариқ сочини ўнг томонга силлиқ қилиб тараган суратчи кириб келди. У келгач уй эгаларининг ҳаммаси ҳовлига чиқишди. Уй эгаси қора кастюм, оқ кўйлак, қора галстукда. Хотини қизғиш баркут кўйлакда. Ўғил ва қизи женси кастюм-шимларда. Суратчи суратга тушириш учун тайёргарлик кўра бошлади. Ҳаммалари гўёки бир тарихий санани нишонлаб, номларини, қиёфаларини абадиятга қолдирмоқчи бўлгандек бир алфозда туришарди.

Шундай қилиб, кун ўтди.

Кеч тушганда ток ва узумларни очиш поёнига етган эди. Мени эрталаб бу ерга олиб келган ГАЗик машина кеч тушгач уйимизга элтиб қўйди.

## КЎКОРОЛДА

Раиснинг топшириғини кош қайирмай бажаришга ўрганиб қолган директоримиз Ҳошим Қудратов залворли қадамлар билан синфга кирди. Кўриниши бирор ишни амалга ошириш тараддидидаги одамни эслатарди. Ҳаммамиз ҳурмати учун ўрнимиздан турдик.

— Салом!— деди катъий, ишончли оҳангда.

Биз бараварига хор бўлиб «Салом!»— дедик.

Ўринларимизга ўтирганимиздан кейин у физика ўқитувчиси Тожиали аканинг ёнига келиб, панжаларини бир-бирига чалиштирганча гап бошлади:

— Колхоз раиси бир топшириқни амалга оширишни мендан илтимос қилди. Ана шу топшириқни бажариш сенларга боғлиқ. Бунинг бажарилишини сенлардан илтимос қиламан. Хўш, у қандай топшириқ? Уни бажарса бўладими? Мен ўйлайманки, бу топшириқни бажарса бўлади. Раиснинг айтишига қараганда колхоз далаларида эгасиз қолган эшаклар кўпайиб кетибди. Ўша эшаклар эгасиз қолган эмас, уларнинг эгалари бор. Аммо эгалари машина ва матоцикл минишга қизиқишиб қолганликлари оқибатида эшакларини далага ҳайдаб юборганлар. Ана шу саёк эшакларнинг ҳар бири иккита сигир, тўртта бузоқ ейдиган ўтларни еб, соб қилмоқда. Демак, колхозда чорва молларининг ризқи қийилмоқда. Шунинг учун колхоз далаларида дайдиб юрган ортиқча эшакларни йўқотиш керак. Йўқот деганда уларни болта билан чошиб ташлаш керак экан, деган хаёлга бормаслик зарур. Йўқотишнинг осон йўли уларни Сирдарё ёқасидаги Кўкоролга ҳайдаб бориб, ташлаб келишдир. Маълумки, Оролнинг икки томонидан дарё оқиб ўтади. Улар ана шу Оролда яйраб, ўз-ўзидан кўпайиб яшайверишади. Ораларингда Кўкоролни кўрганлар борми?

— Кўкоролни кўрганмиз,— дедик ҳаммамиз хор бўлиб.

Ростдан ҳам ҳаммамиз Кўкоролни кўрган эдик. У Сирдарёнинг энг сўлим, серўт, ҳар-ҳар жойида ёввойи жийдалар бир-бирига айқашиб ўсиб ётадиган ерида жойлашган. У кишлоқдан ўн икки чақиримча узоқликда. Биз ёзги таътилда чўмилгани ана шу Кўкоролга борардик. У эркин чўмилишга, ҳордиқ чиқаришга, белга урадиган майсалари устида истаганча дам олиб ётишга, ёки тўп тепишга қулай майдон. Бу ерда сизни ҳеч ким безовта қилмайди, ихтиёрингиз ўз қўлингизда бўлади. Аслида болаларга мана шундай жой жуда ёқади. У ерга борсангиз Робинзондай фақат ер, сув, осмонни кўрасиз. Айни ёз пайтида Сирдарёдан Кўкоролга кечиб ўтиш мумкин. Чунки бу пайтга келиб, барча экинларга сув олинади. Шу боис, дарёнинг шитоби пасайиб, суви озайиб, катта ўзан ўрнида одам кечиб ўтса бўладиган кечув ҳосил бўлиб қолади. Ана шундай кунларда эшакларни Кўкоролга осонгина ўтказиб юборса бўлади. Куз келиши билан эса дарё яна қудратга тўлиб, суви тошади. Шунда эшаклар Оролдан бошқа томонга ўтолмай, ўша жойда киши билан қолиб кетиши мумкин. Директор анойи одам эмас. У мана шу ҳолатларни назарда тутаётган эди.

— Молодец, Кўкоролни кўрган экансанлар,— дея сўзида давом



этди директор.— Дарс тугагандан кейин уй-уйларинга бориб, чой ичиб оласизлар-да, кейин далалардаги саёк эшакларни бир жойга тўплаб, Кўкоролга ҳайдаб борасилар. Сўнгра қанча эшакни ҳайдаб борганларинг ҳақида менга ахборот берасилар. Мен эса шунча эшак Кўроролга «бадарга» қилинди; деб районга ахборот бераман. Тушунарлими? Колхозда 200 курка-товуқлар бор. Эшаклар семир-ганда курка-товуқларга сўйиб берамиз. Гўшт курка-товуқларни тез етилтиради,— деди сўзини якунларкан.

— Тушунарли,— дедик ҳаммамиз хор бўлиб.

Қишлоқ болалари учун чанг-тўзонли кўчада эшакларни қувиб ҳайдашнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Драс тугагандан кейин ҳаммамиз навбатдаги жангга тайёрланаётган аскарлардай уй-уйи-мизга қараб чопдик.

Кейин уч группага бўлиниб, бедазор ичида, пайнов ариқ бўйлари-да, чиябўрилар тинимсиз увлайдиган қамишзорлар орасида дай-диб юрган қулоқлари узун, юнглари ўсган, киприклари қаттик, туёқлари пўлат, думи калта, лекин овози баланд эшакларни қўлларда таёк билан бир жойга «ҳай-ҳайлаб» йиғиб, улар йўлини қишлоқ томон бурдик. Таёқлар зарбидан чўчиган эшаклар қишлоқнинг чанг кўчаларига қуюндай кириб келди. Уларнинг дупири қишлоқ тинчини бузиб, қулоқни қоматга келтирди. Қишлоқ кучли бир сил-кинши, кучли бир ларза ичида қолгандай бўлди. Одамлар дераза ва дарвоза олдиларига келиб, «бечора эшакларнинг гуноҳи нима экан, уларни ўғрилардай қувиб кетмоқдалар», деган хаёл билан бизлар амалга ошираётган ишларга қизиқсиниб қарашардилар. Биз эса уларни Кўкорол томонга шитоб билан ҳайдаб кетардик. Биз колхоз раиси ва мактаб директорининг топшириқларини бажараётганлиги-мизни ўша дераза ва дарвозалардан қараб турган одамлар билмас эдилар. Эркин, озод юришга ўрганиб қолган эшакларга бизнинг амримиз, ҳукмимиз эриш туюларди, бу амр ва ҳукм остида бўлишни улар истамас эдилар. Лекин шундай бўлса ҳам улар қора узунчоқ тумшуқларини осмонга кўтариб, пишқиришганча қишлоқдан чиқиб, Кўкорол томонга элтадиган йўлда қуқунранг булутлардай кўчиб боришарди. Улар кўчанинг чанг ва тўзонини қўкка кўтариб чопган сари бизнинг ғайратимизга-ғайрат қўшилар, дунёда бизга бундай завқли иш йўқ деган ният томирларимиздаги қонларимизни жўшти-риб юборган эди. Ахир, эртасига директорга рапорт беришимиз керак. Ўз навбатига директор районга рапорт бериши зарур.

Биз саёк эшакларни суви саёзланиб қолган дарёдан Кўкоролга қийналмай, осонгина ўтказиб юбордик. «Бу орол сизлар учун хавф-хатарсиз, бу ерда тишлари ўткир йирткичлар йўқ. Шундай экан, бу ерда яйраб, ўниб-ўсиб, кўпайиб юринглар»,— дея ортимизга қайтдик. Аммо бизнинг бу ниятимизни қулоқлари узун маҳдуклар билмас, ҳис қилмас эдилар.

Кунлар ўтган сари кундалик ўқиш ва иш билан овора бўлиб, Оролда қолган эшаклар аста-секин хаёлдан кўтарила бошлади. Шундай бўлиши табиий эди. Чунки бир муҳим нарса билан шуғуллансанг, иккинчи муҳим нарса хаёлдан кўтарилаверади. Аммо қишлоқда дув-дув гапнинг тарқалиши Оролдаги эшакларни яна

ёдга солди. Бу гап куйидагича эди: «Эгамберди Ҳайитов Тошкентдаги ҳайвонот борига эшак сўйиб сотар экан». Кишлоқда узун бўйли, япаски юзли Эгамберди Ҳайитов деган киши яшарди. У колхозда ёлчитиб ишлаган эмас. Ўша одам кейинги пайтларда кишлоқда кам кўринадиган бўлиб қолганди. Дастлабки пайтларда бунинг сабабини кишлоқдагилар пайқашмади. Қинғир ишнинг кийиғи қирқ йилдан кейин ҳам билинади деганлари рост экан. Кунлар ўтган сари Эгамберди Ҳайитовнинг қинғирлиги билиниб қолди. У чиндан ҳам Кўкоролда ўт сероблигидан семириб, беллари тахтадай тўғри бўлиб кетган эшакларни навбатма-навбат ушлаб, сўйиб, ҳар бирини шаҳардаги ҳайвонот боғига саксон сўмдан пуллар экан. У шу йўл билан анча пул жамғарибди. Жамғарган ана шу пулига Горький шаҳрида яшовчи бир рассомнинг янги «Волга»-сини сотиб олиб келибди. У машинани кишлоқ кўчаларидан ҳайдаб ўтаркан, одамлар «Ҳаром эшаклар пулига келган машинанинг каптардай учишини қаранглар-а», деб қўйяшар эди. Бу гапларни Эгамберди эшитмасди. Лекин «Волга»да кўчадан гоҳ у томонга гоҳ бу томонга ўтишини тарк этмасди.

Кўкламда Краснодар ўлкасининг ҳайвонот боғи келибди. Шунда Эгамберди эшак излаб яна Оролга борибди.

Орол сокин ва тинч экан. Эшаклар бирданига кўзга ташланмабди. Бир қўлида чархланган ўткир пичок, бир қўлида каноп арқон тутган Эгамберди Ҳайитов олдинга қараб юраверибди. Бир маҳал жийда дарахтининг остида турган қора ханги эшак кўзларини олайтириб, пишқирганича Эгамбердига қараб юрибди. Малларанг, юнглари ўсган яна тўртта эшак қора ханги ёнига кўшилибди. Эгамбердининг юраги ортига тортиб, бир муддат нима қиларини билмай гангиб қолади. Қора ханги ва унинг ёнидаги эшаклар эса у томонга бостириб келишарди. Шошиб, довдираб, эсанкираб қолган Эгамберди ортига тисарилиб, кочмоқчи бўлади. Шу аснода у чирмовиқ ўтларга чалишиб йиқилади. нбу орада қора эшак ва унинг шериклари етиб келиб, Эгамбердининг елкалари, бели, қуймичларини пўлатдай маҳкам тишлари билан тишлаб, орқа оёқлари билан тепкилай бошлайди. Бу воқеа жуда қисқа фурсатда — кўз очиб юмгунча рўй беради. Саросимага тушиб қолган Эгамбердининг қўлларидagi пичок ва арқон тушиб кетади. Энди у ўрмалаб қочар, нима бўлса ҳам жонини сақлаб қолиш учун бор кучини оёқ ва қўлларига йиғиб қочарди. Бир маҳал катта жар ёқасига келиб қолган Эгамберди ўйлаб ўтирмай, жон хлатда ўзини сувга ташлайди. Сув шалоп этганча чайқалиб, бундан ҳосил бўлган катта-кичик тўлқинлар кирғоққа келиб урилади. Эгамберди тушган жойда дарё гирдоб ҳосил қилиб оқарди. Шунинг учун у чуқур доира ҳосил қилиб оқадиган гирдобга тўғри келиб қолганди. У бутун кучини қўлларига йиғиб сузишга ҳаракат қилади. Лекин оғиз-бурнига кирган сув уни ҳолдан тойдирган эди. У аҳволи ғоятда мушкуллигини сезиб, бор кучи билан «Дод!», «Ёрдам беринглар!» дея нола қилади. Лекин атрофда эшаклардан бошқа бирор мавжудот бу ҳолатни эшитмасди. Эгамберди сувга ғарқ бўлади.

Кўкоролга эшакларни ҳайдаб боришимиз ана шундай қайғули воқеа билан тугади.

## ШИЙПОНДАГИ МАЖЛИС

Тонгда далага келсам, бригадир чакирди. Тинчликмикан деган ўй кўнглимдан ўтди. Чунки унинг қовоғидан қор ёғилиб турарди. Қайнонаси билан уришиб келганми ёки раис койиганми билиб бўлмасди.

— Хўш, хизмат,— дедим топшириқни бажаришга шай турган тобе одамдай. У менга кўзларини бигиздай қадаб деди:

— Бугун ғўзаларга сув тарашда Нурқулга ёрдамлашасан. Лип этиб Нурқул сув тарайдиган пайкалга ўтдим. Ўқариқ бўйида катта босволди қовунни Чуст пичоғи билан тилим-тилим қилиб кесиб, еб ўтирган Нурқул беларволик билан: «Кел, ўқувчи бола!»— деди.

Ёнига аста ўтирдим. Қўлимга бир тилим қовун узатди. «Раҳмат!»— дея қовун тилимини олдим.

— Қовунни еб бўлгач, иккинчи ўқариққа сув тараймиз. Туш бўлгач шийпонга ўтамиз. Шийпонда колхоз халқ назорати раиси мажлис ўтказаркан. Буни бригадир Ўринбой айтди. Ана шу мажлисга борамиз,— деди Нурқул менга синчковлик билан назар солиб. Бригадирнинг қовоғидан нега қор ёғаётганлигига энди тушундим. Ҳар ҳолда халқ назорати раиси ўтказадиган мажлисда мақтов гаплар айтилмаса керак. Мажлисда бирор муҳим масала хусусида гап бориши аниқ эди, чамамда.

— Сиз нима десангиз ўша нарсани амалга ошираман,— дедим Нурқулга илтифот билан.

Нурқул оқкўнги одам. Бировни ноўрин ранжитмайди. Бунинг устига болафеъл. Болалар билан тезда тил топишиб кетади. Айтгандай яқинда унинг туядай келадиган Зайнаб билан никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Зайнаб унинг болафеъллигини ёқтириб қолган экан, ота-онаси шу Нурқулга турмушга узатсак розилик берасанми деб сўрашганида уялиб-тортиниб ўтирмай «Нурқулни ҳурмат қиламан»,— деб айтибди. Ҳурмат қиламан дегани — яхши кўраман дегани эмасми?

— Зайнаб янга билан яшаяпсизларми?— деб сўрадим Нурқулдан.

— Ох, нимасини айтай, биримиз Тоҳир, иккинчимиз — Зухра,— деди Нурқул. Сўнгра қўшимча қилди:

— Уйланиш ҳаётдаги энг лаззатли дақиқа. Бу лаззатни уйланганлар билади, холос. Ростини айтсам, сен бу лаззатни хали билмайсан, ammo вақти-соати келганда англаб етасан. Шунда яшагинг, яна яшагинг келаверади.

— Ўқариққа сувни қачон тараймиз?— дедим атайлаб гапни бошқа томонга буриб.

— Иш тулки эмас, сойга қочиб кетмайди. Сувни тушдан кейин, офтобнинг шашти қайтгандан кейин тараймиз. Ҳозир эса миямга бошқа бир фикр келиб қолди. Нималигини айтайми?

— Айтинг,— дедим бирор янгилик кутгандай ундан.

— Менинг елка-белимни оёқларинг билан эзгилаб босасан,— деди.

— Нима учун?

— Танам яйраб, дилим равшанлашади.

Нуркул ўрнидан туриб кўм-кўк майса ўсган ариқ бўйига борганда осмон ҳавас қилгудек даражада мусаффо эди. У юмшоқ майса устига юзтубан ётди. Бақувват қўлларини икки томонга ёзиб юборди. Энди у олам ташвишларини, ҳатто яқинда Зайнаб билан никоҳ тўйлари бўлганлигини ҳам унутган эди. Фақат шу эмас, оламда миш-миш, шубҳа-гумон, изтироб, ўкинч борлиги ҳам хаёлидан кўтарилган эди. Мен унинг кенг елкаларини оёқларимнинг товони ва кафтлари билан эзгилаб боса бошладим. Бу унга бирданига хуш ёкди, маза қилганидан қисик кўзларини юмиб олди. Кейин: «Баракалла, баракалла, Умрингдан барака топ. Илойим шоир Жамбулнинг ёшига киргин»,— деди. Бу сўзлар билан у мени рағбатлантирар, бу муолажани давом эттирилишини истарди. Мен ҳам унинг кўнгли равшан тортаётганлигини сезиб, бу ҳолатни сидқидилдан адо этишга интилардим.

— Ассалому алайкум,— деган овоз яқиндан эшитилди. Шунда мен Нуркулнинг елкасидан ерга тушдим. Салом берган киши қўшни пайкал сувчиси Тоштемир эди. Тоштемир эти устихонига ёпишган, ҳиссиз кўзлари ич-ичига чўккан, болдир ва билаклари кирғич дастаидай ингичка бир киши эди.

— Келинг, Тоштемир,— дея Нуркул ўрнидан турди ва оқ кўйлагини эгнига илди. Тоштемир ўзини тутолмаган қарахт одамдай довдираб Нуркулнинг ёнига ўтирди.

— Яна наша чекдингиз?— деди Нуркул унга норози оҳангда қараб.

Тоштемир жавоб бериш ўрнига нарироқда оқаётган ўқарикқа қараб:

— Дарёни кўряпсанми? Биз томонга қараб оқаяпти. Қочиб қолайлик, ҳозир бутун ер юзини сув босиб кетади. Сув ичидаги наҳанг балиқлар бизни бир ямлаб ютиб юборади,— деди.

Тоштемирга раҳмим келди. Нима учун у нашага рўжу кўйган? Ўттиз йилдан бери пайкал, ўқарик ва сувдан бошқа нарсани кўрмагани учун шундай қилганми? Ёки бир хил иш, зерикарли ҳаёт уни шу кўйга солдимикан?

— Сен дам ол, биз мажлисга борамиз,— деди Нуркул Тоштемирга қараб. Тоштемирни мудроқ босди. Мен Нуркулга эргашиб, шийпон томонга йўл олдим. Мудроқ босган Тоштемирнинг ўпкаси тўлиб, пиқиллаб йиғлагани қулоғимга элас-элас эшитилди. Қуёш қиларди.

Шийпонга келгач тушликка макарон шўрва ичдик. Кейин мажлис бошланди. Ерга ёйилган гиламнинг устига Нуркул билан ёнма-ён чордана қуриб ўтирдим. Мажлисни колхоз халқ назорати раиси Эргаш Мусаев очди:

— Ўртоқлар, бутун биз бригада механизатори Мустафоқулнинг ноҳўя ҳаракатини, яъни колхоз мулки бўлган культиваторни икки шиша ароққа пуллаб юборганлигини муҳокама қиламиз. Мен олдин бўлиб ўтган воқеани ахборот тариқасида сизларга тушунтириб ўт-

моқчиман. Ўтган якшанбада Мустафоқул культиватор тиркалган тракторда қўшни колхозга ароқ излаб боради. Тракторни колхоз дўконининг олдида тўхтатиб, ароқ ичгани дўконга киради. Олдинига ярим стакан ароқ ичади. Шу ярим стакан ароқ кейинги бир стаканга ва ундан кейинги ичилган стаканларга йўл очиб беради. Ақлдан озганча ичган Мустафоқул трактор рулида эканлигини ҳам унутади. Ёнидаги шериги яна ичамиз деган таклифни ўртага ташлайди. Шунда шерланиб кетган Мустафоқулнинг ёнидаги пули тугаган эди. «Тракторни сотаман, олувчи борми?»— дейди дўконда озгини кўпиртириб. Тракторининг культиватори эскирган бир йигит: «Тракторни эмас, культиваторини сотсанг, оламан»,— деди. «Марҳамат, культиваторни ечиб ол»,— дейди Мустафоқул ҳалиги йигитга. «Неча сўм тўлайман культиваторингга?»— дейди олмоқчи бўлган йигит. «Икки шиша ароқ олсанг бўлади»,— дейди Мустафоқул. Шундай қилиб, у колхоз мулкани икки шиша ароққа сотиб юборади. Мажлисда унинг ўзи иштирок этаяпти.

— Қани, ўрнингдан тур-чи, Мустафоқул,— деди колхоз халқ назорати раиси.

Мустафоқул бошини елкалари ичига қисиб ўрнидан турди.

— Мен айтган гаплар тўғрими?— деди назоратчи.

— Тўғри,— деди Мустафоқул кўзини ердан узмай.

— Бу иш жиноят эканлигини англаганмидинг?

— Англамагандим, англаганимда бундай қилмас эдим.

— Нима учун қўшни колхоз дўконига бординг?

— Чунки бизнинг колхоз дўконига ароқ йўқ эди.

— Жуда ичгинг келганмиди?

— Ичгим келганидан бордим-да!

— Нима учун колхоз тракторида бординг?

— Тракторда юришга ўрганиб қолганман.

— Ишдан кейин трактор колхоз паркида туриши керак эмасми?

— Колхоз паркида туриши керак.

— Бу бригадада таълим-тарбия ва меҳнат интизоми издан чиққан, ўртоқ Ўринбой Қудратов,— деди назоратчи бригада бошлиғига қараб.

Шунда ковоғидан қор ёққан Ўринбой ўрнидан турди.

— Менда шундай таклиф бор: культиваторни олиб келиб тракторига тиркаб қўйсин. Кейин тракторни шахсий манфаати йўлида фойдаланганлиги учун жарима солинсин.

Мажлис охирида Мустафоқулга юз сўм жарима солишди.

— Бугунги йиғилиш натижаси район газетаси саҳифасида эълон қилинади. Токи, бу иш бошқа ичувчи механизаторлар учун ўрнак бўлсин,— деди назоратчи сўзини тугатаркан.

## КАТТА КЕЛАРМИШ

Атрофи арча билан ўралган колхоз идораси олдида тўпландик. Арчаларга сув пуркалиб, ювилган. Топ-тоза. Йўлларга ҳафсала билан сув сепилган. Сувни колхоздаги букри чол Юнус ота

сепган бўлса керак. У бу ишни алоҳида иштиёқ билан бажаради. Кўчаларга сув сепаётганда йўловчиларга қарата «пўшт-пўшт» деб кўяди. Бу унингча жудамҳим ишни бажарётганлигини англатса керак. Сув сепаётганда тиззаларига ямоқ тушган шими, ёқа ва енгларино моғор босиб кетган кўйлаклари ивиб, ориқ бадаиига ёпишиб қолади. У унга парво қилмайди. Назарида худди шундай бўлиши керакдай. У яна сув пуркагични кўтариб чиқди. «Пўшт-пўшт»лаб олдин сув сепилган йўлга яна сув сена бошлади. Мен байрамга чиқкандай ясашиб, бўйинларига кизил талстукларини тақиб олган синфдошларим билан ўзимни йўл чеккасига олдим. Сал нарида раис семиз қорнини олдинга чиқариб, қўлларини орқасига қилганча дам олдинга, дам орқага юриб турарди. Сув пуркагични бағрига босиб олган Юнусни кўргач: «Молодес», деб кўйди. Бу сўз уни завқлантирди шекилли қадамларини тезлаштириб, пуркагични бошидан баландга кўтарди. Сув зарралари ерга шаршарадай бўлиб тўкила бошлади. Ахир, катта келади, ялтироқ туфлисига чанг инмаслиги керак-да.

Шу пайт совуқ бир шубҳа миямни тимдалади. Катта келгандан кейин болалар унга гуллар тутади, бахтиёр болаликни яратиб берганлари учун унга миннатдорчилик билдиради. Кейин музика оҳанглари — чилдирма садосига қўшилиб, ажиб бир тантанавор кайфият бахш этади. Атлас кўйлак кийиб олган кизлар ўйин тушади. Кейин раис колхозда олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот беради. Пахтага ишлов берилаётгани, олмалар терилиб ахборот беради. Пахтага ишлов берилаётгани, олмалар терилиб давлатга топширилаётгани, моллар сўйилиб, гўшт плани ўринлатилаётганлиги, уч йилга стадиган ҳашак жамғарини иши жадаллаштирилаётгани, янги боғча, янги мактаб курилаётгани ҳақида бир ростга ўн ёлронни қўиб гапирди. Кейин нишондор бригада бошлиқлари сўзлайди. Шундан кейин мен шеър ёд айтишим керак. Шубҳаланганимнинг сабаби шундан. Борди-ю, шеър ўқиётганда адашиб қолсам, иш расво бўлди деяверинг, нақд мактаб диектори, колхоз парткомидан балога қоламан. Шунинг учун уч кундан бери мактабда, уйда ёдлаб олган шеърмни ичимда ўқий бошладим. Ҳар бир сатр дилимга жо бўлиб қолиши керак!

Район маданият бўлимининг мудирини ҳаммамизни бир сафга тизди.

— Катта келишларига оз қолди, тайёр бўлиб туринглар, — деб огоҳлантирди. Куёш эса қиздириб борарди. Мен қўлимни манглайимга қилиб, атрофга кўзларимни қисиб қарардим. Аммо каттадан дарак йўқ эди. Йўлнинг четида орқага, олдинга бориб келаётган раис дам-бадам соатига қараб кўярди.

— Келмаяптилар-ку! — деди Мастура мактаб директорига.

— Жим бўл. Келадилар.

— Яна қанча кутамиз? — деди Фулом.

— Ўн соат ўтса ҳам кутамиз, — деди директор.

— Қорним очди, — деди пешонаси тиришган Асрор.

Шунда нимжон Гулбаҳор шилқ этиб йиқилди. Синф раҳбаримиз уни кўтарганча колхоз медпунктига олиб кетди. Бир маҳал ГАИ

ходимларининг тепасида кўк чироғи ёнган машинаси кўринди. «Ана келаяпти»,— деди кимдир. Ҳамма кун чиқиш томондаги йўлга қаради. Олдидаги никллари қуёшда ялт-ялт этганча «Чайка» машинаси кўринди.

— Чилдирмани чалинглар,— деб хитоб қилди район маданият бўлимининг мудирини. Чилдирма гижбанглади, музика оҳанглари янгради. Катта бир шодӣёна бошлангандай бўлиб кетди. Машинадан ним табассум билан тушган раҳбар сийраклашган сочларини ўнг ва чап кафтлари билан ортига енгилгина силаб қўйди. Кейин аста-аста қарсақ чалиб, биз томон юра бошлади. Мен ёд олган шеъримни яна ичимда такрорлашга тутундим. Пионерлар гул тутишгач, идора олди байрам тантанаси тусини олди. Менга навбат келай деганда катта узун қўлларини кўтариб «кетдик» деган ишорани қилди. Ҳамма апил-тапил каттанинг ортидан жўнаб қолди. Шу чок ҳамма бизни унутган эди. Пуркагичда кўчаа сув сепган Юнус ота ҳам барчанинг эсидан чиққан эди. Аммо партком Аликул одамлардан ситилиб чиқиб, бир чеккада турди. Кейин менинг олдимга келиб «Шеърни ўқи!» деди. Мен ҳайрон бўлдим.

— Катта кетиб қолди. Энди шеър ўқишининг фойдаси йўқ-ку?— дедим.

— Ўжарлик қилма, ўқи дедимми, ўқи,— деди буйруқ оҳангида.

— Фойдаси йўқ-ку, ўқиганим билан,— дедим яна.

— Ўқишининг керак, чунки каттани кутиб олишга бағишланган тадбирда шеър ўқилади деб кўрсатганмиз. Шеърни ўқийсан. Кейин биз шу масала юзасидан шеър ҳам ўқилди, деб қарор қабул қиламиз. Қарорни райкомга ўнатамиз. Энди тушунгандирсан?

— Тушундим,— дея шеърни ўқий бошладим:

*Сен зарурсан пахтажон  
Уфқнинг олгин ранги,  
Сенсиз оққа чулғанмас  
Ўзбекистоннинг тонги...*

Қуёшда мисдай қизиган болалар шеърни базўр тоқат қилиб тинглашдилар. Кейин шошилиб қарсақ чалдилар.

— Бу бошқа гап,— деди Аликул. Сўнгра оғир бир юкдан халос бўлгандай тез-тез юриб, идорага кириб кетди.

Уйга келганимда онам қарши олди:

— Шеър ўқидингми, ўғлим.

— Ўқидим.

— Чарчагандирсан?

— Бундан кўра далада кун бўйи ишлаганим маъкул эди.

— Ўтир, чой дамлайман.

— Совуқ сув беринг, ичим ёнаётганга ўхшайди.

## УЙИМИЗГА МИЛИСА КЕЛДИ

Эрталаб ўрнимдан туролмадим. Киприкларимни кўтаришга кув-т йўқ. Бошим оғриydi, иштаҳам бўғилган. Ўрнимдан турмай ёта-рсам дейман. Аммо ётиб бўбсан. Отам бошимга келиб: «Далага к» — деди. Шунда инграган оҳангда «Касалман» дедим. Отам дамай нари кетди. Онам келиб пешонамни босиб кўрди:

— Толиқибсан, болам, толиқибсан, — деди. Онамнинг ёқимли длари руҳимни кўтарди. Кўнглим ёришгандай бўлиб ўрнимдан рдим.

— Ётиб дамингни ол, мен мастава қилиб келаман, — деди онам. айта ётдим. Маставадан рим коса ичдим. Мастава ичганим амни хурсанд қилди шекилли, кўзларида умид учкунлари чақнади.

— Отанг дўхтирни айтиб келгани кетди, — деди онам майин фтлари билан бошимни силаркан.

Эртасига ҳам далага чиқолмадим. Уйга кишлоқ Совети раиси тонакул билан участка милисаси Қоплон келди.

— Ўғлингиз нега пахтага чиқмади, — деди Остонакул кўзларида заб ўти ёниб.

— Касал, — деди отам заиф оҳангда.

— Дўхтирдан справкаси борми? — деди участка милисаси оллон.

— Справкаси йўқ, — деди отам.

— Справкаси бўлмаса нега ётади, — деди милиса.

— Энди иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, деганлар, — деди ам.

— Дўхтирдан справкаси бўлмаса касаллигига ишонмаймиз, — ди милиса.

— Дўхтирга бордим. Юз сўм берсангиз справка ёзиб бераман, ди номард.

— Қайси дўхтир экан у? Фамилиясини айтинг, ОБХСС ходими-топширамиз, — деди кишлоқ Советининг раиси.

— Фамилияси Худойқулов, ўзимизнинг кишлоқдан чиққан дўх-ди. Район шифохонасида ишлайди, — деди отам.

— Биз дўхтир билан гаплашиб кўямиз. Лекин ўғлингиз эртага пахтага чиқсин. Колхоз районда биринчи бўлиб планни бажарай-иб турибди. Райком секретари «Наъра тортинглар, жасорат кўр-тинглар», деяпти. Райком секретари шундай деб турган пайтда ди кимнинг касал бўлишига ҳаққи йўқ, — деди кишлоқ Советининг аиси.

Аммо мен эртасига ҳам пахтага чиқолмадим. Отам юз сўмни дига солиб, мени дўхтирга олиб борди. Дўхтир танасида дармон-излик, камқонлик бошланибди деб беш кунга справка тўғрилаб рди.

Беш кун ўтгач, далага чиқдим. Ўқитувчимиз Кўрғонбой қовоғини салтирганча қарши олди:

— Одамни уятга кўйдинг-ку! Кишлоқ Советининг раиси милиса ман бирга келиб, теримдаги ўқувчиларни бирма-бир санаб чиқиш-ди. Сен билан бирга олти нафар ўқувчи теримга чиқмаган эди, тепа члари тикка бўлиб кетишди.



Мен индамай этагимни боғлаб, гўзалари одам бўйи билан баробар бўлиб говлаб кетган эгат ичига тушдим. Биздан сал нарида колхозчилар турна қатор бўлиб пахта теришарди. Шунда бир аёл «Ёрдам беринглар!» дея кун иссиғида оқариб кетган рўмолини силкитди. Ҳўқитувчимиз Қўрғонбой овоз чиққан томонга қараб тез юриб кетди. Унинг ортидан биз ҳам бордик. Эгат ичида Бозоргул деган аёл беҳуш ётарди. Бошига бир этак пахтани болиш ўрнида қўйиб қўйишганди. Халиги рўмолини силкитган аёл биғиллаб йиғлаётган чақалоқни этакка ўраб олганди.

— Бозоргул эгат ичида туғди, — деди ҳўқитувчимизга кўкраклари босволди қовундай келадиган полвон аёл. Кейин у қўшимча қилди:

— Бозоргул уйида бир ҳафта бетоб бўлиб ётганди. Кеча уйига кишлоқ Совети раиси билан участка милисаси бориб далага чик, деб қаттиқ талаб қилгач бугун теримга чиққан экан, мана, зўриққанидан туғиб ҳам қўйди. Чала туғилган бола оламдан кўз юмса уволи кишлоқ Совети раиси билан милисани урсин.

Мен полвон аёлнинг гапидан кейин масаланинг моҳиятига тушуни етгандай бўлдим. Буйти — ўша бизниқига ҳам келган икки кишининг иши эканлигини англадим.

Пахтазор гўё оппоқ кўпикли денгизга айланиб, дилни эзувчи, дардли қўшиғини айтиб, кирғоққа фарёд билан урилаётгандай эди. Менинг киприкларимга аччқик ёш қалқиб чиққан, бу ёшлар юзларимни ачитиб, кўксимга оқиб тушарди. Қўлларим дармонсизланиб, оёқларимдан мадор кетганди. Эгат ичида кета туриб «инсофсизлар», дедим алам билан.

Ҳўқитувчимиз велосипедни миниб «тез ёрдам» машинасини чақиргани кишлоққа кетди.

Орадан беш кун ўтмай Бозоргулнинг эгат орасида туғилган чақалоғи нобуд бўлганлигини эшитдик. Пахтазордаги ташвиш, дард Бозоргулнинг хонадонини четлаб ўтмаганди.

Кечки пайт пахтани торттиргани чикдик. Мени синф раҳбаримиз четга чақириб:

— Бугун терган пахтагни Мавлуда Исмоилованинг номига ўтказ, — деди тагдор оҳангда.

— Нега? — дедим таажжубланиб.

— Менинг айтганимни қил.

— Мен терган пахтагни директор жиянининг номига ўтказмайман. Ахир, бу пахтани эгилиб ўз қўлларим билан терганман-ку.

— Биламан, тергансан. Юқоридан шундай топшириқ берилган.

— Юқори-пукорингизни билмайман. Ўзим терган пахта ўзимнинг номимга ўтказилади.

Шундай қилиб, пахтани ўзимнинг номимга ўтказдим. Қолган бир тўп ҳўқувчилар терган пахталарини Мавлуда Исмоилова номига ўтказишди. Кейин билсам, Мавлуда Исмоилова илғор ҳўқувчи сифатида орденга тавсия қилинган экан. Бизни ростгўйликка ўргатишга сафарбар этилган синф раҳбаримиз ҳукуматни алдаганига ҳайрон қолдим. «Уни судга бериш керак. Судни мактаб ҳовлисида очикчасига ўтказиш керак», — дедим ичимда.

Бу фикримни онамга айтганимда «Қўнглим тинч бўлсин де-

санг, ўзгаларнинг кўнглини тинч қўй, болам»,— дедилар. Рос-  
тини айтсам, шунда бир оз шаштимдан тушгандай бўлдим.

## АФҒОНИСТОНДАН ҚАЙТГАН ИСЛОМ

Даладан қайтсам укам Собир олдимга югуриб чикди:

— Ислом келди,— деди кўзлари пирпираб.

— Қайси Ислом?— дедим ўзимни бепарволикка олиб.

— Урушга кетган Ислом-да? Дадам, онам уни қўргани ке-  
тишди. Шис кўргани бормайшизми?

— Бораман.

Лип этиб Исломларникига ўтдим. Исломни кўрдим-у кўзларим-  
га ишонмай қолдим. Унинг юзларини мушук ўткир тирноқлари  
билан тимдалаб ташлаганга ўхшарди. Қошлари эса мутлақо йўқ  
эди. Мен кўрқиб кетдим. Аммо шу дам ичимда «Ҳайрият, тирик  
қолибди-ку», дедим. Ислом кўришмоқчи бўлиб қорайиб кетган,  
ингичка кўлларини чўзди. Илик кўришдик.

— Яхши юрибсанми, ука,— деди бир гуноҳ иш қилиб қўйган  
одамдай.

— Далада ишлаб юрибиз,— дедим хисоб берган одамдай.  
Ислом билан кўк айвондан ўтиб ичкаридаги хонага кирдик. Хона  
одам билан лиқ тўла эди. Ҳамма чордона қуриб, ундан-бундан  
гаплашиб ўтиришибди. Уларнинг гаплари қизиқ кетганлиги сабаб-  
ли менинг кирганимга унча эътибор ҳам бермадилар.

бир пас ўтирганимда кейин олдин чинни, кейин сопол ко-  
саларда шўрва келди. Косалар қўйиб бўлинди, тўрда ўтирган чўкки  
соқолли Нурмат бобо: «Нондан тўғранглар, болаларим, нондан  
тўғранглар»,— деб, ўзи косадаги шўрвага нон тўғрашни бошлаб бер-  
ди. Ўтирганларнинг ҳаммаси нон тўғрашга тутинди. Афғонистондан  
ғолиб бўлиб қайтган Ислом ҳам ўнг бурчакда тиззалаб ўтирганича  
индамай шўрвага нон тўғради. Мен эса Исломдан кўзимни узолмас-  
дим. Унга раҳмим келарди. Ҳали уйланмаган, ўн гулдан бир  
гули очилмаган йигит юзларидаги нохуш тирноқ изларидан, қош-  
ларининг йўқлигидан ички бир изтиробда, ўзини ноқулай сезиб  
ўтирарди. Умуман, Исломни кўрган ҳар бир киши унга ачинар,  
дили эзиларди. Аммо унинг онаси қандай аҳволда экан? У ўз  
фарзандини шу аҳволда кўраман деб аскарликка кузатганмиди?  
Ота-чи? Ота ич-ичидан куйиб, фарзандига билдирмай йиғласа  
керак. Қайси ота-она фарзандининг хушсифат, кўркәм бўлишини,  
давраларда юлдуздай чарақлаб туришини истамайди дейсиз? Ота-  
онанинг ички дардини Ислом ҳис этмайдими, сезмайдими? Ҳис  
этади, сезади. Ҳис этгани, сезгани сайин ҳам унинг жигари қонга  
тўлади, томоғига тиконли нарса тиқилгандай бўлади. Бунинг оқибат-  
ида боши айланиб, кўз олди қоронғилашади. Шунда ўзини ўзи  
бир ёқлик қилиб юборишни ҳам ўйламайди дейсизми?

Шўрва ичиб бўлинди. Ўтирганлар юзларига фотиҳа тортиб, ўринларидан кўзгалдидар. Хонада Ислом, унинг учта ўртоғи ва мен қолдим. Шунда юзларидаги чандиқларнинг сабабини сўрама-сак ҳам Ислом ўз-ўзидан гап бошлаб юборди:

— Жалолобод яқинидаги дўппидайгина кишлоқ ёнида эдик. Кишлоқ тўя ўрқачига ўхшаган паст-баланд тепаликлардан иборат эди. Тўлин ой чиққан эди. Шунда бирдан душманлар хужум қилиб қолишди. Атроф тўс-тўполон бўлиб кетди. Окшомги чанг ва тўзоннинг ичида бир-биримизни кўрмай қолдик. Мен бағримни тупроққа бериб ётганча «Ҳамдам қаердасан?» деб кичқирдим. Ҳамдам овоз бермади. Шунда бир нарса бошимга қаттиқ урилди. Ҳушимдан кетдим. Бир пайт кўзимни очсам, етгита йигит бир жойда бўридан кўрққан қўйлардай тўп бўлиб турардик. Қўлларимиз орқага бойланган. «Асир тушибмиз»,— дедим ичимда алам ва кўрқинч билан. Тўртта қора сокол қўйган, елкаларига автомат осган киши бизни ой ёруғида паст-баландли қирлардан ҳайдаб ўтиб кетди. Тун яримлаб қолганда шувоклар ўсадиган бир қирнинг ёнбағрига келдик. Бу ерда одам бўйи келадиган ўралар қазилган экан. Еттовимизни етти ўрага туширишди. Бошимиз ўрадан чиқиб турарди. Устимиздан тупроқ тортишди. Бўғзимиздан пасти тупроқ ичида қолган эди. Кейин ҳалиги тўртала соқолли кишилар қаёққадир кетишди. Не кўз билан кўрайликки: орадан кўп ўтмай атрофимизда бир тўда оч жайралар пайдо бўлишди. Жайранинг бири Ҳамдамнинг қулоғини ғарч этиб тишлаб, устки қисмини узиб олди. Улар дод-фарёд солганларича қаллаларини қимирлата бошлашди. Шунда бир жайра шайтоннинг ўқидай мен томонга югурди. Унинг совуқ мўйи юзларимга тегай деганда юзига шиддат билан тупурдим. У бундан чўчиб ортига чекинди. Мен яна оғзимга тупугимни тўлдириб, ўзимни ҳамлага шайлаб турдим. Бояги жайра яна менга қараб шитоб билан югурди. Бу гал тупурган тупугим унинг юзларига тегмай ўтди. У менинг ўнг юзимга тирноқларини ботиришга улгурган эди. Юзимдан қон оқа бошлади. Мен бошимни ўнг ва сўлга зарб билан силқитдим. Учинчи марта келганида жайранинг бири менинг ўнг қошимни тишлаб, узиб қолди. Шунда энди мен ўларканман деган хаёлга бордим. Бу хаёлдан кўрқиб, бутун танам музлаб кетди. Тўртинчи марта келишганда чап қошимни тишлаб, юлиб кетди. Ерда томоғигача кўмиб ташланган йигитлар оч жайраларга қарши курашиш, улар ҳамласига ҳамла билан зарба бериш имконидан маҳрум эдилар. Уларнинг бири ўкириб йиғласа, бири оғзидан тупук сачратиб, фарёд қиларди. Гўё қиёмат қойим бўлган эди. Атрофда бирор кимса уларга мадад қўлини чўзмасди. Фақат бу аянчли ҳолга гувоҳ бўлган тўлин ой осмонда осилиб турарди. Бу орада шерикларимнинг икки-учтаси овоз чиқармай, жимиб қолишди. Афтидан уларнинг қулоқларини, бурунларини, юзларидаги гўштни жайралар еб бўлишган эди. Бундан кўра душманлар отиб ташлаганлари маъкул эмасми?

Бир маҳал ўша соқолли душманлар келиб қолишди. Оч жайралар қандай келишган бўлса, шундай ғойиб бўлишди. Соқоллилар

бир-бирларига нимадир дейишди. Кўзлари кўкиш, юзлари совук бир киши менинг бошимга келди. Мен унга: «Отиб ташла»,— деб бақирдим. У менинг аянчли ҳолимга бир нафас қараб турди. Ачинмади тошбағир. Кейин олдимдан нари кетди. «Инсоннинг ҳам дийдаси шанчалик тош бўладими?»— деб ўйладим. Шу пайт бизникилар келиб қолишди. Душманлар олди-кетига қарамай, кочиб қолишди. Ўзимизникилар мени кўмилган жойимдан чиқариб олишди, кейин шифохонага жўнатишди. Қолган олтита шеригим ҳаётдан кўз юмган эдилар.

Хонага Исломнинг онаси Ҳидоят ая кириб келди.

— Исломга орден беришибди. Орден унинг жароҳатини тузатаолармиди?— деди титроқ овозда Ҳидоят хола. Исломнинг бир дарди-дарди онанинг юрагида ўн дард бўлиб илдиз отган эди. Исломларникидан бағрим қонга тўлиб, уйга келдим. Алла маҳалгача ухлолмай ётдим. Бир пайт кўзим илинган экан, туш кўрибман. Тушимда оч жайралар Исломнинг қошларини ямлаб ютарди.

## БЕДАНА УШЛАЙМАН ДЕБ...

Сунбуланинг қуёшли кунларидан бири эди. Қуёшнинг илик нури оғушида пахта теришнинг ўзгача гашти бор. Биз — ўқувчилар ўзимизга ажратилган пайкалда йиғим-терим иши билан машғул эдик. Шунда олтин куз тутлари шапалоқдай кўм-кўк баргларини ёзиб турган уватга ГАЗик машина келиб тўхтади. Мошранг ГАЗикдан оқиш кастюм-шим кийган, узун бўйли киши тушди. Директоримиз Ҳошим ака машинанинг олдига югуриб борди. Биология ўқитувчимиз «РайОНО мудири келди»,— дедилар. Барчамиз бир муддат ўша томонга қарадик. Машинадан яна бир киши тушди. У бочкадай юмалоқ, семиз киши эди. Енгсиз кўйлагининг ёнларини қокқан бўлиб, ўзини бир чеккага олди. Қўлидаги газеталар тахланини пешонасига қўйиб қуёшга қаради. Орадан кўп ўтмай директоримиз Ҳошим ака ўқувчилар орасига келиб: «Теримни яна ярим соат давом эттириб, кейин тушликка чиқасилар. Туш пайтида Тошкентдан келган шоир Берди Ражабий билна учрашув бўлади. Шоир болалар ҳаётига бағишлаб ёзган асарларидан ўқиб беради»,— деди.

Ҳаммамизнинг қалбимизни шоир билан бўладиган учрашувнинг завқи-шавқи қамраб олгандай бўлди. Ахир, шоир билан бўладиган учрашув кишлоқ болалари учун камдан-кам содир бўладиган ҳодиса эмасми? Тирик шоирнинг ўзини яқиндан кўриб, шеърларини эшитиш барчамизга мароқ бағишламайдими? Китоб ёзган шоирлар одамларнинг гули ҳисобланади деган эди, Қаҳҳор тоғам. Омадимизнинг кулганини қаранг-а, шоирнинг ўзи бизларни излаб пахта тераётган пайкалимизга келибди.

Ярим соатдан кейин ҳаммамиз терган пахталаримизни кўтариб, шийпонга чиқдик. Пахталарни тортириб бўлгач, уват бўйидаги тут дарахлари остига этакларимизни ёзиб ўтирдик. РайОНО мудири, шоир Берди Ражабий, директоримиз Ҳошим ака шошмай

олдимизга келдилар. Учрашувни Ҳошим ака кириш сўзи билан очди:

— Азиз ўқувчилар,— дея сўз бошлади у,— бугун биз эсас-эсэр ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, талантили шоир, 14 та шеъррий ва насрий китобларнинг муаллифи, ўзбек совет адабиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ижодкор Берди Ражабий билан учрашувга тўпландик. Район халқ таълими бўлимининг мудри, хурмати Шермат Тўраевич Тўраев шоирга ҳамроҳ бўлиб келганлар. Қани, уларнинг хурмати учун бир қарсақ чалиб юборинглар,— деди.

Ҳаммамиз бараварига қарсақ чалдик. Бундан руҳланган шоир орқага силлиқ қилиб таралган сочларини ўнг қўли билан силаб қўйди. РайОНО мудри кастюмига мослаб тақилган оқиш бўйинбоғини тўғрилаган бўлди. Директоримиз парвозга шайланаётган кушдай бўйинини олдинга чўзиб «Шоирнинг қобилияти, заковати, билими ёзган шеърларидан билиниб туради. Сўз навбати заковатли шоиримиз Берди Ражабийга»,— деди.

Бочкадай юмалок, семиз шоир икки қадам олдинга юрди. Олдин киприклари пирпиради, кейин қошлари чимирилди. Гўштдор юзларида ўзига ишонч ва мағрурлик аломати пайдо бўлди. Газеталар тахлами орасидан қизил муқовали бир китобини олди. Китобни бизларга кўрсатиб, қўлида ушлаганча сўз бошлади:

— Менинг юрагим ҳамиша қишлоққа талпинади. Қишлоқ кишилари, қишлоқ ёшлари асарларимнинг қаҳрамонларидир. Сизлар ҳам кўп ўтмай асарларим қаҳрамонларига айланасиз. Ана шу иштиёқ билан хузурларингизга талпиниб келдим. Аслида шоир кўп гапирмай, шеърлар ўқиши керак. Мен эса ҳам назмда, ҳам насрда ёзаман. Шунинг учун ҳам гапираман, ҳам шеър ўқийман. Яхши булбул икки боғда сайрайди, дейдилар. Яхши ижодкор ҳам назмда, ҳам насрда бирдай парвоз қилаверади. Бу парвоз, албатта, адабиётимизнинг ривожини белгилашга хизмат қилади. Мен адабиётимиз ривожига ҳам шеърларим, ҳам қиссаларим билан ҳисса қўшаётганлигимдан фахрланаман. Бунинг учун ҳукуматимиз бизларга етарли шароитларни яратиб берган. Ижодкорлар учун яратилган бундай шароит дунёнинг бирор мамлакатига йўқ. Шунинг учун ёмон асар ёзишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Аммо ёмон асар ёзган баъзи ижодкорлар доврўг орттиришга интиладилар. Яхши асар ёзганлар эса шуҳрат ортидан қувмайдилар, уларни шуҳратнинг ўзи излаб топади. Навоий, Пушкин шуҳрат ортидан қувмаганлар, балки шуҳратнинг ўзи уларни излаб топган. Бироқ, гап фақат шунда эмас. Аввало шу нарса равшанки, Навоий ва Пушкинни мутоала қилмаслик, зилол булоққа бориб, ундан сув ичмай қайтишдай гап. Бу икки даҳо чашмасидан кимда-ким баҳраманд бўлмас экан, унинг битиклари какра ўтидай тахир ва бекадр бўлади. Аммо адиб маҳоратсиз бўлса, бунинг учун икки сиймони айблаш хато бўлурди. Бундай чоғда адиб икки буюк шоирданмас, ўзининг маҳоратсизлигидан, аниқроғи ўқувсизлигидан ранжиши лозим.

Шунда менинг ёнимда ўтирган адабиётдан дарс берувчи муаллимамиз Мастура опа (у бизнинг мактабга қўшни мактабдан

икки ой олдин келган эди) шашт билан ўринларидан турдиларда: «Менда бир савол бор!»— дедилар. Фикри бўлиниб қолган шоир гапида давом этишини ёки давом этмаслигини билмай бир дам калаваланиб қолди. Кейин ғурурдан туишни истамади шекилли «Марҳамат, саволингизни беринг, қулоғим сизда»,— деди ўзининг ўнғайсиз ҳалта тушганлигидан ҳижолат тортиб.

— Булар ўзингизнинг шахсий кечинмаларингизми ёки уларни бирор газета-журналдан ёдлаб олганмисиз?

— Булар ўзимнинг шахсий фикрларим. Ўзгалар отини минишдан йироқман.

— Бу гапингизнинг рост бўлса, Навоийдан битта ғазални, Пушкиндан битта шеърни ёддан айтиб бераоласизми?

У бундай саволга жавоб беришга тўғри келишини кутмагандан доводи раб қолди. Унинг ёнини олиш учун директоримиз Ҳошим ака ҳам бирор сўз айтишдан, негадир ўзини тийиб турарди.

— Менда ёд олиш қобилияти суст кечган. Айтиш мумкинки, бундай қобилият менда ривож топмаган. Навоий ва Пушкин нарироқда турсин, ҳатто ўзим ёзган шеърларнинг ҳам бирортасини ёддан айтиб беролмайман.

Шоир Берди Ражабий Мастура опамиз дарсда айтганларидай «Ўртамиёна шоирлардан ҳам паст турадиган шоир» эканлигини ўзи бир дақиқа ҳис этгач, уятдан бурун катаклари кенгайди, ғўштдор юзларини тер босди. Лом-мим демай чўнтагидан даст-рўмолини олиб, юзларини, пешонасини артди. Шу топта у «оҳ» деб юбориши мумкин эди, лекин бундай дейишдан ўзини тийди.

Директоримиз Ҳошим ака шоирга ён босиш зарурлигини энди тўла ҳис этди шекилли:

— Марҳамат, ёзган шеърларингиздан ўқиб беринг, ўртоқ Берди Ражабий,— деди. Директоримиз Ҳошим аканинг бу гапи ўртадаги ноқулайликка барҳам берди чоғи шоирнинг дили бир оз равшанлашгандай бўлди.

Энди Берди Ражабий ўзини бир оз ўнглаб олган эди. Қизил муковали шеърый китобини варақлашга тушди. Китобдан шу даврага мос келадиган шеърларини топди шекилли, баланд, лекин журъатсиз, титроқ овозда «Кино» деди:

*Чексиз кўриниб ер,  
Дарё оқар узоққа.  
Атрофи оқ сўқмоқлар  
Тушади гулбоққа,  
Кўйиб берсалар кино,  
Серсоқол Ҳотам бобо.*

*Қанотига жойлайди  
Баҳор куйин турналар.  
Бугдай, пахта экилиб,  
Дала-қирлар турланар,  
Кўйиб берсалар кино,  
Серсоқол Ҳотам бобо.*

Фарҳод ГЭСин қурганлар,  
Наъра тортар мисли шер.  
Ғайрату ҳимматидан  
Гўё титраб кетар ер.  
Қўйиб берсалар кино,  
Серсоқол Ҳотам бобо.

Чапаевни кўрамиз,  
Душманга солар қирон,  
Лекин унинг дарёга  
Чўкиб кетгани ёмон,  
Қўйиб берсалар кино,  
Серсоқол Ҳотам бобо.

Ватанимга ҳурматни  
Уйғотиб боради у,  
Ёмонларга нафратни  
Қўзғатиб боради у,  
Қўйиб берсалар кино,  
Серсоқол Ҳотам бобо.

Кўз олдидан ўтади,  
Ер билан чексиз осмон,  
Етаклайди бизларни —  
Хаёл келажак томон,  
Қўйиб берсалар кино,  
Серсоқол Ҳотам бобо.

Шеър тугагач, директоримиз Ҳошим ака «Қани, қарсак чалин-ларчи»,— деган маънода бизларга ишора қилиб, ўзлари биринчи бўлиб шарафловчи қизгин қарсак чалишни бошлаб берди. Шоир Берди Ражабийни бошлаб келган РайОНО мудири ҳам шитоб билан кизгин қарсак чалди. Қарсаклардан илҳом олиб, хузурланган шоир Берди Ражабий ўқиган шеърини таҳлил қилишга ўтди: «Бу шеърни отамга бағишлаганман.Отам Тошкентдаги Сағбон маҳалласида киномеханик бўлганлар. Ҳотам бобо деганимда отамни назарда тутганман»,— деди-да, иккинчи шеърни ўқишга ҳозирланди. Дастрўмол билан пешонасини артиб бўлгач, ўқилажак шеърнинг сарлавҳасини «Сирдарё» деб эълон қилди.

Эрта тонгда бошимга  
Юлдузлар сочар зиё,  
Фаҳримсан, Фафур Ғулом  
Шеърда куйлаган дарё.  
Чопасан сен шамолдай  
Фарғона қучоғига.  
Сўнгра кириб келасан,  
Фарҳод-Ширин боғига,  
Кўкламни сендан олар

Орол билан Қайроқум.  
 Гул териб буйларингда  
 Юракни гулдай ёққум.  
 Ўтмишда кулмаган дашт,  
 Бугун хазина юртдир,  
 Уни кезмоқ қалбга гашт.  
 Сенда узум лаззати,  
 Сенда гуллар ранги бор.  
 Тупроқни тирилтирди  
 Оқимингдаги баҳор.  
 Боламан, бош қўяман,  
 Кўм-кўк майсаларингга.  
 Минг бор шукур қиламан,  
 Дарём, сенинг борингга.  
 Ишонма, сен ҳеч қачон  
 Қурур деган миш-мишга.  
 Чўлда томчи сувинг тенг  
 Олгин билан кумушга,  
 Сен енгингни шимардинг,  
 Чўлда ишлаш қароринг.  
 Сен Мирзачўл бойлиги,  
 Сен бу чўлнинг баҳори.  
 Чўлқувар севар сени  
 Уйган хирмони билан  
 Берди шу шеърни ёзди,  
 Сенга имкони билан.

Шеър тугагач яна қарсақ чалинди. Шоир Берди Ражабий: «Қар-  
 сак чалишларингга қараганда шеър эшитишга бўлган ташналик-  
 ларнинг қонмаганга ўхшайди. Шунинг учун яна шеърлар ўқишга  
 мажбурман», — дея «Чумчук» сарлавҳали шеърини ўқиди. Шеърда  
 узумлари ҳил-ҳил пишган тоқзорга кириб қолган чумчук узум есин  
 деб бошқа шерикларини ҳам шу тоқзор томон бошлаб келади.  
 Шеър шу мазмун асосига қурилган. Кейин «Маймун» сарлавҳали  
 шеърини ўқиди. Шеърда маймун ойнага қараб, ўзим ҳаммадан  
 чиройлиман, дейди. Ўзининг кўнглини ўзи хушнуд этади. Энди  
 навбат «Фил» сарлавҳали шеърга деб, шеърни қироат билан ўқий  
 бошлайди. Шеърда бир қари фил циркда ўйин кўрсатаётганда  
 ўлиб қолади. Филбон унинг бошида тиз чўкиб йиғлайди. «Сени  
 Бомбейга олиб бориб кўмамиз», — дейди. Кейин шоир Берди Ража-  
 бий шеър ўқиш тугади деган маънода қизил муқовали китобини  
 ёпди.

Директоримиз Хошим ака «Ўтирганлар орасида шеър ўқийди-  
 ганлар борми?» деб, мурожаат қилди йиғилганларга. Шоир Берди  
 Ражабийга иккита савол берган адабиёт ўқитувчимиз Мастура опа  
 ўртага чиқиб, Навойнинг «Ўхшамас» ғазалини ёддан ўқиди. Бу  
 ғазални шоир Берди Ражабий ҳижолат чекиб тинглади. Ғазал  
 тугагач Мастура опа шаънига олқишли қарсақлар чалганимизда  
 шоир Берди Ражабий яна ўзини ноқулай сезабошлади. Кейин



Мастура опа Пушкиннинг «Туморим» шеърини ёддан дардли оҳангда ўқиб берди. Мастура опа шаънига яна қарсақлар янгради. Бу—қарсақлар шоир Берди Ражабийга қараб отилган тошлардай эди гуё. У йиғилганлардан ўзини яширмоқчи бўларди, лекин бунинг иложини тополмай қийналарди.

Директоримиз Ҳошим ака учрашувни ёпар экан, шоир Берди Ражабийга соғлиқ-саломатлик, ижодий ишларига муваффақиятлар тилади. Бунга жавобан шоир Берди Ражабий бошини олдинга зўрға эгиб миннатдорчилик билдирди.

Ҳамма ўринларидан кўзгалгач, мен Мастура опанинг олдиларига бориб «Сизга шоир Берди Ражабийнинг шеърлари ёқдимми?»—деб, сўрадим. Мастура опа саволимга олдиндан жавоб тайёрлаб қўйгандай: «Шеърларида фалсафий умумлашмаларга мойиллик етишмайди. Шу билан бирга шоирона жасорат ва жиддийлик ҳам етишмайди»,— дедилар.

Шу чоқ директоримиз Ҳошим ака мен билан Ҳайдарни хузурга чақирди.

— Мухим топшириқ бор,— дея сўзларида давом этди директоримиз,— Шоирга иккита бедана керак экан. Қафасга солиб сайратармиш. Сайраши унга илҳом бағишларимиш. Тушдан кейинги пахта теримидан озодсизлар. Бригада полизининг нариги томонидаги бедапояга бориб, бедана тутиб келинглар. Бу топшириқни мен ҳам, синфдошим ҳам кутмаган эдик.

— РайОНО мудирининг дўсти экан, талабини бажармасак уятга қоламиз,— дея қўшимча қилди Ҳошим ака.

Ҳайдар иккаламиз таваккал дедигу бедапоя томонга қараб кетдик. Етиб келганимизда ўн кунча олдин ўриб олинган бедалар қайтадан кўкарган. Яшиллиги боққан кўзни қувонтирар эди.

— Ям-яшил гилам тўшалганга ўхшайди-я,— деди Ҳайдар севинчини яширолмай.

— Қаҳҳор тоғам, бедазор табиатнинг тансиқ жойи, дердилар. Айтганлари рост экан,— дедим мен бедазор чеккасида тўхтаб турганча. Кейин беданаларнинг сайрашини кутдик. Хўш, сайраса уни қандай усул билан ушлаймиз?

— Беданани учирамиз. Қўнган жойигача қувиб борамиз. Кейин кўйлагимизни ечиб, уни шу кўйлак билан таппа босамиз,— дедим мен Ҳайдарга. Шу ниятда бедазёр оралаб юра бошладик.

— Қушлар сезгир бўлишади. Айниқса, бедана жуда хушёр қуш. Бўнинг устига уларда қанот бор. Ана шу қанот уларни одамлардан узоқларга олиб кетаверади. Шу қаноти бўлмаганда улар дунёда қўпайишмас эди,— дедим Ҳайдарга.

Ҳайдар зийрак бола эмасми, бедапоялардан ўт ўргани келганида бир неча бор беданаларга дуч келган. Баъзида эса қанотлари шикастланган беданаларни тутиб олган кунлари ҳам бўлган. Шунда ёнимизда пирр этиб иккита бедана учди-да, юз қадамча нарига бориб қўнди. Биз шитоб билан улар қўнган ерга чопиб кетдик. Аммо беданалар овсар ва содда эмасдилар. Қўнган жойини тусмоллаб борсақ, ўша жойда улар йўқ эди. Қўнган заҳоти йўрғалаб яна нарироққа кетиб қолганга ўхшаб туюлди. Кўкиш

кўйлақларимизни ечиб, кўлга олдик-да, уларни излашда давом этдик. Бизнинг шарпамизни сезган ҳалиги жуфт беданалар етти кадамча наридан яна пирр этиб учиб, бу сафар юз элик кадамча нарига бориб кўнишди. Улар бир хатар таъқиб этаётганлигини сезиб қолган эдилар. Шунинг учун нима бўлганда ҳам биздан узокроққа учиб кетишга ҳаракат қилганликлари кўз ўнгимизда рўй берган ҳақиқат эди. Улар бориб кўнган жойга яна югурдик. Аммо бу жойда ҳам уларни учратолмадик.

— Бир пас дам олайлик,— дедим мен Ҳайдарга. Ҳайдар розилик билдирди. Бедазор ичида чордана қуриб ўтирдик. Шунда мен ўйлай бошладим: «Беданаларнинг бизларга раҳми келса-ю, мана тутиб олинглар», дея олдимизга пирр этиб учиб келиб, кўнишса. Шунда биз уларни авайлаб қафтларимиз орасига олсак. Малларанг бўйинларини аста-аста, озор етказмай силасак. Бундан у роҳатланиб, бизларга ром бўлиб қолса. Қорамтир патларини ушлаб кўрсак. Шунда у «менинг гўштим мазали, лекин гўштимдан ҳам хуш ёқадиган ширин овозим бор», дея тилга кириб гапирса. Ҳақиқатдан ҳам дунёда беданаларнинг овозига тенг келадиган ёқимли овоз йўқ. Шоир Берди Ражабий унинг мана шу овозига ишқибоз бўлган».

Шу чоқ қаёқдандир кўк от минган Қаҳҳор тоғам келиб қолдилар. У отининг жиловини тортди. От бир бор пишқириб тўхтади.

— Нима килиб юрибсизлар?— деди тоғам, қамчинини кўнжигга кистираркан.

— Бедана ушламоқчимиз, шоир Берди Ражабийга,— дедим мен ўрнимдан туриб.

Шундан сўнг бизлардан юз кадамча нарида бедана сайради: «Пит-пил-дик», «пит-пил-дик...» Мен ҳаяжонланиб кетдим: «Ана, сайради, тоға»,— дедим.

— Бедана бўлгандан кейин сайрайди, лекин осонликча тутказмайди,— деди тоғам.

— Қандай бўлмасин биз уларни тутишимиз керак. Директоримиз Ҳошим ака тутиб келинлар деб топшириқ берганлар. Бизлар билан учрашиш учун Тошкентдан келган шоир Берди Ражабийга тутиб олинган иккита бедана жуда зарур экан. Сайраганини эшитса, илҳоми келиб, шеър ёзар экан, тоға,— дедим мен.

Масаланинг моҳиятига тушуниб етган тоғам: «Менинг ортимдан юринглр»,— деди. Тоғам отнинг бошини қишлоқ томонга бурди. Биз истар-истамай тоғамнинг ортларидан эришдик. Тоғам тўғри уйларига бордилар. Отни козиққа бойлаганларидан кейин: «Кутиб туринглр, ҳозир иқкита бедана олиб чиқаман»,— дедилар. Биз ўзимизда йўқ хурсанд бўлиб кетдик. Ордан кўп ўтмай тоғам кўк тўрхалталарда иккита беданани олиб чиқди.

— Буларни кеча Ўратепалик дўстим Бекназар олиб келиб берган эди. Қаранг, сизларга насиб этибди,— дедилар.

— Раҳмат, тоғажон,— дедим мен севишиб кетганимни яширолмай.

— Арзимаиди,— дедилар камтарлик билан тоғам.

Тўрхалталарнинг бирини Ҳайдар, бирини мен кўтарганча далага чопдик. Борсак шоир Берди Ражабий, райОНО мудири, директоримиз Ҳошим ака ҳам даладан колхоз чойхонасига кетган эканлар. Буни адабиёт ўқитувчимиз Мастура опа айтдилар.

Чойхонага бордик. Бу орада қуёш мағриб томон оғаётганди. Чойхонага келишимиз билан кўзимиз шоир Берди Ражабийга тушди. Қўлимиздаги савагчаларни ушлаганча қотиб қолдик. Шоир Берди Ражабий икки қўли билан чойхона бурчагига суянганча қайд қилар эди. Ҳар укчиғанда ичидан бармоқдай-бармоқдай гўшт доналари, помидор ва бодринг бўлакчалари аралаш ерга тушар эди.

«Ичган одам ўзини идора қилишни унутади. Ичганда ундаги яхши туйғулар ортга чекинади. Ичига кирган захар уни бўғма илондай бўғади. Шунда у энг яқин одамларини, ҳатто уйдаги ота-онасини ҳам эсдан чиқаради», деган эди бир куни тоғам Қаҳҳор ичкиликка берилган қўшниси Каримга. Бизга бедана топиб берган тоғамнинг ана шу гапи ёдимга тушди шоир Берди Ражабийни кўрганимда.

— Бўкиб қолганча арок ичганга ўхшайди,— деди Ҳайдар бир менга, бир шоирга қараб.

— Олинг-олинг! дейишганларида шерланиб олаверганда,— дедим мен.

Шу ҳолда унга қараб туриш уят ва жирканчи эди. Шу пайт ичкаридан директоримиз чикдилар.

— Бедана ушладиларингми?— дедилар Ҳошим ака бизларни кўргач.

— Ушладик,— деб, мен тўрхалтадан беданани кўрсатдим.

— Баракалло, тўрхалталарга ҳам солиб келибсизлар,— дедилар миннатдорчилик билан.

Ҳайдар икковимиз тўрхалталарни директорга узатдик. Бу пайт шоир Берди Ражабий қаттиқ ўшқириб ерга ўтириб қолди. Директоримиз тўрхалталарни ерга кўйиб, шоир Берди Ражабийга ёрдам беришга шошилди:

— Тошкентга жўнатиб юбориш керак,— деди ўзига-ўзи.

Мен Ҳайдар билан уйимиз томонга кетдик.

— Шоирлар ичувчи бўларкан-да,— дедим мен.

— Уларнинг устози Умар Хайём-да,— деди Ҳайдар.

— Шоирнинг шу ҳолда эканлигини кўрса тоғам беданаларни бермас эдилар.

— Бедана эмас қора қаргани ҳам бермас эдилар,— деди Ҳайдар ўтган вақтимизга ва кичкина ўткир кўзлари жовдираб турган беданаларга ачинган бўлиб.

## Т Ў Й Д А

Одатда, қишлоқда ёшлар тўйлари шанба ёки якшанба кунларига белгилаб ўтказилади. Механизатор Дўстмурод ака ўғил уйлантириш тўйини якшанба кунига белгилади. Бундай тўйлар ўтадиган

окшом кизикувчан, шодликни яхши кўрадиган болалар учун ўйин-кулчи окшоми ҳисобланади. Болалар тўй бўладиган ҳовлига бир-икки соат олдин келиб олишади-да, аввал ош ёки шўрва пишириладиган қозонниг қаерга қурилгани билан қизиқадилар. Ёғли гўшт аралаш сабзи қайнаётган бўлса ош еймиз, гўшт қартоқкага қўшиб қовирилаётган бўлса, жарқоб еймиз, дея бир-бирларига бўйинларини чўзишиб сирли пичирлашади. Шундай пайтда уларни кузатиб турган ошпаз Назар ака «Нарироқ турунлар, болалар!»— дея койган бўлади. Лекин болалар бари бир қозон атрофидан нарироққа узоқлашиб кетишмайди. Чунки қозонда гўшт пишаяпти, гўшздан қорин тўяди. Шундай экан, қозондан узоқ кетиб бўладими? Ошпаз Назар акани болалар яхши билишади. Назар ака қишлоқ тўйларида қайнаган қозон олдида ҳар доим мойга ботган қастюм-шимини кийган, олдига эса кўк ёки оқ читдан тикилган матони тутиб олган бўлади. Гап унинг кийимида эмас, гап унинг очиқ кўнгилли одам эканлигида. У тўй эгасининг нафини кўзламайди, қапгир ушлаганда қўли қалтирамайди. Болалар қорин тўйгазиш умидида қозон атрофида гирдиқапалак бўлишларини Назар ака тезда фаҳмлайди. У болалар дилига озор етказишни катта гуноҳ деб билади. Унинг бу хислатини болалар аллақачон билиб олишган. Биқирлаб қайнаётган қозон бошида турнадай тизилган болалар бўйинларини чўзишиб, бир пас қозонга қарайдилар. «Овқат пишаяпти, қоринни тўйгазиб олиш мумкин»,— деган ишонч кўнгилларини илиқ нурдай яйратади. Кейин улар ошпаз Назар аканинг қош-қовоғига қарайдилар: «Чеҳраси очиқ бўлса болаларни ноумид қилмайди».

Бир тўда болалар эса омборхона эшиги олдида уймаланишади. Омборхонада кўпинча Облоқул ака бўлади. У қаттиққўл, шафқатсиз одам. Яқин борсангиз итдай қопмоқчи, отдай тепмоқчи бўлади. Шундай бўлса-да, болалар «шафқат қилинг, бирор егулик беринг!»— деган ниятда Облоқул акадан кўз узмай омборхона олдидан узоқлашмай тураверадилар. Омборхонада пишган товук, калла гўшти, пиширилган ичак-қорин, ҳасиб, сомса, чалпак, қатлама, ғилминди, ичимлик сувлар, арок, коньяк бўлади. Болалар айниқса, қайноқ сувда пиширилиб, кейин ёғда қовуриб олинган товукка кўзлари мўлтираб, очқўзлик билан боқадилар. Лекин лабларидан сўлақлари оққанча қолаверадилар. Қаттиққўл Облоқул ака «Олинлар, энлар!»— деб бутун пишган товукларни ҳеч қачон болаларга берган эмас. Мабодо, бериб юбораверганида болалар учун дунёда ундан яхши, муруватли одам бўлмас эди. У, ҳатто, болаларга минерал сувдан, пепсиколадан бирор шиша бермасликка ҳаракат қилади. Шунда унга қарата: «Тўй болаларники, болалардан ортганини катталар ейди. Егуликни болалардан аяма!»— дейдиган март топилса, болалар бундай одамни жондидан севиб қолган бўлардилар.

Кўрпанга қараб оёқ узат, дейди халқ. Тўйда ҳар ким ўз қурбига қараб иш тутади. Кимдир келин-куёвни никоҳга «Чайка»да олиб борса, кимдир «Волга»да, кимдир «Жигули»да, кимдир «Москвич»да олиб боради. Никоҳдан ўтказиладиган жойда оппоқ сут-

нинг ичидан чиққандай оппоқ қўйлак кийиб олган келин йигитнинг қўлидан ушлаб суратга тушади. Шунда улар атрофида келиннинг дугоналари, куёвнинг дўстлари саф тортиб туришган бўлади. Бу сурат уларга ҳар доим мана шу завқли онларни эслатиб туради. Кейин машиналар карвони узун-қиска сигналлар берганча қишлоқ кўчалари бўйлаб юради. Бу ҳолни болалар маза қилиб томоша қиладилар.

Энг қизиғи келин ҳовлига кириб келганда бошланади. Ҳовли олдидаги майдонга ўт ёқилади. Бошини хийла эгиб олган келин куёвнинг қўлидан тутганча ўт атрофини айланади. Келиннинг дугоналари, куёвнинг дўстлари ҳам уларга қўшилишиб ўт атрофини айланишади. Шунда янгалар «Ёр-ёр» айтишадилар:

*Қўл ичида ўйнаган  
Қундуз бўлар, ёр-ёр.  
Дехқон йигит далада  
Юлдуз бўлар, ёр-ёр.  
Бу ёр-ёрни юлдузлар  
Кулиб айтсин, ёр-ёр.  
Ҳам илоҳга, ҳам завққа  
Тўлиб айтсин, ёр-ёр.  
Тўйга келинг, жўралар,  
Очиқ эшик, ёр-ёр.  
Бир гўдакни бағрига  
Олар бешик, ёр-ёр.*

«Ёр-ёр» айтилаётган чоқда завқланиб кетган болалар бориб келиннинг қўлагидан ушлаб кўргиси келади. Лекин бундай қилишга ҳеч ким руҳсат бермаслигини ҳис этгач, ўзларини тийиб турадилар. Келин бошидан оқ-сарик тангалар, қанд-қурслар сочилади. Чунки ҳамманинг диққат-эътибори келин-куёвда бўлиб, болалар эсдан чиққан, унутилган бўлади. Шунда улар ерга энгашиб танга, қанд-қурсларни териб олишади.

Кейин келин алоҳида бир хонага олиб кирилади. Алоҳида хонага олиб кирилиши олдидан «Умри оқликка буркансин»,— деган ниятда келин кирадиган уй остонаси олдида оқ мато тўшалади. Оқ туфли кийиб олган келин ана шу оқ матони хурмат ва одоб сақлаган ҳолда аста босиб ўтади. У алоҳида хонага киргач ярим соатча вақт ичида даврага чиқиш учун тайёргарлик кўради: юзларига, кўзларига, қўлларига оро беради. Бу пайтга келиб ҳовлидаги ўйин-кулги бир парда пасайган бўлади.

Болалар энди ўйинчи артист кирган хонанинг деразаси остига келишади. Хонада ўйинчи артист улама сочларини қирқилган сочларига қандай улаётганлигини билдирмай томоша қилишга ошиқадилар.

Давра тўрига тутилган туркман гиламига келин ва куёвнинг исмлари ёзилган. Исмлар атрофида яшил ва оқ чироклар ўчиб-ёниб турибди. Ана шу ерда ҳам чирокларга термулган болалар

тўп бўлиб олишади. Чилдирмасини кўмир чўғида «так-так» уриб, киздираётган, микрофон овозини «бир-икки», «бир-икки» деб синаб кўраётган йигитлар олдида ҳам болалар кизиксиниб айланишади.

Келин ва куёв даврага таклиф этилганларида болалар яна бир бор яйраб олишади. Келин ва куёвлар олдида қўлларини баланд кўтариб, пастга тушириб, тўлғониб, ўйин тушиб борадиган йигит-кизларни мароқ билан кузатишади болалар. Шунда саёк артист бўйинини олдга қараб чўзганча буқадай пишқириб, «Тўйлар муборак»ни айтади. Артист «хой-хой»лаб кучанганда бўртиб чиққан бўйин томирларига болалар ҳайрон бўлиб боқишади.

Тўй бошланишидан олдин тахтадан қилинган, устига кўрпачалар тўшалган стулларга ўтиришади одамлар. Шундан кейин даврабоши «Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар!»— дея тўйни очишга ошиқади. Ана шундай пайтда мен дўстим Халил билан тўйхонага келдим. Эшик олдида тўйини моғор босган, сочлари ўсик, ювиксиз башарасига қарасанг кўнглинг айнийдиган исқирт бир одам тиланчилик қилиб турарди. Ундан бадбўй бир ҳид келарди. Мен бундан сесканиб кетдим.

Давра олдида келсам, бир чеккада тоғам ўтирган экан, мени ёнларига чақирди. Халил билан бирга бориб тоғамнинг ёнларига ўтириб, атрофга назар солдим. Стулларни эркаклар эгаллаб олишган. Аёллар билан ёш болалар атрофда тик туришарди. Айниқса, бола кўтаришиб, тик турган аёлларга раҳмим келди. Қошларига қалин ўсма тортган бир аёл икки ёшли боласини кўтариб турар, оёқлари толган отга ўхшаб, оғирлигини гоҳ ўнг оёғига, гоҳ чап оёғига туширарди. Бунга стулларда ўтиришган эркаклар эътибор беришмасди.

Даврабоши икки ёшга бахтли турмуш, тотли ҳаёт тилаб, ушбу сўзларга алоҳида урғу бериб гапирди: «Алпомишга ўхшаган мард акалар, Барчинойга ўхшаган азиз опалар, биз бугун тотли дамларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ёшларнинг ота-оналари: «қалбимизнинг кўри, уйимизнинг тўри сизларники, азиз меҳмонлар»,— демоқдалар. Қимматли вақтларингизни аямасдан бу ерга ташриф бурганликларингиз учун сизларга миннатдорчилик билдирамыз. Уларнинг хонадонига келин қўйган қадам кутлуғ бўлсин, деймиз. Аслида бугун икки ёш турмушига тамад тоши қўйилмоқда. Аммо оила қуриш чечаклар, чаманлар очилган боғда сайр қилиш деган гап эмас.

Бу боғда ҳурмат ва садоқат имтиҳондан ўтади. Ана шу ҳурмат ва садоқатнинг меваси сифатида оилада фарзандлар дунёга келади. Фарзандлар эса дил ришталарини бир-бирига янада маҳкамроқ боғлайди. Биз икки ёшнинг серфарзанд бўлишларини истаймиз. Рухсатларингиз билан қуйидаги шеърни ўқиб берсам. Унда келин шайнига марварид сўзлар тизмаси тизиб ташланган:

*Куйланмоқда халқ қўшиғи  
Қизнинг никоҳ кечасида.  
Баҳор завқи очилгандай*

Долаларнинг гунчасида  
 Ҳарир рўмол орасидан  
 Аста боқиб қўяди қиз,  
 Нозик-нафис туйғуларни  
 Юрагигақўяди қиз.  
 Бахт тилайди дугоналар  
 Бахти кулган йигит-қизга.  
 Қўшиқ айтинг, садолари  
 Етиб борсин ой, юлдузга.  
 Бахтга тўлсин, завққа тўлсин  
 Ой келиннинг кошонаси.  
 Муҳаббатнинг зиёсидан  
 Порлаб турсин пешонаси.  
 Соф, озода ҳовлисида  
 Райҳон ўссин, лола ўссин.  
 Қоши кўзи қуралайдай  
 Шўҳ ва қувноқ бола ўссин.

Шундай самимий истаклар билан тўйни очик деб, эълон қилиш-га рухсат этгайсизлар.

Икки ёшнинг бахт кечасини ҳар томонлама завқли, хушнуд ўтказиш учун Оққўрғон районидан хушовоз хонанда Раҳим Жалилов раҳбарлигида бир группа санъаткорлар ташриф буюришган. Улар қўлларида жарангдор созлари, қалбларида жўшқин овозлари билан келганлар. Олтин капалакдай ўйинчилар эса рақсга тушадилар. Марҳамат, навбат санъаткорларга,— деди сўзини тугатаркан даврабоши.

Шундан кейин овозни терак бўйи кўтариб берувчи микрофон варанглади. Раҳим Жалилов қоматини тик тутиб, лекин бўйинини буқадай олдинга чўзиб даврага тушди. Тор жаранглади, қўшиқ қўйилиб келди. Кўк қўйлак кийган иккита ўйинчи даврага отилиб чиқди. Ҳамманинг кўзи ана шу икки ўйинчида. Улар энгил ва тез ҳаракат қилишарди. Бири давранинг у четида, бири бу четида гиртиттон бўлиб айланар эди. Бир маҳал ўйинчиларнинг бири тоғамнинг олдига келди. Тоғамга энгашиб: «Ўн сўмликдан чикаринг, мард йигит!»— деди. Тоғам бўғилиб, қизарди. Ўйинчи сохта имо билан ўнг елкасини тоғамнинг елкасига урди. «Пулга бунчалар гадо бўлмасанг!»— дея тоғам чўнтагига қўл солди. Шунда у тоғамга қараб қўйлагини ҳилиратиб, елкаларини титратди. Тоғам унга ўн сўмликни тутди. У пулни яркираган олтин тишлари билан тишлаб олди. «Бу пулга тоғам икки кило гўшт олишлари мумкин эди. Оиласидаги етти жоннинг қорни ана шу гўштдан тўяр эди. Олтин тишли ўйинчи унинг болаларини ризқини қиймадимми? Шу билан бирга қўпчиликнинг ичида тоғамни уятга қиймадимми?»— деган фикр миямга чакмоқдай урилди. Энди ўйинчи тоғамдан сал нарироқда ўтирган тракторчи Бўрибойнинг олдига бориб, эгилганча қош қоқа бошлади. Бўрибой ҳам уялганидан ранги оқариб кетди. У кутилмаганда муз устида тойиб йиқилган одамдай безовталанди. Лекин ўйинчи бунга англамас эди. У чўнтагидан пулини олса бўлди.

Унга шу керак, бошқаси билан иши йўк. Бўрибой беш сўмлик пулни кўли титраб, ёнидан чиқарди. Беш сўмликни у тиши билан тишлаб олмай, кўли билан олди. «Бу ўйинчидан каллюбликнинг захри томмоқда», деди тоғам нафрат билан. Афтидан унинг ҳаракати битта тоғамнинг эмас, тўйга йиғилган барча одамларнинг юракларини тирнаб, қонатарди. «Чўнтакка кўл солмай ўғирлик қиладиганлар мана шулар. Уларда виждон, диёнат йўк»,— деди яна тоғам изтироб билан.

— Артистларни тўйга олиб келиш менинг зиммамга юклатилган,— деди тоғамнинг рўпарасида ўтирган киши.— Артистлар инжиқ бўлади, бу вазифани бошқа бировга юкласангиз бўларди десам, тўй эгаси Дўсмурод кўнмади. Оққўрғон районига бордим. Гаплашдим. 500 сўм заколод бердим. Тўй тугагач яна 700 сўм олади. «Қистир-кистирдан» 1,5 минг тушса керак деб мўлжаллашмоқдў. Умуман бир окшамда 2700 сумни ўмариб кетадилар. Бунча пулга колхоз механизатори қуёш тўғи остида бир йил ишлайди. Бу адолатсиз иш. Тўйлардаги маданий хизматни бепул ўтказиш зарурлигини маҳаллий раҳбарларимиз ўз зиммаларига олмаса бу нўхуш ҳол одамларнинг кўнглини ғазаблантириб қолаверади.

— Кўй ювош бўлгани учун бўрига қаршилиқ кўрсатмайди,— деди тоғам.

Раҳим Жалилов тинмай хониш қилар. Уларга шерик бўлиб келган ўнта йигит турли мусика асбобларини телба бўлган кишилардай зарб билан чалишда давом этарди. Шу тариқа тўйга келган бечора колхозчилар таланар эди.

## ОЙГУЛ ЁНДИ

Туш маҳал эди. Қуёш чарақлаб турибди. Биз ўқувчилар терган пахтамызни кўтариб, олди айвонли шийпонга чиқдик. Ҳар галгидек шийпон олдидаги пахта қуритиладиган хирмонжойнинг бошида кирчимол дўппи кийиб олган ҳисобчи: «Навбат билан келинлар, навбат билан келинлар!»— дея жавраганча этаклардаги пахта ни тарозида тортиб оларди. Ким қанча терганлигини кўк муковали катта дафтарга қалам билан белгилаб қўяди. Навбатим келгач пахтамыни тарозига кўйдим. «Ўттиз икки кило», деди ҳисобчи ингичга овозда. Пахтамыни хирмонга тўкиб, тушлик қилгани шийпонга ўтдим. Туникадай қорайиб кетган ошпаз Хадича опа макарон шўрва келтирдилар. Буханка нонни энди кесганимыни билман ошпаз Хадича опа: «Дод! Ёнапти! Ёрдам беринглар!»— дея ички алам билан ҳайқирди. Тушликка йиғилганларнинг ҳаммаси гурр этиб шийпон олдига чиқди. Шийпондан эллик қадамча нарида ёнаётган тана пахтамыни чала терилган ўн икки гектарлик картага қараб чопди.

— Қайтаринглар. Ушланглар. Сувга босинглар,— деб бақирди хирмонда пахта қуритадиган Шодикул ака.

Купчилик қутилмаган бу мудхиш ҳолдан эсанкираб, гангиб



қолганди. Ёнаётган тана картанинг ичидан ортига қайтди. Қайтди-ю.тўғри пахта гарамланган хирмонжойга қараб чопди.

— Ана энди пахта ҳам ёнади,— деб бақирди кимдир.

— Нёга анграяпсан, ушла уни,— деди Шодикул ака ориқ ҳисобчига қараб.

— Мен оловдан кўркаман,— деб у ортига тисарилди.

— Ҳозир кўркадиган пайт эмас, ушла!— деди яна Шодикул ака.

Бу пайт ёнаётган тана пахта гарамининг ёнидан ўтиб, шийпоннинг ўнг томонидаги ариққа қараб чопди. У энди куюк азобидан кутилиш учун ўзини сувга ташламоқчига ўхшайди. Ана, у ўзини сувга ташлади. Сув шалоп этиб, қирғоққа тошиб чиқди. Саросимага тушиб қолганлар орасида энг довураклиси Шодикул аканинг ўзлари экан. Тананинг ортидан у ўзини сувга ташлади. Ҳаммамиз югурганча ариқ бўйига бордик. Бу орада Шодикул ака танани ушлаб, балчиқ аралаш сувга пишар эди. У қиз бола экан, ҳўл сочлари елкаларига ёпишиб қолган эди.

Ўт ўтгач, кизни кўлларида кўтариб шийпонга олиб келди-да, йиғма караватга ётқизди. Балчиққа ботиб қолган, бунинг устига куйиб, кўмирдай қорайиб кетган қизга қараш аянчли ва кўркинчли эди.

— Ўламан, ўламан,— деб ингради у ниҳоят.

— «Тез ёрдам»ни чакиринглар,— деди Шодикул ака ҳисобчига. Ҳисобчи бир велосипедни миниб, «Тез ёрдам»га кўнғирок қилгани кишлоққа кетди. Шодикул ака унинг пешонасига ҳўл латтани босганча ёнига чўккалади.

— Дод, Ойгул экан у,— деди ошпаз Хадича опа.

«Тез ёрдам» келиб уни олиб кетди. Шундан кейин бу воқеадан хабардор бўлган ошпаз Хадича опа куйидаги воқеани бизларга сўзлаб берди:

«Ойгул юзлари сутдай оппок, қошлари қора, сочлари узун, лаблари қалин, келишган қиз эди. Унга одамлар гулга қарашгандай ҳавас билан қарашарди. Шунда мен «Худо, уни ёмон кўздан асрасин!»— деб кўярдим. Ўтган йили ўрта мактабни битирганди. Кейин ўқишни давом эттириш мақсадида Гулистон шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишга борганди. Топшириқ имтиҳонлари бошланиш олдидан Жумагул Пиримкулова деган ўқитувчи унга «Минг сўм пул олиб келасан!»— дейди. «Отам йўқ. Трактор остида қолиб ҳалок бўлган. Ёлғиз онам бор. Онам минг сўм эмас, 300 сўм топиб берадилар»,— дейди Ойгул илтижо билан кўзлари жовдираб Жумагул Пиримкуловага. Ўқитувчи бунга рози бўлмай: «Бўлмаса ўқишга киролмайсан»,— дейди. Ойгул таваккал қилиб, омадини синаб, кўради. Биринчи имтиҳондан ўтади. Иккинчи имтиҳондан эса кониқарсиз баҳо ўлади Билим юртига ўқишга киролмаган Ойгул ҳафсаласи пир бўлиб, кишлоққа, онасининг ёнига қайтади. Икки-уч ҳафта уйда хомуш тортиб юрган кизига онаси «Далага чиқ, чигилинг ёзилади, қизим»,— дейди. Ранг-рўйи синиққан Ойгул шундан кейин далага чиқади. Далада ҳарбий хизматдан қайтган Тилов Ойгулга қош қоқиб, сирли қараш

килаверади. Бир куни унга рўба-рў келиб, «Сиз Осиёдаги энг гўзал кизларининг бирисиз, бунга ўзингиз ҳис этмай яшаётганлигингиз мени оғир ўйга толдиради»,— дейди Ойгулга. Ойгул ерга қарайди, анча вақт кўзларини ердан узмай туради. «Табиат сизни гўзал қилиб яратганидан ўзи ҳам беҳад мамнун бўлса керак»,— дейди, яна Ойгулга меҳр билан боққан Тилов. Ойгул бунга жавобан бирор сўз айтмай, эгатлар оралаб кетади. Лекин киприклари бузокнинг киприкларидай узун бўлган Тилов унинг кўз олдига келаверади. «Нима бўлди менга ўзи? Наҳотки, у кўнглимга яқин бўлиб қолган бўлса»,— дея ўзига-ўзи савол бериб, бунга жавоб излайди. Лекин бу саволларига аниқ жавоб топа олмайди. Бир куни қишлоқ клубига икки дилнинг ишқ розини бир-бирларига изхор этувчи хинд фильми келади. Тилов шу куни Ойгулни кино кўришга таклиф этади. Ойгул рад этмай, розилик беради. Лекин уйдан кинога ўзича чиқиб кетмайди. Онасидан руҳсат сўрайди. Онаси «Ўзингни эҳтиёт қилиб юр, кизим»,— дея розилик беради. Ойгул Марғилон атласидан тиктирган янги кўйлагини кийиб клуб олдига боради. Уни интизорлик билан кутиб турган Тилов бир кизариб, бир тортиниб унинг олдига келади. Гўё атлас кўйлак ичида бир оппоқ гул ёниб тургандай эди. Узун қоп-қора сочлар елка узра тўлқин отиб турарди. Тилов аввал кўзларига ишонмади. «Далада чит кўйлакнинг ичида кўримсизгина бўлиб юрган эканда, янги атлас кўйлақда юлдуздай чарақлаб кетибди»,— деган фикр ўтди Тиловнинг кўнглидан. Тилов унинг олдига келгач қўл олиб: «Салом!»— деди. Ойгул ийманиб алиқ олади. Кейин икковлари ёнма-ён юриб кинога киришади. Кинони севинч оғушида томоша қилишди. Кино тугагач, Тилов уни ўйларигача кузагиб қўйди. Хайрлашиш олдидан «Энди қачон учрашамиз?»— дейди Тилов Ойгулнинг ой ёруғида бўй-бастига синчковлик билан назар ташлаб. «Билмадим!»— дея уйга эрка кийикдай чошиб кириб кетади Ойгул. Анча вақтгача киприкларига уйқу илинмайди. «Наҳотки, севиб қолган бўлсам»,— дейди ўзига-ўзи. Аммо ўзига-ўзи шивирлаб айтган ана шу сўзлардан «Биров эшитиб қолмадимикан?»— дея кўрқиб кетади. Одатда, бундай эҳтиёткорлик эндигина ишқ-муҳаббат оламига кириб келаётган кизларнинг деярли ҳаммасида содир бўлади. Эртаси Ойгул Тилов билан дала шийпони олдига учрашишади. «Сиз менинг бахт юлдузим бўлиб порлашингиз керак. Сиз бўлсангиз бу дунёда қалбим кемтик бўлиб қолади»,— дейди Ойгулга Тилов илтижо оҳангида. Узун сочларини қўлларида ўйнатган Ойгул кўзларини ердан узмайди. Тилов шунда унинг белидан кучмоқчи бўлади. Ойгул унинг қўллари орасидан балиқдай ситилиб чиқиб кетади. «Терган пахтагизни ўзим кўтариб чиқаман»,— дейди Тилов пахтазорга қараб кетган Ойгулнинг орқидан. Ҳақиқатдан ҳам кун пешиндан оққанда Тилов эгат орасида энгашиб пахта тераётган Ойгулнинг олдига келади. «Ваъдада вафо — марднинг иши. Ваъда берган эдик, келдик»,— дейди Тилов илиқ хаяжон ва ёқимли табассум билан. Бу дафъа ҳам Ойгул кўзларини ердан узмайди. Тилов Ойгул терган пахтани хирмонжойга кўтариб чиқади. Кейин у тракторини гуриллатганча

пахта ортилган тележжасини пахта пунктига олиб кетади. Эртаси ой нур сочиб турган тунда Тилов билан Ойгул Сирдарё қирғоғидаги бокка борадилар. Боғда тонгача қолиб кетишади. Энди Ойгул Тиловники бўлиб қолганди. Шу орада кунлар ўтаверди. Ундан олдинроқ Тилов пахта пунктида пахтанинг намлик даражасини белгилайдиган лаборатория ходими Турсуной билан донлашиб қолган эди. Ўтган куни далага ана шу Турсуной Тиловни излаб келади. У тўғри пахта тераётган Ойгул олдига келиб «Тилов деган номард шу бригадада ишлайдими? Мени алдаб юрибди. Қорнимда ундан бўлган хомила бор. У номарднинг қаердалигини айтолмайсизми?»— дейди Турсуной. Шунда Ойгулнинг кўз олди қоронғулашиб кетади. Осмон узилиб ерга тушгандай, ер эса осмонга чиқиб кетгандай бўлади. Икки қўли билан бошини, чангаллаганча турган жойида ўтириб қолади. «Ие, нима бўлди сизга? Хастамисиз?»— дея унинг бошини ушлайди Турсуной. «Ўтиб кетади. Кўнглим айнаиди»,— дейди Ойгул йиғи аралаш. Турсуной Тиловни излаб кетади. Ойгул ўз дарди билан ўзи қоврулиб, дам ўтда куйиб, дам сувга чўккандай бўлиб қолади. Бундай нохуш ҳолни бировга айтиб бўладими? Айтиб бўлмайди. Шундан кейин у Тиловдан қасос олишга аҳд қилади. Қандай қилиб қасос олади? Бу фикридан қайтади. Ўзини-ўзи нобуд қилмоқчи бўлади. «Бўйнимга тош бойлаб сувга ташлайман»,— дейди ўзига ўзи. Кейин бу фикридан қайтади. «Яхшиси, ўзимни осаман»,— деган қарорга келади. Шу ниятда уйга боради ва икки кулоч арқонни олади. Аста молхонага ўтади. Молхонага киргач оғил четига ўтириб Тиловни ўйлайди. Бузокникидай киприклари узун-узун Тилов бир думли шайтон қиёфасида Ойгулнинг кўз олдига келади. «Сени ер юзида бош кўтариб юришга, бирор аёл зотига сўз қотишга ҳаққинг йўқ, Тилов!»— дейди ички бир алам билан. Кейин арқонни молхонанинг балорига бойлайди. Шунда шохдор кизил сигирлари кириб қолади. Гўё жонивор «Бу йўлингдан қайт, Ойгул, сен эмас, сенга номардлик қилган Тилов ўзини оссин бу арқон билан»,— дегандай бўлади. Ойгул ташқарига чиқиб кетади. Болорга бойланган арқон жойида тебраниб қолади. Шу куни у туни билан ухлолмай чиқади. Эртаси эрталаб далага йўл олишдан олдин бир литрлик банкада бензин олади. Тушки пайт ҳамма овқатланаётган чоғда шийпон ортидаги ҳожатхонага ўтади ва ҳожатхонада усти-бошига бензин қуяди-да, «шик» этказиб гугурт қақади. Бу ёғини кейин у эслолмайди.

Ойгул шифохонага етмасдан йўлда вафот этибди. Бу хабарни далада эшитдик. Шунда ошпаз Хадича опа шийпонга ёзиқлик кўрпачада ўтирганча қуйидагиларни айтди: «Қишлоғи Ойгулни суйиб бағрига босган эди. Аммо у қишлоғига, кенг дунёга сиғмади. У қишлоғини, кенг дунёни ташлаб кетди. У ўтган йўллардаги ям-яшил тутлар жим турганча кўз ёш тўксала, не ажаб. «Ойгул ўз жонингга ўзинг қасд қилма, ўзингга ўт қўйма, сени кадр-қийма-тингни паймол қилган Тилов ўзига-ўт қўйсин»,— деб нега айтмадингиз. Буни тутлар айтолмайди, чунки уларнинг тили йўқ. Аммо хиёнат Ойгул умрининг торини узиб юборганлигини тутлар қайдан

билсин. У ҳар куни қишлоқдан чиққач атрофи тутзор йўлдан далага келарди. Энди у бу йўлдан ҳеч қачон ўтмайди. Ҳаётим кудратга тўлади деб ўйлаганди. Чунки у ёнимда тиргак бўлади, деган қарорга келганди Ойгул. Бироқ бундай бўлмади. Тилов билан учрашган куни у қалбининг гўзаллигидан жудо бўлди. Бу гўзалликни энди у қайга тополмасди. У келинчакнинг ёндирилган желагидай қулга айланганди.

Бу сўзларни тинглаб турган Шодиқул ака бошини алам билан тебратди. Уридан туриб жормоқчи бўлди. Лекин қаддини кўтаролмай довдираб кетди. Шу топда унга асо керак эди.

Биз қишлоққа қайтганда куёш бетганди. Кўп ўтмай қишлоқ қўйнида сукунат бошланди. Қайси бир кўнгил аламли, қайси бир кўнгил қувончли эди бу оламда. Алам ва қувонч ёнма-ён юради дер эди Қаҳҳор тоғам. Яна улар айтардиларки, баъзида қувонч олдинга ўтади, баъзида алам. Бугун бизнинг қишлоқда қувонччи ортда қолдириб алам олдинга ўтиб олган эди.

Тонгда қишлоқдагилар Ойгулларникига йиғилди. Бизлар ҳам бир чеккада бош эгиб, сукут сақлаб турдик. Ойгулнинг онаси Қизларойнинг аламли йиғиси ҳаммани йиғлатарди: «Эшик очик, сен унга кирмайсан, Ойгул, бир вафас ёнимда турмайсан, Ойгул. Айтгин, умидларинг қанотсизмиди, айтгин, орзуларинг нажотсизмиди? Қулоғимда сўзинг қолди, Ойгулжон, далаларда изинг қолди, Ойгулжон. Сочи оқ онасин ташлаган, Ойгул, хира кўзларини ёшлаган, Ойгул. Ойгулим-ов, Ойгул...» Ойгул онасининг йиғисига аёллар ҳам қўшилар эди. Шунда олам мотамга тўлгандай кўнглинг эзилиб кетарди.

Ойгулнинг жасадини тушга яқин келтиришди. Унинг жасадини очиб кўрган она баттар фарёд солди. Кексаларнинг айтишларига қараганда қуйган танани бўғзидан киндигигача докторлар кесишган экан. «Нега қуйган Ойгулни сўйиб ташладиларинг!»— дея фиғон қилди онаси. Шу топда унинг бадани йлма-тешик, ғалвирга ўхшаб кетганди. Дард уни қулга айлантираётганди. Бу сўз йиғилганларни тошдай музлатиб қўйганди. Йиғининг оғир оҳанги бу ерга тўпланганларнинг ҳар бирининг елкасини тоғдай босиб турарди. Шунинг учун қимир этишга ҳоли йўқдай эди уларнинг. Секин-секин эсаётган шамол Ойгулнинг онасига қўшилиб йиғлаётгандай эди.

Ойгулнинг онаси Қизларой қора кийиниб, қора сочларини ёйиб олганди. У телба аёллардай фиғон қилиб, қўлларини бир-бирига уриб, қўллар қарси оҳангига қадамларини мослаб босганча одамлар орасига кириб келди. Шунда гўё Қизларой босаётган ер ёрилиб, ёрилган жойдан олов ва тутун чиқаётганга ўхшарди. «Нега мени яшин уриб кетмади»— деди Қизларой.

— Дард — оғир юк, — деди шунда тоғам. — Бу юкдан Қизларой қачон халос бўлишини ҳеч ким айтиб беролмайди. Балки, сўнгги дамгача у бу юкдан халос бўлолмас.

Ҳамма Қизларойга ачинар эди. Одамлар Ойгулнинг тобутини уйдан кўтариб чиқиб, ҳовли ўртасига қўйганларида Қизларойнинг фарёди яна еру кўкни тутди. Қишлоқ муллеси Абдуназар ака Куръон ўқиди. Кейин одамлар елкалари узра допиллаган тобут бу йиғи, бу даҳмазалардан не фойда, дегандай чайқалиб борарди. Одамлар икки юз қадамча юрганларидан кейин йўлни қабристон томон бурдилар.

Қабристонга мен тоғам Қаҳҳорнинг ёнида келдим. Қабристонга етиб келишимиз билан тоғам бир муддатга тўхтади-ю, дўппайиб-дўппайиб ётган қабрларга тикилди. Кейин паст овозда гапирди: «Юлдузлар осмонда нур сочаверади, қабристонга гуноҳкор бандалар келаверади. Лекин Ойгул гуноҳсиз эди. У қабристонга бевақт келмоқда. Уни кимдир бевақт келишга мажбур қилди. Энди Ойгул қабрдагилар ёнида бўлади. Бу ерда келган кишилар эса дунёнинг барча ташвишларидан озоддирлар. Бу ерда улар миш-миш билан, юмалоқ хат ёзиш билан, мажлис қилиш билан машғул бўлмайдилар. Бир-бирларининг кўзларига тикан санчмайдилар. Бу ерда Ҳожи бобонинг ҳам қабри бор. Айтишларича, у ҳаётда виждони пок бўлган. Шунинг учун кўкламда ёмғир ёғмай қолса, одамлар унинг гўридан бир сиқим тупроқ олиб Сирдарёга сочишган. Шундан кейин кўкдан ёмғир ёққан, майсаларга жон кирган, қўйлар семириб, сигирларнинг сути кўпайган». Бу гапларни айтган тоғам сукут сақлаган-одамлар оқими ичидан энг олдинга ўтди. Қабр бошига келгач, қора яктагини ечди. Ойгулни қабрга қўйса керак, қабр ичига тушди. Мен кўрқиб кетдим. «Тупроқ босиб қолса, тоғамдан айрилиб қоламан-ку» — деган шубҳа томоғимдан бўққандай бўлди. Аммо бу савоб иш эканлигини тоғам бир неча бор менга айтганлар. Айтишларига қараганда, тоғам беш юздан ортиқ жасадни қабрга қўйганлар. Балки, Ойгул беш юзу биринчисидир. Уч киши оқ кафанга ўралган Ойгул жасадини эҳтиётлик билан тоғамга узатдилар. Тоғам уни тупроқ остига қўйди. Кейин одамлар навбатма-навбат сариқ тупроқни кетмон ва белкуракларда қабр устига отишди. Ҳаял ўтмай қабрлар ёнига янги бир қабр қўшилди. Бу — Ойгул қабри. Тупроғи совумаган қабр устига унинг синфдошлари кўз ёшларини тўкишди. «Тупроқ юмшоқ болиш бўлсин сенга, Ойгул», — деди лаблари титраб синфдоши Халил. Кўп ўтмай Куръон оҳанги қанот ёйди қабрлар узра.

## Й Ў Л Д А

Одатдагидай яна эрта тонгда мактаб ҳовлисига йиғилдик. Бу ерда бизни юк ортгич машина кутиб турарди. Этакларимизни белларимизга боғлаб машинага чиққанимиздан кейин машина тўғри далага — пахтазорга йўл оларди. Бугун ҳаво илиқ эди. Машинага чиқиб олган эдик. Шунда директоримиз келиб қолди. У бугун ҳаворанг кастюм-шим кийиб олган, оёғида аскарлар киядиган кирза этик, бошида кўк шляпа. Машина ёнига келгач мен, Ҳайдар

ва Муқимни машинадан тушишимизни сўради. Машинадан тушиб, директорнинг ёнларига келдик. Мактаб олди олчазор эди. Олчазорнинг нариги четида турли хил темир-терсаклар уйилиб ётарди. Директор бизни бошлаб, ўша томонга юрди. Темир-терсаклар уюми олдига келгач: «Буларни шаҳардаги темирлар йиғадиган пунктка элтиб топширасизлар. Олиб бориш учун колхоз учта тележка ажратди. Давлатга темир-терсакларни топшириш керак экан. Бу соҳадаги план бажарилмабди. Раис шундай топширик берди. Тушундиларингми?» — деди Ҳошим ака.

— Темир-терсакларни тележкага ўзимиз ортаганими? — дедим мен.

— Албатта, ўзларинг ортасанлар-да.

— Темир-терсак пунктига олиб боргач, уни яна ўзимиз тушираганими?

— У ерда ўзи тушириб оладиган магнитли эксковатор бор.

Директоримиз келган томонига кетди. Бизлар бир нафас темир-терсаклар уюмига қараб, жим турдик.

— Ўқувчининг пешонаси шунчалар шўр бўладими? — деди Ҳайдар ички бир алам билан. — Энди темир-терсак топшириш иши ҳам бизларнинг зиммамизга юклатилибди. Ўзи инсоф қолмабди бу катталарда.

Колхоздаги темир-терсак йиғиш плани ҳам болалар ҳисобига бажарилиши Ҳайдарга алам қилган эди. Фақат Ҳайдаргами, бизга ҳам алам қилган эди. Саҳар пайти туриб, апил-тапил юз-қўлини юйиб, нима еб, нима ичганини яхши эслай олмай мактабга, кейин пахтазорга шошган болалар тақдири катталарни виждон азобига солмас эди. Аммо уларга чап бериб бўлмасди, чунки улар хушёр ва маккор эдилар. Шуларни ўйлаб, киртайиб қолган, хоргин кўзларимни темир-терсаклардан бир пас узмай турдим. Директор айтган учта трактор учта тележкани судраб келди. Усти-боши кир, соколи олинмаган Аҳмад тракторчи кабинадан дик этиб тушди:

— Вақтинг кетди — нақдинг кетди, дейдилар. Вақтни кетказмай темир-терсакларни ортайлик, — деб ўзи бирданига ишга киришиб кетди. Энди қараб туриш одобдан эмаслигини сездик-да, бизлар ҳам ишга киришиб кетдик. Шунда Муқим ўтириб қолди. Олдига бордик:

— Бошим айланаяпти, — деди ҳолсизланиб.

Мен нонхалтамни келтирдим. Унда иккита нон, тўртта пиширилган тухум бор эди. Муқимнинг олдига қўйдим:

— Егин. Оч қолганга ўхшайсан, — дедим чарчок кўзларимни унга тикиб.

Муқим тухумнинг бирини арчиб, нонга қўшиб еябошлади. Еб бўлгач ўрнидан турди. Егялик уни қувватга киргизган эди.

Биз темир-терсакларни тележкаларга юклаб, йўлга тушганимизда ҳаво илиб, куёш оламни нурга буркаган эди. Мен кабинада Аҳмаднинг ёнига ўтириб олгандим.

— Ўқишлар яхшими? — деди Аҳмад ака йўлдан кўзларини узмай.

— Кўриб турибсизки, ўқиш ўрнига темир-терсак ташияпмиз. Эртага эса яна эгатлар орасида эгилиб, пахта теришда иштирок этамиз,— дедим ўтаётган кунлардан норози одамдай.

— Сенга маслаҳатим ука, институтга кир. Институтни битиргач иложи бўлса шаҳарда қол. Шаҳарда биласанми, одамлар жаннатда яшагандай яшайдилар. Уйга келсанг газ ёниб туради, шўрва, чой деганлари бир пасда қайнайди. Шўрва билан чойни ичгач, диванда ёнбошлаб телевизор кўрасан. Ётар чоғдан олдин ваннада ювиниб оласан. Мана бизни қара, институтга уч йил бордим, қиролмадим. Иш қўлу оёғимни боғлаб қўйди, соқол олишга ҳам вақт йўқ.

— Нега институтга кирмагансиз?

— Отам уруш инвалиди. Уч минг сўм топиб беролмадим.

— Уч минг топилганда нима бўларди?

— Домлага берардим. Студент бўлардим.

— Институтга пул бериб киришлари ростми?

— Келаси йил мактабни битириб бор, шунда ўзинг билиб оласан.

— Мен пул билан эмас, ўз кучим билан қираман институтга.

— Бунинг учун билим керак ука, билим керак! Сенлар ўқийдиган мактаб — пахтазор, сенлар ўқийдиган китоб — пахтазор, сенлар ёзадиган дафтар — пахтазор, сенлар ёзадиган доска — пахтазор, сенларни ўқитадиган муаллим — бригадир.

Аҳмад ака тўғри гапларни айтган эди. Бу гапдан менинг кўз олдим қоронғилашиб ичим қизиб кетди. Институтга қиролмаслик, бирор ҳунар эгаси бўлолмаслик қўл-оёқларимни бўшаштириб юборди. Нимадир ичакларимни тирнай бошлади. Бу ҳолда институтга ўз кучим билан қиролмаслигимни Аҳмад ака қандай билди экан-а!

— Қишлоқ болалари ақлан заиф, жисмонан ночор бўлиб ўсмоқда. Шунинг учун улар институтдан тутдай тўкилиб қайтадилар. Уларнинг ақлини, соғлигини пахта иши билинтирмай ўғирлаб олмоқда. Ақли ва соғлиги ўғирлаб олинган бола кўлмак сувга ўхшаб қолади. Кўлмак сув бирор томонга окмайди, мавжланмайди, тўлқин отмайди, унда фақат чувалчанглар, бақалар яшайди, холос,— деди жиддий оҳангда.

Бу гапдан кейин менинг оёқ-қўлларим қалтирай бошлади.

— Тилингиз бунчалар аччиқ бўлмаса,— дедим унинг ўсик соқолига кўз тикиб.

— Ҳақиқатни айтган тил аччиқ бўлади,— деди у қуёш нурида қора баҳмалдай товланиб турган асфальт йўлдан кўзларини узмай.

— Мен журналист бўламан,— дедим ишонч билан.

— Орзуга айб йўқ, омад тилайман ука,— деди менга тасалли бергандай бўлиб.

— Қишлоқ кишилари, қишлоқ ўқувчилари ҳақида ёзаман. Ўшанда тан берасиз,— дедим.

— Майли ёз. Кечалар узун ука. Ғафур Ғуллом институтни битирмаган, лекин академик шоир бўлган,— деди менга бир назар ташлаб.

Бу пайтда биз кишлоқдан чиқиб, район посёлкасига кириб келган эдик. Бирдан ГАИ ходимининг хуштаги эшитилди. Аҳмад ака уни йўл бўйида кўрмаган эди. У йўл бўйидаги қарағайнинг панасидан чиқиб, хуштак чалган эди. Аҳмад аканинг юзлари оқариб, тиззалари қалтираб кетганидан «Оббо!»— деди ички алам билан. У ГАИ ходимининг олдига борди. Мен кабинадан тушмай ўтиравердим. Бу орада ортимиздан келаётган иккита тракторни

ҳам ГАИ ходими хуштак чалиб тўхтатди. Кабина ойнасидан қарасам қассобдай семиз, мўйловли ГАИ ходими Аҳмад ака тутган қоғозга кўзларини югуртирди. Кейин Аҳмад акага нималардир деди. Аҳмад ака кўлларини кўксига қўйиб таъзим қилди, кечирим сўради. «Бола-чакаларингизнинг орзу-ҳавасини кўринг, илойим Жамбулнинг ёшига кириг!»— деган сўзлари қулоғимга чалинди. Кабинадан тушиб, уларнинг олдига бордим. Шунда ГАИ ходими Аҳмад акани тирсагидан ушлаб, йўл четига олиб ўтди. Бизнинг ортимиздан келиб тўхтаган трактордаги ҳайдовчилар эса кабинадан тушмай ўтирар эдилар. «Нима бўлар экан?»— дея кутиб туришган бўлсалар керак.

Мен ГАИ ходимининг ортида турардим. Шунинг учун у мени пайкамас эди.

— Битта коньякка пул ташлаб кетинг,— деди у Аҳмад акага паст овозда.

— Битта коньякка етадиган пулим йўқ. Майли десангиз уч сўмим бор, шуни бераман,— деди шоҳга таъзим қилган қулбаччанинг қолига тушиб.

— Уч сўмга семичка олиб чакинг!

— Бошқа пулим бўлмаса нима қилай?

— Шерикларингиздан битта коньякка пул йиғиб келинг!

— Шерикларим икки ойдан бери ойлик олишмаган, пуллари йўқ бўлса керак.

— Йигит одам йўлга пулсиз чикмайди.

— Ахир, ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу деганлар.

— Мақол билан мушук офтобга чикмайди.

— Коньяк ўзи неча пул туради?

— Ресторан нархида 17 сўм.

— Демак 17 сўм берсак қўйиб юборасизми?

— 17 сўм йиғиб берсаларинг, йўлда давом этишларингга руҳсат бераман.

Амад ака 17 сўм йиғиш ниятида иккала тракторчининг олдига келиб, масаланинг моҳиятини тушунтирди. Энди мен Аҳмад аканинг ортидан бир қадам ҳам ортда қолмасдим.

— Анаву ГАИ ходимининг баҳоси 17 сўм экан, тўплаб бермасак ҳайдов гувоҳномамиздан айрилиб қоладиганга ўхшаймиз,— деди иккала тракторчига Аҳмад ака илтижо билан.

Улар ҳамёнларини кавлашга тушишди. Шундай қилиб, уч одамдан 17 сўм пул йиғилди. Аҳмад ака ишонч билан ола таёғини ўйнатиб турган ГАИ ходимининг олдига келди. Кафтидаги пулни кўрсатмай унинг кафти орасига қўйди. Шунда ГАИ ходими гўнг



чўқийдиган қарғадай тўрт томонга сергаклик билан қараб олди-да, кейин Аҳмад акани огоҳлантирди:

— Туя кўрдингми — йўк,— деди паст овозда.

— Туя кўрганим йўк,— деди Аҳмад ака.

— Оқ йўл,— деди зулукка ўхшаган қора мўйловини силаганча.

Йўлга тушдик. Анча вақтгача жим кетдик.

— Кўрдингми, ука, давлатга элтиб берадиган темиримиз учун ҳам улар биздан пул оладилар,— деди ниҳоят Аҳмад ака жимликни бузиб.

— Инсофи йўк экан,— дедим мен ҳижолат бўлганимдан бундан бошқа сўз айтолмай.

— Журналист бўлганингда мана шуларни ёзиб, фош қилгин ука, токи уларнинг эгри қўл кишилар эканлигини одамларимиз билсин. Яна бир воқеани эшитганман, ўшани ҳам қўшиб ёзгин,— дея сўзида давом этди Аҳмад ака.— Бу воқеа Мирзачўл ўртасидаги «Уч том» деб аталадиган жойда бўлган. «Уч том»дан чўлнинг уч томонига йўл кетади. Бир томони Самарқандга, бир томони Фарғонага, бир томони Тошкентга йўл кетади. Ана шу жойдан кеча-кундуз ГАИ ходимлари аримайди. «Уч том» уларни боқадиган «охур». Бир куни Суюн деган шофёр кечаси юк, машинада «Уч том»дан ўтаётганда ГАИ ходимлари уни тўхтатади. Пул сўрашади уч киши. Шунда Суюн пули йўқлигини айтади. Ҳақиқатдан ҳам ўша куни унинг ёнида пули йўк экан. Ёнида чиройли, оғзи сарик мис билан қопланган носқовоғи бор экан. Чўнтақларини титкилашиб, ана шу носқовоқни олиб қолишади. «Отамдан мерос қолган носқовок, қайтиб беринглар, эртага айтган пулларингни олиб келиб бераман» деса ҳам кўнишмайди.

Аҳмад ака бу воқеани айтиб бўлгач кўзларини йўлдан узмай чуқур «ух» тортди. Назаримда ичида нимадир узилиб кетгандай бўлди. Мен аламимдан пастки лабларимни қаттиқ тишлаб олган эдим.

Атрофи сийрак қишлоқлардан ўтиб, шаҳарга етиб келдик. Шаҳарнинг кун ботиш томонидан темир йўл ўтади. Темир-терсакларни туширадиган жой ана шу темир йўлга яқин жойда экан. Етиб келганимизда гарам-гарам бўлиб ётган темирлар уюмига кўзим тушди. «Элликдан ортиқ вагонга юк бўлса керак»,— деб ўйладим ҳайрат ичида. Бу ерга фақат бизнинг мактабдан эмас, вилоятдаги мактабларнинг ҳаммасидан темир-терсак олиб келинар экан. Тележка тортган тракторлар турнақатор бўлиб, навбат кутиб турарди. Ниҳоят, бизга ҳам навбат келди. Тележкадаги темир-терсакни магнитли эксковатор ҳаш-паш дегунча тушириб олди.

Ортимизга қайтганда анча вақтгача гаплашмай кетдик.

— ГАИ ходими яна учраб қолмаса бўлгани,— дедим ниҳоят жимликни бузиб.

Аҳмад ака менинг гапиришимни кутиб турган экан шекилли, аланга устидаги чойдишдай қайнаб кетди:

— Номард, уч одамнинг ҳамёнидагини қоқиб олди. Пул йўқлигидан тушлик ҳам қилолмадик. Бизнинг насибамизни болаларига егизади. Егани ош бўладими ёки тош бўладими бунга ўйламай-

ди. Нима бўлганда ҳам у биздан ўн чандон яхши яшайди. Хотини олтин узук тақади, менинг хотиним жез узукка ҳам зор. Унинг хотини импортни туфлди кийганда менинг хотиним резина калишни судрайди. Унинг хотини «Жигули»да юрганда менинг хотиним даладан бошига печак кўтариб қайтади. Унинг хотинини юзларидан кон томай-томай деб юрганда менинг хотиним камқонлик касалидан шикоят қилиб, касалхонага йўл олади. Баъзи ота-оналар қизимни ГАИ ходимига бераман, деб бекорга айтмайдиларда. Кийинишдан, ейишдан камчилиги бўлмайди. Сен бўлгуси журналистсан, яъни қаламқашсан. Бугун бўлиб ўтган воқеани ўз кўзинг билан кўрдинг. Танаңга ўйлаб кўр. Вақт ўтган сари бу ҳол сенга тинчлик бермаслигига ишонаман. Қалбинг қийноқдан қутилиши учун бўлиб ўтган ана шу воқеани ёзишинг керак. Ёзганда нафратни илигингга қуйиб олиб ёз. Ўшандай чоғда шафқатсиз сўзлар сурони қалбингдан селдай тошиб чиқади. Қоғозга тўкилган адолатсизлик, қаллобликни халқ билиб олади. Яхши ва ёмон нарсаларни халққа билдириш учун халқ орасидан қаламқашлар етишиб чиқади.

— Бундай очкўзларни мелисага нега ишга олишади?— деб савол бердим Аҳмад акага.

— Ўғирликка мойиллиги бор, кўпгина ҳолларда эса тасодифий кишилар бу ишга ўрнашиб олишади. Холбуки, игнанинг кўзидан ўтказиб ишга олиш керак уларни,— деди Аҳмад ака сўзига яқун ясагандай бўлиб.

Кеч тушганда уйга етиб келдим. Онам ўчоқ бошида егулик тайёрлаётганлар экан.

— Танаңдан узоқ жойлар шамолининг ҳиди келиб турибди, қаёқларга борган эдинг болам,— дедилар нимадандир хавотирлангандай бўлиб.

— Гулистонга бориб, мактабда йиғилиб қолган темир-терсакни топширдик,— дедим-да, кийим-бошимни алмаштиргани уйга киришга шовилдим.

— Филминди тайёрлаганман, ювингин-да, кейин еб олгин, болам,— деди онам барча оналарга хос бўлган меҳрибончилик билан.

Кўл ювгичда ювиниб олгач, онам ўчоқдаги оловда эмас, юракларининг тафтида пиширган филминдини биров ортимдан куваётгандай шоша-пиша еб олдим. Қорним тўйгач уйку босди. Ахир, толиққанман. Ўриндиққа ётиб, уйкуга кетдим. Уйкумда туш кўрибман: тушимда колхозимиздаги ЗИЛ машинани ҳайдовчи Ҳақим ака Салимов машина саҳнига қушхоналарга топшириладиган сўқимларни ортиб олибли. Шунда йўлда мени кўриб қолди: «Кел, кабинага. Ёнимга ўтир. Шаҳарга сайр қилиб бориб келасан»,— деб таклиф қилдилар. Мен ўйлаб ўтирмай Ҳақим аканинг ёнларига чиқиб, ўтириб олдим. Кабина кенг, баҳаво. Машина баланд. Худди баланд отга миниб олгандайман, қарасам узоқ-узоқлар кўринади. Ҳамма нарсани бир қарада кўраман. Маза. Район посёлкасига кириб борганимизда Аҳмад акани тўхтатган ўша қассобдай семиз, қора мўйловли ГАИ ходими хуштагини чалиб, йўлимизни тўсиб чиқди.

— Бу ёмон одам. Машинани тўхтатманг, коньякка деб пул сўрайди,— дедим Ҳаким акага ёлвориш оҳангида.

— Тўхтамасак, қонидани бузган бўламиз,— деди Ҳаким ака хотиржамлик билан менга кўзларини тикиб.

Ҳаким ака кабинадан тушиб, унинг олдига борди. ГАИ ходими коньякка пул сўради шекилли Ҳаким аканинг жаҳли чиқиб бақирди:

— Ўзимники эмас, давлатнинг моллари, давлатга топширгани олиб бораяпман,— деди-ю, ГАИ ходимининг ёқасидан олди. ГАИ ходими ҳам бўш келмай қутурган туядай пишқириб, Ҳаким аканинг ёқасидан олди. Судра-судра бошланди. Бу холни машина сахнида туриб кузатган сўқимлардан бири машинадан сакраб тушди-да, қасос олмоқчидай қўрқинчли овозда бўқирди. Буни кўрган ГАИ ходимининг қўллари Ҳаким аканинг ёқасидан бўшади. Қўрқиб ортга тисарилди. Ўтақаси ёрилиб кетганидан йўл ёқасидаги катта карағай дарахтига орти билан суяниб олди. Шунда кўзлари қонга тўлган сўқим унинг семиз қорнига учлари ўтқир, узун шохларини ботирди. Кейин уни шохи узра кўтариб, айлантира бошлади. Бу воқеа бир пастда — кўзни очиб юмгунча бўлган муддат ичида бўлиб утди. Жон талвасасига тушган ГАИ ходими оғзидан кўкиш кўпик чиқариб ёлворишга тушди:

— Бола-чакам бор, улар етим қолмасин. Шохингдан ерга тушир. Энди коньякка деб ҳайдовчилардан пул олмайман. Энди улардан пул олсам, пул олган қўлларим саксовул ёғочидай қуриб қолсин. Дод! Ёрдам беринглар!..

Шу чоқ уйғониб кетдим.

## ЎҒИРЛАНГАН БОЛАЛИК

Ўзи бундай ўйлаб қарасам, чакконлик ҳам кўп иш беравермас экан. Нега деганда, ҳамиша қандайдир ғалва-ғишаванинг, ташвишнинг устидан чиқиб туради-да одам.

Эртаси кунни тонг саҳарлаб далага келдим. Кенг пахтазор мени домига тортиб юборгудай катта, уфқ билан туташиб кетганди. Ёпиқ мактабимиз эса қишлоқда мунгайиб турарди. Унинг эшигига қоровул қалладай қулфни осиб қўйган эди.

Биз оз дам олгани ариқ бўйидаги тут соясига ўтдим. Шунда Холмат велосипедда келиб қолди.

— Салом, Ҳаким,— деди велосипеддан тушаркан.

— Салом,— дедим хотиржамлик билан.

— Уй ўйлаяпсанми,— деди Холмат.

— Ҳа, уй ўйлаяпман. Ғўзага иккинчи сувни қайси ўқариқдан тарашни ўйлаяпман,— дедим.

— Сенга нохуш бир хабар келтирдим,— деди Холмат маъюсланиб.

Бир нафас жимиб қолдим. Қўл-оёқларим совиб, мадорим кетаётгандай бўлди.

— Нима гап ўзи, очикроқ гапир,— дедим заиф оҳангда.

— Бригадиримиз Ўринбой ака оламдан ўтди, — деди.

— Нега оламдан ўтаркан? Ҳали у қирқ ёшга ҳам кирмаган эди-ку!

— Ғўзани суғоришни кечиктирибсан, деб кеча мажлисда раис койиган экан. Уйга келиб алам устида бир шиша коньяк ичибди. Эрталаб уйқудан уйғонмабди. Юраги тўхтаб қолибди. Дафн қилишга ҳаммамиз боришимиз керак экан. Кишлоқ Советининг раиси шундай деб тайинлади.

Бригадирни дафн қилишдан олдин мотам митинги бўлди. Мотам митингини колхоз раиси Пармонкул кириш сўзи билан очиб, шундай деди:

— Биз бугун ажойиб пахтакор, «Хурмат белгиси» орденига сазовор бўлган меҳнаткаш инсон Ўринбой Қудратовни сўнгги йўлга кузатиб қўйиш учун йиғилдик. Унинг бутун умри пахта етиштириш, ҳосилдорликни оширишга қаратилган эди. Бу, албатта, жонни аямай ишлашни тақозо этарди. У шундай қилди, жонини аямай ишлади. Унинг ишчанлиги ҳаммамиз учун намуна бўлиши керак. Ишчан дўстимизнинг порлоқ хотираси ёдимизда абадий сақланиб қолади. Гўрингда тинч ёт, Ўринбой, алвидо!

Мен ўзимни тутиб туролмадим. Кўзларимдан дув-дув ёш қўйиларди. Юрагим тобора тўлиб-тошарди.

Ўринбой аканинг умри далада ўтди.

У ҳаётда нима кўрди? Қандай қувончларни татиди?

Бундай саволларга жавоб йўқ эди.

Худди шу лаҳзада мен ҳам нималарнидир пахта далаларида бой берганимни, йўқотганимни тобора чуқурроқ ҳис этиб... ўзимни тутолмай кетардим.

# ОЙНИНГ ЎН БЕШИ...

*Назира Йўлдош қизига.*

## I

Асад оғи оёқлаб қолган. Кун пешиндан оққан. Олтин баркашдай қуёш ғарбга оғаяпти.

Йўлдош Шодмон овулидаги тўқайзордан супанинг сатҳича келадиган ер очиб, қовун эккан. Ана шу ернинг кун чиқиш томонида қамиш қапа кўриниб турибди.

— Ҳадемай тилимиз шакарга тегеди.

Жўяклар ичига тушган тукли палакларни марзага авайлаб кўтариб кўяётган Йўлдош шу гапларни ҳаёлидан ўтказиб, жўяклар орасида ғимирлайди. Афтидан, қовунга сув қўйса керак.

Қапа ёнида юпун, сочларига оқ оралаган, орик елкалари бир оз чўккақ хотини Зайнаб қизи Назирани кўтариб эрининг келишини кутиб турарди. Ахир Йўлдош бугун туз тотгани йўқ, чой-пой дамлаб бериш ниятидадир. Ёки унга айтадиган зарур гапи бордир. Назира бўлса жажжи қўлчаларини қимирлатиб, ботиб бораётган қуёшнинг заррин нурларини ушлаб олмоқчи бўлади, онанинг оромбахш кўксига беозор талпинади. Кимга ва қаёққа талпинади? Хаёл кўним билмас, бола тиним билмас, деганлари шу-да.

Палаклар орасидан бир-бир босиб чиқиб келган Йўлдош Назирани бағрига олди. Қамиш қапа олдида тотли хаёлларга берилгандай уёқ-буёққа юра бошлади:

— Ширин қизим, шакар қизим...

Бир қайнаб совиган чойдиш остига қамишдан ўт ёққан хотини Зайнаб Йўлдошга ҳасратларини тўкиб солди:

— Мана Мирзачўл, ҳавас қил дегандингиз, хўш, бу ваҳимали тўқайларнинг; сассиқ ботқоқларнинг нимасига ҳавас қилай!

Қўққисдан айтилган бу гаплар Йўлдошни хушёр торттирди. Хаёлларини бўлиб юборди.

— Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, хотин. Тошқентнинг ўрни ҳам бир замонлар кимсасиз жой бўлган,— босиқ оҳангда гапирди Йўлдош.

— Пахта ўстирамыз, боғлар яратамыз, дегандингиз. Бунинг ўрнига қабристонлар кўпаяпти. Безгак оч бўридай хонама-хона изғиб юрибди.

— Хотиржам бўл, безгак ҳаммани қириб юбормаса керак!

— Лаънат бундай безгакка!

Ўз қисматидан, ўз турмушидан тамоман қониқмаганлиги Зайнабнинг аламли сўзларидан билиниб турарди.

— Нима бўлганда ҳам безгак одамларни орзусидан жудо қилолмайди. Бизнинг орзумиз Мирзачўлни гуллатиш.

Бу гапларнинг маъносига тушунмайдиган Назира отасининг тер ҳиди анқиб турган кўксига талпинади.

— Ўтган кунни Нортожи кўз юмди, кеча Сапаройни ҳам кўмишди. Кўнглим вайрон бўлиб кетаяпти.— деди қуриган қамишни чойдиш остига ташлаган Зайнаб.

— Ваҳимага тушма! Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ, деганлар,— тасалли берди Йўлдош.

Чойдиш шарақлаб қайнади. Зайнаб чойни дамлаш учун ўрнидан зўрға қимирлади:

— Вой, ерга ёпишиб қолишдан худо асрасин!

Гапнинг узилган ҳалқаси чой устида уланди.

— Азалдан пешонамиз қоқ бўлиб яратилган экан, худо қамиш қападан бошқа нарсани бизга раво кўрармикан?— Зайнаб турмушдан, камбағаллигидан яна нолий бошлади.— Шундай жойларда яшаш етти ухлаб тушимга кирмаган эди. Хўш, Тошкентдай шаҳри азимни ташлаб келиб бир қамиш қападан бошқа нима топдик бу чўлдан, нима топдик?

— Мана Назирани топдик-ку!

Она бағридаги қорачагина, ширин қизига меҳр билан термилди. «Рост, Назирани чўлга келиб топдик»,— деган фикр қалбининг бир чеккасини нурдай илтиб ўтди. Қаранг, шуни ўйламабди-я! Ўзини-ўзи қойимокчи бўлган она қалбидаги ўкинч ўрнини севинчга ўхшаш бир нарса эгаллаётганлигини ҳис этди.

## II

...Тун қоп-қора пардасини ташлади. Яхшиямки, табиатнинг шамчироғи — ой бор. Бўлмаса тўқайнинг қора окшоми одамни аждаҳодай ютиб юборади.

Само минбарига тун маликаси — ой қўтарилди. Оламга сутдай ёруғ нур тўқилди.

Йўлдош қовунга сув қўйиш учун ўчоқ ёнидаги кетмонни елкасига олди.

Мўъжазгина қамиш қапада эса қалби меҳр-муҳаббатга тўлиб тошган, еру самога ором бағишловчи сокин ва ёқимли алла янгради:

*Ёруғ юзгинам, алла,  
Ширин сўзгинам, алла,  
Чўлнинг ичидан топган  
Қора кўзгинам, алла...*

Дунёдаги барча қўшиқлар она алласининг жилвагар жозибасидан андоза олган эмиш. Мана, унинг ипак қанотлари қападан

парвоз қилиб, камишларнинг олтинранг попуқларига қўниб, бир умр гунг ва дол бўлиб ётган тўқайга жон бағишляпти.

Муҳтарама онанинг дарёдай жўшқин, қалби борган сари иссиқ ва ҳароратли оханга айланар эди. Ростдан ҳам Зайнаб бу окшом қизига бўлган соф муҳаббатини ўтга қўймас, сувда чўкмас алла орқали изҳор этмоқчи. Шу йўсинда қалбига чўккан бояги гам-ғуссалардан бир нафас бўлса-да, холи бўлмоқчи. Яхшиям, инсон боласи қўшиқ айтишга ўрганган. Бўлмаса, у гам чангалида бевақт ҳазон бўларди.

Осмонда ой сузмокда, бешиқ тебранади, онанинг қалбини ширин орзулар қамраб ола бошлайди. Йўлдош очган сув қовун жўяқларига секин жилдирайди...

### III

Гувалакдан тикланган пастқамгина уй. Ўртада сандал. Сандалнинг тўр томонида безгакка чалинган Зайнаб титраб ётибди. Бир ёнида Йўлдош унга эгилганича тиз чўккан. Зайнабнинг пешонасига дам-бадам кафтини қўяди. Сандалнинг паст томонида қизлари — Марҳамат, Вазира, Назиралар бирор кўнгилсиз ҳол рўй беришини олдиндан сезишаётгандай қимтиниб, тортиниб, қўрқиб ўтиришарди.

— Тангри шифо берса ҳеч гап эмас, яна оёққа туриб кетасан, — хотинининг кўнглини кўтармоқчи бўлади Йўлдош.

Зайнаб кенжатоий Абдуғофурни туққанидан кейин ўзига келмади, кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олди. Авваллари мадори кетди, сўнг кўкрак сути қуриди. Мана энди безгакка чалинди.

Йўлдош Зайнабнинг кўзларига тикилди. Танида қолган бир ҳовуч қувват фақат кўзларида базўр милтираб турибди. Бир пайтлар бу кўзларда аёл зоти учун энг муқаддас, энг нодир фазилятлар — вафо билан олижанобликнинг ҳайратомуз алангаси порлар эди. Бир пайтлар бу кўзларда одамларга бўлган ҳурмат-шафқатнинг беғубор ёлқини ёнарди. Айёрликни билмаган бу кўзлар одамларга тортинчоқлик билан боқарди. Бу кўзлар бешиқ бошида алла айтган чоғларида юракдан отилиб чиққан сўзлар тўлқинининг қучидан эриб, юмилиб кетарди. Энди у ёниб тугаган шамдек сўниб бораёпти...

Йўлдош Зайнабнинг қўлларига тикилади. У бу қўллар билан Тошкентнинг Мерганча маҳалласидаги чойхонада чойнак-пиёла ташиб, Йўлдошга ёрдамлашган. У бу қўллар билан фарзандларининг бешигини тебратиб, азиз бошларини силаган, Йўлдошнинг ёнида туриб кетмон чопган...

Йўлдош Зайнабнинг лабларига тикилади. Бу лаблар юлдузлардай бир-бирига ўхшаш фарзандларининг тиниқ юзларига бир кунда неча бор босилар эди. Бу лаблар Йўлдошнинг жисми-жонига ором бағишловчи қанчадан-қанча илиқ сўзларга гувоҳ. Зайнабнинг ориқ юзларига шу лаблардан ёқимли табассум ёйилиб кетарди. Энди...

Йўлдош яна Зайнабнинг юзларига, қошларига, сочларига тикилди. Оғир ўйга толди.

Эҳтимол, Йўлдош Зайнабнинг шу ҳолатини, у ҳақда ўйлаган ўйларини бир умр ёдида сақлаб қолиш учун шундай қилаётгандир. Ёки ҳаёт билан абадий видолашаётган одамларнинг юз-кўзларига қараб олиш ҳар кимнинг инсоний одати, ёхуд бир инсоний бурчимикан?!

Зайнаб ижирғанди. Сўнг танасидаги қолган мадорини бир жойга гўллаётгандай тиришди. Заиф оҳангда қамиши сарғайган шифтдан кўзини узмай, гапирди:

— Абдугофурни олиб беринг, бағримга босай.

Йўлдош бешикда ётган Абдугофурни уйғотиб, ечиб олди. Чинқириб йиғлаётган гўдакни онанинг бағрига тутди. Она кенжа-тойни жонхолотда бағрига торғди. Кейин Марҳамат, Вазира, Назираларни ҳам бирма-бир бағрига босди. Ҳийла жонлангандай бўлган Зайнаб Йўлдошга кўз қирини ташлади:

— Сизга айтар бир сўзим бор.

— Қўлоғим сенда, Зайнаб,— дея хотини томонга энгашди Йўлдош.

— Ўғил-қизларимизнинг камолини кўрмоқчи эдим. Лекин бунга кўзим етмаяпти. Фарзандларимни бировга зор қилсангиз гўримда тикка туриб, нола қиламан.

— Васиятингни ерда қолдирсам кўзимга тикан санчилсин, Зайнаб!

Зайнаб садоқатли эрига яна нималар демоқчи эди-ю тили айланмай қолди. Бир лаҳза ўтар-ўтмас кўзлари бир нуқтага тикилди.

Йўлдош аччиқ йиғлади. Норасида қизларининг аламли фигони Йўлдошнинг юрагини баттар поралаб юборди. Бунча қаҳринг қаттиқ бўлмаса, ҳаёт!..

Безгақдан кўз юмганлар қабри ёнида яна бир қабр пайдо бўлди. Қабристон овулга яқин жойда. Қишда яланғоч камишлар орасида кўзга яққол ташланиб туради. Йўлдош баъзи кунлари дили вайрон бўлиб қабрга тикилади...

Куз ўтди. Қиш ўтди. Кўклам келди. Зайнабнинг қабри устида қиёқларнинг биринчи майсаси униб чикди. У Зайнабнинг ушалмай қолган орзуларини эслатарди.

## IV

Майин қор остида сокин уйкуга кетган сулув баҳор уйғонди. Аввал у олмос чўққилари бошида «кўзини уқалади», кейин тоғлар тўшига, қирлар бағрига кўм-кўк бошини қўйди. Тоғларда пайдо бўлган олмос шаршаралар кўклам таронасини куйлади. Баҳор элчиси бўлган — бойчечак нафис елда эркаланди. Дов-дарахтлар танига қон югурди. Мовий тусга кириб бораётган кўкда қошимиздай суюмли қалдирғочлар чарх уради. Қиш бўйи ер остида, девор ва дарахтлар қавагида димиқиб ётган чумолилар ғайрати нозик танашига сиғмай ўрмалайди. Кўкламнинг кутлуғ қадами қадимий Сирдарёнинг бўйларига ҳам етиб келди.

Йўлдош қизи Назира билан кўкламнинг ана шундай бир



кунида йўлга тушди. Олдинда бир кулоғи кесилган эшак. Устида бир пудча макка. Назира макканинг устига ўтириб олган. Эшак устида ёш бола борлигини билганиданми, бир маромда кетарди. Ортда Йўлдош кўлида халачўп.

Терак бўйи кўтарилган куёш Йўлдош билан бекинмачоқ ўйнаётгандай, дам кулранг булутлар орасига кирар, дам булутлар орасидан чиқарди.

Тўрт томонда баҳор. Йўлдош ўз ҳаётида бу фаслни яхши хотирлаб қолган. Ушанда у балоғатга етмаган йигит эди. Отвси Раҳимбек кўклам келиши билан Қовунчига мардикорликка чиқиб кетарди. Кўкламнинг келиши уларга оғир эди. Эраксиз уй хувуллаб қоларди. Онаси «илоҳим, худо отангнинг омадини берсин, болам», деб тилак қиларди. Йўлдош бунга кейинчалик тушунди. Дарҳақиқат, қисматини ер билан боғлаган одамнинг омади кўкламнинг қандай келишига боғлиқ экан. Буни энди унинг ўзи ҳаётда синаб кўряпти.

— Ишқилиб, кўклам яхши келсин-да!

Икки-уч чақирим нарида Сирдарё оқади. Йўлдошнинг назарида дарё жуда узоқлардан бошланган. Буни у ёшлиқда отасидан, кексалардан эшитган. Унинг қирғоқлари қанчадан-қанча ёмғирларни, шамолларни кўрган. Шунинг учун дарёнинг қирғоқлари ёмғир зарбидан тарам-тарам ёрилиб кетган улкан ёғоч тарновга ўхшайди.

Дарёнинг нариги қирғоғида Яллама қишлоғи бор. Ота-бола ана шу қишлоқдаги тегирмонга йўл олишган.

Йўлдош дарёдан ярим чақиримча беридаги қамишзор орасидаги сўкмоққа келганида эшакнинг юришини тезлатди. Назира сесканиб тушгандай бўлди. Кейин сергак тортиди. Қопчиқ устига аввалгидан ҳам маҳкамроқ ўрнашиб ўтирди.

Дарёда йўловчиларни қирғоқдан-қирғоққа олиб ўтиш учун паром юради. Дарёнинг икки қирғоғига ёғоч устунлар қоқилган. Ана шу устунларга қамчининг ўзагидай қеладиған пўлат сим тортилган. Паром шу симга «осилганча» буёқдан-уёққа ўтиб туради.

Қирғоқда ўрта бўйли, бурни ясси, кўзлари қисик Йўлдош турибди. Ҳорғинлиги чағир кўзларидан шундоққина билиниб турар эди. Йўлдош маёус кўзлари билан нариги қирғоқдан бу қирғоққа қараб кескин сузиб келаётган паромга термиллади. Унинг термилишида илтижодан ўзга маъно йўқ. Дарёдан кўтарилаётган намхуш эпкин устидан каноп ип боғлаб олган эски чопонининг барини тиззасига олиб урмоқчи бўлади. Ёнида қорачагина, ялангоёқ қизи Назира. Унинг унча узун бўлмаган сочлари беўхшовгина ўриб қўйилган. Дарёнинг лойка тўлқини ҳадеб устки лабини ялаган одамнинг тилидай қирғоққа тегиб қайтади. Кўпик бойлаб, шитоб билан оқиши уни янада кудратли килиб кўрсатади.

Назира оламда бундай кенг дарё борлигини отасидан ва одамлардан эшитганди. Шунинг учун бўлса керак, дарё қаршисида эсанкириаб ҳайкиб турарди. Ориқ юзлари, гўштсиз қўлларини намхуш шамол ялаётганини сезарди.

— Қандай катта дарё, а!

Назиранинг ёнидаги қопчиқда уч пудча келадиган макка. Ота-боланинг қошу қовоқларига суртган бойликлари мана шу. Паром кирғоққа келиб, қум аралаш тупроққа тўхтади.

— Ассалому алайкум, Йўлдош ота!— деди асли ялламалик бўлган паромчи йигит, паромдан сакраб тушаркан. У Йўлдошни бир неча йилдан бери танийди. Паромдан тегирмон томонга ўтиб турарди.

— Ваалайкум ассалом,— деди кадрдон бир қариндошини кўргандай Йўлдош. Улар қўл олишиб кўришдилар.

— Тегирмонгами, Йўлдош ота?

— Ҳа, бола-чақалар тишлариниёғ кирини сўриб ўтиришибди. Мана шу маккани ун қилиб қайтмоқчи эдим,— қопчиққа ишора қилди Йўлдош.

— Бу йил баҳор яхши келадиганга ўхшайди. Дарёнинг шашти баланд,— деди бир дарёга, бир Йўлдошга қараганча паромчи.

— Илойим шундай бўлсин, эсон-омон пишиқчиликка етиб олайлик.

— Бу қизингизми?— уялиб, тортиниб турган Назирага қаради паромчи.

— Ҳа, йўлга бирга чиқдик. Тегирмонга бормоқчи бўлганимни билганида мени ҳам олиб кетинг, деб оёқ тираб туриб олди. Ёш-да, кўргиси келади.

— Жуда яхши-да, кўнгли ўсади.

Йўлдош паромчи йигит билан доннинг нарх-навоси ҳақида гаплашиб борарди.

Паром кирғоққа келиб тўхтаганида Йўлдош паромчига паром ҳақини узатди. Паромчи Йўлдош билан нариги кирғоқда қандай илиқ учрашган бўлса, ўшандай илиқ хайрлашди.

— Бугун қайтасизми?

— Иложи борица тезроқ қайтаман.

— Яхши бориб келинг.

«Қандай яхши йигит, ҳақини оз ёки кўп бердинг деб танглайини тақиллатмайди»— йўлда ўзига-ўзи гапириб қўйди Йўлдош.

Уларни қора мўйлови зулукка ўхшаган тегирмончи қарши олди.

— Тегирмоннинг тоши ёрилган экан. Тошни алмаштирдик, ҳали бир оз иши бор. Кутиб турасиз...

Тегирмон пешиндан кейин гуриллаб юрди. Гувалақдан қилинган эски, кўримсиз хона ларзага келди. Кўп ўтмай хона илиқ макка унининг ёқимли исига тўлди.

Назира бир чеккада қотиб турарди, дам зарб билан беўхшов айланаётган тегирмон тошига, дам хампага қўйилаётган бир оз қизғишранг унга қарайди. Жуда қизиқ!

Қаҳатчиликнинг чархи қаттиқ айланган кунларда тегирмоннинг гарди ҳам кишининг кўзига ун бўлиб кўринарди. Бошқа кишининг навбати келгунча хампадаги унни қўллари билан тозалаб сидириб олди. Қари эшак яна йўлга тушди. Йўлдошни уйда болалари оч. Тезроқ етиб бориши ва уларга макка унидан нон пишириши керак. Ҳадемай қоронғи тушади. Фарзандларининг оч ухлаши ота учун

оғир. Бунинг устига уйнинг оҳанрабоси бор, дейдилар, доимо ўзига тортади.

— Маҳкамроқ ўтир, кизим!— ота эшакка миниб олган қизини огоҳдангириб, эшакнинг юришини тезлатди.

Индамай ўтирган Назиранинг хаёлида беўхшов, бесўнақай айланаётган тегирмон тоши. Катта тош, оғир тош.

— Тегирмон тоши қаттиқ-а, дадажон?!— сўради кизалоқ.

— Ҳа, қаттиқ тош, кизим. Қаттиқ бўлмаса маккани ун қилармиди, — кизининг мурғак туйғуларини авайлагандай жавоб қилди Йўлдош.

Ота-бола паромдан ўтганларида, лойқаланиб оқаётган дарё тасма тусига кираётгандай эди.

... Мана, борлиқ юзига шомнинг ўсмаранг пардаси ҳам тортилди. Қирғоқнинг қаеридадир гумбурлаб жар қулади. Дарё қалқиб кетгандай бўлди.

Йўлдош тўқай орасидаги сўқмоққа келганида яна эшакнинг юришини тезлатди. Тўқай орасидан ногоҳон шарпа эшитилди. Қамишлар сирли шитирлади. Нимадир Йўлдошнинг гирибонидан ғиппа бўққандай бўлди.

— Тўхта!— ўнг томондан эркак кишининг буйруқ оҳангидаги йўғон овози эшитилди. Йўлдош кундузи шу ердан ўтаётганида унинг юзида қўрқув ифодаси пайдо бўлган эди. У шуни ўйлади. Эҳтимол, ҳозир овози чиққан киши кундузи уни кўргандир. Балки, у Йўлдошнинг тегирмонга бораётганлигини билиб, маккани ун қилиб қайтишини кутгандир. Ёки бошқачамикин!

«Тўхта!» деган овоз чап томондан ҳам эшитилди.

Бирор кўнгилсиз воқеа бўлишини сезган Йўлдошнингт юраги тез-тез ура бошлади.

Камбағалнинг ови юрса ҳам дови юрмайди. Йўлдош эшакни тўхтатди. Назирани эшак устидан кўтариб олиб, ерга қўйди. Оёқлари увишиб, қотиб қолган Назира қўрқувдан жовдираб, тек қотган отасига қаради. Эшак эса ҳеч нарса сезмагандай йўлда кетиб борарди.

Милтиқ ушлаган бир киши ўлжа излаган овчидай аланглаб, сўқмоққа чиқди. Унинг шафқатсиз, оч ва бежо кўзлари аввал Йўлдошга тушди, сўнг Назирага. Унинг чап қошида ёш гўдакнинг қафтидай келадиған чандиғи бор эди. Буни Йўлдош олдига келганда базўр пайқади. Кучига ишонса керак, Йўлдошнинг олдига бир ўзи келди.

Тўқайдан чиққан иккинчи ўғри бир кулоқ эшакни қувиб етди. Унинг ортидан чиққан учинчи қароқчи эса эшак устидан унни олиб, қамишзор ичига кириб, ғойиб бўлди.

— Отиб ташлайми ё жонингни қайтиб берайми?— сўради Йўлдошнинг қорнига милтиқ тираган чандиқли ўғри.

Ўзидан кўра кўпроқ Назирани ўйлаган Йўлдош танглайига ёпишиб бораётган тилини базўр қимирлатди:

— Ихтиёрингиз. Лекин кизим кўрқаяпти. Норасида фарзанд қуръон билан тенг.

Ҳиссиз ва тилсиз Назира қаттиқ қўрққанидан отасига ёпишиб олган эди.

— Туя кўрдингми, йўк, қабилда кетаверсанг, жонингни қайтиб бераман!— беомон зарда билан гапирди ўғри.

— Туя кўрганим йўк,— болаларининг олдига эсон-омон етиб боришинигина ўйлаган Йўлдошнинг тилига бу дафъа шу калима келди.

Ўғри Йўлдошни яна бир бор огоҳлантирди.

— Агар оғзингдан гулласанг, тилингни кесиб ташлайман! Тополмайди деб ўйлама. Ерда юрсанг изингдан, осмонда юрсанг шарпангдан топаман.

— Қизим кўрқаяпти, раҳм қилинг.

Бу гаплар Назирага анча узоқдан эшитилаётгандай туюларди. Чандикли қароқчи сўқмоқда узоқ туришнинг ҳожати йўк, деб ўйладими, ўзини камишлар орасига урди. Қоши-қовоқларига суртган нарсасини қароқчига бой бериб кўйган ота-бола анча нари кетиб қолган эшакка етиб олиш ниятида қадамларини тезлатишди.

Йўлдош энди нима қилишини билмай хайрон эди. Ниҳоят миясига бир фикр келди. Бу гапларни кизига ўзи эшиттириб такрорлади:

— Кўзи оч, кўзидан ҳам ўзи оч, ноинсофлар. Лаънат сенларга!

Йўлдош уйига етиб келганида ҳамма хонадонларда аллақачон чироқ ёнган эди.

оч болалари мўлтираб туришибди. Ҳамма дардини ичига ютган ота супрани қоқди. Муштдай хамир йўғирди. Нон пишириш керак.

Назира опаси Марҳамат билан синглиси Вазирага дарё, паром, тегирмон ва оч ўғрилар ҳақидаги таассуротларини гапирарди. Марҳамат билан Вазира унинг гапларини берилиб тингларди.

... Табиат инсонга энг ширин, энг лаззатли нарса — уйқуни бахш этган. Тонгнинг кўзи ёришганда Йўлдош ана шундай ширин ва лаззатли уйқудан нима учундир чарчаб, толиқиб уйғонди. Кўнглини ёзиш учун ташқарига чикди. Тонгнинг отишини кутаётгандай шарқ уфқига термилди. Одамларга севинч ва ташвиш бахш этувчи баҳорнинг навбатдаги илиқ тонги отарди.

## У

Баҳорнинг беланчаги бўлмиш март ойининг охирлари эди.

Ўринбой ариғининг кун чиқиш томонида ташкил топган «Ҳақиқат» колхозии ўз атрофига ўн тўрт хонадонни бирлаштирганди. Тўқайзорлардан ер ажратиб олиш аждаҳо оғзидан ўт юлиб олишдай гап эди. Ўн тўрт хонадондан иборат деҳқонлар тўқайдан 150 гектар ер ажратиб олганлар. Улар бу йил илк маротаба ана шу ерга чигит уруғи қадайдилар. Колхозга одамлар билан бирга Йўлдош ҳам аъзо бўлиб кирган. У ҳам одамлар билан бирга далага чиқади. Мақсади кўли толгунча кетмон урмоқчи, оёғи толгунча кўш ҳайдамoқчи. Бир товукқа ҳам дон, ҳам сув деганларидек, оилада ҳаммаси бўлиб беш жон. Беш жонли рўзғорнинг қозони кунда бўлмаса ҳам кунора қайнаши керак-ку, ахир. Қозони қайнамаган рўзғорга куёшнинг чарақлаб нур сочгани, ойнинг тўлиб боққани фойдасиз.

Йўлдош камиш ва қиёқлар орасидан ажратиб олинган ерда

дўстлари билан кун бўйи кулочини чўзиб кетмон уради. Кечкурун уйда болалари орасида. Ховли супуради, козон ювади, супра ёзади, нон пиширади, кул тўкади, ўтин йиғади...

Айниқса кенжатомай Абдуғофур анча инжиқ. Баъзан кечаси билан ўпкаси узилгудай йиғлаб чиқади. Онаизорининг меҳрини кўм-саса керак. Йўлдошнинг юраги эзилади.

Мана шундай йилларда тўрт фарзандини еганнинг оғзига, тутганнинг қўлига қаратмай ўстириш катта қахрамонлик эди. Лекин нима бўлса ҳам ота-да. Ота она ўрнини боса олармиди. Шундай бўлса ҳам Йўлдош фарзандлари учун ерга қозик бўлиб қоқилишга тайёр. Фақат улар ўсиб-улғайса, суяклари қотса, бас.

Кеч ётиб, эрта уйғонишга одатланиб қолган Йўлдош бугун ҳам эрта уйғонди. Ховли супурди, сўнг сигирни соғишга шошилди. Тошкентдан кўрпасини ортиб келган бу қора сигир Йўлдошга отасидан ягона мерос бўлиб қолганди. Онасиз болаларнинг оғзига малҳам, танига мадор бўлиб турган нарса шу жониворнинг тотли сути. Бўлмаса, ким билади дейсиз, болаларнинг ҳоли нима кечарди?

Сигир соғиб бўлгач Йўлдош энди сув олиб келиш зарурлигини ўйлади. Бу орада она сутига тўймай қолган Абдуғофур уйғониб қолди.

«Сувга кўтариб бора қолай, опаларини уйғотиб юбормасин!» Йўлдош йиғлаётган ўглини ана шундай хаёл билан опичлаб, эски бўз рўмол билан боғлаб олди, ишга уринса кенжатоийини мана шундай қилиб белига боғлаб кўтариб оларди.

— Йиғлама кўзим, йиғлама! Ҳозир сув олиб келамиз, кейин сут ичасан, ором оласан, йиғлама хўпми?

Йўлдош сопол кўзани қўлига олиб, Ўринбой ариғи томон кетди. Бир вақтлар Сирдарё уездида Ўринбой деган серсоқол киши мардикор ёллаб, юз-юз эллик гектар ерга пахта эктирган экан. Ана шунда у пахтани суғориш учун бу ариқни қазитиб келган. Шу боис ариқ Ўринбой номи билан аталади.

Йўлдош ариқ бўйида одамнинг оёқ босиши учун қилинган зиналарга эҳтиёткорлик билан қадам қўяди. Шу топда сув олгани Дўсмаат келиб қолди. Аввал у Йўлдошнинг ҳаракатларини четдан кузатди, сўнг раҳми келдими, сўз қотди:

— Йўлдош, болани менга ечиб бер! Тағин сувга тушиб кетмасин. Секин тўхтаган Йўлдош елкаси оша ортига қаради:

— Ҳа, йўк! Ҳеч нарса қилмайди!

Дўсмаат Йўлдошнинг тенгдоши, Асли Қўқондан, 1924 йили «Шўро ҳукумати батрақларга Сирдарё бўйидан ер улашаётган эмиш», деган хабарни эшитгач; чойнак-пиёлани семиз чойхоначининг олдига «так» этказиб қўйиб, бу томонга йўл олган. Кўч-кўронини Ўринбой ариғининг ёқасида тушириб, уёқ-буёққа қараб, хайрон бўлиб турганда хотини: «Ана бизга ўхшаган яна биров келаяпти», деб бир эшакка кўрпа-тўшагини ортиб олган одамни кўрсатган эди. Ана шу киши — Йўлдош эди. Биринчи учрашув мусицадай беозор деҳқонларнинг кўнглини бир-бирига пайвандлаб юборди. Икковлари ёнма-ён қамиш қапа тикишди, туташ ерга тамаки, пахта ва қовун экишди.

Ушанда Сирдарё бўйига келган багтракларга олти гектар ер берилганди. Ерни ҳайдаш учун на хўкиз, на омов, на бўйинтурук бор. Йўлдош ва Дўсмагга ўхшаган саккиз киши коммуна ташкил қилиб, ширкат билан шартнома тузишди. Сўнгра, 1928 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг вакили Яков Филиппович Горностаев (ҳозир Москвада, истеъфодаги генерал) раҳбарлигида қолхоз тузилди. Қўрғошиндай оғир қунарнинг икки вакили — Йўлдош ва Дўсмаг шундан бўён бирга.

Дўсмаг юрагини ҳовучлаб, Йўлдошнинг ҳаракатини кузатди. Тиззалари қалтираган Йўлдошнинг шу топдаги аҳволи унинг юрагини эзиб юборди.

Йўлдош сувга тўлган кўзани тортганида сув сатҳи бирдан «шалоп» этиб кетди. Қўлидаги кўзани қўйиб юборди. Елкасидан ошиб, сувга тушиб кетган Абдуғофур бир кўмилиб, сўнг сув бетига чиқди, Йўлдош ўзини сувга ташлади. Ариқ бўйида нима қиларини билмай довдираб қолган Дўсмаг зинадан пастга шошиб туша бошлади. Сувга бир чўкиб чиққан Абдуғофурни қўлтиқлаганча энгашиб, ариқ зинасидан чиқиб келаётган Йўлдошга қўлини тутди:

— Болани менга ечиб бер, демовдимми?

— Бўшроқ бойлаган эканман, шекилли.

Абдуғофур юзлари кўкариб, какшаб йиғларди.

— Ичига сув кетгандир, бошини пастга қил!

Йўлдош боланинг бошини ерга энкайтирди. Оғзи-бурнидан бир ҳовучча сув тушди.

— Худонинг ўзи асради!

Дўсмаг кўзасини ариқ бўйида қолдириб, кийим-бошидан сув силқиб оқаётган Йўлдошнинг ортидан эргашди. Дўсмаг шу вақтгача Йўлдошни бу қадар ғариб аҳволда кўрмаган эди.

— Аёлсиз уй хароб, деганлар. Бирор беванинг этагини тутсанг бўларди, Йўлдош,— сўз котди Дўсмаг.

— Беш боланинг устига ким ҳам хотин бўлиб тегарди. (Йўлдошнинг катта ўғли Абдуқодир Тошкентдаги укасиникида турарди),— бепарвогина жавоб қилди у.

— Болаларни суйиб, тарайдиган аёл бўлса жонингга аро кирармиди, дейман.

— Осойишта ўтирган беванинг тинчини бузиб нима қиламан. Қийнаётгани фақат шу кенжаси. Қолганлари ҳадемай қўлтиғимга кириб қолишади.

Йўлдош ўғлини ечинтириб, кўрпага ўради. Дўсмаг ўчоққа ўт ёқди. Чўлнинг қуруқ супургиси арчадай чарс-чарс этиб ёнарди. Ўтга юзини тоблаб, ўчоққа яқинроқ ўтирган Йўлдошнинг кийим-бошидан буғ кўтарилди.

— Бирор беванинг этагини тутгин, Йўлдош,— оловдан кўз узмай, яна гапини давом эттирди Дўсмаг.

Йўлдош ўлим олдида ётган хотинига айтган гапларини эслади.

— Йўк, болаларимга бегона аёлнинг миннатини раво кўрмайман,— бу унинг қатъий сўзи эди.

Ўчоқда эса чўлнинг қуруқ супургиси ҳамон арчадай чарсиллаб ёнарди.

Бугун қуёш тиниқ равшан чарақлади.

Марҳамат Вазирани эргаштириб, ўтин тергани кетган. Ҳовлига тўшалган эски шолча устида Назира укаси Абдуғофурни овутиб ўтирарди. Абдуғофурнинг қўлида бир бурда зоғора нон.

— Ушатмай егин, Абдуғофуржон, — куюнчаклик билан гапирарди Назира.

Абдуғофур ҳамон бепарволик билан нон чайнар; еганидан ушатгани кўп.

Шолча устида қора оч чумолилар пайдо бўлди. Улар борган сари кўпайишарди. Абдуғофур бирдан чинкириб йиғлади. Майин лунжлари, қотмаган тишлари орасидан ҳали ютиб улгурмаган нон увоғи кўриниб кетди.

— Чумоли чакдими? Куриб кетсин, булар! — Назира энди айик боласидай лапанглаб юрадиган Абдуғофурни уйга етаклади. Нон увоғи сочилган шолча устида чумолилар байрами бошланди.

Уйда кўкиш ва сарғиш бўёқлари учиб кетган сандиққа эндигина калит солган Йўлдош Назирага юзланди:

— Нима килди?

— Чумоли чакди.

Йўлдош Абдуғофурни бағрига олди. «Онаси бўлганда чумолига чақтириб қўймасди». Негадир, хаёлига шу фикр келди Йўлдошнинг.

Абдуғофур учун ота бағридан илиқ жаҳон йўқ. Тинчиди қолди. Бир донишманд: «Бир аёл ўрнини юз эркак босолмайди», деган экан. Эхтимол донишманд ҳақдир. Лекин мана шу топда Йўлдошнинг қисик кўзларида фарзандига нисбатан ҳар қандай аёл зоти тан берадиган даражада меҳрибонлик учқунлари порлаб турарди.

Йўлдошнинг Зайнабга бўлган муҳаббати уни олижаноб, бардошли қилган, фарзандларига бўлган ҳурмати эса меҳрибон, садоқатли отага айлантирган эди. Оилада ҳам ота, ҳам онанинг беминнат бурчини сабот билан ўташида қувватни ана шу хислатларидан оларди.

Йўлдош сандиққа солган калитини буради. Сандиқдан ярим метр қалами бўз олди. Кейин икки уй нарида турадиган Иззатхон бувиникига ўтди.

Қўл тегирмонида макка майдалаётган Иззат буви Йўлдошни кўргач, этагини қокиб, ўрнидан турди. Тили ширин Иззатхон буви ҳамманинг исмига «жон» қўшиб айтади:

— Кел, Йўлдошжон!

— Айбга буюрмасангиз, бир хизмат билан келган эдим.

— Кўлимдан келса, жоним билан, Йўлдошжон.

Йўлдош бувига қўлидаги бўзни кўрсатди.

— Эртага Назира мактабга боради. Шу бўзни китоб соладиган жилд қилиб, тикиб берсангиз.

— Майли, тикиб бераман, Йўлдошжон. Худого минг қатла шукрки, игна-ип ишига ҳали кўзим ўтади. Назиражон ўқиб, илмли бўлганда, Иззатхон бувим китобларимга халта тикиб берган эдилар, деб эслаб юрсин!

— Илоҳим айтганингиз келсин.

Иззатхон буви Йўлдошнинг кўлидан бўзни олди. Йўлдош уйига қайтганида, Марҳамат ўтин териб қайтиб келган экан. Ўчоқ бошида бир кучок чўл супургиси турарди.

— Марҳамат, хо Марҳамат!

— Нима дейсиз, дадажон,— киз ошхонадан югуриб чикди.

— Назира қани?

— Уйда.

— Олдимга келсин, айт!

Йўлдош қизларига савол берди:

— Эртага қандай кун, ким айтиб беради?

— Мен айтиб бераман, эртага биринчи сентябрь!— Марҳаматдан олдин жавоб килди Назира.

— Балли, қизим! Сен ҳам эртага мактабга борасан. Шунга биласанми?

— Йўқ, дадажон, мен мактабга бормаيمان, Абдуғофурга қарайман, сизга ёрдам қиламан.

Рухияти бирдан ўзгарган ота жиддийроқ қиёфага кирди:

— Абдуғофур катта бўлиб қолди, унга ўзим қарайман. Сен менга ёрдам қиламан десанг, ўкигин.

— Марҳамат опам ўкисалар етарли-да.

— Фақат Марҳамат опанг эмас, ҳаммаларинг ўқишларинг лозим. Кеча муаллим Олимжонга: «Назира ўқишга боради», дедим. Ҳозир сув иситинглар, бошларингни юваман.

Назира лом-мим демай кўзини отасидан олиб қочди. Ҳамма нарса равшан. Сувни иситиш керак. Отанинг раъйига қарши бориш одобдан эмас.

Йўлдош Марҳамат билан Назиранинг бошларига қатик суртди, сўнг ювиб қўйди.

Эрталаб ота Иззатхон буви тикиб берган бўз халтани Назирага кўрсатди.

— Мана, Иззатхон бувинг китобларингни соладиган халта тикиб бердилар. Сандикда китоб, дафтар, қалам бор, ҳозир уларни халтага солиб бераман.

Дадасининг бу пинҳоний ишларидан хабарсиз Назиранинг кўнгли қувончга тўлди. Қандай ажойиб, меҳрибон дадаси бор унинг.

Бу йил Марҳамат иккинчида ўқийди. Назира эса биринчи синфга боради.

Опа-сингил мактабга элтадиган сўқмоқдан боришарди. Ота бўлса икки қизининг ортидан бутун оламини, ҳатто дунёда ўзининг борлигини ҳам унутиб қараб турарди. Шу топда унинг кўзларида гўё қизларининг энг порлок, энг ардоқли келажати порлаб тургандай эди. Шу аснода у қайта туғилиб, қайта яшариб кетаётгандай, кўзининг оқу-қоралари, ширин-шарбатлари, орзу-умидари бўлган қизларининг ёрқин истикболларини кўраётгандай эди бу оқкўнги одам.

Орадан қанча вақт ўтди, буни Йўлдош яхши билмади. Аммо ҳозир ёғоч келида макка туяётганини яхши ҳис этар, бутун чар-



чоғини унутиб, кучга тўлган йигитдай, кели сопини чаққон кўтариб ташлар эди. Унга қувват бағишлаганлар — бугун ўқиб қайтишади. Бугун уларнинг қорнини гўжа ош билан тўйғизмоқчи. Шунинг учун ҳам у шашт билан кели тўйияпти. Бугун унинг шундан бошқа ташвиши йўқ.

Назирани мактаб эшиги олдида муаллим Олимжон Зейнуров очиқ чеҳра билан кутиб олди. Назиранинг кўлидан етаклаб, хонага олиб кирди. «Қандай яхши одамлар бор-а», кўнглидан ўтказди Назира.

Полли хона, бўёксиз парталар. Назира олдинги парталардан бирига Холмат аканинг кизи Хосият билан ёнма-ён ўтирди. Опаси Марҳамат бошқа синфга равона бўлди.

Назира учун бу ерда ҳамма нарса — муаллим Олимжон Зайнуровдан тортиб, сомон лой билан қалин қилиб сувалган баланд хона, парта, доска, ўнг томондаги иккита деразагача яп-янги. Гўё бу янги нарсалар Назирани шошириб, толиқтириб кўяётгандай эди.

Партага ярим ҳадик билан ўтирган Назира киприк қоқмай, муаллимга қаради. Олимжон Зейнуров мактаб остонасига илк бор қадам қўйган болаларга бир-бир кўз югуртириб чиқди. Сўнг майинлик билан сўз бошлади:

— Сизлар янги — озод замоннинг болаларисиз. Бундай замонни бизга бобомиз Ленин берган. Яна у бизга мактабни, китобни берди. Бу замон болалари ўқиб, билимли бўлишсин, деди.

Олимжон Зейнуров китобдан болаларга доҳий Лениннинг расми-ни кўрсатди. Ҳамма майин табассум билан қараб турган расмга тикилди.

Муаллим сўзида давом этди:

— Сизлар бобомиз Лениннинг набираларисиз. Ленин набиралари яхши ўқийдилар, мактабда ҳам, уйда ҳам одобли, интизомли бўладилар. Муаллим айтган сўзларини ҳамиша бажаришга одатландилар.

Муаллимнинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаётган Назира, уларни ёдида сақлаб қолишга тиришарди. Пойдевори пишиқ, девори хом ғиштдан қурилган бу беш хонали мактаб биноси илгари Сирдарё уездига донғи кетган Нурилла бойнинг уйи эди. Нурилла кулоқ қилингандан кейин мактабга айлантирилганди.

Биринчи кунги дарс ниҳоясига етди.

Назира билан Марҳамат торгина сўқмоқдан келишяпти. Ўқишнинг биринчи куни, биринчи ҳавас, биринчи умид... Қанчалар завқли.

— Яхши ўқиб қайтдиларингми?— умид ва орзуларга тўлганча кучоғини очди ота.

— Раҳмат, дада жон, яхши ўқиб қайтдик,— отанинг иссиқ бағрига отилди опа-сингил.

Мана, улар уйда. Ота энг яқин меҳмонларини қарши олаётгандай бесаранжон.

— Сиз ҳам ўқиганмисиз, дада?— сўради Назира.

— Бизнинг давримизда фақат бойларнинг болалари ўқир эди, қизим. Камбағалларнинг боласига мактаблар эшиги ёпиқ бўлган.

Назира дадасининг ўқимаганини эндигина билди.

... Жигарбандлари гўжа ошга тўйди. Қорачагина кизларининг юзларидаги севинч янада ёқимли нурланди. Ҳовли аёлсиз қолгандан буён ота фарзандлари билан мўъжазгина хонани тўлдириб, бугунгидай қувонмаган, яйрамаган эди. Оила кўнгилхушлигидан ҳам катта давлат борми, дунёда?!

## VII

Орадан ҳаяжонга, севинчга, ҳасратга тўлган йиллар ўтди. Гулдан нозик, тошдан қаттиқ одам боласига она табиат кўникма ва бардош деб аталган ажойиб хислат берган. У баъзан оромбахш туйғуларнинг ёқимли нашъасидан ҳузур-ҳаловатга тўлади. Кўнгилнинг бир четидан умид шуъласи порлайди, кўзларида нур табассум қилади. Бундай дамларда у фақат севинади, бир бор берилган ҳаётни ва унда яйраб-яшнашни ўйлайди.

Севинч ва ғам ёнма-ён юради, дейдилар. Инсон севинчга ҳам, ғамга ҳам кўникади. Зотан, бахтининг уфқи кўнлар ўтган сари ғуборлардан холи бўлиб, олтинланиб бораётган эди. Қизлари мактабга боряпти. Кенжатоғи Абдуғофурнинг тили чиқиб қолди, «дада» дейди. Ҳовлини тўлдириб юради. Болалар шодлигидан, меҳнат гаштидан бошқа қандай бахт бор оламда Йўлдош учун.

Бу йил бўхор эрта келди. Йўлдош киш бўйи елкасидан ташламаган эски пўстинини эгидан ечди.

Шу йил баҳор кишлоқдагилар янги бир гап билан нафас олишди: «Колхозга трактор келармиш, энди ерни трактор ҳайдармиш».

Бу янгилик Йўлдошнинг танига ҳам ажиб бир илиқликни, руҳий бир тетикликни олиб кирди.

...Киёқзор, камишзор орасидан дўппайиб кўриниб турган уйларда ҳеч ким қолмади. Ҳамма — каттаю кичик далага — «пўлат хўкиз» томошасига чиққан. «ХТЗ» кишлоққа улкан тошбақадай ўрмалаб кириб келди. Одамлар трактор томон чопишди. Улар бир зумда тракторни ўраб олишди. Ҳамма ҳаяжонланар, тракторчи йигит ҳам севинч оғушида. Бир-бирларига шодланиб гапиришади:

— Мана бу бошқа гап!

— Қойил-э!

— Ишлаб чиқарганга, раҳмат!

— Ҳайдаб келганга балли!

— Отасининг ўғли экан.

— Бир ўзи бир неча хўкизнинг ишини бажарармиш.

— Фирқаларга раҳмат!

— Инқилобга раҳмат!

Бу гаплар Назиранинг қулоғига гоҳ узокдан, гоҳ яқиндан эшитилгандай бўларди. У ҳозир уч-тўрт йилдан кейин мана шу тракторга сув ташиб беришини ҳаёлига қандай келтирсин?

Иван Яковлев тракторни кишлоқ оралатиб, дала томон ҳайдади. Кимдир унинг олдига тушиб, қўлларини кўтариб кичқиради, кимдир унинг ёнидан қоқилиб сурилиб чопади, кимдир ортидан белбоғини байроқ қилиб, хилпиратиб одим ташлайди...

— Мана бунни кучли хўкиз, дейдилар.

Кишилар шу қуни кечқурун қувончларини ичларига сиғдиролмайдиганга қайтдилар. Бу воқеа кўз олдидарига эмас, гўё тушларида рўй бергандай, тез-тез ортларига қараб-қараб қўйишарди.

## VIII

Сирдарё ўзининг ҳузурбахш мавжларида баҳор нафасини ортомқлаб оқади. Момо ердан қайнаётган қозон ҳовуридай енгил буғ кўтариледи. Кечаги майин ёмғирдан кейин қиёқлар, қамишлар, бурганлар, қаламиқлар, жинғиллар ҳовучида қолган олмос томчилар нурлар тороғининг таъсиридан ипак толасидай енгил ҳовурга айланади.

Кўклам танбаллик ва худбинликдан тамоман ҳоли бўлган ёшлик туйғуларини далалар бағрига чорлайди. Бундай пайтларда қайси ёш уй бурчагига биқиниб олади, дейсиз?

Назира дугоналари Хосият, Зебинисо, Холидалар билан Ўринбой ариғининг ёқасига чиқишди. Улар ҳар баҳорни шу ариқ ёқасида кутиб олишади. Гўё кўклам бутун оламга мана шу Ўринбой ариғининг шабадалари билан ёйилади. Улар бу ердан қоқигул теришади, осуда ҳаёлларга ғарқ бўлишади. Кўклам билан орзулари орасига майин ип тортилгандай бўлади.

— Мактабни битирсанг, Тошкентга ўқишга борасанми, Назира?— сўради Хосият.

— Албатта бораман, агрономликка ўқийман. Дадам агроном бўласан деганлар. Агроном бўлсам, кенг дала, кўркам баҳор, хушбўй гуллар ҳамиша мен билан бирга бўлади,— жавоб қилди қиз.

— Ўзинг ким бўлмоқчисан?— сўради энди Хосиятдан Холида.

— Мен санъаткор бўламан.

— Овозинг у қадар ёқимли эмас, кўзининг маърашига ўхшайди.

— Бекор айтибсан. Ойимлар, овозинг қўнғирокдай жарангли, деганлар.

Енгил кулги кўтарилди. Ҳазил-мутойибага айланган суҳбат давом этди. Зотан, ёшлик онлари кўклам, кулгу, ҳазил-мутойибалар билан гўзал.

Ариқ бўйида дугоналар шўх ўйнаб кулишади. Аммо шу он бирдан осмонни булут қоплади. Момақалдироқ гулдуради. Қуюқ булутларни чакмоқ қайчилаб ўтди. Қизлар бир сесканиб тушишди. Айниқса, Зебинисонинг ранги оқариб кетди. У момақалдироқдан кўрққанга ўхшайди. Яшин урган одамлар ҳақида кўп эшитган, шекилли. Ҳамма бир-бирига «энди нима бўлар экан» деган маънода қаради. Шу лаҳзада қишлоқ томондан Иззатхон бувиининг овози эшитилди:

— Назиражон қизим, қаёқдасан, тезроқ кел!— Унинг овозида титроққа ўхшаш изтироб оҳанги сезилиб туради. Назира олдинига шошиб қолди. Кейин кучининг борича қишлоққа қараб чопди.

— Бирор фалокат рўй берган бўлса керак,— энтикиб бораётган Назираниннг ҳаёлига бундан бошқа фикр келмасди.

Кунлар илиб қолган бўлса-да, Назираларнинг уйдан сандал олинмаганди. Отаси бўз кўрпа ёпилган сандалда бетоб чўзилиб

ётарди. Кўкрагининг чап томони санчиб оғрир эди. Иззатхон буви жон билан олишайтган Йўлдошнинг кўнглига тасалли берарди.

— Дард ҳам шамолдай ўткинчи нарса. Кўп ўтмай оёққа туриб кетасиз, иним!

— Сизга нима бўлди, дадажон?!

Назиранинг саволига Иззатхон буви жавоб берди:

— Бирдан тоблари қочиб қолди, дадажонингни.

Дадасининг бош томонига келиб, энгашиб ўтирган Назиранинг кўнглига турли хаёллар келарди. Кафтнини дадасининг манглайига босди, юз ва кўзларини силади. Гўё у ҳозир дадасидан ажраб қолаётгандай титрарди.

— Мен сизни ҳеч кимга бермайман, дадажон!— ички дард билан сўзлади Назира.— Сизсиз ҳолимиз нима кечади?

— Тиш берган худо ризқ ҳам беради. Хафа бўлмаңлар, ҳар калай катта бўлиб қолдинглар,— деди ота заиф оҳангда.

— Йўк, сизни ҳеч кимга бермаймиз!

...Назира совиб қолган сандалга чўғ келтириш учун ўрнидан турди. Лекин ота Назиранинг ошхонага ўтишини истамади шекилли, «ўтир, Назиражон» деди лаблари титраб.

— Нима дейсиз, дадажон?— қайтиб жойига ўтирди Назира.

— Аканг Абдуқодирни кўролмаймаңми, дейман. (Абдуқодир харбий хизматда эди) Унга айтадиган гапим бор эди.

Иззатхон бувининг назарида отанинг юраги охириги куч билан урарди.

— Назиражоннинг ўзига айтаверинг, яхши ўғил ўрнини босадиган қиз,— деди пиёладаги чойни пуфлаб совитаётган Иззатхон буви.

— Назиражон!— ўрнидан кўзғалмоқчи бўлди ота.— Сендан умидим катта. Сен чўлда чироғимни ёқасан.

Бу Йўлдош отанинг ҳаёт билан видолашиш олдидан ўн тўрт ёшли кизига айтган сўнги сўзи эди.

Отанинг кўзи мангуга юмилди.

Ташқарида момақалди роқ гулдирарди. Онасиз ўсган, сергаклик ва пишиқлик ёш қалбида одат тусини олган Назиранинг юраги узилиб кетгандай бўлди. Додлаб йиғлади. Ташқарида жала аралаш ёмғир кўярди.

Бу орада сигирини етаклаб Марҳамат билан Вазира қелишди. Отадан айрилган қизларнинг нола-фиғони торгина уйни ларзага келтирди. Ҳовлига бир зумда қишлоқнинг катта-кичиги тўпланди.

Иззатхон буви, Холбуви хола Назира билан Марҳаматнинг қўлтигидан ушлаб, бағриларига босганча тасалли бериб юпатишарди.

...Фарзандлар биринчи маротаба тонгни отасиз қарши олдилар. «Сендан умидим катта. Сен чўлда чироғимни ёқасан», Йўлдош отанинг ўлим олдидан айтган ману шу гапи Назира дилига тасалли берувчи бир васиятдай жаранглаб қолди.

Йўлдош ота фарзандлари ғамини ўз ғами деб билган меҳри дарё Иззатхон буви эски бир кўшиқни ҳар замон-ҳар замонда ўзича такрорларди. Эҳтимол бу кўшиқ Иззатхон бувининг ҳам аччик қисматига дахлдордир:

*Ҳасратларим айтсам, дўстлар,  
Сочимдан ҳам зиёда.  
Кўзим боғлиқ, ғамим отлиқ,  
Кетолмайман пиёда.*

Дунёда яхши одамлар кўп. Дардингни ҳам, севинчингни ҳам баҳам кўрадилар. Йўлдош отанинг энг яқин кадрдони Дўснат ва унга ҳамдард кўшни бўлган Иззатхон бувилар деярли ҳар куни отасиз болаларнинг олдига келиб, уларнинг ҳолидан хабар олиб туришарди.

Тақдирнинг аччиқ қисматидан баъзан қочиб қутулолмайсан: осмон йироқ — ер қаттиқ. Энди рўзгорнинг зил тоши ўн олти ёшли Марҳаматнинг елкасида турарди.

Бир куни Марҳамат Назирага юзланди:

— Назира, мен ўқишни ташлайман, сизларни боқиш учун ишлашим керак. Хонадонда қозон қайнаши керак. Эртадан бошлаб далага чиқаман.

— Мен ҳам далага чиқаман, — жавоб берди Назира.

— Дала ишлари менинг екамга, ўқиш эса сенинг зимманга! — Марҳамат суҳбатга яқун ясагандай бўлди.

... Далага элтадиган торгина сўқмоқда рўзгор бешитини тебратмоқчи бўлган Марҳамат борарди. Яқиндагина бу йўлда унинг отаси юрмаганмиди? Эҳтимол, бу йўлда унинг табаррук излари қолгандир. Марҳаматнинг кўзлари ота изларини излайди.

Аёлсиз ва эрқаксиз қолган уйдан ҳар куни тонгда икки қиз икки томонга — бири далага, бири мактабга йўл оларди. Кунлар ва тунлар эса ҳар куни узайиб кетаётгандай туюларди.

## IX

Ота вафотидан кейин етти ой ўтди. Олтин кузнинг ташвишли онлари келиб, ҳаммани «ҳа, бўл» дегандай қистайди. Марҳамат эгатлар орасига энгшиб пахта теради. Тўрғай сайрамасдан туриб, зумрад далаларнинг орасига сингиб кетади. Ундан сал нарида пахта тераётган онахонлар бир-бирларига кўз қирин ташлаб, шивирлашади. «Кулишлари, очиклиги, ишчанлиги худди онасининг ўзгинаси. Қобиллигини айтмасизми? Раҳматли отаси тарбияни хўп ўрнига қўйган экан-да. Уч укасини мактабда ўқитяпти, валломат қиз. Келин қилган қайнонанинг жони роҳатда бўлади-да».

Бундай мақтов гаплар ўқтин-ўқтин Марҳаматнинг қулоғига чалиниб қоларди. Лекин у бунга эътибор бермас, бутун диққат-эътиборини меҳнатга ва укажонларининг ўсиб-улғайишига қаратган эди.

Отасининг вафоти ҳақида акасига хат ёзди. Унинг жавоб хатини олганда ўзини анча дадил сезди.

Тўғри, Марҳамат онасига жуда ўхшаб кетарди. Лекин у меҳнатга, укажонларига бўлган муҳаббатни отажонидан ўрганган эди.

Завқли меҳнат, гаштли ҳаракат Марҳаматнинг чиройига чирой, қувватига-қувват қўшиб юбораётганлигини ўзи ҳис этмасди.

Назиранинг еттинчи синфда ўқиётганлигига эндигина бир ойдан ошди. Тушгача мактабда, тушдан кейин далага боради. Марҳаматнинг ёнида пахта теради...

## Х

...Фашистлар юртимизга бостириб кирди. Мард, жасур йигитларимиз Ватан ҳимоясига отланди. «Ҳақиқат» колхозининг кекса ва ёшлари район ҳарбий комиссариатига тўпланишган. Тўпланганлар орасида Йўлдошнинг дўсти Дўснат бобо ҳам бор. Дўснат бобога жангга ўгли Ботирни кузатмоқчи. Назира билан Марҳамат бобога эргашиб келишган. Бобонинг кенг елкали, қора соч, доимо оғзини тўлдириб гапирадиган ўгли Ботирни Дўснат бобо билан биргаликда кузатишмоқчи. Йўлдош билан Дўснатнинг мустақкам дўстлиги фарзандларининг орасига ҳам дўстлик иplarини тортган эди. Назира билан Марҳамат Дўснат бобога қиз, ўгли Ботирга сингил тутинишган. Ўз навбатида ота-бола ҳам, она-сингиллар ҳам буни ич-ичларидан ҳис этишади. Ахир бир туғишгандан, бир топишгандан, деганлар-ку.

Назира умрида ҳеч қачон одамларни бунчалик ғамли ҳолда кўрган эмас. Бу ерда қўшни колхоздан келганлар ҳам бор. Баъзиларининг кўзлари уйқусизликдан кизариб кетган, баъзилар нима ҳақдандир куйиниб гапирди; баъзилар сукут сақлайди. Комиссариат олдига тўпланганлар азиз фарзандлари билан бўладиган хайрлашиш дамларини ана шундай ҳолда кутиб олмоқда эдилар.

Дўснат бобо билан бирга одамлардан бир чеккада турган Назиранинг боши айланиб, кўз олди коронғилашиб кетгандай бўлди. Кўпни кўрган ота қўлини паҳса қилиб гапирди:

— Хону-монингга ўт кетсин, лаънати Гитлер!

Сочи оппоқ бир она қарғанди:

— Худоё ўз қонингга ўзинг бўялиб ўлгин, қонхўр!

Ёш бир келинчак нола қиларди:

— Кўзимнинг ёшини оқизганинг учун кўзларинг кўр бўлсин, душман!

Юз эллик чоғли йигитлар халта-қопчиқларини елкаларига ташлаб, сафга тизилишди.

Бу орада Ховос томондан келган поезд вокзалда кичқирганича «энтикиб» тўхтади.

Юлдузли пагон таққан кишининг буйруғидан кейин йигитлар вокзал томон юришди. Одамлар куч билан кирғоққа интилган тўлкиндай йигитлар ортидан эргашишди.

Вокзалда ҳарбий кийим кийган, хушсифат бир ўзбек йигити бўлажак жангчиларга қарата:

— Ўртоқлар, — деди, — ёвуз Гитлернинг каллакесарлари жонажон Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирди. Душман қадами етган ерга ўт қўймоқда, одамларни асир қилиб олиб кетмоқда. Кишиларимиз тарихда инсон бошига тушмаган азобларни бошдан кечирмоқда. Сизлар муқаддас тупроғимизни фашист газандаларидан тозалаш учун жангга бораёписизлар! Ватан учун, озодлик учун

бўладиган шиддатли жангда сизларга фақат ва фақат ғалаба ёр бўлсин, дейман...

Поездга чиқишга буйруқ берилди. Яна хайрлашиш, ўпишиш, кучоклашиш, кўз ёшлари...

Дўсрат бобо ўғли Ботирни бағрига босди:

— Бошинг тошдан бўлсин, болам! Хат ёзиб тургин!

— Насиб бўлса юз кўришармиз, отажон!

Ота билан хайрлашган Ботир Назира билан Марҳаматга юзланди:

— Яхши қолинглар, сингилларим!

— Ой бориб, омон қайтинг, Ботиржон ака!

Кўкка куюк, қора тутун ўрмалади. Ғилдираклар ўрнидан секин кўзгалди.

Поезд кўздан йўқолгач, одамлар бирин-кетин тарқада бошлади. Назиранинг армиядаги акаси Абдуқодирнинг ҳоли не кечди экан? Эхтимол, поездда кетаётган йигитлар акаси билан юз кўришар. Шунда Назира акасига хат ёзиш зарурлигини ўйлаб қўйди.

\* \* \*

Мактаб хонасига ёзги таътилдан кейин келган ўн беш нафар ўғил ва олти нафар қиз муаллимни кутиб ўтиришарди. Олимжон Зейнуров синфга кириб келганда ҳамма унинг ҳурмати учун ўринларидан туришди. Унинг елкалари бир оз чўккандай эди, томирлари бўртиб турган қўлларида на журнал, на китоб бор. Доим меҳрибонлик учқунлари порлаб турадиган кўзларига нохуш бир ташвиш соя ташлагандай эди. Лекин у буни ўқувчиларга сездирмасликка ҳаракат қиларди.

— Салом, болалар!— деди у ниҳоят толиққан одамдай.

— Салом!

Балоғат остонасида турган ёшларнинг таниш ва жарангдор овозидан руҳий мадад олган муаллим ҳийла тетиклашгандай бўлди. Олимжон Зейнуров Ўзбекистонга ёшлигидаёқ Қозон шаҳридан келган.

— Ўқишни бошлаймизми?— сўради муаллим.

— Албатта, бошлаймиз,— жавоб қилишди болалар бирин-кетин.

Олимжон Зейнуров жимлик ҳукм сурган хонадаги болаларга бирма-бир назар ташлади: «Ўқишга ташна болалар булар». Яна бир муддат жойида хаёлга толди. Ранги оқарди, кўзларида ёш қалқиди. Ўқувчилар дили вайрон бўлиб кетган муаллимга қараб, хайрон бўлиб туришарди.

— Афсуски, ўқишни бошлолмаймиз,— ички бир дард билан дилидагини очик гапирди муаллим.

Ўқувчилар ҳеч нарсага тушунолмади хайрон эдилар.

Муаллим сўзида давом этди:

— Бугун синфдаги ўн беш боланинг ўн тўрттасига ҳарбий комиссариатдан чақирик қоғози келган. Фақат Мўминжондан (Мўмин-

жоннинг бир кўзи кўр эди) бошқа ўғил болалар жангга жўнайдилар. Қизлар эса далага — меҳнат жангига. Мактаб ёпиқ.

Олимжон Зейнуров охириги сўзини оғир дард билан, қийналиб айтди.

Хонага оғир сукунат чўкди. Ўқувчиларга тикилиб турган муаллимнинг юзларидан икки томчи ёш думалаб, ёқасига тушди. Гўё бу икки томчи ёш унинг юзларини олмосдай тилиб ўтганди. Муаллимнинг бундай аҳволга тушиши ўқувчиларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган эди. Назира муаллим билан қандай ҳайрлашганини, синф хонасидан қандай аҳволда чиққандлигини эслай олмайди.

Эртаси жанг дегани нима, одам ўлдириш дегани нима эканлигини ҳали яхшироқ тушуниб етмаган ўн тўрт нафар ёш Дўсमत бобонинг ўғли Ботир сингари, узоқ-узоқ томонларга жўнаб кетди. Назирани мактабга элтадиган сўкмоқ торайганича қолди...

Энди Назира опаси Марҳамат билан ҳар куни далага йўл олади. Лекин ўқишга бўлган чанқоқлиги босилмай қолганидан афсусланади. Мактабдан, синфдошларидан кутилмаганда ажраб қолганидан изтиробда.

Баъзан уй билан мактабни туташтириб турадиган сўкмоқ тушларига кириб чиқади.

Орадан уч кун ўтди. Назиранинг акаси Абдуқодир ҳозир қаерлардайкин? Ҳадемай бориб қоларман, юз кўришармиз, дея хат ёзган ҳам эди. Узоқ-узоқларда эса ҳаёт-мамот жанги борарди. Акасининг тақдири эса Назира билан Марҳаматни саросимага соларди...

Орадан кўп ўтмай, Назира акасидан хат олди: «Салом меҳрибон ва азиз сингилларим! Мен Белоруссия ўрмонларида Ватан учун жангга кирдим! Кўришгунча омон бўлинглар! Сизларни соғиниб Абдуқодир!..»

Қисқа хат. Лекин ундан урушнинг аччиқ ҳиди келиб турарди. Ана шу кунларда Назиранинг қиёфаси ёмғирдан қутулиб, қорга тутилган одамнинг аҳволини эслатар эди.

## XI

Орадан бир йил ўтди. Назира ҳам жангчи. Лекин у фронт орқасидаги жангчи. Ярим бўлик, ярим нимжон пахталар икки-учтадан марварид шона туккан дамлар. Қуёш ва меҳнатнинг бир-бирига омукта бўлиб кетган ҳароратидан юзлар қорайган. ...Саратон қуёши кўкда ёниб турибди. Иван Яковлев асабий оҳангда қичқиради:

— Назира, мунча имиллайсай, тезроқ кел!

Ўринбой ариғидан қуқунранг челақда сув олиб келаётган Назира гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга энгашганича Иван Яковлевнинг овози чиққан томонга қараб пилдирайди. Оёқлари бир-бирига чалишиб кетади. Челақни дам унисига, дам бунисига олган қўллари юракни беҳузур қилиб юборадиган даражада толади.



— Куриб кетсин, ўлгур мунча кўп сув «ичмаса!»— гўё чарчоқлигу аламини мана шу гаплар билан танасидан чиқариб юбормоқчи бўлади Назира.

Иван Яковлевнинг асабий оҳангдаги овози Назиранинг кулоқлари остида яна янгради: «Тезроқ кимирлаш керак, тезроқ!» Не машаққатлар билан радиаторнинг қопқоғини очиб сув куюётган Яковлев баланд овоз билан яна таъкидлади:

— Сувни мен кутиб қолсам майли, ammo трактор кутиб қолса бўлмайди. Ахир, бу трактор қолхозда ягона.

Одатда қулоғи оғир одамлар баланд овозда гапиришади. Лекин Иван Яковлевнинг қулоғи оғир эмас. Тракторнинг тинимсиз равишда дўриллаган овози қулоқларига салбий таъсир қилганидан баланд овоз билан гапирса керак. Икки ойдан бери Иван Яковлев ҳайдайдиган тракторга сув ташиб бераётган Назира бунинг сабабини ундан сўраган эмас. Балки сўраш ўринсиздир. Сўраб нима ҳам қилади.

Эллик ёшдан ошган Иван Яковлев бу ерга 1935 йили келган. Ўзбек тилини ўрганиб олган. Филдай кучли, меҳнаткаш.

Ана, трактор танаси зириллаганча ғўзалар орасидан улкан тошбақадай ўрмалаб келаяпти. У пайкал бошига етиб келгунча, Назира сувни етказиб туриши лозим. Йўкса, кубанлик йигит яна бакиради.

Ўнг томонга қийшайиб келаётган Назира ногоҳон гувалакдай келадиган кесакка қоқилиб тушди. Бош бармоғининг тирноғи ярмигача кўчди. Кўқариб кетган тирноқ тагидан илиқ қон силқиб чиқди. Кўнгли беҳузур бўлди. Сув тўла челақни аста ерга кўйди. Икки ховуч сув челақдан қалқиб, ерга тўкилди.

— Куриб кетсин шу тракториям!

Назира қонаётган оёғини икки кўли орасига олиб «ух-ух»лай бошлади. Гўё шундай қилса, қон тўхтаб, оғриқ қоладигандай. Бу орада трактор пайкалнинг бошига келиб тўхтади. Иван Яковлевнинг таниш овози яна далада акс-садо берди.

Назира бели муртилган одамдай қийналиб, ўрнидан турди: — Ҳозир!

Бу трактор қишлоққа биринчи мартаба кириб келганида Назира отаси билан қанчалик қувонган эди. Ҳа, отасининг ёнидан қувона-қувона тракторга эргашиб чопган эди. Наҳотки, энди у Назиранинг жонига теккан бўлса!

— Тезроқ кимирлаш керак, қизим, тезроқ!

Назиранинг келишини кутиб турган Иван Яковлевнинг баъзан Назирага раҳми келарди. Лекин иложи қанча, уруш даври.

— Тирноғим кўчи кетди,— хўрлиги келиб гапирди Назира.

— Тирноғим кўчди? Шунга хафамисан? Оббо сен-ей! Фронтда одамларнинг товонлари тешилаёпти, оёқлари синаёпти. Сен бўлсанг, битта тирноғинг кўчганига йиғлайсан-а!

Иван Яковлев Назиранинг оёқларига кўз ташлади. Қора тол рангига ўхшаб кетган оёқ панжаларини қуруқ кесак чақа қилиб юборган эди. Олдинига Назиранинг кўнглини кўтармоқчи бўлган

Иван Яковлев гапиролмай қолди. Юраги увишиб кетди. Наҳотки, шу вақтгача Назиранинг оёғига қарамаган бўлса!

— Калошинг йўқми?

— Йўқ!

Иван Яковлев бошқа гап айтмади. Дардини ичига ютиб, тракторни аламли зарда билан ҳайдаб кетди.

Кеч кирганда Назира елка-бошлари атрофида чиркай-пашшаларнинг гашии келтирадиған даражада ғингиллашига ҳам парво қилмай уйи томон келарди...

«Тирноғим кўчди? Оббо сен-эй! Шунга хафамисан? Фронтда одамларнинг товонлари тешилапти, оёқлари синапти! Сен бўлсанг битта тирноғингнинг кўчганига йиғлайсан-а?»

«Иван амаки, мана сув!» Назира шу гапдан кейин ширин уйқудан уйғониб кетди. Кўзини очди. Аммо ҳеч нарса кўрмади. Тонг ёришишига оз вақт қолган, ҳали уйнинг ичи қоронғу эди. Назира қайта ухлаш учун кўзларини юмди. Бироқ уйқуси келмади.

Тим қоронғи уйнинг шифтига тикилиб, Иван Яковлев айтган гапларининг маъзини чақиб кўришга ҳаракат қилди.

«Нега ундай деди? Менга фронтдаги кийинчиликларни айтмоқчи бўлдимми? Ёки сен ишга чидамсизсан демокчимми? Нима, мен ишга бардош беролмаяпманми? Йўқ, мен ишга бардош бераман!»

## XII

Куёш нурларини мирза тераклар учидан аста-секин йиғиб олаяпти. Кўп ўтмай далага барқутдай оқшом чўқади. Кўкда ёғдуси тоза юлдузлар чарақлайди, сўнг само минбарига тўлин ой чиқади, қамишларнинг майин пўпанакларида ипакдай нурлар товланади. Тунги енгил шабода бепоён далалар бўйлаб кўшиқ айтади. Одамлар тунги ором олиш учун болишларга бош қўяди.

Бугун Назира даладан енгил кайфият билан, осуда туйғулар оғушида қайтди.

Назира ҳовлига кириб борганда Марҳамат овқати сузиб олинган қозонни юваётган экан.

— Суюнчи бер, Назира!

— Аввал эшитайлик!

— Аввал суюнчи бер, кейин эшитасан.

— Дадамнинг манглай тери тўкилган ана шу кенг далаларнинг ҳаммасини сенга бераман,— кўлларини ёзиб кенг далани кўрсатди Назира.

— Акамдан хат келди.

— Ўқидингми?— шошиб сўради Назира.

— Почтачи ҳозир бериб кетди.

— Юр, бирга ўқиймиз.

Хонада Вазира билан Абдуғофур аллақачон уйқуга кетган. Бола-да, кунбўйи тиним билмайди. Кеч бўлиши билан боши ёстиқни излаб қолади.

Марҳамат тоқчада заиф нур сочаётган лампа чироқ олдидаги конвертни олиб берди. Назира кўк конвертни юраги орзиқиб

очди. Сўнгра хатни чирокка якинлаштириб, овоз чиқариб ўқий бошлади. Ёнида Марҳамат билинар-билинмас нафас олиб турарди.

Хатдан жанг нафаси келарди. Акаси Белоруссия тупроғида жанг қилаётганини ёзган эди. Бир воқеа алоҳида таъкидланарди хатда...

Бир куни немислар хужуми қайтарилди. Отишма тинди. Аммо атрофда чанг аралаш тутун ер бағирлаб сузарди. Ердан бошини кўтарган Абдуқодир бўлиб ўтган воқеани ёдга олмоқчи бўлди. Шунда ғоят чанқаганини ҳис қилди. Қани энди, ёнида бир булок бўлса, тўйиб-тўйиб сув ичса.

Сув топиш ниятида ўрнидан турди. Сирдарёнинг мавжли тўлқин уриб оқиши хаёлига келди. Шу топда Сирдарё бўйида ўтириб сув ичиш истаги қалбини чўлғади. Лекин она Сирдарё бу ердан минг-минг километр узоқда.

Кун ботиш томонга юрди. Бир маҳал кўлмакка дуч келди. Сув қизғиш, қон аралаш эди. Яқин орада кўл бўйида жанг бўлганини эслади. Начора қон аралаш сувдан ичди...

Яна бир куни орта чекинишарди. Саккиз чоғли йигит билан яшил бир сыйхонликда тўхташди. Қорин оч. Очилган консерва банкаси ва нон ўртага олинди. Шу пайт йигирма қадам нарида бир одамнинг инграгани эшитилди. Командир: «Абдуқодир, бил-чи, ким экан?» дея буйруқ берди. Абдуқодир эҳтиёткорлик билан овоз чиққан томонга борди. Болдир ва сон суяклари мажақланган бир ўзбек йигити жон талғасида ётарди. Ётган жойидаги майсалар қон. У жон ҳолатда Абдуқодирнинг оёғини ушлаб ёлворди: «Отиб ташланг мени!» Ўйлаб ўтиришнинг вақти эмасди. Абдуқодир «якши» деди-ю, уни йигитлар томон судраб кета бошлади. Шунда у: «Бирпас тўхтанг, ўлим олдидан осмонга бир тўйиб қараб олай»,— деди ва чексиз осмонга тикилди. Кейин тиниқ осмонга тикилиб, каттиқ инграйди: ярадор йигит осмондан кўз узмай жон берди. Хаёллари остин-устун бўлиб кетган Абдуқодир шоша-пиша унинг очик қолган кўзларини рўмолчаси билан ёпди. Дунёга тўймай, бевақт ҳазон бўлган урушнинг навбатдаги қурбони бошида бир зум унсиз туриб қолди, кўзларига ёш келди.

Хатда ҳикоя қилинган бу даҳшатди воқеалар қизларнинг қалбини ларзага солди. Уруш дегани осон ишмас. Шунинг учун ҳам унинг аламли шамоли ҳар бир хонадон атрофида бўридай увлаяпти.

Опа-сингил бир нафас бир-бирига индамай қараб қолишди. Оламни сутдай ёритиб турган тўлин ой булутлар орасига яширинган эди...

### XIII

Кўрғошиндай оғир кунлар кўпчиликнинг елкасини чўктириб қўйди. Қишлоқдаги чолу кампирларнинг юраги кафтдаги симобдай титрайди. Лочиндай тезкор ўғиллари ўқлар ёмғири орасида. Бугун улардан: «Саломат-омон жанг қилаяпмиз», деган қисқагина хат келса, кўп ўтмай: «Фарзандингиз Ватан учун бўлган оғир жангларда мардларча ҳалок бўлди», мазмундаги оғир ва юракларни

пора килувчи хабар келади. Айниқча, яқинда Хайринисо холаникида бўлиб ўтган воқеа сира-сира Назиранинг кўз олдидан кетмайди.

Ушанда Назира Хайринисо холаларникига бош ювиш учун бир пиёла қатик сўрагани борган эди. Хайринисо хола ўчоқ бошида пиширилган сутни сопол косага эндигина сузиб олаётган экан.

— Кел, Назиражон!

— Келдим. Косани ичкарига мен олиб кира қолай,— деди холага эрдамлашмоқчи бўлиб Назира.

— Худога шукур, хали тетикман. Сен ичкарига киравер, ўзим олиб кираман.

Шу заҳоти ҳовлида бир қўли йўқ почтачи пайдо бўлди. Осмондан тушдим, ердан чиқдим, буни Хайринисо хола ҳам, Назира ҳам сезмай қолишди. Негадир почтачининг тарзи таъзиядан қайтган одамнинг ҳолатини эслатлар эди. Буни сезган Хайринисо хола косани маҳкам ушлаганича ҳовлининг ўртасида туриб қолди. Ёнида Назира.

— Хат олиб келдингми. Рўзикулжон?— Ўз овозидан ўзи чўчиб тушгандай бўлди Хайринисо хола.

— Ҳа, хат олиб келдим!

Хайринисо холанинг юраги қандайдир совук нарсани хис этгандай бўлди. Қўллари қалтирай бошлади. Назира бўлса холанинг қўлидаги косани олишини ҳам, олмасликни ҳам билмасди.

Хайринисо холанинг эри Ғофур бобо безакдан курбон бўлган. Холанинг еру кўкка ишонмайдиган ёлғиз ўғли Рустамжон Назира билан бир синфда ўқир эди. Рустамжоннинг жангга кетганига бир йилдан ошди. Ўғли жангга кетгандан бери Хайринисо хола кечалари тўлғонмасдан, алғов-далғов тушлар кўрмасдан тинч ухлаганини эслай олмайди. Ахир, фарзанди йироқда бўлса, қайси она ором олиб ухлайди. Рустамжон кўнгли очик, камгап йитит эди. Аммо ўрни келганда жуда қизиқ-қизиқ гапларни топиб гапирарди. У гапирганда кулмасдан иложиингиз қолмасди. Рустамжонни бир қўли йўқ мана шу почтачи яхши кўрар, ўлмасам уни куёв қиламан, деб юрарди. Шунинг учун ҳам Рустамжоннинг ҳар бир хатини Хайринисо холага ўзи ўқиб берарди. Чунки Хайринисо хола фақат бармоқ санашнигина биларди. Почтачи хатни ўқиб тугатгач, буклай туриб: «Эсон-омон келса, албатта куда бўламиз!»— деб қўяр эди. Хўш, бугун у Хайринисо холага нима дейди?

Почтачи титраган лабларини зўрға йиғиб олиб, деди:

— Ўғлингизни куёв қиламан деган ниятда эдим, ниятимга етолмадим...

Ўғлининг қисмати нима бўлганлигини мана шу гапдан тўла англаб олган Хайринисо хола турган жойида қалқиб кетди. Назира холани суямоқчи эди, улгуролмади. «Болажоним», деганича юз тубан йиқилди хола.

Назира билан почтачи холанинг қўлтиғидан ушлаб турғаздилар. Бир оз ўзига келган она кўзларини юмганча бошини тебратиб фарёд қилди:

— Энди ер юзида юрганимдан кўра, ер остига тушганим яхши...

Бугун Назира билан ўқиган болаларнинг сони биттага камайди. Назира сув олиб келиш учун ичкарига интилди. Рўзикул холанинг юзларига сув сепгандагина у кўзларини истар-истамас очди.

Бу орада Назира Хайринисо холаникига нима учун кирганини ҳам унутган эди. Кўп ўтмай холанинг ховлиси одамларга тўлди. Ховлини йиғи овози тутиб кетди.

Уч кун ўтди. Кишлоққа февралнинг сокин окшоми чўкди. Ҳамон бошини ювишга улгурмаган Назира чироқни ёққанида ташқаридан отнинг дупури эшитилди.

— На-зи-ра!— эркак кишининг йўғон овози қулоғи остида жаранглади.

Назира «лаббай» деганича ташқарига отилди.

Ховлида кўк отини минган Иван Яковлев турарди.

— Келинг, Иван амаки!

— Идорага борган эдим, раис Назирани чақириб келинг, деб мени юборди.

— Нимага чақирганликларини айтмадиларми?

— Айтмади. Ҳар ҳолда сени жангга юбормасалар керак.

— Жангга боришдан қайтмайман! Қанийди юборишса.

— Анча дадиллашиб қолибсан-ку!

Назиранинг хаёлида қандай воқеалар чарх ураётганидан вокиф бўлмаган Иван Яковлев отнинг жиловини келган томонига бурди. Хайринисо холанинг уч кун аввалги ҳолати Назиранинг қалбини жанг бўлаётган томонларга ундаган эди.

Назира раиснинг хонасига кирганда Муҳаммаджон Азизов чироқнинг хира нурида нимадир ёзаётган эди. Назирани кўриши билан қоғоздан бошини кўтарди.

— Чақиртирган экансиз, Муҳаммаджон ака!

— Кел, қизим, кел! Қани, ўтиргин!

Назира қайрағочдан қилинган узун «эшак»нинг ўртароғига ўтирди.

Муҳаммаджон ака бу ерга Назиранинг отаси билан бирга келган. Ёши элликдан ошиб қолган бўлса ҳам ҳали бардам, ғайратли, ишбилармон, одамлар билан тезда тил топиша олади. Деҳқончилик илмини яхши билади. Шунинг учун бундан тўрт йил муқаддам одамлар уни колхозга раис қилиб сайлаган эдилар.

— Сени нимага чақиртирганимни билмасанг керак, қизим?

— Биламан!— деди Назира.

— Хўш, билсанг нимага чақиртирган эканман?..

— Урушга юборасиз.

— Урушга борасанми?— ишонқирамай сўради раис.

— Ҳа, урушга бормоқчиман. Военкоматдан сўрашса, Назира деган кизимиз урушга бормоқчи деб айтинг.

— Майли, урушга юбораман, лекин ўзимизнинг даламизда олиб борилаётган «уруш»га. Урушга оддий аскар эмас, командир бўлиб борасан.

Назира бир лаҳза ўйланиб қолди.

Фронтининг орқасида ҳам жанг. Жангда ҳар бир аскарнинг

ўз ўрни бўлгандай, колхоз даласида ҳам ҳар бир одамнинг ўз ўрни бор. Лекин бу ердаги ҳар одам икки одамнинг ишини қилиши керак.

Назиранинг кўнглида «раис тўғри гапираяптилар» деган фикр йилт этиб ўтди.

Раис қалбидаги муаммони энди ўрнидан туриб тушунтирмоқчи бўлди:

— Қизим, биласанми, бу йил пахта ўрнига қанд лавлаги экишимиз керак экан. Райондан шундай топшириқ беришди. Сабаби, одамлар оч. Уларни тўйғазиш лозим. Лавлаги туйимли озуқа. Сенга лавлаги экиш учун беш гектар ер ажратмоқчимиз. Ана шу ерга звено бошлиғи, яъни «командир» бўласан. Дугоналаринг Хосият, Зебиниё, Холида ва Сарра Зубараклар сен ишонган аскарлар бўлади.

— Мен ҳали лавлаги уруғини кўзим билан кўрган эмасман. Шундай экан, звено бошлиғи бўлиб ишлай олмасам керак.

— Урушда жанг қилаётган баъзи йигитларимиз милтиқни тушларида ҳам кўришмаган. Лекин улар душмanning қоқ манглайини нишонга олиб отишяпти-ку!

Назира бир муддатлик сукутдан сўнг жавоб қилди:

— Қийналиб қоламан. Бунинг устига сизларни уялтириб қўймасам деб кўрқаман.

— Тоққа чикмасанг, дўлона қайда, деганлар. Қийинчиликлардан кўрксанг иш юришмайди. Уялтириб қўймасам, деяпсан. Уялтириб қўймасликларингизга ишонамиз. Ишонч — бойлик.

«Раис ишонаяпти, ишончи оқламаслик уят» — ўйлади Назира.

— Эртагача ўйлаб кўрай, Муҳаммаджон ака?

— Жангда, эртагача ўйлаб кўрай, деган гап инobatга олинмайди, кизим!

— Майли, сиз айтганча бўлсин! Лекин ёрдам берасизлар-да.

— Қўл ковуштириб ўтирмаймиз. Қўлдан келганича ёрдам берамиз. Энди бориб дамнингни ол!

Раиснинг ҳузуридан чиққан Назира ҳаяжон оғушида эди. Эртасига унга кўш хўкизли арава беришди.

Қари хўкизлар гўнг ортилган аравани дала томон йўриб боришарди. Арава устида Назира.

— Мунча имиллайсанлар, тезроқ юрсаларинг-чи! — гавронни яна баландроқ кўтарди Назира.

Хўкизлар ҳеч нарса сезмаётгандай бир меъёрда секин юрар, гилдирақлар ивиб кетган, шўр ерда гоҳ тойиб, гоҳ ўнглиниб борарди.

Назира минган арава бугун Нормат бобонинг ҳовлисидаги гўнг уюми олдида тўхтаसा, эртасига Холмат бобонинг уйи олдидаги култета ёнига келарди.

## XIV

Кўклам қуёши ёш боланинг табиатига ўхшайди. Баъзан «кулса», баъзан «йиғлайди». Мана, бугун кўклам қуёши дала-тузни нурга тўлдирди. Омоч билан ҳайдалган намхуш ердан қозонда

энди илиётган сутникига ўхшаш енгил буғ кўтариларди. Назира дугоналари Хосият, Зебинисо, Холида ва Сарра Зубараклар билан ўзларига ажратилган пайкалда ишлашаяпти.

— Қўрга кўмиб пиширилган лавлагидан татиб кўрганмисан?— Назирага сўз котди кетмонини кулоч бўйи кўтариб ерга ураётган Холида.

— Татиб кўриш уёқда турсин, ҳатто уруғини ҳам кўрган эмасман.

— Мен бўлсам татиб кўрганман. Қўрга пишган лавлаги бирам ширин бўладики, есанг лабинг лабинга ёпишиб қолади. Кимдан ҳам эшитгандим, лавлаги еган қизнинг дудоғи ширин бўлади, деб.

Қизлар «хо-хо»лаб кулишди. Холида қизларнинг кулгусидан завкланиб кетди.

Холиданинг чап ёноғи пастада мошдай холи бор. Ота-онаси ўз оти билан бирга туғилди деб, исмини Холида кўйишган. Гапга чечан, ўйин-кулгини хуш кўради.

— Ширин бўлади, дедингми?— гапга аралашди Хосият.

— Ҳа, ширин бўлади,— таъкидлади Холида.— Лавлаги еган қизнинг лабидан бир ўпган йигитнинг бир умр ороми йўқолармиш.

Яна кўнғироқдай ёқимли кулги кўтарилди.

• Қизлар кулги билан овора бўлиб кўкда қора булутлар қарвони суза бошлаганини сезмай қолишди. Момақалдирик гулдиради. Оловли чакмоқ булутларни қамчилиб ўтди. Аввал қизлар пешона-сига бир-икки томчи келиб тушди. Сўнг бадани жунжиттирадиган ёмғир қўйиб берди.

Қизлар тўрт томони очик, усти камиш билан ёпилган шийпон томон югуришди.

Уст-бошлари шаллабо бўлган қизлар шийпонда бир ерга тўп бўлиб, ёмғирнинг бир маромда шиддат билан ёғаётганини сокин сукут оғушида кузатиб туришарди. Шу топда улар нафис бир оҳангни берилиб тинглаётган одамни эслатишарди. Дарҳақиқат, ерга урилаётган ёмғир оҳанги орасида одамни тинчлантириб қўядиган аллақандай ёқимли, ҳазин куй яширинган бўлади. Шунинг учун ҳам боягина бир-бирларига навбат бермай ҳазил қилишаётган, кенг далани бошларига кўтариб очилиб-сочилиб кулаётган қизлар ёмғир томчиларига тикилганича жимиб қолишди.

— Ана кимдир келаяпти!

Ҳамманинг кўзи пайкалнинг нариги томонидан шийпонга қараб келаётган аравага тушди. Имиллаб келаётган арава устидаги одам азбаройи ивиб кетганидан бўлса керак, қорайиб кўринарди.

— Бечора роса қийналаётганга ўхшайди,— раҳми келиб гапирди Холида.

— У Йўлдош ота бўлса керак. Эрталаб лавлаги уруғи олиб бораман деган эдилар,— деди аравадан нигоҳини узмай турган Назира.

...Йўлдош ота Холматов шийпонга етиб келганида, ўзига эрк бериб, савалаб ёғаётган ёмғир бир қадар секинлаб қолганди. Уст-боши шаллабо Йўлдош ота шийпонга кирди:

— Энди йўлга чиққанимда осмоннинг таги тешилса бўладими!

Ортга қайтмадим. Ўғлим Абдунаби, ўқлар ёмғири остидан шамолдай учиб ўтаяпман, деб ёзибди. Мен бўлсам ёмғирдан чўчиб уйда ўтирайми? — ота бир муддат сукут сақлаб ўғлини эслади.

Олдинига сергакланган қизлар яна жимиб қолишди.

...Ёмғир кечга яқин тинди. Қизлар уруғ ивитиш учун махсус қазилган ховуз атрофида бир сиким-бир сиким лавлаги уруғини қафтларига олиб кўра бошлашди.

— Уруғи кўрimsиз-у, лекин лавлагиси ширин бўлади, қизларим, — салмоқлаб гапирди Йўлдош ота. — Масалан, ёнғоқнинг пўчоғи хунук, аммо мағзи ширин.

Қолхоз правлениеси дехкончиликда йўл-йўриқ кўрсатиб туриш учун Йўлдош отани қизлар звеносига беркитиб қўйган. Раиснинг Назирага кўрсатган биринчи ёрдами — отани у бошчилик қилаётган звенога ишга юбориш бўлди.

...Кеч тушганда қизлар аравага тизилиб ўтиришди. Атрофга жимлик чўкди. Йўлдош ота аравани кечки сокинлик қўйнига сингиб бораётган қишлоқ томон ҳайдади:

— Чўх, жониворлар!

Атрофдаги тўқайзорлардан эса чиябўриларнинг зорланиб улигани узук-юлук эшитиларди.

\* \* \*

Дўппидай кичкинагина қишлоқ оппоқ тонг оғушида эди. Сарра Зубарак қишлоққа етиб келганида Назира нон халтасини ва кетмонини кўтарганича уйдан чиқаётганди.

— Суюнчи бер, Назира, суюнчи! Лавлагимиз униб чиқибди.

Тонги қутлуг хабардан енгил тортган Назира дала томонга ошиқди.

— Мана лавлаги майсаси.

Назира киприкдай нозик майсани қўллари билан елпиди.

— Севинтирганинг учун раҳмат! — деди сўнг.

Улар ёш боладай завқланиб, дала томон йўл олишди. Шу топда Назира Сарра Зубарак Кишинёв шахридан бу томонларга қандай келиб қолганлигини эслади.

Сарранинг ёшлиги Молдавиянинг Кишинёв шахрида ўтган. Сарра 1941 йилнинг айна ёзида 7 синфни битириш арафасида эди. Охирги имтиҳонни топшириб уйга ҳаяжон билан кириб келди.

— Онажон, беш олдим!

— Балли, оппоқ қизим.

Она ёлғиз қизини бағрига тортди, юз ва кўзларидан ўпди. Ўша оқшом станция томонидан алланиманинг гумбирлаган овози эшитилди. Кўкда овози қулоқларни қоматга келтирувчи самолётлар пайдо бўлди. Кишинёв шахрида фашистларнинг биринчи бомбалари портлай бошлади. Ташқарига чиқиб, хангу манг бўлиб қолган Сарра нималар бўлаяпти, тушунолмаёпман деган маънода ёнида турган онасига тикилди. Шу пайт ховлига мактаб комсомол кўмитасининг котиби югуриб келди:

— Немислар уруш бошлади. Вокзалга борасизлар, машинага чиқасизлар! Тезроқ қимирланглар!



Йигит чопганича ортига қайтди.

...Занжирдай уланиб кетаётган машиналарнинг бирига ўтириб олган она-бола қаёқларга кетаётганликларини билмай ҳайрон эдилар.

Бир замон осмонда душманнинг бомбардимончи самолётлари пайдо бўлди. Бомбалар кетма-кет портлади. Машиналар ағдарилди. Биров ингради, биров фарёд қилди. Сарранинг онаси юзларини қўллари билан беркитиб олган эди. Сарра онасига каради-ю, кичкириб юборди. Онасининг бармоқлари орасидан қон силкиб оқарди...

Она икки ой госпиталда ётди. Кейин қизи билан Ўзбекистонга — Назира яшаётган «Ҳақиқат» колхозига келишди. Сирдарё станциясида кўр онаси билан турган увоққина кизнинг олдига биринчи бўлиб Назира келди:

— Хуш келибсизлар! — Сарра билан кўр онанинг қўлларини ушлади Назира. Она-боланинг томирларига ёқимли бир ҳарорат югурди. Сарра бўлса Назиранинг кўнгли дарёдай кенг, юраги муруватга тўла эканлигини кичкина, мовий кўзлари билан бир қарашдаёқ илғаб олганди.

— Қани, юринглар, бизнинг колхозга борамиз, — Назира она-болани қўлтиклаб олди.

...Икки дугона лавлагининг кўзга ҳузур бағишловчи майсасини кўриш учун дала томон енгил қадам ташлаб борарди.

## XV

Кировли киш. Атрофни совуқ туман қоплаган. Куёш кўзга кўринмай ботади, ҳовлилар олдида қорлар уюми. Оғизлардан чиқаётган илик ҳовур юз ва кўзга, кош ва сочга киров бўлиб энади. Оёқ остида қор ғирчиллайди. Шох-шаббаларини калин қиров босган дарахтлар ҳовлилар олдида, ариқлар бўйида тўппайганича ҳорғин мудрайди. У ер-бу ерда ола қарғанинг қағиллаши эшитилади. Колхоз идораси олдига келган Назира паровознинг устма-уст қичқирганини элас-элас эшитди. Бир муддат жойида туриб қолди. Поездга ўтириб урушга кетган ҳамқишлоқларини элади. Сўнг кирза этигини ерга бир-икки уриб, корини қоққан бўлди-да, правление идорасига кириб кетди.

Бугун правление аъзоларининг йиғилиши ўтказилади. Назира правлениега аъзо бўлганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Раиснинг хонасида правление аъзолари — ҳосилот раиси Қулдош, комсомол ташкилотининг секретари Абдураҳмонов, колхоз аъзолари Сарра ва Курбонойлар ўтиришарди. Бурчакдаги чўян печкада тараша чарсиллаб ёнарди. Раис столининг чап томонидаги чирок эса заиф милтирайди.

Назира эшикни очганида ичкарига бирдан совуқ ел югурди.

— Кел, қизим! — Назирага ўтириш учун жой кўрсатди раис Мўминжон ака.

Назира раисга каради, ўтирганлар Назирага. Раис эса гапини давом эттирди.

— Бугунги правление йиғилишини очик деб эълон қиламан. Кўриладиган масала звено бошлиқларини сайлаш. Кун тартибидоги масалага ҳеч қимда эътироз бўлмаसा керак.

— Эътироз йўқ,— деган овозлар эшитилди.

— Ҳаммаларингга маълумки, ўтган йили лавлаги эккан эдик. Ҳосил ёмон бўлмади. Айниқса, Назира бошлиқ қизлар ишда яхши натижага эришдилар. Аммо бу йил барча майдонларга чигит экамиз,— дея ўтирганларга бир-бир юзларди раис.

— Лавлагининг тилига энди тушунган эдик-ку, Мўминжон ака,— сўз қотди Назира.

— Ҳали биз кўп нарсаларнинг «тили»га тушуниб оламиз,— раиснинг тилида бирдан жонланиш рўй берди. Гўё Назиранинг гапи Мўминжон ака айтмоқчи бўлган гапларга йўл очиб бергандай эди.— Аммо оппоқ пахтанинг «тили»га жуда ёшлиқдан тушунганмиз. Қадим-қадим замонлардан бери ота-боболаримиз пахта етиштириб келишган. Сизу биз деҳқон болаларимиз. Далаларда ялангоёқ юриб, эгатлар орасида эмаклаб катта бўлганмиз. Ҳадемай баҳор келади. Кўриниб турибдики, вақт зик. Ҳар бир дақиқа ганимат. Бугун биз Назира ва Қурбонойни пахта экиладиган майдонга звено бошлиғи қилиб тайинлаш учун правление йиғилишини чақирдик. Бу таклифга нима дейсизлар, ўртоқлар!

Ҳамма раиснинг таклифини маъқуллади. Кейин ҳар ким шу ҳақдаги фикрини айтди. Назира ва Қурбоной ўзларига билдирилган ишончни оқлашга сўз беришди.

...Назира правление идорасидан чиққанда ташқаридаги туман янада қуюқлашган, уч қадам наридаги одамни кўриш қийин эди.

Назира бошлиқ қизлар ерни экишга тайёрлаганларида дарахт куртаклари янги тухумдан чиққан жўжанинг тумшугига ўхшарди.

Назира кадрдон далаларига назар ташлар экан, кўзи равшан тортиб, кўнгли яйраб кетди. Соф ҳаводан тўйиб нафас олган қиз, шу серхосият далаларнинг асл ва ажралмас эгашидай хис этди ўзини. Кеча кучкурун радиодан эшитган гаплари ёдига тушди:

«Сирдарё район «Ҳақиқат» колхозининг Назира Йўлдошева бошлиқ звено аъзолари бугун 5 гектар ерга чигит экишни районда биринчи бўлиб бошлаб юбордилар. Биз ҳозир Назира Йўлдошева бошлиқ звено аъзоларига бағишлаб СССР халқ артисткаси Ҳалима Носирова ижросида ашуда эшиттираммиз...»

Сарра қари кўк оғи етаклаб, Назира сеялқанинг тутқичини ушлаганида қуёш бугунги ишнинг ҳам унумли, ҳам хосиятли бўлишидан дарак бераётгандай майин нур сочиб турарди.

Август... Қуёш одамни безовта қилиб қўйган дамлар. Усти камиш билан ёпилган шийпоннинг ичидагина бир оз ором олиш мумкин бундай пайтларда.

Шийпоннинг бурчагида уч-тўртта кетмон бетартиб турибди. Шолча устига ёзилган кўрпачада Сарра, Хосият, Холида бир-икки соатлик уйкуга кетган. Назира бўлса, кундалик ёзиб борадиган дафтарини жимгина ёнбошлаганича, шошмай варақлайди.

«Бу аянчли ривоятни Ўринбой ариғининг буйида Йўлдош бободан эшитганман. Ўтмишда Анорбой деган бир бой бўлган

экан. Унинг кўтон-кўтон кўйи бўлар экан. Бир кўтон кўйини Шодмонкул деган камбагал йигит бокаркан. Бир куни ўғрилар Шодмонкулни ўлдириб, кўйлирни ўғирлаб кетишибди. Бу воқеадан хабар топган хотини Хожар ёлғиз ўғлини кўтариб жонсиз даштга йўл олибди. «Дийдорини бир кўраин, кўзларини кузгунлар чўкимай туриб, ерга яширай», деган ниятда йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Товонларини қум куйдирибди, сувсизликдан томоқлари қақрабди. Бир пайт чанқаган боласи сув сўрабди. Онаизор сув ўрнига боласига тилини ялатибди. Охири тандирдай кизиган чўлу биебонда она-бола холдан тойиб, «Сув! Сув!» дея жон беришибди.

Мен Сирдарё кирғокларига, Ўринбой аригининг бўйларига чиқсам, ўқарикларга қатор қилиб кўйилган қамиш найчалардан ипакдай товланиб оқаётган сувга назар ташласам, мана шу дахшатли ривоят ёдимга тушади».

«Ҳар ғўзада ўн тўрт, ўн олтитадан шох, йигирма беш-ўттизтадан кўсак санадим.

Нима бўлса ҳам, мана шу кўм-кўк ғўзалар ҳаётим, умрим, ташвишларимнинг бебаҳо нишонасидир. Шу билан мен одамларни кийинтириб, севинтираман. Шуларни ўйласам, шу ёруғ оламда борлигим билан, шу одамларни деб ишлаганим билан фахрланиб кетаман. Фахрланишнинг ўзи нима? Ўз ишидан қониқишми? Бунга аниқ жавоб беролмайман, лекин бу нарсани яхши сезаяпманки, одам боласи яхши ниятларга эргашиб яшар экан. Яхши ният эса доимо одамга эргашиб юраркан. Хўш, бундай ниятни одам боласи қаердан олади. Она сутиданми? Она меҳриданми? Одамлар ишончиданми? Ёки она ер саховатиданми? Негадир кейинги пайтларда шу саволларга жавоб топишни ўйлайдиган бўлиб қолдим...»

Бу йил куз эрта тушди. Шийпонга кўрпа-тўшакларини олиб кўчиб чиққан қизлар кўнбўйи пахта терадилар. Бутун ташвишларини унутганча пахта тераётган Назиранинг юз ва кўзларига майин мезонлар беозор кўнарди. Улар эртага ҳам учади, индинига ҳам. Куёш эса тафтини пасайтириб борарди.

Ўшанда февралнинг бошлари эди. Кун пешиндан оққан.

Марҳамат дуд хидига тўлиб кетган ошхонадаги ўчоққа чойдиш кўйиб, ўтин калайди. Уйдаги сандалда Иззат хола билан Новруд хола урчуқ йигиришади.

— Кўп ўтмай Назира ҳам келиб қолади,— деди отасидан қолган эски сандал устига дастурхон ёзаётган Марҳамат.

— Одам боласи ҳам ишга шунчалик ўч бўладими? Қишда ҳам далада ётиб ишлагиси келади. Тушдан олдин далага аравада гўнг ортиб кетаётганини кўрган эдим,— сўз қотди Назиранинг ишчанлигига қойил қолган Новруд хола.

Новруд хола Жўра бобонинг хотини. Улар «Ҳақиқат» колхозига Ўратепанинг чекка бир кишлоғидан 1936 йили келишган. Унинг эр етган ўғли Шароф урушда. Новруд хола Назирани кўз остига олиб юради. Баъзан ичида: «Худо, шу қизни менга келин қилиб бер»,— деб кўяди. Баъзида бу гапни тилида ҳам айтмоқчи бўлади. Бироқ тилини тияди. «Қани, ўғли Шароф урушдан эсон-омон

кайтсин-чи, шунда бир йўла Назирага совчи юбориб қўя қолади. Ҳозирча бу пинхоний орзу. Балки орзуси амалга ошар!»

— Худо раҳмат қилгур отаси оламдан ўтаётганда, Назирага: «Сендан умидим катта», деган эдилар. Раҳматли отасининг умиди уни кишин-ёзин далага боғлаб қўйган,— эшилган ипни урчукка ўраётиб, жавоб қилди Иззатхон буви.

— Бултур пахта хирмони баланд бўлди.

— Ҳаммаси меҳнатга боғлиқ, Новруд қўшни. Меҳнат қилмасанг, омондан чалпак ёғилмайди.

— Утган йили у хосилдорликда ҳаммадан ўзиб кетди,— Новруд хола Назирани мактаб гапираётганидан ҳузур қиларди. Марҳамат дастурхондаги иккита зоғора кулчани ушатди.

— Қани, нонга марҳамат!

— Сиздан бўлсин!

— Йўқ, сиздан!

Қўлларидоғи урчукни ёнларига авайлаб қўйган Иззатхон буви билан Новруд хола қўлларини юшиб олишгач, нонга қўл узатишди.

— Назирани Тошканга пахтакорлар курултойига чақиртиришибди. Ўзи бундан хабарсиз. Раисимиз келиб, айтиб кетдилар,— деди пиёлаларга чой қуяётган Марҳамат.

— Тошканга чақиртиришибдими?— ҳайратланиб сўради Иззатхон буви.

— Ҳа, Тошканга!— бамайлихотир жавоб қилди Марҳамат.

— Тошкан нима бўлибди, Назиражон хали Москопга ҳам боради,— деди қутилмаган хабардан севиhib кетган Новруд хола.

Шу пайт ошхонада кимнингдир шарпаси эшитилди. Марҳамат ўрнидан ирғибгина енгил турди. Назирани кўргач:

— Ана, ўзи ҳам келиб қолди,— деди.

Хонага кирган Назира қўлларини лабларига яқин олиб бориб, «ух-ух»лай бошлади. Кишининг аччиқ шамоли юз ва кулоқларини қизартириб юборганди.

— Қани, сандалга ўтир! Совуқ котиб қолибсан, болам.

Назира сандалга ёпилган кўрпани кўкрагигача тортиб ўтирди. Чой узатган Марҳамат шундай серғайрат синглиси борлигидан ғурурланиб деди:

— Чойни ичиб, исиниб олгин, кейин бир янгилик айтаман, суюнчи берасан.

Назиранинг юзида илиқ бир ўзгариш пайдо бўлди:

— Қандай янгилик экан?

Тўрда ёйилиб ўтирган Новруд хола хушxabарни Назирага биринчи бўлиб айтди:

— Сени Тошканга чақиртиришибди, болам!

Ҳозиргина даладан келганини унутган Назира Марҳаматга юзланди.

— Нимага чақиртиришибди?

— Пахтакорлар курултойига.

Қутилмаган хабардан яйраб кетган Назира илиқ чойни ҳузур қилиб хўплади.

Новруд хола бўлса, Назиранинг кош-қовоқларидан ниманидир англаб олмоқчи бўлгандай, ундан кўзини узмасди.

...Тошкентдаги Свердлов концерт залининг олди пахтакорлар билан тўлган. Уларнинг кўпчилиги хотин-қизлар.

Колхоз раиси Муҳаммаджон ака одамлар орасидан ким биландир гаплашаётган Назирани бир чеккага имлади.

— Назира қизим, биласанми, сен бугун сўзга чиқишинг керак,— эҳтиётлик билан гап бошлади Муҳаммаджон ака,— ўз иш тажрибанг ҳақида гапирасан. Биласанми, буни Усмон ота Юсуповнинг ўзлари айтдилар.

— Усмон ота мени билар эканларми?— кўзларини катта-катта очиб ҳаяжонланганча сўради Назира.

— Ўзингни шахсан танимасалар ҳам, қанча пахта етиштиригандан хабардор эканлар.

Бу гап Назирага ҳам ғурур, ҳам қатъият бағишлади.

Назира залнинг олдинги каторларидан бирига келиб ўтирди. Хамманинг юз-кўзларида ошқора завқ. Одамлар бир-бирларига энгашиб аста-секин сўзлашаётганлиги катта анжуманинг бошланишидан дарак берувчи зални жонлантириб юборган эди. Катта залга ажиб кўрк бағишлаб турган маржон-маржон чироқлардан нур ёғиларди.

Саҳнада Усмон Юсупов бошлиқ республика партия ва ҳукумати аъзолари пайдо бўлганда зал жимиб қолди.

Донгдор пахтакорлар қурултойини сочлари устара билан олинган ўрта бўй, елкалари кенг полвонсифат, қадди тик Усмон Юсупов кириш сўзи билан очди. Бу ўзбек пахтакорларининг биринчи қурултойи эканлигини, бу анжуман юртимизга ёвуз ният билан бостириб кирган фашистларнинг мағлубиятга учраб, орқага чекинаётган, бизнинг шавкатли армиямиз Берлин томон шитоб билан бораётган бир пайтда ўтаётганини айтди. Шу билан бирга Ўзбекистон пахтакорлари қўлга киритган ютуқлар ва келаси йил пахтакорларимиз давлатга бир миллион тонна пахта етиштириб беришлари зарурлигини гапирди.

Назира Усмон ота ҳақида кўп эшитган, лекин уни яқиндан биринчи бор кўриши, сўзларини биринчи бор эшитиши эди.

Республикамининг турли жойларидан келган пахтакорлар бирин-кетин минбарга чиқа бошладилар.

Ҳадемай, навбат Назирага. У сўзга чиқишини ўйласа, ҳаяжонга тушар, елкасидан тоғдай оғир бир нарса босаётгандай бўларди. Шунда «уқувсизлик қилма, ўзингни тут!» деб ўзига-ўзи тасалли берарди. Сўнг олдига саволлар кўярди. «Гапни нимадан бошласам экан? Нималар ҳақида гапирай? Гапирадиган ишлар кўпга ўхшайди. Лекин ҳеч нарса ҳаёлимга келмаяпти. Минбарда тилим айланмай қолса-я, нима қиламан. Одамлар чапак чалиш ўрнига «бу соков қизга нега сўз бердилар?» дейишса-я!»

Президиумдагиларнинг ўртасида ўтирган Усмон ота Юсупов яна ўрнидан турди ва маълум қилди:

— Энди сўз навбати Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» колхози звено бошлиғи Назира Йўлдошевага.

Зар дўппи кийган, тундай қора сочларини бошига чамбарак килиб ўраб олган Назира ўрнидан шахт билан туриб, минбар томон йўналди. Сўнг аста сўз бошлади:

— Мен Мирзачўлдаги «Ҳақиқат» колхозидан келганман. Ўзим звено бошлиғиман. Еримиз беш гектар. Беш қизмиз. Ҳамзамиз яхши ишлаймиз. Ана шу яхши иш қайсар ва ўжар далаларни бизга кадрдон килиб қўйди. Сирдарё ёқасидаги ерлар ажриқзор ва шўрхок. Бундай ерга меъёридан ортик сув тушдими, тупроқ атала бўлиб кетади. Атала бўлган тупроқ тобга келгунча гўзанинг киприкдай нозик томири чирийди, барги сарғаяди. Биз буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб ишлаймиз. Чигит экиб бўлгандан тортиб, охирги толани териб олгунга қадар «зийрак ишини эплайди» қабилда иш тутамиз. Хўш, қандай килиб юқори ҳосил кўтардик? Ерни ўғитга тўйдирдик. Юмшоқ бўлсин учун кум аралаштириб сепдик. Ўзим қиш давомида далага аравада ўғит ташидим. Уч марта шарбат суви бердик. Бу гаплар бир оз мақтанишга ўхшаб туюлиши мумкин. Аммо, мен қилган ишларимизни тўғри ва қиска айтаяпман. Менинг тажрибам мана шу».

Назира минбардан тушди. Гулдурос қарсақлар эса зални ларзага келтирди.

...Назира биринчи қурултой, биринчи минбар, биринчи сўз, биринчи мусобақа, биринчи олқишлар наъшидаси билан маст эди. Гўё у бугун бир поғона юқори кўтарилгандай сезарди ўзини.

## XVIII

1945 йилнинг майи. Дунёни дахшатга солган фашизмнинг хонумонига ўт қўйилган кезлар. Қишлоқда: «Бир поезд ғолиб аскарлар келармиш, поезд шу уездда тўхтаб ўтармиш», деган хабар тарқалди. Одамлар шундан Сирдарё уездига тўпланишган. Қани, кимнинг арслонтўш ўғли биринчи бўлиб поезд ойнасидан кўринади, кимнинг ўғли биринчи бўлиб поезд танбуридан тушаркан.

Поезд кўринди. Бу ерликлар умрида паровознинг келишини бунчалик орзиқиб, интизорлик билан кутган эмаслар.

Поезд келиб тўхтаганида тўпланганларнинг кўзи вагон ойнасидан бошларини чиқариб олган ғолиб аскарларга тушди. Танбурда биринчи бўлиб бўйдор бир йигит пайдо бўлди. Фарзандини ҳеч қим оначилик тез таний олмайди. Новруд хола бирдан: «Болажоним, Шарофжон!» деб қичқириб юборди. Кейин-кейин Назиранинг акаси Абдуқодир, Дўсмаат бобонинг ўғли Ботир кўринди. азира акасининг бағрида қанча вақт бош қўйиб турганини билмайди.

Поезд жойидан қўзғалганида одамлар ғолиб аскарларни ўраб олиб, уйма-уй таркалишди.

Урушдан қайтган аскар йигитларнинг уйларида кечқурунлари уруш ҳақида узундан-узук суҳбатлар бошланиб кетди. Бундай суҳбатларни кўнгли гирён ота-оналар зўр қизиқиш билан тинглардилар. Шундай бўлса ҳам баъзан аскарларнинг сўзларини бўлиб

савол беришади: «Менинг боламни бирор жойда кўрмадингми? Елкалар кенг, киррабурун, кўйкўз эди». Жанг-жадалдан хикоя қилувчи аскар бир муддат жим қолади. Нима десин? Кўрдим деса, нега келмаяпти, деб куйнади. Кўрмадим деса, яна баттар изтиробга тушади...

Аскарлар бирин-кетин урушдан қайтишарди. Анча ўзгариб кетган йигитларнинг кўкраларини орден ва медаллар безаб турарди. Лекин, уларнинг баъзилари кўлсиз, оёқсиз қайтишарди. Нима бўлса ҳам қайтишгани яхши. Ахир уларни ота-она, бола-чақа, опа-сингиллари қанча интизорлик билан кутдилар.

Кунлар ўтган сари ҳаёт қайта изга тушгандай бўларди. Одамларнинг эса кўзларида нур балқиб, бағирлари севинч ва умидга тўлиб бораётгандай туюларди.

\* \* \*

Йўлдош ота уч кундан бери далада кўринмай қолди. Ўғли Абдунаби жангда ҳалок бўлган. Эрталаб далага ишга кетаётган Назира ҳол-аҳвол сўраш учун отанинг уйига кирди. Кўзлари киртайиб, лабининг икки четида чуқур чизиқлар пайдо бўлган ота Назиранинг хурмати учун ўрнидан турмоқчи бўлди:

— Қимирламанг отажон, қимирламанг!— деди Назира.

— Ёлғиз ўғлим бағримга эсон-омон қайтиб келар деган умид билан яшаётган эдим. Умидим пучга чиқди, қизим,— деди титраб кўзига ёш олган ота.

— Фақат сизнинг эмас ота, бу лаънати уруш қанчадан-қанча одамларнинг юрагида доғ қолдирди. Бардош қилишдан ўзга чора йўқ, отажон. Буни ўзингиз яхши биласиз,— отанинг кўнглини кўтармоқчи бўлди Назира.

— Эрта-индин далага чиқмасам бўлмайди, бу ётишда ўзимни-ўзим еб қўядиганга ўхшайман.

— Дала дардингизни енгиллаштиради.

...Отаникидан оғир қадамлар билан чиққан Назира уруш ҳар бир ҳо:адонда ўз изини қолдириб кетганини ўйлади. Ҳаёлига қувнок, тошқин сойдек шўх Холида келди. Холиданинг севган йигити Шукур ҳам жангдан қайтмади. Жангга кетган ўн тўрт нафар синфдошлари-чи? Уларнинг ўн нафаридан қора хат келди. Қабрлари қаерларда қолди экан? Дарё бўйидами? Ўрмон ичидами? Бу оғир ўйлар Назиранинг жигар-бағриня баттар пора-пора қиларди.

\* \* \*

Новруд холанинг ўғли Шароф Назиранинг звеносига ишга чиқди. Қамиш найларни ўқарикларга авайлаб қўяр, сўнг сувнинг товланиб оқишни бир нафас кузатиб турар ва яна найларни қўйишда давом этарди. Шароф яқинда граната ушлаб отган қўллари билан бутун ғўзалар танига қон-жон бағишлаётганидан ич-ичидан севинарди.

— Салом, Шароф ака!

Ғўзалар орасидан бошини кўтарган Шарофнинг кўзи ўн беш қадамда нарида келаётган Назирага тушди.

— Салом, келинг!

Шароф лойга ботган кўлларини шошиб ювди-да Назирага кўл чўзди. Звенога ўтиб ишлашни колхоз раисига ўзи айтгани учун Назира Шарофнинг кўлини самимий қисди.

— Дала ишларини соғиниб қолган бўлсангиз керак.

— Фақат далани эмас!.

Шарофнинг юрагида анчадан бери чўкиб ётган сирли нарса қалкиб кетгандай бўлди. Кўзларида мулоғим нур милтиради.

Шароф икки синф юқори ўқирди. Ўқиш жараёнида Шароф Назиралар ўқийдиган синфга кириб тургиси ё узокдан бўлса ҳам Назирани бир кўриб қўйгиси келарди. Нега бундай? Сабабини ўзи ҳам билмасди. Назира бўлса бундай кузатишлардан беҳабар эди. Зотан, ундан ҳабардор бўлишига ҳам эрта эди. Кейин... Шароф урушга кетди.

Мана, улар бугун учрашишди.

Назира ингичка тасмадай оқаётган сувнинг оқимига тикилди. Шароф бўлса Назиранинг юз-кўзларида, бўй-бастиди рўй берган ўзгаришларни кузатарди: «Мен урушга кетаётганда кичкинагина қизча эди. Қаранг, қанчалик ўзгариб кетибди».

Назира Йўлдош ота сув тараётган ўқарик томон кетганида, Шароф унинг ортидан афсоналарда куйланадиган бир орзу билан қараб қолди.

Бир куни шийпондаги миҳга илинган нимчасини олаётган Назира бир муддат уйга толди: «Ким буни тесқари илиб кетди экан-а?»

Юзини чақалоқнинг юзидай келадиган ойнада кўрмоқчи бўлиб, кичкина чўнтагига бармоғини солди. Ойна билан бирга икки энлик хат чиқди. Қоғозни очиб кўз югуртирди. «Назираҳон! Кечалари таш-бассумингиз, кулишингиз, ҳатто соянгиз тушимга кириб чиқади. Шунга иқрорманки, сизсиз ҳаётим ширин бўлмайди. Шароф!»

Назира гуноҳ қилиб қўйган одамдай шошиб қолди. Уёқ-буёққа аланглаб қаради. Сўнг пастки лабини қимтиди:

— Ана, нимчани ким тесқари илиб кетган экан?!

Назира шошганидан нимчани тесқари илиб кетган Шарофни, кейин унинг онаси Назира шаънига айтган мактов гапларни ўйлади. Умрида биринчи бор ўзини йўқотиб, гангиб қолди. Муҳаббат қуши унга қараб талпинарди. Хўш, бу қушдан ўзини олиб қочсинми?

Пайкалнинг нариги бошида бошини бўз белбоғ билан танғиб боғлаган Шароф Назира томонга сирли нигоҳ ташларди. Хаёли қизда.

Келгуси йили эрта баҳорда Шароф Жўраев звено бошлиғи бўлди. Назирани мусобақага чақирди. Мусобақадош йигит-қизнинг пайкаллари ҳам туташ, меҳрлари ҳам...



Олтин куз. Назира райком идорасига келди. Эшикни очганида ўрта ёшли котиба аёл машинкада ниманидир чиқиллатиб ёзиб ўтирарди. Идиқкина салом-алиқдан сўнг котиба аёл унга бир оз кутиб туриш зарурлигини айтди. Райком котибининг қабулхонаси Назирага таниш. У бундан икки кун аввал ҳам мана шу хонада бюро йиғилишига кириш учун навбат кутганди. Шунда уни бюро аъзолари бир овоздан партияга қабул қилишган эди. Бугун эса партия билетини олишга келган.

Кўп ўтмай котиба аёл уни ичкарига киришга таклиф этди. Узун бўйли, қиррабурун, дадиллиги кўзларидан билиниб турган раком котиби Назирага партия билетини топширар экан, таъкидлаб гапирди:

— Ҳамиша Ленин партияси сафида эканлигингизни унутманг. Севикли Ватанимизнинг буюк қудрати, ҳалқимизнинг фаровон ҳаёти йўлида муносиб хизмат қилишда ҳамиша олдинги сафда бўлинг!  
— Раҳмат!— Назиранинг тилига шу сўздан бошқа калима келмади.

\* \* \*

Илк баҳорнинг эрта тонги. Орзу-ниятлари она ер билан эгизак бўлиб кетган Назира кадрдон даласига йўл олди.

Кўп ўтмай қишлоққа хушxabар тарқалди. Назира Йўлдошевага энг олий нишон — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганлиги Москва радиосидан эълон қилинди.

Бу хушxabарнинг эртаси куниёқ почталъон Назирага бир даста табрикнома келтирди.

«Сирдарё район, «Ҳақиқат» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ Назира Йўлдошевага.

Ўртоқ Йўлдошева 1947 йилда пахтадан юқори ҳосил олганлигингиз ва Сизга юксак мукофот — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилгани билан чин қалбдан табриклайман.

Сиз барча колхозчиларга Ватанимиз бахт-саодати йўлида фидо-корона меҳнат қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатдингиз. Бу йил ҳам юқори ҳосил олишда яна юксак ғалабага эришишингизга ишончимиз комил. Сизга сиҳат-саломатлик тилайман. Узоқ йиллар ана шундай самарали меҳнат қилишингизни истайман.

*Усмон Юсупов, Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитетининг биринчи секретари»*

«Ўзбекистон ССР, Сирдарё район, «Ҳақиқат» колхозининг звено бошлиғи

ўртоқ Назира Йўлдошевага.

Сизга • Социалистик Меҳнат Қаҳрамони — юксак унвон берилиши билан табриклайман.

Сиз эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмай, бундан буён ҳам ўз ишларингизда юқори ҳосил етиштириш учун курашда янги,

янада катта муваффақиятларга эришасиз, деб ишонч билдираман. Сиз ўз тажрибаларингизни кишлоқ хўжалигидаги бошқа меҳнат-кашларга ўргатасиз ва уларнинг ҳам юкори ҳосил олишларига ёрдамлашасиз, деб ишонаман.

Сизга сиҳат-саломатлик, бардамлик, меҳнатда янги галабалар тилайман.

**И. БЕНЕДИКТОВ,**

*СССР Кишлоқ хўжалик министри».*

Шу йилнинг саратонида кишлоқ аҳли бир гапни тилларида такрорлашарди: «Назира ўстирган пахтанинг баргидан кўсаги кўп эмиш. Бахтини берсин».

\* \* \*

Назира Тошкентдаги олий партия мактабига йўл олди. Ўқиган ўқдан ўзибди, дейдилар. Назира билимини ошириш зарурлигини биларди. Одамлардан, даврдан ортда қолмаслик учун ўқиш керак. У деҳқон қизи. Тақдири, ҳаёти дала ишларига боғланган. Шунинг учун шу ҳол уни ўқишга чорлади. Китоблар, ўқув заллари, муаллимлар суҳбати кутарди уни.

## XX

Назира Тошкентдаги олий партия мактабини битириб қайтгандан кейин район партия комитети котибининг ҳузурига кирди.

— Аввал сизнинг фикрингизни билмоқчиман. Қаерда ишламоқчисиз?— сўради райком секретари хонатлас кийган, кўзларида ўйчанлик, босиқлик балқиб турган Назирадан.

Назира вазминлик билан қисқа жавоб қилди:

— Ўзим ўсган кишлоққа юборсангиз.

Райком котибининг мақсади олий партия мактабини тугатган қизни район партия кўмитасига ишга олиб қолиш эди. Шунинг учун бўлса керак, бу дафъа фикрини аниқ айтди:

— Сизни райкомнинг ўзида олиб қолмоқчимиз. Одамлар орасида, хусусан хотин-қизлар орасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борасиз.

— Ўзим ўсган кишлоққа юборсангиз!— Назира яна боя айтган гапини такрорлайди.

Бари бир масала райком котиби айтганча бўлди. Назира район партия кўмитасида ишлай бошлади. Лекин хаёли, фикри-зикри қалбига бебаҳо умид бағишловчи кишлоқнинг валломат одамларида, зумрад далаларида, севган йигити Шарофида. Райком котибининг ҳузурига бот-бот кириб: «Ўзим ўсган кишлоққа юборинг», деган гапни такрорлайверди. Охири Назира «Ҳақиқат» қолхозига партком котиби бўлиб ишга келди.

Бригада даласига элтадиган сертупроқ ерда икки отлиқ боряпти. Улар куни кеча шу бригададаги гўза ривожини кўздан кечиришни маслаҳатлашиб олишган эди. Назира миниб олган кўк от бўйинини бир оз чўзиб бир текисда юради. Раис минган ёш саман бошини кўтариб, ўйноқлаб боради.

Раис ва парткомнинг келаётганини узоқдан кўрган бригадир шийпон олдига чиқиб уларни кутиб олди.

Раис билан Назира аввал бригаданинг ўттиз беш фоиз ерида чигит чикмай қолган ерини кўздан кечирмоқчи бўлишди.

Улар отларини шийпон олдидаги қора толга бойлаганларидан кейин бригадир ҳамкорлигида картани оралашди.

— Ерни бузиб, беда экиш керак,— деди раис пайкалдан кўзларини узмай.

— Менимча беда экиш шарт эмас,— сўз қотди Назира.

— Нима учун?— эътиборсизлик билан сўради раис.

— Чигит чикмаган жойларига зудлик билан чигит экиш лозим.

Сўнг парвариш жадаллаштирилса, ривож ияна шу ниҳолларга етиб олади,— деди Назира ғўза ниҳолларини кўрсатиб.

— Йўк, бузиб беда экиш керак.

— Ҳозир беданинг биринчи ўрими тугалланди. Экилган беда то ўсиб ўримга келгунича, куз киради. Бунинг устига молларга пичан йиғиш масаласи унча қийин эмас. Қанчадан-қанча бўш ер, қанчадан-қанча тўқайларнинг пичани ўсиб, ғовлаб ётибди. Уларни ўриб олиш лозим.

— Йўк бузамиз, беда экамиз. Сен нима дейсан, Ҳомид?— ёнида турган бригадирга кўзини қисиб қаради раис.

Ҳомид тор пешонасини қашиди.

— Менимча парткомимиз тўғри айтаяптилар.

Раис фикри бригадир томонидан рад этилганлиги учун ранжиди. Сукут сақлаб, бир оёғи остига, бир атрофга қаради.

— Ола жойларига бугундан бошлаб чигит эктиринг, жуда бўлмаган тақдирда кузда кўрагини териб оламиз.— Назира қатъий оҳангда гапирди бригадирга.

Раис бўлса ҳамон фикридан қайтмаганди.

— Бир картада икки хил пахта ўстирмоқчимисиз, Назираҳон?

Раис Назирага ён босгиси келмаётган бўлса ҳам айтган гапи биринчи бор рад этилганини ич-ичидан ҳис этиб турарди. Лекин Назира ҳам ўз фикридан қайтмади.

Пайкални узоқ кўздан кечирган Назира пешинда бригадир билан шийпонга келди. Шийпондаги шолча устида раис ўзини пуштиранг рўмолчаси билан елпиб ўтирарди.

Назира шошиб, оти бойлоғлик турган толга қаради. От йўк. Ҳайрон бўлди. Боғчада эмизикли боласи — жажигина Мамлакат кутяпти. Раисга чой дамлаб келган Махмуд Назирани ҳайрон бўлиб турганлигини сезиб, сўз қотди:

— Одилининг хотинини тоби қочиб қолди. Отингизга миндириб, докторга олиб кетди.

Масаланинг моҳиятига тушунган Назира бир муддат ўйланиб қолди. «Энди нима қилдим, яёв борсам кечикаман. Бола бечора

қийналиб кетади. Раиснинг отини сўрасаммикин-а?»

Назира раисга юзланди.

— Раис бува, отингизни бериб туриг. Болам боғчада, бориб эмизишим керак.

— Мен кўшни бригадага ўтмоқчиман. Ёшсиз, ғайратингиз ошиб-тошиб ётибди, яёв бораверинг,— истехзо билан жавоб берди раис.

Назира «ноинсоф экансиз» демокчи бўлди-ю, аламини ичига ютди.

Пиёда кетишдан бошқа чора йўқ. Раис Назира колхозга партком бўлиб келганидан буён очилиб муомала қилган эмас. Эхтимол, уни зимдан ёмон кўрар. Лекин Назира унга ҳамиша тўғри гапирар эди. Балки мана шу томони раисга ёкмаётгандир. Яна ким билади, дейсиз, Инсон хаёлида нималар яширинмайди, дарёдан нималар окмайди.

Назира шитоб билан йўлга тушди.

Назира жингалак соч қизалоғини қанча вақт бағрига босиб турганини эслай олмайди...

## XXI

Муродхўжа раисликнинг эгарига қанчалик шахт билан ёпишиб ўтирмасин, бари бир эгардан учиб кетди. «Одамларнинг кўзларига тик қарай олмадингиз. Одамлар олдида қилган гуноҳларингиз қаддингизни дол, бошингизни ҳам қилиб қўйди. Фақат тўғри ва олижаноб кишиларгина элнинг кўзига тўғри ва мардона қарайдилар». Муродхўжа Назиранинг шу гапларини эслади. Тўғри, колхозга раис бўлгандан буён еди-ичди. Хўш, қайси раис еб-ичмайди? Шу саволлар билан у ўзига бир оз тасалли бермоқчи бўлди. Лекин қариндош-уруғларига колхоз мулкани талон-тароҷ қилдирганлиги рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Пахтачиликдан олинадиган ҳосил пасайиб кетди. Шу нуқсонлар уни эгардан учуриб юборди.

Муродхўжа энди нима қилиши керак? Уйда айикдай ағанаб ётаверсинми ёки далага чиқсинми? Ётган айикдан юрган тулки яхши дейдилар. Уйда ётмагани маъқул. Далага чиқса, ўтган куни ҳисобот-сайлов йиғилишида уни бошлаб танқид қилган одамлар орасида ишлайдими? Йўқ тилига уч қадок тош бойласалар ҳам далага кетмон кўтариб чиқмайди. Ахир, туёғидан ўт чакнайдиган тулпор от миниб юрган раис бугун далага яёв, кетмон кўтариб чиқса душманларига кулги бўлмайдими? Инсонда номус, орият бор. Шу хислатлар инсонга берилмаганда нима бўларди? Яхшилик билан ёмонлик қоришиб кетмасмиди?

Шуларни ўйлаган Муродхўжанинг уйкуси қочиб кетди. Ширин уйкуга чўмиш учун хаёлида чарх урган фикрлардан ҳоли бўлиши лозим. Лекин у ўзини қўлга ололмас, бу фикрлардан ҳоли бўлолмас эди. Ухлай олмагани сари баттарроқ азоб чекарди. Дам ўнг, дам чап томонга ағдариларди. Гўё кўрпада тикан бор, ётишига ҳалақит беради. Ҳисобот-сайлов йиғилишида колхозчилар айтган гаплар бирма-бир хаёлига келди:

— Муродхўжа бизнинг ишончимизни оқламади. Одамлар ишончини оқламаган одам раисликка нолайик.

— Колхоз ахлининг тўқ, фаровон яшашини эмас, ўзининг хуш-халоватини ўйлади. Эртақлардагидай фароғатда яшади. Бу — кўпчилик меҳнати ҳисобига бўлган фароғат эди.

— Раислик даврида ичган товук шўрваларнинг кучини далада кўрсатсин. Дала кучли одамларни хуш кўради.

— Колхознинг печатини Назар Йўлдошевага топшириб, қўлига кетмон олсин.

Колхозчилар бу гапларни унинг суяк-суягига етказиб, ботириб-ботириб гапиришди.

Дунёда одамлар меҳридан улуғ, одамлар қаҳридан ёмон нарса йўк. Улар кулса, олам жаранглайди, улар нафратланса олам титрайди. Тартибсиз фикрларнинг ўтли қамчиси уни шафкатсизлик билан савалар эди.

«Эртага Назира билан юзма-юз гаплашаман. Ҳайиқмаса, менга ён босмаса, ўзимга қарашли қариндошларимни унга қарши қайрайман. Колхозни остун-устун қиламан. Биров ишга чиқмайди, биров кўчиб кетади, биров шикоят қилиб ташкилотма-ташкилот югуради. Ҳа, ана шундай қиламан. Ётиб қолгунча, отиб қол, деганлар», дея шивирлади ўзига-ўзи.

...Эрталаб чаккалари мушт еган одамникидай оғриб, қобоклари шишиб ўрнидан турган Муродхўжа ҳовлида эснади. Уйкусиз тунда уйланганларини эсга олди. Негадир, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Ўз ҳовлисида ўзини мусофирдай ҳис қилди.

Февралнинг оқшомги ёмғири ерларни лой қилиб юборган. Димокқа зах билан шўрнинг ҳиди урилади. Куёш парда ортидан нур сочаётгандай. Эндигина ердан кўкариб чиққан қиёқларнинг ҳовучида, қамишларнинг ўзаги билан барглари туташган жойларида ёмғир томчилари ёқутдай товланади.

Муродхўжа қиёқзор орасидаги сўқмоқдан секин кетиб бормокда. Шўр лой хиром этигидаги калошни тортиб олай дейди. Баъзан кавшари чиқиб кетган калош этик укчасига «шалп» этиб урилади. Лой сачрайди. Илгари у бу йўлдан саман отда ўтарди. Бугун эса шўр ер лойи оёғидан ортга қараб тортаяпти.

Уч йилдан буён оқланмаган, ёмғир ювиб, оҳак ўринлари қора ямоққа ўхшаб кетган кўримсизгина колхоз идораси. Идорага кирган Муродхўжа раис ўтирадиган хона эшигининг дастбандини секин ушлади, оқшомги қайсар фикрларидан нишон қолмагандай бўлди. Авваллари у бу хонага нечоғлик ғурур билан кириб, жойида савлат тўкиб ўтирарди. Энди бу хонада аёл киши ўтирибди. «Нега журъатсизланасан, Муродхўжа? Янги раиснинг олдига дадил кир! Оқшомги фикрларингни тортинмасдан юзига айт. Ахир у аёл киши-ку! Сен эркаксан!» Муродхўжа шу хаёллар билан эшикни ўзига тортди. Қарға шойи кўйлак устидан ёқалари кенг мовий костюм кийган, қора сочларини зар дўппига чамбарак қилиб ўраб олган Назира столга энгашиб, ниманидир дафтарга ёзаётган эди.

Бошини кўтарган Назиранинг узун киприклари орасида чакнаб турган қора кўзлари Муродхўжанинг кизарган, хорғин, шу билан ҳасад, ғазаб учқунлари акс этиб турган кўзларига тушди. Сўнгра ўрнидан эркин ва енгил турган Назира самимий илтифот билан Муродхўжага ўтиришга жой кўрсатди.

— Марҳамат, ўтиринг!

Стулга қулайроқ ўрнашиб ўтирган Муродхўжа сариқ қошларини

кўтариб Назирага қараб қўйди. Хўш, гапни нимадан бошласин! Оқшомги: «Менга ён босмаса, ўзимга қарашли қариндошларимни унга қарши қайрайман», деган фикрларидан қайтмаган ҳолда гапирсинми? Эки оқшомги фикрлари қаттиқ изтироб натижасида келган ўткинчи бир нарсамикан? Эки райком котибининг олдига борсинми? Борганда у нима дейди. Ахир у ҳисобот-сайлов йиғилишида айтилган гапларни ўз қулоғи билан эшитди-ку!»

— Хизмат, Муродхўжа ака?— мулойимлик билан сўради Назира.

— Колхоздан кетмоқчиман,— Назирага айтмоқчи бўлган гапларга ўзи ишонқирамай бу хонага кирган Муродхўжанинг хаёлига шу гап келди.

— Нега энди?

— Бизга бу ер тўғри келмайди.

— Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу торози, деганлар.

Бир муддат сукутга берилган Муродхўжа ўйлай бошлади. «Кетсаммикан ё қолсаммикан? Раиснинг кўнглида менга нисбатан ғарази йўққа ўхшайди. Очиклик билан гапиряпти». Муродхўжа бирор гап айтиш ўрнига Назиранинг кўзларига қаради. Ўзини эркин тутиб ўтирган Назиранинг кўзларида ишонч ва меҳрнинг ошқора алангаси порлаб турарди. Нега Муродхўжа уни шу вақтгача сезмади. Ахир иккови колхозда уч йилга яқин бирга ишлашди-ку?

— Ўзингизга тўғри келадиган бирор иш топиб берамиз, Муродхўжа ака,— яна очиклик билан гапирди Назира.

Юраги бир оз юмшаган Муродхўжа айёрлик билан сўради:

— Қандай иш берасиз?

— Масалан, бригада бошлиғи бўлиб ишлашингиз мумкин.

Раиснинг бу гапига розилик беришини ҳам, розилик бермаслигини ҳам билмай қолган Муродхўжа қафтларини бир-бирига ишқай бошлади.

— Эртагача бир ўйлаб келсам бўладими?

— Бемалол.

Йўлда кетаётган Муродхўжа, илтифот билан ўрnidан туриб, эшик олдигача кузатиб қўйган раиснинг юз-кўзларидаги очиклик ва меҳрибонликни ўйлади. «Бундай раҳбарга одамлар эргашади ҳам, ишонади ҳам. Мен-чи? Мен одамларни писанд қилмас эдим. Бу аёл бўлса, ўта камтар. Эл, камтарга камол, деган. Нега буни шу вақтгача ҳис этмадим?..»

У янги раис — Назирага тан берганлигини, колхоздан кетмай одамлар билан бирга ишлаши зарурлигини аста-секин ҳис этиб борар эди...

Назира эса бу пайтда чексиз осмоннинг бир бўлаги кўринаётган дераза ёнида турганча хаёлга чўмганди. «Осмон чексиз, абадий, — деб ўйларди у, — лекин инсон умри ўлчоғлик. Аммо унинг эзгу ишлари мангудир. У бу дунёга еб-ичиш учун эмас, балки, меҳнат қилиш учун келади. Еб-ичиш учун келади деганлар хато қилади. У фақат ўзи эмас, ёнидаги одамлар учун ҳам яшаб меҳнат қилади. Оида қуради, фарзанд кўради. Она фарзандини севишиб отага кўрсатади, кейин қуёшга кўрсатади. Отага кўрсатгани сендай жасур

бўлсин дегани, куёшга кўрсатгани — қалби ҳароратли, оташли бўлсин дегани. Кейинчи? Кейин — атрофда одамлар. Уларни севиб яшаш керак? Нима учун? Одамлар сени севишлари учун шундай қилмоқ зарур. Бўлмаса ёлғизлик одамни руҳан ўлдиради».

Назира одамлар деб яшаётгани учун ҳам шуларни ўйлайди. Колхоз одамлар даврасидаги дастурхонга ўхшайди. Ҳўш, бу дастурхонда нима бору, нима йўқ. Борини янада кўпайтириш, йўғини эса бунёд этиш керак. Бутун қалб, бутун борлигини сарф этмасанг, бунёд этиш қийин. Бунёд этолмасанг, одамлар сенга эргашмайди. Одамларни эргаштира олсанг, галаба манзили яқин деявер.

Меҳнат — бахт. Одамлар ишончи ҳам бахт. Одамлар Назирага ишонишди. Раисликка сайлашди. Энди Назира бу ишончдан узоқлашиб кетмаслиги керак. Бунинг учун нима қилиш зарур? Аввало колхоздаги муҳим ишларни ҳал қилишга киришмоқ даркор. Муҳим ишлар ҳал қилинмаса, хўжаликни нурли йўлга олиб чиқиб бўлмайди. Лекин буни Назиранинг бир ўзи амалга оширолмайди. Ахир, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деганлар-ку. Шу боис колхоз аҳли билан бир ёқадан бош чиқармоқ зарур. Бирлашган ўзар — бирлашмаган тўзар...

Беш бармоқ қафтга қандай жипслашган бўлса, одамлар Назира атрофига шундай жипслашмоқлари лозим. Ҳўш, бунга қандай йўл билан эришиш мумкин? Бунинг учун одамларга юрагингни очишинг керак. Юрагингни очсанг, улар сенга юракларидаги мақсад-ниятларини тўқиб соладилар. Ичимдан топ деган билан иш олга силжмайди. Шу мақсадда бўлса керак, Назира қишлоқ аҳлини йиғиб гаплашишга аҳд қилди.

— Колхоз қулоғигача қоқоқлик ботқоғига ботган, — дея сўз бошлади у ҳамма йиғилгач, — эндиги вазифа уни шу ботқоқдан олиб чиқишдан иборат. Ҳўш, бунинг учун нималарга эътибор беришимиз шарт. Аввало, кўзимиз қорачиғидай азиз бўлган ерни жондилдан севмоғимиз, унинг ҳар қаричини эъзозламоғимиз лозим. Дунёда гулларнинг тури кўп. Қизил, сариқ, наформон, пушти... Лекин биз учун энг суюмли гул — она ер. Мана шу она ер онамизнинг онасидир, отамизнинг отасидир. Қайси фарзанд онани, отани ҳурматламаса, одамлар орасида маломатга қолганидай, биз ҳам ерни ардоқламасақ, маломат изтиробини чекамиз. Табиб дардни аниқлаш учун хастанинг юрак зарбини тинглайди. Бўлмаса дардни аниқлолмайди. Биз ҳам ернинг юрагини тинглашимиз даркор. Шунда унга қандай чора зарурлигини билиб оламиз. Бизда ернинг унумдорлиги паст. Мана унинг «дарди». Шунинг учун унга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартирмоқ олдимиздаги муҳим вазифадир. Муносабатни ўзгартириш, яъни иш сифатини яхшилаш демакдир. Сифатли иш ер танасига дармон. Фарзанд учун она ёлғиз бўлганидай, биз учун ҳам она ер танҳодир. Шундай экан, уни эъзозлаш виждоний бурчга айланмоғи зарур. Ўғитлаш, ҳайдаш ишлари сифатли бажарилгандагина у бизни тўдиради...

Колхознинг кекса деҳқони Бердиназар ака Холмуродов кўл кўтариб, ўртага чиқди. Назира айтган гаплардан таъсирланиб кетган бўлса керак:

— Қизим, менга сўз беринг!— деди.

— Марҳамат!— жавоб берди Назира.

— Қизим, ер хусусида айтган гапларинг ўринли. Мен умрим бўйи ерга эгилиб ишладим. Хўш, ерга эгилиб нима топдинг деганлар ҳам бўлди. Уларга: «Олтин сандиғини топдим»,— деб жавоб қилдим. Ерга эгилмасанг у сенга жавоҳирини тутмайди. Шунинг учун мен ерга эгилмаган одамни хушламайман. Шу билан бирга колхоз ерини хомталаш қилган одамларни ҳам ёмон кўраман. Бизда бундай одамлар йўқ дейсизми? Афсуски, бор. Масалан, бундай одам орамизда ўтирибди. Ким деб сўрасиз, албатта. Бу — Сапар Қосимов. У ўтган йилда 70 сотих ерга ўзи учун мош экиб олди. Ҳар биримиз Сапар Қосимовга ўхшаб 70 сотихдан ерга ўгринча мош эксак, колхоз ерининг ярмидан кўпи талон-тароғ бўлиб кетади. Биз шу бугундан эътиборан бундай ҳолга чек қўйишимиз керак.

Юзи докадай оқариб кетган Сапар Қосимов ғазаб билан ўрнидан турди:

— Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қок, деганлар. Ўзинг пайкал бошидаги ариқ бўйига ошқовоқ эккандинг. Уни Велико Алексеевск бозорида неча сўмга пуллагансан, мард бўлсанг шуни гапир.

— Ошқовоқни сотмаганман. Колхоз фермасига топширганман. Қизим, Назира, менда Сапар Қосимовга нисбатан шундай таклиф бор. У эккан ер қочиб кетган эмас. Райком аъзолари бориб кўришин. Кейин Қосимов одил қонун олдида жавоб берсин.

Ўтирганлар «наҳотки Сапар Қосимов қамалиб кетади» деган маънода бир-бирларига қараб олишди. Масаланинг жиддийлиги ҳаммани хушёр торттирганди. Назира бу ишга қандай муносабатда бўлади? Ўтирганлар Назирадан ана шу саволга тўғри, аниқ жавоб берилиши лозимлигини ич-ичидан ҳис этаётганди. Бу ўринда у иккиланмаслиги керак, шу билан бирга Сапар Қосимовга ён босмаслиги лозим. Унга ён босса, бу гуноҳини одамлар бир умр кечирмаслиги мумкин.

— Бердиназар ака, тўғри гап айтдингиз. Сапар Қосимов одил қонун олдида жавоб бериши лозим,— деди Назира қатъий ва ишончли оҳангда.

— Бола-чақалиман, раҳмингиз келсин, Назирахон!— деб йиғлаб юборди Сапар Қосимов.

— Кўз ёшлар гуноҳни ювиб юборолмайди. Шу билан бирга у социалистик қонуннинг кучини ҳам пасайтиролмайди,— деди Назира йиғилишга яқун ясаркан.

Май ойи. Олам нурга тўла. Шундай кунда колхоз ферма мудирин Абдухалил Рустамов Назира ҳузурига кирди.

— Бир масалада қийинчиликка дуч келяпмиз,— деб гап бошлади у.— Қандай масала дерсиз? У ҳам бўлса, фермада сут соғувчиларнинг етишмаслиги. Баъзи сигирлар соғилмай қолаяпти. Бундай сигирларнинг безовта бўлганлигини кўрсам, юрагим куйиб, ачишиб



кетади. Шу масалада фермага ёрдам беришингизни сўрайман.

Ферма мудирининг гапларини эътибор билан тинглаган Назира бир муддат сукутга чўмди. Кейин ўрнидан туриб уёқ-буёқка юрди. «Масала муҳим, соғувчиликка хотин-қизларни кенг жалб этиш керак, аввало ёш кизларни, хусусан ўрта мактабни битирувчи қизларни».

— Мен бугун мактабга бораман. Мактабни битирувчи қизлар билан юзма-юз гаплашаман. Уларни соғувчилик касбини танлашга даъват этаман. Ишончим комилки, йўқ демасалар керак...

Боши кўкка етган ферма мудирини миннатдорчилик билдириб чиқиб кетди.

Битирувчи ёшларни қишлоқда олиб қолиш муаммоси Назирани кўпдан буён ўйлантириб келарди. Энди бу масалага ёндашиш, уни ҳал этиш пайти келди. У қалбидаги муддаони мактаб директорига айтди. Директор таклифни жон-дилдан қўллаб-қувватлади. Танаффусга кўнғироқ чалинган, Назира билан мактаб директори ўнинчи синф хонасига кирдилар. Олтин ёшлик гўзаллиги, жўшқинлиги юзларида барқ уриб турган ёшларни кўрган Назиранинг қалби севинчга тўлиб кетди. Бир дақиқа ўз ёшлигини эслади. Шундан бўлса керак, ёшларга хос мамнуният билан сўз бошлади:

— Ҳар бир ёш ўрта мактабни битирган кунини ўзини узоқ сафарга отланаётган денгизчидай ҳис этади, ҳаяжонга тушади. Узоқ манзилга соғ-омон етиб боришни ўйлайди. Битирувчилар эса ҳаёт тўлкинига бардош бера оламани деяр ҳаёлга чўмади. Сизлар ҳам ана шундай ҳаёл оғушидасизлар ҳозир. «Ҳаёт мени ўз ёнига чақиради, меҳнат мени бағрига чорлайди. Унга жавоб беришга тайёрманми?» деб ўйлайсиз. Аммо ота-оналаримиз амалга оширган ишларнинг давомчилари сифатида майдонга чиқаётганингизни, чиқшингиз зарурлигини тўла тасаввур қилолмайсиз. Мана, ўзимизнинг колхоз ҳаётини олайлик. Колхоздаги катта ишларни ким амалга оширади? Ёшлар! Колхознинг келажаги сизлар билан порлоқ бўлади. Ҳозирги кунда колхоз фермасида олиб борилаётган ишларни кўнгилдагидай деб бўлмайди. Фермада соғувчилар етишмаяпти. Оқибатда баъзи сигирлар соғувсиз қолаёпти. Масала шундай экан, биз нима қилишимиз керак? Соғувчи излаб шаҳарга боришимиз керакми? Йўқ! Сизларга мурожаат қиламиз. Директор билан бўлган қисқа суҳбатимизда бу йил ўрта мактабни саккиз нафар қиз битириб чиқиши маълум бўлди. Биз ана шу қизларнинг барчасини колхоз фермасида соғувчи бўлиб ишлашларини хоҳлардик. Қисқаси, сизларни фермада ишлашга таклиф этаман.

Булар оддий сўзлар эмас, қалб нидоси эди. Бу нидо замирида, колхозни истиқбол йўлига олиб чиқиш керак, деган ният ётарди. Шунинг учун ҳам бу сўзлар ёшлар қалбига таъсир этди. Қишлоқ ёшлари қишлоқ қишлоқларини, шу қишлоқлар меҳнатини севиши табиий. Кўзларида шижоат нури порлаб турган Назиранинг таклифини қизлар чин дилдан қабул қилишди...

Одам бахтга интилиб яшайди. Бир кун, бир ой, бир йил эмас, умр бўйи интилади. Аммо бунга осонликча эришиб бўлмаслигини раиса ҳам яхши тушунади. Бунга эришиш учун қалбда иштиёқ

денгизи шитоб билан мавжланиб турмоғи даркор. Шундай бўлмаса бахт этагини гутказмайди. Назиранинг отаси қизини бахтли бўлишини ўйларди. Энди унинг ёнида отаси йўқ. Отанг ташлаб кетса ҳам одамлар ташлаб кетмасин, дейдилар. Назиранинг ёнида одамлар бор. У отасига кўрсатолмаган эзгуликларини мана шу одамларга кўрсатмоғи лозим. У шу одамлар билан ўзини бахтли сезади. Қалдирғоч умрининг бахтли фасли — баҳор. У шу фаслда бола очади. Бола очилган кун — унинг бахтли куни. У куз келганида ана шу болалари билан иссиқ ўлкаларга учиб кетади. Одам боласи эса фасл танламайди. Куз келиши билан қалдирғочдек иссиқ юртларга учиб кетмайди. У тўрт фаслда ҳам бирдек иштиёқ билан ҳаракат қилади. Ҳаракат — баракат. Баракат — бахтиёрлиги. До-нишманд айтганидай, ҳаракатдан тўхташ — бахтли бўлмоқликдан тўхташ демак. Назира Йўлдошева бугун ҳаракат ва бахт билан юзма-юз турибди. Энди у одамлар ҳурматини йўқотиб қўймаслик учун ҳаёт ва меҳнат тўлкинида умид кемасини қандай бошқариши керак? Кемаси нурли кирғоққа етиб борадими? Одамлар шунга қараб унга баҳо беради.

Ўтган куни Назира колхоздоши нуруний отахонлар билан суҳбатлашди. Қўйиларига қўл солиб, уларнинг ёшларга ер илмини эгаллашларида бош-қош бўлишга истаклари бор-йўқлигини аниқлади, ҳар хил гаплар бўлди. Биров у деди, биров бу деди. «Дехқончиликни бизга ҳеч ким ўргатмаган. Далада юриб бировнинг кетмон уришига, бировнинг ариқ олишига қараб ўрганганмиз. Ҳозирги ёшлар ҳам шунақа», — деганлар ҳам бўлди. Пировардида, Назира кулимсираганча бир воқеани айтиб берди.

Ховосда 114 ёшли Аҳмадкул ота Юсуповни ҳамма билади. Кунларнинг бирида район марказидаги бир врач отанинг бир асрдан ортиқ умр кўрганлигининг сирини билмоқ учун «Ховос» совхозига борибди. Уйга келиб Аҳмадкул бобони сўраса, унинг пичан ўриш учун далага кетганлигини айтишибди. Шунда врач далага йўл олибди. Борса, бир сайхонликда Аҳмадкул бобо чалги ўроқда пичан ўраётган экан. «Бобо, — деб сўз бошлабди шунда врач, — ёшингизни яшаган, ошингизни ошаган одамсиз. Шунинг учун уйда бемалол дам олиб ётсангиз бўлмайдими, пичан ўраётганингиз нимаси? Бу ишни энди неваралар қилсин». Шунда Аҳмадкул бобо: «Мен бахтли бўлишим керак ва яшашим керак. Бунинг учун ҳаракатда бўлишим лозим», — дебди...

Раисанинг ибратли ҳикоясидан таъсирланган колхоз отахонлари колхозчиларга ёрдамлашиш, ўз тажрибаларини ўргатиш учун эртаси куни далага чиқдилар.

\* \* \*

Пахта терими бошланди. Кузнинг мусаффо тонги. Шундай тонгда Назира Йўлдошева бригадир Шомуротнинг даласига борди. Бепоён пахтазор. Лўппи-лўппи очилган чаноклар юлдуздай порлаб турибди. Юлдузлар тунда порлайди. Бу юлдузлар эса кечаю-кундуз нур сочади. Қанча шоирларнинг дostonларига жон мавзу бўлган

бу юлдузлар. Пахтазордан қўзларини узмаган Назиранинг қалбини хайрат ва хаяжон қамраб олган. Ўзбекистонда пахтазорни кўриб хайратга тушмаган бирор одам борми? Йўқ! Назира деҳқон қизи. Шунинг учун ҳам пахтазорга меҳр кўйган. У баҳорда умидини ерта чигит қилиб қадаган. Шу чигитнинг ерни ёриб, униб чиқишини болаларга хос бир беғубор туйғу билан кутган. У ердан ниш кўрсатгарсатганда бу олам Назиранинг назарида тоза нурдан яратилган бўлиб туюлган. Қуёш — ҳарорат, дарёлар — сув бериш учун хизматга келган. Шу онда юртда Назирадай гўзал, меҳнаткаш аёллар бор экан, қуёш — ҳарорат, дарёлар — сув бераверади.

# Ж А З О

## I

Олимжон атрофи мажнунтоллар билан ўралган дала шийпонидаги йиғма каравотда чалқанча ётганча «Советский спорт» газетасини ўқирди: «Марадона — футбол юдузи...» Шу пайт шийпон олдига «Жигули» келиб тўхтади. «Ким экан?» — деган хаёл билан Олимжон газетадан кўз узди. Кейин ўрнидан пахтани текширгани келган бошини тузатган бўлиб, «райондан пахтани текширгани келган бирор вакилдир», — деган ўй билан «Жигули» томон юрди. «Меҳмон отангдан улуғ, нима бўлганда ҳам очик юз билан қарши олишим керак», — деб ўйлади. Бу орада Ҳамид Жўраев «Жигули»нинг эшигини кеккамтой олифталарга хос устамонлик билан қарсиллатиб ёпди. Шунда Олимжоннинг нигоҳи унинг қоп-қора кўзойнагига, кўлидаги япон дипломатига, оёғидаги қора ялтирок туфлига, ўнг бармоғидаги тўрт бурчакли олтин узукка тушди.

Ҳамид кўзидан қора кўзойнагини олиб, Олимжонга қўл узатди. Олимжон чўғни ушлагандай унинг юмшоқ қўлларини иккиланиб ушлади. Қалин қабоклари остидаги қисик, маккор кўзлари чўғланганлигини сезиб, кўнгли сидирилди.

— Деҳқонсиз дала — сувсиз ҳаммомдай гап. Қайси бир классик шоир чумолидан тортиб, саркардагача деҳқон боқади деб, ҳақ гап айтган экан. Сизлар туфайли дастурхон тўкин, ризқу-рўз бутун, юрт обод, дил шод, — деди Олимжонга кадрдон, бир-бирини кўпдан буён яхши биладиган дўстдай.

— Хурсандман, раҳмат! — деди фавқулудда иссиқ хаяжон гирдобида қолган Олимжон.

Ҳамид кўлини эҳтиёткорлик билан унинг елкасига қўйди. Бундан малҳамдай юмшаган Олимжон: «Қани, шийпонга марҳамат», — деб юборганини сезмади. Ораста, салкин шийпон ичидаги стулга ўтирган Ҳамид узун оёқларини чалкаштириб, БТ сигарасини тутатди. Узун-қисқа кўкиш иплардай ҳаволанган тутундан нигоҳ узмай хаёл сурган бўлди. Дунёдаги кўп воқеалардан хабардор одамдай мамнун жилмайди, ўрта бармоқларини ўйинчи йигитдай қарсиллатди:

— Мени яхши билмайсиз, тўғрими?

— Тўғри,— деди Олимжон хушёр тортган боладай.

— Аммо мен сизни яхши биламан. Донгдорликка интилаётган бригадирсиз. Шуҳратга интилиб яшаганлар омадли бўлган. Интилмасанг, парвоз паст бўлади. Парвози пастларни кўпчилик танимайди, таниса ҳам менсимайди. Сизни ҳам кўпчилик билмайди. Шуҳратингизни ўйладим. Шу ўй ҳузурингизга олиб келди. Лекин шуҳратни биров чинни лаганда авайлаб тугмайди. Унга эришиш жисмонни аямай ҳаракат қилишни тақозо этади. Арслон ҳаракатдан тўхтаб, инида ётаверса очликдан ҳалок бўларкан. Сўзларимга шубҳа қилмаяпсизми?— Ҳамид бу сўзлар Олимжонга таъсирини ўтказаяптими ёки йўқми деган маънони англаб олиш учун унга шундай савол билан юзланди.

— Шубҳам йўқ, айтган барча сўзларингиз рост,— деди Олимжон.

Олимжон унинг таъсирига берилаётганлигини ҳис этаётган Ҳамид бундай кейинги сўзларни ҳам оташ ҳиссига ўраб айтишни ўйлади. Бундан мақсад — Олимжоннинг қалбидаги унга нисбатан гумонсираш ҳиссини ҳайдаш, кейин эса ишонч ҳиссини жўштириш эди. Шунда Олимжон унинг таъсирида бўлади. Таъсирида бўлгандан кейин Ҳамид чалган чилдирма оҳангига йўрғалайверади. Олимжон ўрнидан кўзгалди.

— Чой ичамиз.

— Овора бўлманг. Чойдан тотлиси бор.

Ҳамид япон дипломатини очди, ундан «Кубинский ром»ни олиб, стол устига қўйди.

— Бу ҳаловат бағишлайди. Келинг юз-юз оламиз. Мия нохуш, самарасиз ўйлардан тозаланади,— деди кўлларини икки томонга кенг ёзиб.

— Кун иссиқ, ичсак бўлмас-ов,— иккиланди Олимжон.

— Иссиқни иссиқ кесади. Йўқ деманг. Бусиз ҳам дунё ўткинчи, умр қисқа. Яхши нарсаларга ўз вақтида улгуролмаймиз. Улгурган пайтимизда кексайган бўламиз. Кексайганда ҳафсала, иштиёқ, эҳтирос юракни тарк этган бўлади. Барча яхши нарса — ёшлиқда ширин. Биз ёшлиқнинг нақ белидамыз. Қўлимизни чўзсак денгиз тубидаги олтин балиққа, осмондаги Зухро юлдузига етадиган пайт. Кексайганда баданини қациш ҳам малол келади. Ҳозир темирни иссиғида босадиган пайт. Келинг, олайлик. Меҳмонингизман. Раъйимни қайтарсангиз хафа бўламан,— деди Олимжонга тик боқиб.

Олимжон бир нафас ўйга толди. Эс-ҳушини йўқотмади, аксинча хушёр тортди. Шийпон олдидаги мажнун толларнинг кўк бахмалдай япроқлари елда майин тебранаётганига бир қараб олди. Назарида япроқлар унинг ҳолига кулар, ичма, ақлдан озма, деб таъкидлар эди. Бундан кўнгли увишди. Юрагининг остини ўтқир тирноқли бир махлук тирнагандай бўлди. Лекин бунга эътибор бермади. Ҳамид ким? Нима мақсадда келган? Сирлашмаган одам билан қадаҳ уришгирса, унинг шаънига ҳамду санолар айтса оқибати нима билан тугаркан? «Меҳмонингизман. Раъйимни қайтарсангиз хафа

бўламан», — деяпти. Шу сўзни ўйлагач, калбида илиқлик ҳисси ўйғонди. Столга нон-чой келтирди. Кейин Ҳамиднинг қаршисига ўтирди. Нимадир содир бўлиши, нимадир рўй бериши керакдай атрофга бир муддат қулок солди. Лекин атрофда сув сепгандай жимлик ҳукмрон. Фақат мажнун толларнинг япроқлари уни масхара-ралаётгандай ҳамон елда майин тебранади.

Ҳамид бу орада икки бўзранг пиёлага тўлдириб коньяк куйди. — Юксак шуҳратингиз, катта хирмонингиз учун, — дея олтин тишларини ярқиратиб пиёлани кўтарди. Олимжоннинг нигоҳи пиёлага эмас, унинг ярқиллаган тишларига қадалди. «Бойлиги оғзида экан», деган ўй хаёлидан ўтди. Ҳамид бундай пайтда лоқайд бўладиганлардан эмас, ўзини жасур, мард, иши билан сўзи бир одамдай кўрсатиш учун пиёлада қип-қизил қондай жимирлаб турган коньякни ичиб юборди. Пиёлани столга тантанавор рухда қўйди. Ҳўш, Олимжон нима қилсин? Ичмаса унинг олдида ожиз одам бўлиб қолмайдими? «Мана, биз ичдик, рўмол ўрайдиган санамлар ҳам ичиб юборади бун» деса, Олимжон нима деган одам бўлади? Шу ўйдан чўчиган Олимжон ичди. Бу ҳол яна бир бор такрорланди. Ўткир коньяк танга тезда таъсир кўрсатди. Кўзлари қисилиб, лаблари қурукшаган Олимжон оғзига талқон солгандай жимида. Қони қизиб, кўпирган Ҳамиднинг эса дилидаги гаплари тилига кўчди:

— Сиз шу чўл томирида қайнаб оққан иссиқ қонсиз. Шу иссиқ қон бўлмаганда, бу чўл қуритилган қақроқ теридайлигича қолаверарди. Сиздаги қон уни чаман этди. Чаманзорлардаги лолалар шу қонингизнинг рамзи. Чўл томирида қайнаб оққан иссиқ қон бўлганингиз учун яна бир олайлик!

Яна бўз пиёлалар кўтарилди. Ҳамиднинг олтин тишлари яна ялтиллади. У қўлидаги япон соатига бир қаради-да, сўзлашда давом этди:

— Япроқ илдиздан қувват олади, одам одамдан. Илдиз бўлмаса япроқ жизғанақ бўлади. Шунга ўхшаб, бизлар ҳам бир-биримизга қувват бўлмасак, япроқдай сўламыз.

— Бир-биримизга қувват бўлсак шуҳрат топамиз, демокчи-сиз-а? — Ҳамиднинг гапини бўлди Олимжон.

— О, тушунган одамнинг садағаси кетсанг, арзийди. Бир-биримизга қувват бўлиб яшасак, ошиғимиз олчи бўлади.

Энди Ҳамид сўзларни дона-дона қилиб, таъкидлаб айтарди. Бу сўзлар Олимжон юрагига оловдай жазиллаб тегарди.

— Қайси бригадир пахта планини юз эллик фоиз бўлишини ният қилмайди? Менимча, ҳар бир бригадир етиштирган пахтамининг ҳосили ҳар гектаридан қирқ беш центнердан зиёд бўлсин, номим радио, телевизорда айтилсин, суратим газеталарнинг биринчи бетларида чиқсин, мажлисларда ҳайъатда ўтираи, кўксимни орден ва медаллар безаб турсин, деган умидда меҳнат қилади, тер тўқади. Сиз ҳам шундай ниятда эканлигингизни кўзларингиздан пайқаб турибман. Кўзлар одамни алдамайди, у қалб кўзгуси.

Ҳамиднинг авраб, куйиниб айтганлари Олимжонга сеҳрарнинг

таёқчасидай таъсир этди. У гўё стулда эмас, қуёш ичига кириб ўтирган фазогирга ўхшарди. Бу қуёш ичи унга қулай, энди уни бу қулай жойдан ҳеч ким қимирлатолмас, пастга туширолмасди. Олимжон умрида ҳамсухбат бўлмаган одамнинг гапларига соддалик билан ишонган эди. Шундай бўлса ҳам уни яна мухбир-пухбир бўлса керак, деб ўйлади-ю, савол берди.

— Мабодо газета мухбири эмасмисиз?

— Газета мухбирига ўхшайманми?

— Гапларингиз газета мухбириникига ўхшайпти-ку!

Ҳамид бир муддат хаёл сурган бўлди. Кейин эса муддаога ўтди:

— Мухбир-пухбирмасман. Бешчаноқ пахта заводининг классификаториман. Хоҳласангиз сизни даста-даста маҳсулотсиз квитанциялар билан таъминлайман. Сиз ана шу квитанцияларда кўрсатилган пахталарни бригадангиз авзолари номига ведомость қилиб ёзасиз, пулини эса менга олиб берасиз. Шундан кейин номингиз аввал колхоздан, кейин район, область, республика миқёсида донгдор бригада бошлиғи сифатида тилга олинади. Одамлар тилига тушиб, улар ҳурматини қозониш — олий мукофот. Обком, райком котиблари мутахассисларни даладгизга олиб келиб, ерни Олимжондай хайданг, пахтани Олимжондай эъзозланг, деб семинар-кенгашлар ўтказишади. Шундай бўлгач, ўзингиз ерда юрганнингиз билан хаёлингиз арши аълода бўлади. Мен бўлсам, шундай донгдор дўстим бор деб, фахрланиб юраман.

Олимжон камалақ рангидай жилвагар, шу билан бирга кўтаринки, дабдабали гаплар таъсири оғушида қолганди. У тилининг остида заҳар тўплаган илонга юзма-юз қелмадимикан? Бу заҳар вақт ўтиб таъсир кучини кўрсатса, кўзларига тикан санчилмасмикан? Боши тошга урилмасмикан? Ёш умри заҳарланмасмикан? «Кўрмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини, кўрсам эрди, босмас эрдим, тортмас эрдим жабрини», — деган ҳикматни хаёлига келтирмагани қалбини ўртмасмикан?

— Чўчиманг! Кўрққанга — қўша кўринади. Муҳими ёнимизда пул бўлади. Пул таянч тоғимизга айланади. Биласизми, пул — арининг нишини, бўрининг тишини қайтаради. Оёғимиздан чаладиганлар чиқиб қолса, оғзига пул билан урамиз, — таъкидлади Ҳамид. Кейин юқори лавозимларда ишлайдиган баъзи бир «паноҳ» ларининг номларини тилга олди. Шу «паноҳ»ларнинг пулатдай қайрилмас қанотлари бизни турли балолардан, қуюндан, тўфондан, бўрондан асрайди, деб айтди, «Той қоқилмай от бўлмас», мадомики, қоқилиб қолсак, ўша юқоридаги лавозимдаги «паноҳ» ларимиз мададида ўнгланиб оламиз, дея кўксига уриб қасамед қилди.

Бу сўзларнинг жозиба кучи Олимжонни сархуш қилиб қуйганди. Бу балки тажрибасизлик, балки ёшликнинг хатосидир. Бунга Олимжон ушанда на тушунганини, на тушунмаганини пайқайди. У айтган сўзлар замирида хатар, жиноят яширинганмикан? Қуй чалишни билмаган нунок дуторнинг торини узганидай, Олимжон чаладиган торининг ҳам бир тори узилмадимикан?

Шийпон олдидаги мажнун толларнинг ям-яшил япроклари Олимжонни масхара қилаётгандай елда майин тебранарди.

## II

Эртаси Ҳамиднинг «Жигули»си тонгда ўт олдирилди. Кўп ўт-май машина Олимжоннинг уин олдида тўхтади. Орқа ўриндикда ясама киприк қўйган бир танноз ўтирарди. У кафтидай келадиган ойнада юзларини кўриб, ҳафсала билан оро берилган қошларини чимириб-чимириб кўярди. Бўялган лабларидаги табассум совук, сохта, зўраки эди. Йигитларникига ўхшаб қирқилган қора сочлари кўзни қамаштиргудай говланарди. Бутун вужудидан араб совуни, араб атрининг хуш бўйи тараларди. Токатсизланган Ҳамид машина сигналинини босди. Бундан танноз бир чўчиб тушди. «Овози бунча баланд, ўтакамни ёриб юборай деди», деб қарашма қилди. Олимжон уйдан отилиб чиқди. Бир муддат эсанкираб, жойида тўхтаб қолди.

— Токқа борамиз. Тоза ҳаво, тиниқ сув...— деди Ҳамид иштиё-қи зўр, ниятлари ҳамиша ижобат топиб келган мағрур одамдай.

— Майли, тоғ ҳавосидан баҳраманд бўлсак, бунга нима етсин,— деди Олимжон у билан қўшқўллаб кўришаркан.

— Ўтиринг, кетамиз,— деди Ҳамид амрона оҳангда. Олимжон Ҳамиднинг ёнига ўтирди.

Машина Янгиер шаҳридан ўтгач, Ўратепа томонга қараб бурилди. Тоғ томоннинг енгил, ёқимли ҳавоси борган сари димокқа яқиндан урилаётгандай бўларди. Машина Ўратепа бозори ёнида тўхтади.

— Бу чиндан ҳам шарққа хос бозор, бир кўриб чиқайлик,— деди Ҳамид.

Олимжон ва офатижон машинадан тушдилар. Егулик олиш лозим. Уни ким олади? Албатта, Олимжон-да! Пишган товук, пишган нўхот, пишган гўшт, помидор, бодринг, жамбул, райҳон харид қилган Олимжон Ҳамид ва офатижоннинг ортидан учта қоғоз халтани кўтариб чиқди. Кейин машина Шахристон томондаги Оқтанги дараси томонга елдай учиб кетди. Йўл четида уларга қараб қолганларнинг баъзилари: «Қаранг, бойваччалар кетишяпти»— дейишса, баъзилари «Бахтли йигитлар экан, сайри-саёҳатнинг завқини сурмоқчига ўхшайдилар»,— дейишарди.

Машина Оқтанги дарасидаги булоқ бошига келиб тўхтади. Таърифи қўшиқларда мадҳ этилгандай ажойиб, кўм-кўк манзил-Таърифи қўшиқларда мадҳ этилгандай ажойиб, кўм-кўк манзил-гоҳ. Ўнг ва сўл томонларда кўкка бўй чўзган яшил арчалар, жимгина сукут сақлаб туришибди. Булоқ бўйида ям-яшил майсалар атайлаб ювиб қўйилгандай тоза, тиниқ, мусаффо. Булоқ бошидаги бир тўп мажнунтол попуқларини сувга ювмоқчи соҳибжамолдай бош эгиб турибди.

— Бу жойнинг Батумидан фарқи йок. О, қанчалик роҳат,— дея қўлларини кенг ёзиб, кўзларини юмиб хитоб қилди Ҳамид. Машинадан тушган офатижон эса бир нафас совуқ қотган курка товукдай



хўрпайиб, бегонасираб турди. Кейин-кейин худди ўз уйидагидай эмин-эркинлаша бошлади.

Ҳамид кўзгудай булоқдан бир ҳовуч сув олиб, офатижонга сепди. Аёл танига сув эмас, олов урилгандай ингичка овозда чинқириб юборди. Бу чинқириқда эркаланиш, нозу фироқ оҳанги бор эди. Бундан завқланган Ҳамид энгашиб булоқдан яна бир ҳовуч сув олди.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, энди сув сепмайман,— деди Ҳамид илтижо оҳангида, булоқ бошидан нарироққа қочган офатижонга. Офатижон қандай қочган бўлса, шундай тезликда қайтиб келди. Энди у ёлғизлигини унутган, дил эзгувчи телба ҳислардан фориғ бўлганди.

Бу орада Олимжон булоқ бошига поёндоз ёзди. Қоғоз халталардаги егуликларни поёндоз устидаги дастурхонга тартиб билан тизиб чиқди. Булоқдан ҳовуч-ҳовуч сув ичган Ҳамид Олимжонга тамадди қилиб олайлик ишорасини қилди. Офатижон поёндоз ёнига америка женсисини кийган узун оёқларини узатиб ўтирди.

— Шампан виноси ичамизми?— дея офатижондан сўради Ҳамид.

— Ихтиёр сизда,— дея дарров розилик бериб қўяқолди офатижон.

Олимжон шампан виносини очиб, пиёлаларга кўйди. Вино пиёлаларда мавжланиб кўпирди.

— Рая, туғилган кунингиз билан қутлайман. Узоқ умр кўринг, ҳаётингиз булоқ сувидай тиник, тоғ ҳавосидай мусаффо бўлсин. Сиздан таралиб турган ёқимли ҳидни мана шу тоғ ҳаволари излаб юрсин. Қалбингизда баҳор, кўзингизда севги мавжланиб турсин,— деди Ҳамид Раяга (Асл исми Раъно).

Улар булоқ бўйида яйраб ичишди.

Бир пайт Ҳамид пастда — сой бўйида яшил гиёҳларни юмшоқ лаблари билан чимдиб юрган чўғдай қизил тойчоқни кўриб қолди.

— Қаранг, қандай чиройли, табиат мўъжизаси-я,— дея ўрнидан туриб кетди.

— Тойчоқни тутиб, Раяни унга миндирамиз. Қани уни ушланг,— деди Олимжонга буйруқ оҳангида.

Ўрнидан сакраб турган Олимжон қўлларини кенг ёзганча «так-так» дея тойчоқ томон юрди. Тойчоқ бирор ҳодиса рўй беришини сезгандай киприклари узун кўзларини катта очиб, чиройли, лекин ҳали қотмаган бўйинини чўзиб Олимжонга қаради. Кейин кўрқди шекилли, ортга қайрилиб, бир оз нарига кетди. Орқадан эса Ҳамиднинг: «Чекинманг, интилинг, ушланг!»— деган овози эшитилди, Олимжоннинг қулоқларига. «Ушламасам, бу мени тинч кўмайди, шекилли»,— деган ўй Олимжонни яна олға интилтирди. Тойчоққа энди етай-етай деганда у орқа оёқларини зарб билан кўтариб, силтади.

— Тепонгичга ўхшайди-ку!— деди Олимжон ўзига ўзи. Нима бўлганда ҳам Олимжон тойчоққа яқинлашишга, уни тутиб олишга ҳаракат қиларди. Аммо тойчоқни тутиш, унинг ҳали қотмаган

нозик белига дуркун Раяни миндириш осон иш эмаслигини Олимжон англаб етарди.

Тойчок яна нари кетди. Олимжон яна «так-так»лаб унга яқинлашиб бораверди. Бу ҳолга сабри чидамаган Ҳамид Олимжоннинг ёнига чошиб келди:

— Бўшанглик қилмай, нари томонга ўтинг, орти тоғ, қочолмайди. Тутамиз. Раяни миндирмасак тинчимаймиз, — деди тойчоқдан қизарган кўзларини узмай.

«Тутмасам бундан қутилмас эканман», деган хаёл билан Олимжон яна тойчоққа яқинлашди. Олимжон нафасини ичига ютиб, сичқонни пойлаган мушукдай писиб тойчок томон талпинарди. Шу ҳолатда у кўзларини тойчоқдан асло узмасди. Тойчокнинг олтинранг юнглари, силлиқ ва таранг бадани куёш нурида ялт-ялт товланарди. Бу ҳол Ҳамиднинг тойчоқни тутишдек иштиёқини янада жўшурдирарди. Олимжон Раянинг тойчоққа минишини, шу ҳолда унга озор етказилишини ҳохламасди. Аммо Ҳамид «Тутинг!»— дея таҳдид солиб тургани учун қўлларини кенг ёзиб, тойчоққа яқинлашиб борарди. Тутиб олиш фурсати етди шекилли, Олимжон қоплондай кескин шитобли ҳамла қилиб, тойчокнинг бўйнидан кўшқўлаб кучоқлади. Боши айланиб, кўзлари тиниб, қутилмаганда қўлларнинг қудратли кучидан гарангсиб қолган тойчок нима бўлаётганлигига тушунолмаб бир нафас жим қолди. Шу чоқ Ҳамид Раяни зудлик билан тойчок олдига етаклаб келди.

— Мининг!

— Қўрқаман!

— Қўрқманг, мен сизни ушлаб тураман, Олимжон эса тойчоқни тутиб туради.

— Йўк, қўрқаман!

— Бўлмаса ёнида тик туринг, суратга тушираман.

— Йўк, ёнида ҳам туролмайман!

— Фурсатни бой берманг, бундай ҳолат ҳаётда қайта рўй бермаслиги мумкин!

— Йўк, қўрқаман!

Барибир Рая тойчоқнинг ёнида тик турди. Ҳамид Киев фотоаппаратини «ширк» этказиб Раяни тойчок ёнида суратга туширди. Шу пайт тойчок бутун кучини оёқларига йиғиб, олдинга зарб билан силтанди. Бу зарбдан Олимжоннинг қўллари бўшашиб, тойчоқни қўйиб юборди. Тутқунликдан озод бўлган тойчок чиройли думини силкитганча сой бўйлаб пастга эниб кетди.

— Қўйиб юбормаганингизда ўзим минардим, — деди афсусдан кўзлари олайган Ҳамид.

Энди тойчоқни қувиб етиш ва уни ушлашга уриниш бекфойда эди. Бундан ранжиган Ҳамид машинанинг эшикларини ланг очиб, япон магнитофонини қўйди. Сокин ва сўлим сойда нафис куй, ёқимли кўшиқ мавжланди:

Миллион, миллион аллых роз...

Яна пиёлаларга шампан виноси қуйилди. Ёшликнинг олтин даврини кайфу сафога сарфлашга бахшида этган ва шу асосда ҳар куни

ёшликнинг қайтмас бебаҳо дақиқаларини йўқотиб бораётган Ҳамид Раянинг чап қўлтиғидан аста ушлаб, овлоқ жойдаги арча остига олиб кетди...

Бу орада булоқ бошида танҳо қолган Олимжон зериккан эди. Шу гўзал булоқ бошида атиги икки кун ҳам туролмаслигини ўйлади. Даласини, ёқимли, кадрдон пахтазорини кўмсади. Унинг хаёли ўша томонда эди.

Қуёш Ғарбга бош қўйганда улар булоқ бошини, ёлғиз мажнунтолни тарк этишди.

...Оппок «Жигули» Олимжоннинг ҳовлиси олдида тўхтади. Ҳамид Олимжон билан хайрлашаркан, ушбу сўзларни алоҳида таъкид билан айтди: «Эртага «шеф» Сочидан учиб келадилар. Аэропортда бирга кутиб оламиз, хўпми?»

Олимжон қандай розилик бериб юборганлигини билмайди. Нега розилик берди. Бугунги кунги тоғ бағрида ўтди. Эртага Тошкентга боради. Индинга Ҳамиднинг қандай нағмаси чиқаркан?

Келишилганидай улар эртаси Тошкентга йўл олишди. Тўғри аэропортга боришди. Сочи-Тошкент рейсидаги самолёт қайси вақтда учиб келишини аниқлашди. Самолётнинг Сочидан учиб келишига икки соатдан ортиқ вақт бор эди. Шунинг учун Ҳамид қолган вақтни ресторанда ўтказишга қарор қилди. Ҳар бир ўрдакнинг ўзига ёккан кўли бўлганидай, Ҳамиднинг ҳам ўзига ёккан ресторани бор. Бу — «Тошкент» ресторани. Ана шу ресторанга боришди.

Музыка садолари зални ёриб юборгудай жаранглайди. Қаддиқомати келишган официантка қўлларидаги дафтар ва қаламни ўйнаб: «Нима буюрадилар, азишлар?»— деди карашма билан.

— Коньяк, кабоб.

— Газак ҳам келтирайми?

— Албатта!

Официантка газак, коньяк келтирганда Ҳамид унга сўз қотди:

— Кечкурун уйингизга борсам, қабул қиласизми?

Ҳамид кечаги булоқ бошини, шу булоқ бошида кийикдай ҳуркиб турган Раяни унутган эди.

— Бу дафъа қабул қилолмайман. Эрим командировкадан қайтган, уйда.

Ҳамид нияти амалга ошмаган одамдай хафсаласи пир бўлди.

— Майли. Вақт тиғиз. «Шеф»ни кутиб олишим керак. Бошқа пайт учрашамиз.

Официантка розилик аломати сифатида бошини ирғаб қўйди. Орадан кўп вақт ўтмай лаб-лунжларини артиб бўлган Ҳамид ҳисоб-китоб қилиш мақсадида официанткани имлади. У шу заҳотиёқ, какликдай дик этиб келди. Ҳамид унинг қўлига бели синмаган юз сўмликни тутди-да, «Раҳмат, қайтими ўзингизнинг ҳамёнингиз-ғы»,— деб ўрнидан тўрди.

— Келиб туринг!— деди официантка умидвор кўзларини сузиб.

Аэропортга етиб келганларида диктор Сочидан учиб келган рейсни эълон қилди. Ҳамиднинг кўзлари интизорлик билан «шеф»ни изларди.

Шаҳарнинг ғала-ғовури Олимжоннинг бошини айлантирган, ҳам руҳан, ҳам жисмонан толиқтирган эди. Шу боис, ён-атрофида кимлар бор, улар қандай ташвишлар билан банд — буларни билмасди. Дилини аллақандай ғашлик каттиқ тирнарди. Шундан бўлса керак, бу ердан тезроқ қишлоққа кетсам, кейин далага ўтсам, деган ўй қалбига тинчлик бермасди.

## II

Олимжон бундан роппа-роса ўттиз йил аввал Мирзачўлга келган Мухторнинг ёлғиз ўғли. Бўйдор, пешонаси кенг, қошлари қора, кўзлари нурли. Ўғлинг борми деса — бор дегудай. Чўлда чироғини ёкадигани.

У шу ўй билан дўсти, совхоз директори Саиднинг идораси томон йўл олди. Хиром этик, сарғиш кител ва шим кийиб кетаётган Мухтор нима сабабдан Шаҳрихондан чўлга келиб қолганлигини эслади. Бу ерга келишига дўсти Саиднинг тўрт энлик хати сабабчи бўлди. Саид ўша хатида: «Мухтор, биласанми, мени Мирзачўлда янги ташкил этилган бир совхозга директор этиб тайинлашди. Ишчи кучининг камлиги асосий муаммо бўлиб турибди. Келгин, кўлни-кўлга бериб, қийинчиликларни бирга даф этиб ишлайлик!» — деганди. Бу оддий сўзлар ўшанда Мухторнинг тинчини бузиб, юрагида чўлга бориш ҳиссини уйғотганди. Мухтор Саид билан харбий хизматни бирга ўтаганда дўстлашиб қолганди. Шу туфайли Саид унга хат орқали мурожаат қилган. Дўстининг сўзини ерда қолдирмади, чўлга келди. Қаранг, бунга ўттиз йил бўлибди-я! Бу орада пенсия ҳам эшик қоқиб келибди.

Хонага кирганида директор уни илиқ қаршилади. Ўтириш учун жой кўрсатди. Стулга бемалол жойлашиб олган Мухтор ўз ўрнига бориб ўтирган Саидга юзланди:

— Саломатмисан?!

— Раҳмат!

Бир дамлик сукутдан сўнг Мухтор асл муддаога ўтди:

— Пенсия ёшига етдик. Энди мени бўлим бошқарувчилигидан озод қилсанг, Саид, — деди Мухтор ундан муҳим гапни эшитмоқчидай бўлиб.

Бир дам хаёл суриб қолган Саид гапни узоқдан бошлади:

— Чўл иродаси метин одамни ёқтиради. Иродаси заифлар унинг машаққатларига дош беролмайди. Бироқ сендаги ирода бирдан метинга айланиб қолган эмас, у чўлдан чанг, тўзон, қуюнда товланди. Бу хурматга ноил ирода, мен бунга шохидман. Аслида бир шоир «Одам иродадан яралган!» — деган экан. Шоир тўғри айтган. Сени кўрсам шоирнинг шу сўзлари ёдимга тушади, — деди Саид катта кўзларида ҳиммат нури порлаб. Кўзларида бундай нур порласа унинг кенг юзларига қон югургандай бўларди. Шунда табиатан самимий киши эканлиги, билинар, сўзлари майин ва ёқимли тус оларди.

— Чўлда кечган умримга ачинмайман,— деб жавоб қилди шунда Мухтор.— Бу ерда енгилнинг остидан, оғирнинг ,устидан ўтмадим.

Шу чоқ дераза раҳига бир мусича келиб кўнди. Қўрғошин рангига ўхшаган бу қуш бирор паррандадан кўрқиб, қочиб бу ерга келган кўринади. У хотиржамлик билан қанотлари остини қумушранг тумшуклари билан қашлаб бўлгач, бўйинини бир оз олдинга чўзиб «кук-ку»лади.

— Ўтган вақт ўз улушини олади,— деди Саид киприкларини кўтариб.— Мен ҳам кечаги Саид эмасман. Йигитлик мавжи томирларимда оловдай ёнган дамлар ортда қолди. Ёмғир ва шамолдан емирилиб бораётган тошдай мен ҳам аста-секин емирилиб бораёлман. Емирилаяпман-у, чўлни ўзлаштириш куни кеча бошланганга ўхшаб туюлаяпти.

Мухтор Саиднинг гаплари тўғри эканлигини бошини кимирлатиб маъқуллади.

Котиба қиз хонага кирди.

— Саид Раҳимович, бир аёл хузурингизга кирмоқчи экан. Қабул қилсинлар деяпти, фермада илғор соғувчиман, деяпти.

— Айтинг, кирсин!— деди Саид овозини бир парда кўтариб, Хонага кирган Хожарой стулга ўтирмасдан, қўлларини икки томонга ёзиб жаврай кетди.

— Камишни бўш ушласанг, қўлингни кесади, деганлар. Эримни ўз майлига — бўш кўйдим. Қаттиққўллик қилмадим. Оқибатда юрагим санчадиган бўлиб қолди. Нега дейсизми? Уйга ҳар куни ичиб келадиган одат чиқарди. Пешонамда битта ўғлим бор, исми Суннатullo. Учинчи синфда ўқийди. Уйга маст ҳолда келган эрим ярим кечада Суннатуллони уйқудан уйғотиб: «Ўғлим, дарсда ёдлаган шеърингни айтиб бер»,— дейди. Болам бечора кўрқиб, кўзларини қўллари билан уқалаб, ярим уйғок, ярим уйқу аралаш шеър ўқийди. Шунда эрим эриб уйқуга кетади. Болам бечора эртаси мактабда уйқусираб ўтиради. Уни бу йўлдан қайтармасангиз, мен билан бирга болам ҳам хароб бўлади.

— Эрингиз совхозда ишлайдими?

— Ҳа!

— Нима иш қилади?

— Тележкада молларга кўк ўт ташийди.

— Ойига қанча маош олади?

— Икки юз сўм оламан дейди. Лекин уйга пул олиб келмайди. Ҳалиги кўк ўтлардан бир-икки тележканини одамларга сотади. Номусдан ерга кириб кетай дейман. Ўртада Суннатullo бор. Бўлмаса ҳайхот деб бошқа бирорта ичмайдиганига тегиб кетардим.

— Уни кечқурун хузуримга чақиртираман. Занг темирни, ароқ юракни кемиради, бу қилиғингни тарқ эт деб, огоҳлантираман.

— Илтимос, шундай қилинг! У сизни ҳурмат қилади, шунинг учун гапингизни ерда қолдирмайди, Умрингизда барака топинг! Аёл чиқиб кетгач, Мухтор ўз муддаосини яна эслатди.

— Э, ҳали бу ҳақда гаплашишга вақт эрта,— эшитишни ҳам истамади Саид.

— Майли, сиз айтганча бўла қолсин. Лекин бошқа бир нозик гапим ҳам бор, айт десангиз, айтаман,— деди Мухтор чуқур тин олиб.

— Эшитаман, қулогим сизда,— деди Саид хушёр тортиб.

— Кизи бор уйга совчи келади, дейдилар. Шу гап тўғрими?

— Тўғри.

— Тўғри бўлса бизникидан сизникига совчилар боришмоқчи. Сизда Барчиндай киз, бизда Алпомишдай ўғил бор.

— О, умр савдоси — жиддий масала. Буни бир ўзим хал қилолмайман. Уйда оқ сут берган онаси бор. Унинг фикрини билмасак бўлмайди. Фақат шу эмас, қизнинг ҳам кўнглидагини билиш даркор. Дарё — кўпиксиз, одам умидсиз бўлмайди, деганларидек баъки кизимизнинг умид-бўлагани бордир. Буни ҳам билиш шарт. Буларни билмасдан сизга аниқ гап айтаолмайман.

— Бири машриқда, иккинчиси мағрибда эмас, бир совхозда яшаб, бир совхозда ишлашади. Шу боис бир-бирларини яхши билишади,— деди Мухтор Саидга умидвор нигоҳ билан боқиб.

Шунда Саид «гап тамом» деган ишорани қилиб ўрнидан турди.

Мухтор бўлиб ўтган суҳбатни аёли Шоҳсанамга оқизмай-томизмай сўзлаб берди. Эрта тонгда Саидникига Мухтор томонидан совчилар борадиган бўлишди.

#### IV

Совхоз директорининг кўк темир дарвозали, олди ойнаванд, ҳашаматли уйи. Шоҳсанам кўк темир дарвоза четидаги оқ тугмачани аста босди. Ичкарида булбулнинг овозига ўхшаш кўнгирак овози эшитилди. Санобар ўзига одат бўлмаган тезликда юриб келиб эшикни очди. Эшик олдида иккита пакана хотин билан хушқомат Шоҳсанам турарди.

— Салом, тасаддук,— деди Шоҳсанам кўзларини чарақлатиб, кўлларини кўксига қўйиб.

— Салом, қадамларига ҳасанот. Қани, ичкарига марҳамат қилсинлар,— деди Санобар ич-ичидан севинган кишидай илтифот билан.

Хотинлар сув сепилган ҳовлига киришди. Юзларига салқин ел урилгандай бўлди. Каттакўрғон узумларининг қизғишранг занги темир тиргагичлардан ярим терак бўйи кўтарилган. Узум соясида кўк бўёққа бўялган ёғоч каравотда Саид Раҳимович бахмал болишларга ёнбошлаганча чой ичарди. У меҳмонлар ҳурмати учун ўрнидан турди. Оқиш кўйлаги шимининг устидан туширилган. Қаддиқомати хунук, қорни олдинга чиққан, кўкрак қафаси ичига ботган, бақалоғи елиндай осилиб турарди.

— Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар,— деди директор семиз бақалоғини осилтириб. Кейин хотини Санобарга қараб қўшимча қилди:— Меҳмонларни ичкарига олиб киринг, мен районга мажлисга бораман.

Санобар меҳмонларни ичкарига бошлади. Тўрда ёнғокранг югослав гарнитурни хонага зеб бериб турарди. Сарик бахмал ёпилган диванга ўтирган Шохсанам «Шу кутлуғ хонадонда тўйлар бўлсин. Бундай тўйлардан душманлар куйсин, дўстлар шодмон бўлсин»,— деб, хонадон соҳибаси Санобархонга миннатдорчилик билдирган бўлди.

— Яхши ниятингиз ўзингизга ҳам ҳамроҳ бўлсин,— деди Санобар бунга жавобан. Санобар шошмай, хаяжонланмасликка тиришиб, дастурхон ёзди. Қоғоз қутилардаги шоколад, ликопчалардаги майиз, мағиз, бодомларни келтириб қўйди. Кейин олтин билакузук тақилган семиз, силлик бармоқларини намойиш қилгандай, гардиши зарҳалли пиёлаларга чой куйди.

— Чойга марҳамат, азизлар. Бир пиёла чой дилни-дилга, гапни-гапга боғлайди,— деб меҳмонларга бирма-бир чой узатди. Шунда «Энди оғизга талқон солиб ўтирса бўлмайди. Гапни бошлаш даркор»,— деган фикр ўтди Шохсанамнинг хаёлидан.

— Ўғли эр етган она нима ҳақда гапириши ўзингизга аён, Санобархон. Бундай она йигит-қизнинг тўйи хусусида гапиради. Бугун хонадонингизга шу ҳақда гаплашиб олгани келдик. Қутлуғ хонадонингизда шундай бир тўй ўтсинки, уни кўрган одамлар бизларни ҳам ана шундай тўйларга етказсин, дея орзу қилсинлар. Ахир тўй бўлса — ғамнинг доғи кетади, душманнинг ғазаби сўнади, қариндошларинг ёнинга келади, деганлар. Илоҳим ғамнинг доғи кетсин, душманнинг ғазаби сўнсин, қариндошлар ёнимизга келсин, Санобархон. Ўғли бор — чиройли келин, қизи бор — одобли кувё топсам, дейди, тасаддук. Совчи бўлиб келдик, хонадонингизга, тасаддук. Келинг, уларга оқ йўл, ойдин бахт тилаб, нон синдирайлик. Нон синдирилгани — янги оилага замин яратилди дегани.

Бу сўзларни жон қулоғи билан тинглаган Санобархон майин, паст оҳангда деди:

— Мени ноқулай аҳволда қолдирдингиз. Биласиз, пешонамга ёзилгани — шу ёлғиз қиз. Ўғиллар ҳовлига сиғмади. Биз қизимизни шаҳарга ишга юбормоқчимиз. Чўлда чанг ютгани билан биров унга қайишмайди, нега бундай қилиб юрибсан, демайди. Шаҳардаги ойнаванд, маҳоватли биноларда ишлаганига не етсин. Айниқса, катта театрларда пионина чалиб юрса, бунинг роҳатини сўз билан таърифлаб бўладизи? Институтни тугатиб агрономлик дипломини олгач, чўлдаги совхозда ишлайман, чўл ери шароитида алмашлаб экишнинг пахта ҳосилдорлигини оширишдаги роли деган темада диссертация ёқлайман, деб оёқ тираб туриб олди. Мен ҳам, дадаси ҳам ёлғиз қизимиз деб раъйига қарши бормадик. Шу мақсадда аспирантурага сиртдан ўқишга кирди. «Аспирантурангни қўй, беш йил ўқиганинг етар, беш йил институтда ўқиган қизларга совчилар келмаппти, тагин, «қари қиз» бўлиб қолма, тенгингни топиб турмушга узатайлик» деганимизда: «Шошманглар, ўзим айтаман»,— деди қиз тушмагур. Ўшандан бери оғзини пойлайман. Дим. Нафасим ичимга тушиб кетади. Институтни битирганда шаҳарда қолдирмоқчи ҳам бўлдик. Бундай қилишга дадасининг кучи етарди. «Шаҳарда

колақол кизим», деганимизда «чўлда ҳам кимдир ишлаши керак-ку!»— деса бўладими. Тағин нима дейди денг. «Осмондаги ҳар юлдузнинг ўз ўрни бўлганидай, ердаги ҳар бир одамнинг ҳам ўз ўрни бор. Менинг ўрним шу чўлда»,— деди Ақлли киз. Мана, далада чанг- тўзонга қоритиб ишлаб юрибди. Аммо кўнглини бир билай, қандай ўй-хаёллар, орзу-умидлар билан банд экан.

Бу гапларни Боғдод шамширига рўпара бўлган одамдай титраб тинглаган Шоҳсанам икки қўлини олдинга чўзганча сўзлади:

— Мен кеча ўғлимнинг кўнглига қўл солдим. «Эр етиб қолдинг, кўзимнинг очиклигида бошингни иккита қилиб қўяйлик. Топган қизинг бўлса кўрсат, топмаган бўлсанг, мен кўрсатай, кўргин, ўғлим», дедим. Уялиб, кўзини олиб қочди. Кейин маъноли қараб қолди. Делгисининг тагида бир сир яширинганга ўхшаб туюлди. Англадимки, бирор қизга ишқи тушган. Кейин қизингиз Гулнора-нинг исмини айтдим. Унинг исмини тилга олишим билан бутун танаси яйраб кетди. Кейин бирдан сукут сақлади. Сукут — розилик аломати, Санобархон. Бунинг устига унда ўзгариш сезмаяпман. Илгаригидан ўйчан бўлиб қолган. «Кўп ўйланаверма, ўйни олимлар ўйласин. Сен оддий бригадирсан. Шу бригадирлигингга яраша ўй сур»,— деб, тасалли берган бўлдим. Гапимни инобатга олдим, йўқми, билмайман.

Шунда юзлари товоқдай кенг, пучук, лаблари куённинг лабидай юпка Турғуной суҳбатга аралашди. У Шоҳсанамнинг сўзларини қувватлаб Олимжонни мактаб кетди:

— Олимжон чиндан ҳам меҳнатқаш йигит. Бригадасида ўғлим Солижон сувчи бўлиб ишлайди. Ўғлим менга яқинда шундай деди: «Пахтазор ичига ялангоёқ бўлиб ҳеч ким кирмай қўйди. Масалан, механизатор картанинг у томонида бу томонига тракторда юриб ўтади. Райком секретари, райисполком раиси, совхоз директори, агроном, иктисодчи бухгалтер, ҳатто баъзи бригадирлар ҳам машинада келиб, пахтазор ичига кирмай «пахтанинг сувидан, ўғитидан хабар олиб турунглари!»— деган бир хил гапни айтиб, асфальтдан чеккага чиқмай қайтиб кетадилар. Уларнинг оёқларида импортний туфли, устларида импортний костюм-шим бўлганидан кейин, тўза ичига қандай қилиб кирсинлар. Олимжон ака унақалардан эмас, оёқларида ағдарма этик. Шудгорни ҳам, экилган майдонни ҳам ичига кириб, оралаб кўздан кечирадилар. Яқинда сарпойчан бўлиб, ўқарикдан мен билан бирга эгатларга сув тарадилар. Асфальтдан келиб, асфальтдан қайтиб кетадиганлар ердан узоқлашган одамлар. Олимжон ака эса ерга яқин, ерга меҳр қўйган йигит. Бундайлар элни тўйдиради, кийинтиради».

— Эртага қизингизга Олимжоннинг номини айтиб кўринг,— деди Шоҳсанам.

— Майли,— деб розилик билдириб юборганлигини сезмай қолди Санобархон.

Шоҳсанам умиди амалга ошган одамдай енгил тортиб: «Шу хонадонда тўйлар бўлсин»,— деган сўзни айтиб, ўрnidан кўзгалди.

— Айтганингиз келсин,— деди Санобархон майин, паст овозда.



Орадан кўп ўтмай Гулнора Олимжонга унаштирилди. Кудакудагайлар ёшларнинг бахт тўйига, никоҳ тўйига тайёргарликни бошлаб юбордилар.

## V

ТошМИда Мухторнинг таниш профессори бор. Номини хурмат билан Комил Тўраевич деб тилга олади. Комил Тўраевич пахта йиғим-терими даврида студентларни пахтага олиб келарди. Талабалар Мухтор бошчилик қилган бўлим далаларида пахта теришарди. Шунда Мухтор Комил Тўраевичга алоҳида химмат кўрсатар, унга бўлимдаги саранжом-сарошта, озода уйларнинг биридан жой ажратиб берарди. Емагидан кўз-қулоқ бўлиб турарди. Бундан Комил Тўраевичнинг кўнгли тоғдай юксалар, «Эхтиромингиз учун қалбимнинг чин ташаккурини қабул қилгайсиз, Мухтор ака!»— деб миннатдорчилик билдирарди. Бу сўзни у гоётда самимий эхтиром билан айтарди. Ўз навбатида бу самимийлик Мухторга ҳам хуш ёқарди. «Хизмат бўлса тортинмай айтаверинг, қўлимиздан келганини аямаймиз!»— дерди Мухтор профессорга жавобан. Шунинг учун у бугун профессорнинг хузурига бораёпти, умр йўлдоши Шоҳсанам юрак хасталигига чалинган. Профессордан шифо топар деган умидда бораёпти. Умид инсонни олға етакловчи куч, қадимда ҳам шундай бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Инсон қалбида умид учқуни сўнган куни унга яшашнинг қизиғи қолмайди, уни кўп нарсалардан ҳафсаласи пир бўлади, ҳаракат қилишдан, нимадир деб олдинга интилишдан юраги безиллаб қолади. Ҳали Мухторнинг умиди катта бу ҳаётдан.

Мухтор поезднинг купесиди кенг, худудсиз чўлга назар солганча борарди. Қаршисида жуфти ҳалоли бошини ҳам қилганча ғамгин киёфада ғилдиракларнинг бир маромдаги «Така-тук, така-тук» деган овозига кулоқ солиб борарди. Мухтор чўлда жасорат кўрсатаман деб вақтида хотинининг соғлиғидан воқиф бўлмади, вақтида саломатлигини тиклашга кўмаклашмади. Энди нажот истаб бораёпти. Кеч эмасмикан-а! Чикмаган жондан умид, деганлар. Ноумид — шайтон.

Хўш, хотинининг хаста бўлиб қолишига ким айбдор? Бунга Мухторнинг ўзи айбдорми? Бунга у аниқ жавоб тополмасди.

Купеда оғир хаёлга чўмиб ўтирган Мухторнинг хаёлидан эрта тонгда Шахрихондан чўлга чикқан пайти ўтди. Аммо Олимжоннинг тўйига қизгин тайёргарлик кўрилаётганда Шоҳсанамнинг дарди оғирлашгани ёмон бўлди. Шуниси Мухторга қаттиқ алам қилди, қалбини ларзага солди. Ўттиз йил аввал унга уйланганда «Сени ерга қўймайман, бошимда кутариб юраман», — деб очилиб-сочилиб ваъда берганди. Чўлга келгач, ишга бутун вужуди билан шўнғиб кетганда бу ваъда эсидан чиқди. Аммо улар бир-бирларини севиб яшаганликлари аниқ, Айниқса, чўлда Олимжон туғилганда Шоҳсанам ҳам, Мухтор ҳам ўғли Олимжонга кўзга кўринмас нури иплар билан шундай боғланиб қолган эдики, дунёда бу ипларни узадиган бирор куч топилмас эди, назарида. Шоҳсанам тақдирини, хаётини эри билан ўғлига бағишлади. Хаётининг мазмунини эр

ва ўғилга бўлган меҳрибончиликда, деб билди. Қалбидаги барча эзгуликларини уларга бахшда этишни орзу қилди. Ана шу орзу унинг дилига катта бир мажбурият юклаган эдики, эрининг ҳар бир айтган калимаси унинг учун жарангдор кўшиқ, ўғлининг ҳар бир табассуми унинг учун такрорланмас бир бахт бўлиб туюларди. Одам бахт деб дунёга келмайдими? Бахт деб яшамайдими? У ҳар кун, ҳар дақиқа бахтга интилиб яшайди. Лекин бахт осонликча кўлга киритилмайди. Кўлга киритилган бахтни бир умр сақлаб қолиш ундан ҳам қийин. У одамлар ҳавас қиладиган бахт билан юзма-юз келди. Шу бахт энди уни ташлаб кетмайдими? Ҳаётининг тотли мазмуни ана шундан озуқа оларди.

Қани профессор нима деркин? Мухтор профессорнинг оғзидан фақат илиқ гап эшитишни истар, бутун умрини Мухторга, ўгли Олимжонга бағишлаган умр йўлдошининг соғлиғи қайта тикланишни ўйларди. Шоҳсанам эса бошини экканича ғамгин ўтирарди.

Шунда Мухтор беихтиёр унинг сочига қаради. Қаранг, сочлари оқарибди. Нега, унинг сочлари оқарди? Ахир соч гўзал ҳусн эканлигига у ҳам кўп аёллардай ишонарди. У ҳам чиройли кўринмоқчи бўлган аёлларга ўхшаб, сочни ювишдан олдин илиқ катикда ивитарди, кейин илиқ сувда шошмасдан совунлаб юварди. Уй ичи ҳароратида ювилган сочни қуритарди. Ҳимиявий бўёқларда бўяб, уни жингалак қилиб оларди. Бу тахлитда сочга оро бериш истаги ҳар қачон қалбини илтиб, руҳини тетиклаштирарди. Энди ана шу сочлар қордай оқарди. Умр йўлдошининг оқарган сочларига кўзи тушган Мухтор унинг қариганлигига юрак-юрагидан ишонч ҳосил қилди.

Гап фақат сочда эмас. У юрагини ҳам авайларди. Юрагимга озор етмасин дея иссеқ ва совуқ сувдан эҳтиёт бўларди. Руҳига, соғлиғига путур етказмаслик учун ҳаётни фақат гуллардан, ранглардан иборат деб биларди. Оч қолиб овқат еганини эслай олмайди. Қийналмайин деб, иккинчи фарзанд кўришни истамади. Ўзини ортиқча ташвишга қўйишни хоҳламади. Хўш, шундай бўлса, нега хаста бўлиб қолди? Балки унга эркак кишининг меҳри етишмагандир? Балки Мухтор фақат иш билан овора бўлиб, унга меҳр бахш етолмагандир?

Мухтор унинг кичкина бўлиб қолган жуссасига тикилиб баттар эзилди. О, ҳаёт улушингни, албатта оласан! Шоҳсанам келинчақлигида кулганида юзларидан чечаклар сочилиб кетарди. Шунда Мухторнинг кўнглида севги тўлқини мавж урарди. Шоҳсанам унинг назарига гўё офтобнинг бир парчаси эди. Офтобнинг бу парчаси ҳар кун унинг қалбига нур сочарди. У билан чўлда бирга бўлганидан бахтиёр эди. Бу бахтда узоклашишни ёки ундан айрилиб қолишни Мухтор сира-сира истамасди. Айни чоғда Мухтор ўзини ана шу бахтдан ажралиб қолиши мумкинлигини ўйлаб кўркиб кетди.

— Нима бўлди? Оғриқ хуруж қиляптими?

— Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади, — деди Шоҳсанам заиф оҳангда.

— Қани, профессор бирор яхши гап айтсин — Кетган соғлиғи қайтсин, — шу гапларни кўнглида такрорлаган Мухтор қаттиқ толиққанини ҳис қилди.

Хўш, нега у хаста бўлиб қолди? Бу савол Мухторни яна ўйга толдирди. У узок йиллардан буён совхозда чорвачилик бўйича бухгалтер бўлиб ишларди. Идорада кун бўйи кимирламай ўтирарди. Уйга келгач, егулик тайёрлагач, Мухтор ва ўгли Олимжон билан овқатланарди. Кейин телевизорнинг қаршисида ўтирарди. Узок ўтирарди. Вақт ярим оқшомдан оққанда ором олиш учун уйкуга кетарди. Эрта наҳорда яна идорага келиб ўтирарди. Узок давом этган ана шу ҳолат унинг қонини қуюқлаштириб, юрагини сиқиб қўй-мадимикан?

Шоҳсанам кўп йиллар жисмоний ҳаракатдан четда бўлди. Бевақт хаста бўлиб қолганлигига шу сабабмикан, деб хаёлидан ўтказди Мухтор.

Ок халат кийиб, кўзойнак тақиб олган профессор Мухторни очик юз билан илиқ қарши олди.

— Хўш, хизмат? — деди Мухторнинг бўйи-бастига разм солиб.

— Шоҳсанамни олиб келгандим, тоби қочиб қолди. «Шу профессор ўртоғингизга бир кўринай, зора шифо топиб кетсам», деб туриб олди. Шунга келдик, хузурингизга, — деди Мухтор паст овозда. Профессор алоҳида хонада Шоҳсанам юрагининг зарбини тинглади. Тинглади-ю, «эсиз» деган маънода бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Кейин Мухторга юзланди:

— Ётқизамиз, даволаймиз!

Мухтор бошини кимирлатиб розилик билдирди.

Шоҳсанам ТошМИга жойлаштирилди. Бунда бир ой дўхтирлар муолажасида бўлгач, ўзини бир қадар бардам ҳис этди. Уйга қайтиш олдидан дўхтирлар унга «изтиробга тушманг, асабни авайланг, режимга риоя қилинг», деган дўхтирларга ёд бўлиб кетган сўзларни қайта-қайта такрорлашди. Бу сўзларга қатъий амал қилишга Шоҳсанам онт ичди. Онт ичмай иложи қанча. Яшаш ҳамма нарсадан ширин эмасми? Яшашнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди-ку! Олимжоннинг бахт тўйини кўриши учун ҳам яшаши зарур.

## VI

Торгина хонада ўрта бўйли, кулча юзли, чап қулоғи бучча терговчи Олимжонга «Марҳамат, ўтиринг», — деди. Олимжон унинг рўпарасидаги стулга қарахт бўлган одамдай чўчиб ўтирди. Кейин у ён-верига олазарак бўлиб қараб қўйди. Хонада терговчидан бошқа ҳеч ким йўқ. Шундай бўлса-да, гапларимни терговчидан бошқа биров эшитмаяптмикан, деб ҳадиксираганга ўхшади.

— Савол бераман, фақат тўғри жавоб берасиз, — деди терговчи қора, ингичка қошларини чимириб. Кейин қоғоз, қалам олиш учун столнинг тортмасини очди.

— Тўғри жавоб беришга ҳаракат қиламан. Бўлиб ўтган воқеани хаспўшламайман, — деди Олимжон титроқ овозда.

Шу пайт Олимжоннинг кўз олди қоронғулашди, юраги ўйнаб кетди. Юрагининг гупиллаб уриши чап қулоғининг остида ўзига эшитилаётгандай бўлди. «Бу қулоғи бучча ёш йигит ҳамма сирни

билиб олади,— дея изтироб билан ўйлай бошлади, Олимжон:— Зийрак йигитга ўхшайди. Ахир, зийрак бўлмаса давлат номидан иш кўрармиди? Шундай бўлгач, жиноятнинг кўзга кўринмас илдизлари ҳам назаридан қочиб қутилмайди. Энди нима қилишим керак? Савол-жавоб тутагач, бирор ёққа кетиб юборайми? Исковчилар кўп, топиб олади. Ё бўлмаса бўйнимга тош бойлаб, ўзимни Сирдарёга ташлайми? Ўгли ном-нишонсиз кетди, ер юзида бир қулоч қабр унга насиб қилмади, деган маломатни ота-онам қандай кўтаради? Кўтара олмайди. Йўқ, бундай қилмайман, бошқа йўл топаман. Қандай йўл? Ҳамма йўл берк-ку? Бу нохуш иш бир куни маълум бўлади, деб нега илгари ўйламадим? Менга қийин бўлди, жуда қийин бўлди. Бу қадар бадном бўлишнинг нима кераги бор эди? Ота-онамнинг эл олдида юзлари шувит бўлгани-чи?! Бу қора доғни бирор куч билан ювиб бўладими? Шайтоннинг гапига учма, иснодга қоласан, деган қадимгилар. Ўша шайтон қалбимнинг қаерига яширинганини аввал билганимда, уни танамдан ситиб ташламасмидим! Энди эса кеч, анча кеч. Бу гурбат оловида бир ўзим эмас, ота-онамнинг ҳам куйгани кечириб бўлмас оғир гуноҳ бўлди-да. Буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди, ҳеч нарса билан ҳам ювиб бўлмайди». Терговчининг иккинчи саволи унинг ўйларини бузиб юборди.

— Пахта заводи классификатори Ҳамид дала шийпонингизга келганмиди?— деди терговчи Олимжонга мушукниқдай кичкина, лекин қараш таъсирли, ўткир кўзларини тикиб.

— Ҳамид дала шийпонимизга ўтган йилнинг август ойида келган эди,— деди кўзларида ҳорғинлик, юзларида сўлгинлик зоҳир бўлган Олимжон.

— Аниқроқ қилиб жавоб беринг, август ойининг қайси числосида келган эди?

Қитмирлик ёки муғомбирлик қилишга ўрганмаган Олимжон аниқ жавоб берди. Аниқ жавоб бермай нима ҳам қилсин. Ойни этак билан ёпиб бўладими?

— Аниқ айтишим мумкин. Хотирам чалғитмаса 12 августда дала шийпонимизга келган эди.

Олимжоннинг қайсарлик қилаётганлигини сезган терговчи яна сўради.

— Ундан аввал ҳам келганмиди?

— Ундан аввал келмагани,— деди ҳасрат билан Олимжон. Бу пайтга келиб унинг овозидаги қувноқлик йўқолган, дилидаги хиссиёт чўғи сўнган эди.

— Келгандан кейин кўнгли кўтарилсин деб, яхши кутиб олгандирсиз?— деди терговчи чеҳраси ёришиб. У Олимжонни таҳқирламоқчи ёки қўрқитмоқчи эмасди. Бу ҳол унинг сўзларидаги равон оҳангдан билиниб турарди.

— Меҳмон отандан улуғ, деганлар. Очиқ юз, ширин қалом билан кутиб олишга ҳаракат қилдим. Тўғриси, олдинига бирор газетанинг мухбири бўлса керак, деб ўйладим. Оёғида ялтироқ туфли, қўлида япон дипломати, кўзида қора кўзойнак. Биринчи бор кўрган кишида ёмон таассурот уйғотмасди-да!— деди Олимжон

баданида чумоли ўрмалагандай жунжикиб. Кейин кўллари титраб, кўнгли беҳузур бўлди. Ўзини маъюс, ғариб ҳис этди.

— Кўринишдан башанг денг?!

— Башанг! — деди Олимжон гапларини эътибор билан тинглаётган терговчига қараб.

— Аввал нима ҳақда гаплашдиларинг?

— Келган заҳоти менга авваллари кўриб-билиб юрган кадрдон дўстдай муомала қилди. Кейин «Мен Ҳамид Жўраевичман, Бешчанок пахта заводининг классификаториман. Ҳузурингизга муҳим иш билан келдим», деди...

Олимжон бор гапни айтиб берди.

Терговчи бучча қулоғини бир ушлаб кўйди. Кейин ўрнидан туриб сигарет тутатди. Хонанинг у томонидан бу, томонига салмоқли қадамлар билан юриб, Олимжонга навбатдаги саволни берди.

— Олдин кўрмаган, суҳбатда бўлмаган одамнинг сўзларига ишонибсиз-да?

Олимжон индамади.

Терговчи унинг кўзларидаги ўкинчни пайқаб, маъюс тортди. Кейин дона-дона қилиб гапирди:

— Пахта заводидан келган товламачининг асосий мақсади сиздан пул олиб, бунинг эвазига қалбаки қвитанция билан етиштирган пахтагизнинг ҳосилини орттириб кўрсатишдан иборат бўлган. Шунга ишончингиз комилми?

— Ишончим комил. Мен сизни маҳсулотсиз қвитанция билан таъминлайман. Бунинг эвазига сиз ана шу қвитанцияда кўрсатилган пахтани бригадангиз аъзолари номига ведомос қилиб ёзиб, пулини менга олиб берасиз. Шундан кейин сизнинг номингиз олдин колхозда, кейин районда, ундан кейин областда, яна ундан кейин республикада илғор бригада бошлиғи сифатида тилга олинади. Одамлар тилига тушиш, улар ҳурматига сазовар бўлиш — энг катта мукофот. Биз эса дунёда ажойиб, шу билан бирга илғор бригадир дўстимиз бор, деб фахрланиб юрамиз, деди у менга тик боқиб.

— Шу усул билан у тўраларча яшашни ўйлаган. Сиз эса унинг ана шундай яшашига кўмаклашгансиз. Шундай эмасми?

— Афсуски, шундай Бу ишимдан энди минг бор пушаймонман. Афсус ва надоматдан юрагим санчияпти.

— Юрагим санчимасин десангиз ҳалол бўлишингиз, ҳалол ишлашингиз керак эди. Ишингизга ҳаром аралашгандан кейин юрак санчимайдими, албатта санчийди-да!

— Мен унинг макрига учганимни тан оламан, — деди Олимжон қилмишидан пушаймон бўлиб, «Пул таянч — тоғимиз. Чўчиманг, у арининг нишини, бўрининг тишини қайтаради. Сизу бизнинг оёғимизни чалмоқчи бўлганларнинг оғзига пул билан урамиз. Шунда уларнинг оғзи ёпилади» дея жавради. Кейин юқори лавозимларда баъзи бир кишиларнинг номларини тилга олиб: «Уларнинг қайрилмас қанотларининг остида бўламиз. Бу қанотлар бизни турли балолардан асраб қолади. Бунга ишончингиз қомил бўлсин. Той қоқилмай от бўлмас. Мадомики, қоқилиб кетсак, ўша юқори лаво-

зимдаги акаларнинг мададида ўнглаиб оламиз», — деди. Бу сўзларнинг жозибаси кўзларимни камаштириб, бошимни айлантириб юборганини билмай қолибман.

— Қийшиқ арава йўл бузар, дейди. У сизни йўлдан урган, — деб, сигарет колдигини кулдонда эзгилаб, жойига ўтирган терговчи сўзида давом этди. — Сиз эса пухта ўйлаб кўрмай унинг макрига учгансиз. Жиноят йўлига бошлаганда унга қаршилик кўрсатмагансиз. Шу гапларимни рост деб ўйласангиз керак?

— Ҳа.

— Сизга яна бир фактни айтишга тўғри келади. Ўтган куни бир йигит Саркисов номли канал бўйида қўй боқиб юрса, кўзи каналда оқиб келаётган самогон солинадиган чоққина ёғоч бочкачага тушибди. Ечиниб, сузиб бориб, бочкачани канал бўйига олиб чиқибди. Ичида вино бўлса керак, деб бочкачани очибди. Вино қайда — пул чиқибди. Бу воқеани ички ишлар бўлимига хабар қилибди. Аниқлашича бочкачадаги пул сиз билан учрашган пахта заводининг классификатори Ҳамидники экан. Бочкачадаги ана шу пулларнинг ичида сиз берган пуллар ҳам борлиги эҳтимолдан холи эмас.

— Билмадим.

— Сиз ўзингизни виждонли деб ҳисоблайсизми?

— Ўзимни виждон ҳукмига топширган одамман. Виждон — дорулфунуним. Аммо ўша маразнинг гаплари туйғуларимни товлан-тириб, умидларимни жўштириб юбормаганида эди, тоза виждонга содиқлигимча қолардим. Энди виждонга қора доғ тушди. Бу доғни ювиш қўлимдан келадими, йўқми, буни билмайман, — дея Олимжон ўрнидан сапчиб туради, қўлларини кўкка чўзганча хитоб қилади: «Эй фалак, нега мени илонга юзма-юз келтирдинг! Бу илон, авраганига учма, деб нега мени огоҳлантирмадинг? Қани энди у билан учрашганим тушга айланиб қолса! Эй фалак, тушга айлантир ўша воқеани, тушга айлантир!»

Олимжоннинг қалби афсус ва надоматга тўлганди.

— Бир куни Ҳамид яна бир қалтис ишга қўл урмоқчи бўлади. Нима дейсизми? Шом тушган пайти пайт пойлаб пахта бунтига ўт қўймоқчи бўлади. Зийрак қоровул Маматқул бобо буни пайкаб қолади: «Ҳай номард, нима қилганинг бу. Ахир бу минг-минглаб теримчиларнинг пешона тери билан йиғилган бойлик-ку» — дейди. Шунда мудхиш режасини амалга оширолмаган Ҳамиднинг қўл-оёғи қалтираб қолади. Буни ҳеч кимга айтманг, деб Маматқул бобога пул узатади. Маматқул бобо унинг қўлини итариб ташлаб, юзига тупуради. Хўш, нега бундай ишни амалга оширишни режалаштирган? Чунки бунтга ўт қўйиб, минг-минг тонна пахтани ёниб кетди, деб акт туздирмоқчи бўлган. Ҳамиднинг ана шу жирқанч ишидан хабарингиз борми?

— Хабарим йўқ. Лекин унинг тубан киши эканлигига энди тушундим. Унинг тубан киши эканлигини Шаҳристон, Тошкент ресторанига, аэропортга бирга борганимда нега сезмадим экан? Афсус, минг афсус!

Олимжоннинг тили, калимага келмай, нафаси бўғилиб қолди.

— Айтган шу сўзларингизни «Тушунтириш хати» да баён

килиб берасиз, — деди терговчи чарм палкасини кўлига олар экан.

Кейин терговчи Олимжон билан Ҳамиднинг жиноятлари орасида тафовут борлигини англади. Олимжонни Ҳамид очикдан-очик жиноятга етаклаганди. Аммо терговчини кизиқтирган нарса — Олимжоннинг аниқ ва рост кўрсатма бериши эди. Шундай бўлди. Бироқ терговчи Олимжонга осон эмаслигини ҳам англаб турарди.

— Ҳаммасини оқизмай-томизмай ёзиб бераман, — деди Олимжон юзларидан оқиб тушган аччиқ кўз ёшларини артаркан.

Олимжон «Тушунтириш хат»ни ёзиб бўлгач, хонадан калтакланган одамдай ҳориб чикди. Дили вайрон бўлган Олимжон йўлакдан уйига кетаётганда қора қаргадай қора мушук олдини кесиб ўтди.

— Пишт, касофат, — деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Мушук унинг гапига тушунармиди? Мушук йўл четидаги қоровулхона эшиги олдида тўхтаб, Олимжонга қаради-да, «миёв» деди. Унинг миёвлаши Олимжонга «қилмиш-қидирмиш. Энди қамаласан», — дегандай туюлди. Бундан юраги бигиз санчгандай ачишди.

## VII

Олимжон йўл бўйидаги бедазорнинг уватга туташ жойида ўй ўйлаб ўтирарди. Ям-яшил бедазор, термулсанг, дилни яйратади. Унга тикилсанг дунёнинг гўзал ва кенлиги қалбинга нурдай оқиб киради. Аммо Олимжоннинг дилига чироқ ёксанг, ёрмайди. Кўнгли ғаш. Одамлар орасида номусга қолди. Айниқса, Гулноранинг олдида шарманда бўлди. У Гулнорага мухаббат изҳор қилганди. Ҳозир Гулнора билан биринчи учрашганини эслади. «Тоғдаги тиниқ булоқ — шу тоғнинг бойлиги. Менинг бойлигим эса Гулнорага бўлган мухаббатим. Шу мухаббатим бўлмаса қалбим ожиз бир нарсага айланиб қолади. Яхшиям, дунёда сиз бор экансиз, шу ожизликдан холиман. Ожизликдан холи қалб гулни, юлдузни, кенгликни севиб яшайди. Шундай экан, ҳаёт завқли, маъноли туюлади менга», — деган эди. Шунда Гулнора «Иккимизнинг никоҳ тўйимизни ўтказишга ота-оналаримиз розилик беришибди. ЗАГСга ариза бериб қўяйлик», деганди кўзлари севинчдан порлаб.

Олимжон тўйдан олдин ноғора чалганкан. Аммо у тўй бўлишини, Гулнора билан бир ёстикка бош қўйишни чин дилдан истарди. Шунинг учун ҳам Гулнорани ясаниб-безанган ҳолда кўришни истарди. Гулнора бу истакни сезгани учунми Олимжоннинг олдига ясаниб-безаниб келарди. Шунда Олимжон уни бошқа қизлар билан киёслаб кўрарди. Қишлоқда ундан гўзал, ундан дуркун, ундан одобли, ундан ақлли қиз йўқлигига ишонч ҳосил қиларди.

Олимжон Гулнора ҳақида шуларни хаёлидан ўтказди. Хўш, Олимжоннинг ўзи қандай? У Гулнорага муносибми? Олимжон ҳам ёшлиқда — мактаб партасидаёқ бахтли одам бўлишни орзу қиларди. Аммо бахтли одам бўлиш пишган олмани бутоқдан узиб, қарсиллатиб тишлаш эмаслигини, бахтли одам бўлиш учун бутун умр давомида ҳаракат қилиш лозимлигини англаб етарди. Шу

ҳақда онаси бир ривоят айтиб берганди: бир оилада уч йигит бўларкан. Учови ҳам бахтли бўлишни орзу қиларкан. Бир кун ичовлон омадларини синаш мақсадида узок манзилларга йўл олишибди. Бирни юриб-юриб арчали тоғ бағрида бир шаффоф булокни топибди. Бу булок сувини ичган кекса навкирон йигит бўлиб қолармиш. Шу йигит мен бахтлиман, дея булоқдан ховучида тўйгунича сув ичибди. Иккинчи йигит қоя тошлар орасида бир пўлат сандиқ топиб олибди. Сандиқ ичи олтинга тўла экан. Бу олтинлар менга бир умрга етиб ортади, мен бахтлиман, деган экан иккинчи йигит. Учинчи йигит бир кенгликда қўшга қўшиб қўйилган, шохлари тепага тикка ўсган, кўзлари катта ҳўкизга дуч келибди. Омочдан сал нарироқдаги уватда бир қоп уруғлик буғдой турганмиш. Йигит минг-минг йилдан бери бефойда ётган ерни омочда хайдаб, ҳалиги қопдаги буғдойни ерга сепибди. Кейин ўша ҳўкиз билан мола босибди. Орадан ойлар ўтибди. Буғдой поялари бўлиқ бошоқларни ёйда эгилиб, зўрға кўтарадиган бўлибди. Нихоят буғдой ўрилиб, янчилибди. Бир қоп буғдой эллиқ қоп буғдойга айланибди. Учовлон уйга қайтиб, нуроний отасига бахтли бўлганликлари ҳақида сўзлаб беришибди. Шунда отаси учинчи ўғил чинакамига бахтли эканлигини айтибди. Чунки ердан йиғиштириб олган эллиқ қоп буғдой ерга ва меҳнатга бўлган садокатнинг меваси эди. Хуллас, учинчи ўғилни бахтли, деб ҳисоблабди ота.

Олимжон ҳам пешона тери эвазига, азоб, машаққат, дард, азият эвазига келадиган бахтни чинакам бахт деб билганди. Одам улғайган сари, акли етилган сари бахт ҳақидаги ўйлари кенгайиб, теранлашиб боради. Осмон тиник, ер кенг, бахт учун истаганча қўлочингни кенг ёзиб, жавлон ур! Шундай қилсанг, бир кунмас-бир кун бахт остонанга бош қўяди. Ана шу остонани ҳар кун хатлаб ўтаётганингда, бахтли эканлигингни сезиб, ерда эмас, чароғон юдузлар орасида учиб доргандай бўласан киши. Ўтган ҳар бир кунинг эртақларда айтилганидай ёқимли, лаззатли кечади. Бу бахт ўтда қўймаслиги, сувда чўкмаслиги, аёзда музламаслиги лозим. Мана у оламда Гулнорага дуч келди. Бошқага эмас, фақат Гулнорага. Дуч келди-ю, лекин ундан айрилиб қолишни ўйлаб, дили эзилиб кетди. Буни бахтсизлик демайдиларми? Нима деганларида ҳам Олимжонга яхши бўлмади. Унинг юрагига Гулнорадан айрилиш дарди кучли исён билан кирди. Юрагидаги бу исённинг ноласи унинг қўлогига эшитилиб турарди. Эшитмаганда яхши эди. Эшитилгани уни адойи тамом қилиб борарди.

Яқинда у Гулнора билан учрашди. Совхознинг йигирма сотихлик бедазорида район ҳўжаликлари миқёсида семинар бўлиб ўтди. Семинарда Гулнора алмашлаб экишнинг ҳосияти ҳақида гапирди. Бу ер аввал пахтазор эди. Гулноранинг ташаббуси билан бедазорга айлантирилганди. Семинар иштирокчилари жой-жойларига тарқаб кетишгач, бедазорнинг уватга туташ жойида Гулнора билан Олимжон холи қолишди.



— Яшиликдан кўзингиз қувонади, — деди ям-яшил бедазорга нигоҳ ташлаган Гулнора, — шу бедазор қўйнида туриб тиниқ осмонга тикилсанг, дунёнинг гўзал ва кенглиги қалбингга нурдай оқиб қиради.

— Бу сиз яратган яшиллик, — деди Олимжон унинг туйғуларини авайлаб. Кейин у Гулноранинг кўзларига маъноли қаради.

— Менга бунчалик маъноли қарашингизнинг боиси нима? — деб сўради Гулнора.

— Мен сизни ҳурмат қиламан. Орзуларингизни, умидларингизни ҳам ҳурмат қиламан, — деди Олимжон кенг пешонасини ўнг кўли билан силаб.

— Мен ҳам сизни ҳурмат қиламан, — деди мовий кенгликлардан нигоҳини узмаган Гулнора. Кейин Олимжонга тик боқиб, сўзида давом этди, — Сиз эзгу ниятли йигитсиз. Шу ният қалбингизни безаб турибди.

— Менинг қалбим ғам-ҳасратда қуйиб, адо бўлган, — деди Олимжон. Шундай деди-ю, унинг кўз олди хиралашиб, томоғига бир нарса тикилгандай бўлди. Буни сезган Гулнора ўзи учун эмас, Олимжон учун уялди. Шунданми кўзларини ундан олиб, бир муддат ерга қаради. Кўлидан келса, Олимжонга жон-жон деб ёрдам беришга тайёр эканлигини ўйлади. Аммо унга ёрдам беролмаслигини англаб етгач дили маъюсланди.

— Эзгу ниятлар ҳали қалбингизни тарк этган эмас. Дарёнинг балиғини оладилар, аммо дарё оқишда давом этаверади. Қалбингизнинг бир четига ўкинч ин қурди. Бироқ бу ўкинчни енгишга сизда қудрат, куч топилади, — деди Гулнора Олимжонга раҳми келиб.

— Рухни кўтарувчи сўзларингиз учун раҳмат, — дея сўзида давом этди Олимжон. — Сиз ақлсиз, юрагимдаги дардни ҳис этиб турибсиз. Куз совуғи аввал тоза гулни уради. Гулда яшнаймак деган орзулар бевақт совуққа дуч келади. Менинг орзу-ниятларим ҳам бевақт аёзга дуч келди. Мен бу орзуларни одамларга, она ерга бағишламоқчи эдим. Энди-чи? Афсусдаман!

— Доимо бир хилда турмайди бозор деган экан бир шоир, — деди Гулнора юзидаги маъюсликни яшириб.

— Раҳмат! — кўзларида ёқимли шуъла порлади Олимжоннинг, — Мен сизни ҳимоячим, деб биламан. Дунёда соғ-омон эканман, сизнинг ҳурматингизга лойиқ бўлишга интиламан. Одам мушкулликларга дуч келганда ҳам яшашга интилаверади. Охир-оқибатда ана шу интилиш уни мушкулликлардан озод этади.

— Севги ҳам одамни мушкулликдан қутқаради. Севгига ишониб яшанг, дилингиз меҳрга тўла бўлади.

Олимжон «Мен сизнинг севгингизга, ҳурматингизга лойиқ эмасман. Мени олдингиздан ҳайдаб юборишга, қоралашга, таҳқирлашга ҳақкингиз бор», демоқчи эди, аммо бу гапларни ичига ютди. Гулнорадан кўзларини олиб қочиб, ерга қаради.

Гулноранинг билакдай қора сочи елкасини тўлдириб турарди. У тундай қора сочини силкитиб Олимжоннинг олдидан нари-ҳаворанг «Запорожец» томон кетди. У машина эшигини секин

очиб, моторни ўт олди. Машина куёш кечки нурларини тўшаётган йўлдан қушдай учиб кетди. Олимжон шунда рассом бўлишни, Гулноранинг далаларга туташ йўлда «Запорожец» хайдаб келаётганлигини полотнога туширишни ўйлади. Унда «Далажон, мен сенга содиқ қизман, бахтиёрлигим шунда», деган умид этюда тўла намоён бўлиши керак. Қуёшга, ҳосилга тўла далалар қўнида атлас қўйлак кийган, билакдай сочини оркага ташлаган, кўзларида эртанги кунга умид учкунни порлаган қиз яшаётган ва меҳнат қилаётганлиги ҳаммани ҳайратга солсин.

Олимжонга бахт қуши икки томондан учиб келаётган эди. Бири Гулнорга уйланиш бахти бўлса, иккинчиси гектаридан энг юкори ҳосил олишга эришди, деган шухрат эди. Энди у бирданига икковидан ҳам маҳрум бўлганди. Айниқса, Гулнорадан айрилиш унга каттик алам қилганди. Қозон қирқ йил оловга чидайди, дейдилар. Гулнора чўл заҳматига, ташвишига чидаган, бардош берган киз. Ана шундай киз оқ қўйлакда, оқ ҳарир рўмолда келин бўлиб Олимжоннинг хонадонига кириб келиши керак эди. Онаси, қариндош-уруғларига Гулнора таъзим бажо келтириб, эгилиб «келин саломи»ни бериши керак эди. Шунда атрофдагилар гулдай очилиб Гулноранинг боши узра танга сочишлари, бундай завқли дамда Олимжон унинг латиф қўлидан хурмат ва эҳтиёткорлик билан ушлаб олган бўлиши лозим эди. Бундай ширин онларда фотографиялар уларни чиқиллатиб суратга туширганларида давра файзига яна файз қўшилмасмиди?! Шунда баъзилар тилларида айтмаса ҳам дилларида: «Бундай йигит-қиз эртақларда, киноларда бўлади»,— дея айтишмасмиди? Улар никоҳ тўйи ўтказиладиган даврага одоб ва эҳтиром билан аста-аста қадам босиб келганларида даврада яйраб ўтирганлар ўринларидан туриб, севинчдан қарсақ чалиб юбормасмидилар? Кейин улар шаънига олқишлар, шеърлар, қўшиқлар янграмасмиди? Гулноранинг дугоналари, Олимжоннинг дўстлари яна қанчадан-қанча одамлар қизил, пушти рангдаги гулларга қўмиб ташламасмиди? Шодон қарсақлар остида даврадан чиқаётганлаида оналари оёқлари остига гуллар тўшамасмиди? Кейин Олимжон Гулнорани қўлларида даст кўтариб, ҳовлидан ёруғ хонадонга олиб кирмасмиди?

Энди ана шундай бўлмаслигини ўйлаганида Олимжоннинг қалби хувиллаб, бўм-бўш бўлиб қолгандай туюлди. Тақдирнинг кутилмаганда бундай чаппа кетишини қайдан билибди, дейсиз!

## VIII

Олимжон тун бўйи ухлолмади. Эрталаб деразадан хонага куёшнинг оромбахш нурлари ёғилди. Олимжон нур оғушида ором олиб ухлашга интилди, лекин ором ололмади. Ўрнидан туриб, «Эра» бритвасида соқол олди. Бу пайт онаси прокурорга кириш учун навбат кутиб турарди.

«Мен ўғлимни жиноятдан қутқариб қолишим керак!»— деган хаёл билан банд эди она. У бу ерга бирор қимматли нарсга топиб

олиш учун эмас, фақат ўглини жиноятдан қутқариш ниятида келган. Модомики, шу нияти амалга ошмаса, хуноби ошиб, дунё кўзига қоронғи бўлиб, мислсиз қийноқ олови ичида қолади.

Она киприк ва милклари бўялган котоба қизга умид билан тикиларди. Аслида у хаётида бирор маротаба, бирор идорага бу қадар катта умид билан келган эмасди. Аммо она шу қадар ҳолдан тойган эдики, бошидан учиб ўтган кушнинг шарпасига йиқилиб кетарди. Бу руҳий азобдан эканлигини англамасди. Бирок, у нима бўлса ҳам чидашга, бардош беришга ҳаракат қиларди, бунга қаллибининг қаеридандир куч, мадад топарди. Фарзанди учун ҳар қандай баюларга тайёр туришга ўзини шайларди.

Қошиқдай қораа туфли кийган қиз тойнинг куйруғидай бир тутам қора сочларини силкилатиб онанинг рўпарасига келди.

— Хизмат опа,— деди тиғиз киприкларини пирпиратиб.

— Прокурорингга айтадиган гапим бор. Олдига кирмоқчиман, айт!

— Қабул куни индинга.

— Йўқ, мени бугун қабул қилиши керак. Айт! Тоғанғизнинг хотини — янғанғиз бўларканлар дегин. Отим Шоҳсанам.

Қотиба қиз прокурорнинг эшигини эҳтиёткорлик билан очиб ичкари кирди.

— Содик Рустамович! Бир аёл қабулингизда бўлмоқчи. Муҳим гапи борга ўхшайди.

— Бугун қабул куни эмаслигини айтмадингизми?

— Айтдим. Мени бугун қабул қилиши керак деяпти.

— Ким экан. Исмини сўрадингизми?

— Сўрадим. Исмлари — Шоҳсанам. Тоғанғизнинг хотини — янғанғиз экан. Нима иш билан келганини айтмади. Кўзларида ёш.

— Айтинг, кирсин!

Она беланги одамдай ўрнидан зўрға туриб, эшик томон талпинди. Ўйларини амалга оширадиган, умидини пучга чиқармайдиган одам худди мана шу прокурор деган ният билан эшикнинг туткичини ушлади. Шунда у тўйиб нафас олишга тиришди. Лекин лаблари, тили қуриганидан нафас олганини сезмади. Ичкари кирганида прокурор кўкиш туман ичида ўтиргандай кўринди. Ҳориган, толиққан она «йиқилиб кетмасам гўрға эди»,— деди ичида. Тизиб қўйилган стулларнинг бирига ўтиргач, йиқилмаганлигини, прокурор билан юзма-юз эканлигини ҳис этди. Кейин ҳорғин, ҳазин, мунгли бир оҳангда гап бошлади:

— Саломат бормисан, Содикжон! Илоийм мартабанг бундан ҳам баланд бўлсин. Омадингни кўрган дўст севинсин, ганим куйиб ўлсин. Омади чопганнинг мушуги куён овлайди, деганлар. Омадингнинг юлдузи балқиб турсин, Содикжон! Бизнинг бошимизга мушкул иш тушди, ёрдам берарсан, деган умидда олдинга келдим,— деди кўз ёшларини енги билан артаркан Шоҳсанам.

— Нега кўз ёши қиласиз! Тушунтириброк гапиринг!

— Нимасини тушунтирай, ўзинг тушуниб турган бўлсанг керак. Тушуниб туриб, кўз ёши тўкадиган қилиб қўйдинг. Олим-

жоннинг иши терговга тушди.. Шундай чоғда янгамнинг аҳволи қандай бўлди экан, деб йўқламадинг. Бағримизда қатта бўлган эдинг, вон-тузимизни тотган эдинг. Ахир бир кун туз тотган жойга қирк кун салом, деганлар. Биламан, ҳозирги ёшлар амалдорлик эгарига миниб олгандан кейин кексаларни унутиб юборади. Кексалардан ўзини олиб қочади, улар билан гаплашишга фурсати етмайди. Курортга, кинога, танцага, маишатга боришга вақтлари етади. Бизларга келганда ишдан, мажлисдан бўшамайдилар. Бошимизга қора булут соя солиб турганда «Янга аҳволингиз қандай?» дейишга оғзингни елини аядинг.

— Бугун тоғам билан сизни ўйлагандим. Олимжоннинг ишини тергов қилаётган терговчида ишнинг қандай кетаётганлигини ҳам суриштиргандим. Тоғам билан янгам ўз ёғларига ўзлари ковурилиб ётган бўлсалар керак, бориб хабар олиб келай деб, ўйлаб ҳам кўйгандим.

— Тилёғламалик қилмаяпсанми, тагин? Мабодо тилёғламалик қилмаётган бўлсанг, ўтирган стулинг маҳкам бўлсин. Бугун сен менинг сўзларимни жон қулоғинг билан тинглаб, менга шафқат қилишинг лозим. Шундай қилмасанг, олдинга қайта келмайман. Биласан, Олимжоннинг тўйи бўлиши керак эди. Болам умрининг гуллаган фаслида хазон бўлмасин. Айтган сўзларим оналик дилимнинг эҳтиромларидир. Кексайган чоғимда орзум ҳавога учмасин, куним ғамда кечмасин. Раҳминг келсин, Содикжон! Бир мартага юрагингни кенг қилиб юбор. Кенга — кенг дунё, торга — тор дунё, деганлар, — Шоҳсанам яна кўз ёшларини енглари билан артди.

— Юрагингиз куяётганлигини сезиб турибман. Айтмоқчи, тоғамнинг соғлиги қалай?

— Тоғангнинг соғлиғи қандай бўларди, ёмон. Шамшоддай қадди ёйдай эгик. Менга билдирмай йиғлайди. Ўғли жиноятчи деган номусни кўтариб юролмасам керак, дейди. Прокурор жиянингиз, юринг, олдига бирга борайлик, десам, кўнмади. Ҳали ҳам тўғрини — тўғри, эгрини — эгри, дейди. Қариб қуйилмаган, қайсарлиги қолмаган. «Жиянимнинг олдига бош эгиб боришга ор қиламан. Ўғлим жиноят қилибдими, жазосини тортсин, прокурор жияним қонун бўйича иш кўраверсин, қонунга аралашингга ҳаққим йўқ», дейди. Бу жаҳл қилганими, ёки ўжарлигимни, тушунолмадим.

— Бу на жаҳл, на ўжарлик. Бу — тўғри айтилган сўзлар. Мен қонун ҳимооячиси бўлатуриб қонунни тоғамнинг ўғли фойдасига буриб юборолмайман. Қонунга хилоф иш қилишга ҳаққим йўқ. Тоғам мени адолат томонда туришимни тўғри анлагани учун ҳам ана шундай деганлар.

— Бизга келганда адолат томонга ўтиб олибсан-да, — Шоҳсанамнинг жаҳли чиқиб, қайсарлиги тутди. — Баъзи одамлар хамирдан қил суғиргандай жиноятдан силикқина қутилиб қолаётганлигини эшитиб юрибман. Қулоғим қар эмас. Тоға — ярим пир. Мабодо ёрдам бермасанг, бу дунё-ю, у дунё юз кўришмай кетамиз-а! Содикжоннинг отаси машина ҳалокатидан ҳалок бўлган.

Кейинрок онаси жигар хасталигидан оламдан кўз юмган. «Сингил-жонимнинг кўзига суртган ёлғиз фарзанди — менинг ҳам фарзандим», дея тоғаси Мухтор тўрт ёшли Содиқжонни уйларига олиб келган эди. Шоҳсанам ҳам унга илиқ бағрини очганди. Содиқжон Олимжон билан бирга бир ҳовлида ака-укадай бўлиб, Мухтор акаларнинг бағрида удгайди. Унга бир оккўнгил отача меҳрибонлик кўрсатди. Шоҳсанам ҳозир ана шуни назарда тутаяпти. Буни сезган Содиқжон паст, майин овозда жавоб қилди:

— Берган тузларингиз, кўрсатган меҳрибончиликларингиз ёдимда. Буларни унуттишга ҳақким йўқ. Буларни унутсам ношукурчилик, ноинсофлик бўлади. Аммо туз берган, меҳрибончилик кўрсатганлар, деб қонунга қарши боролмайман. Тоға-жиянлик ўз йўлига, қонун ўз йўлига.

Шоҳсанам бир муддат жим қолди.

— Менинг ўғлимга келганда қонун тоғ тошидай қаттиқ бўлиб қолибди-да! Кўксингга юрак эмас, муштдай кесак солиб юрганга ўхшайсан. Бўлмаса бунчалик тошмеҳрлик билан мени қийнамасдинг. Тошмеҳрлигингни тоғанг билган, шунинг учун олдинга келмаган. Тоғанг бир пайтлар ота ўрнида — ота, ака ўрнида — ака бўлганди.

— Тил — суяксиз. Уни ўз ихтиёрига қўйманг. Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир, деганлар. Бу гапларни ўйлаб айтаяпсизми?

— Тилимга тош бойлолмайсан. Тилим толганча гапираман.. Олимжоннинг иши ўнганмагунча сени ҳам, тоғангни ҳам тинч қўймайман. Хати чиройли бир ветеран қўшним бор, ана шунга айтиб туриб шикоят ёздираман.

Энди прокурорнинг қони қизиб, жаҳли чиқди. Бурун катаклари кенгайиб, қошлари туташди.

— Жиноятчига ён босиш, жиноятчини ҳимоя остига олиш — жиноят ишжиноят ҳисобланади. Буни тушунмоғингиз керак, янга.

— Сезмаяпти деб ўйлама, сезиб турибман. Ўзингни бу ишдан четга олиб қочаяпсан. Ахир, бу ишни яхшилик томонга буриб юбориш сенинг қўлингдан келади. Той тойрилмасдан от бўлмайди, деганлар. Ўғлим бир марта тойрилибди, хато қилибди. Ёшлигини ҳисобга олибми-ей, тоғангнинг ўғли эканлигига қайишибми-ей, авф этиб юборсанг кам бўлиб қолмайсан,— деди Шоҳсанам илтижо оҳангида, прокурор қонун томонда маҳкам турганлигини фаҳмлаб.

— Барча одамларнинг хато қилмасликларига қонун қафолат беролмайди. Лекин, хато қилса, уни кечириб юборишнинг ҳам қафолатини олмайди..

— Дарахтнинг илдизига урсанг, шохи зирқирайди. Бир дарахтнинг шохларимиз-а! Наҳотки, шуни ўйламасанг, наҳотки раҳминг келмаса,— деди Шоҳсанам ўтинч билан.

— Тергов тугаган эмас, тергов тугасин, кейин бир қарорга келамиз янга,— деди прокурор қўлидаги қаламини ўйнатиб.

— Жиноят йўлига тергов олиб борилаётган пайтда ғов солиниши керак. Мабодо иш судга ошса ўғлингиз қамалиб кетади, деб айтди менга ҳалиги хати чиройли ветеран.

— Ўғлингизнинг иши пахта заводи классификатори ва яна бошқа бир группа одамлар иши билан боғлиқ. Бу — бир одамнинг эмас, кўпчиликнинг иши. Шунинг учун ўғлингизни улар орасидан ажратиб олиш мумкин эмас. Шу билан бирга бу ишни тўхтатиш ҳам мумкин эмас. Уни тўхтатишга уриниш жиноятга қўл уриш билан баробар.

— Ўғлимни ўша пахта заводидан келган маккор тузоғига илтириган. Ўша маккор бўлмаганда, у билан дала шийпониди гаплашмаганида, Шахристон тоғига, Тошкентдаги ресторанга бирга бормаганида ўғлим хатога йўл қўймаган бўларди. Шунинг учун ўша маккорнинг ўзини жазолаверинглар.

— Ўғлингиз орден олиш учун, сохта орбў орттириш учун шундай эгри, қалтис ишга қўл урган,— деди прокурор ва унинг айбига аниқ баҳо берди.

Шоҳсанам яна бир бор умид ва илтижо билан илтимос қилди:

— Яқинда тўй қилиб, бошини иккита қилмоқчи эдик, тўйга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйгандик. Энди буёғи нима бўлади? Келиннинг сеплари сандикда куяга ем бўлиб ётаверадими?

Шу пайт телефон жиринглади. Прокурор трубкани кўтаради.

— Салом, эшитаман! Олимжоннинг иши хусусида гапираяп-сизми? Хўш, ишнинг ниҳояси нима билан якунланади? Тергов тугагач, қандай хулосага келдиларинг? Иш судга оширилди деяп-сизми?

Прокурорнинг ҳар бир сўзини диққат-эътибор билан тинглаб, уни ўзича таҳлил қилиб ўтирган Шоҳсанам тўсатдан чўғни ушлаб олган одамдай сесканиб, чўчиб кетди. Прокурорнинг ҳузурига келади куннинг оқшомида кўрган нохуш тушини эслади. Тушида ўғли қамокхонанинг темир панжараси орасидан гуноҳкор боладай мўлтираб, йиғлаб турарди. Она аламли фарёд билан қўлларини олдинга чўзиб, темир панжара томон талпинганди. Шунда ўғли онага яқинроқ келиш ўрнига борган сари ундан йироқлашарди. Бора-бора у кўздан ғойиб бўлди. Шунда она яна алам билан фарёд қилди. Унинг оху ноласини оламда ҳеч ким эшитмади, унга ҳеч ким ёрдамга келмади. Наҳотки, дунёда бирор шафқатли одам қолмаган бўлса? Ана шуниси унга қаттиқ алам қилганди. Ҳозир у эндигина уйкудан уйғонган одамга ўхшар, кўрган ана шу нохуш тушини эслаганидан кийналарди. Туши ҳақиқатга тўғри келаётганидан бир азоби ўн азоб бўлиб, юрагини қонга тўлдирарди. Нега у туш кўрди? Бу саволга у жавоб тополмади. Аммо шундай аламли кунларга қоламан, деб ҳаётида бирор маротаба ўйламагани ҳақиқат эди. Шундай дардли, қайғули лаҳзаларда қўлидан туз ичган, иссик бағрида яйраб ўсган прокурор унга мадад қўлини чўзмаётгани ғоятда ачинарли эди. Шунинг учун у прокурорни ёмон кўриб қолди. Қани, қўлида милтиғи бўлса-ю, уни шартга отиб ташласа! Кейин алами бир оз бўлса-да, босилармиди! Лекин бундай қилиш осон эмаслигини ўйлаб, пастки лабини каттиқ тишлади. Шу билан юрагини кемирган аламдан бир оз бўлса-да, холи бўлди. Бирок кўп ўтмай алам унинг вужудини яна қамраб олди. Буни прокурорга сездирмаслик қўлидан келмасди. Шундай бўлса-да, прокурордан

хамон умиди катта эди. Аммо бу умид замини пучлигини англаб етмаётгандай, иши бароридан келмаётганлигини ҳис қилмаётгандай эди. Шундан бўлса керак, энди кўнгли хувиллаб, бўм-бўш бўлиб қолганга ўхшади. Дунёдаги ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлиб, ҳамма нарсадан юз ўгиргиси келди. Нега, ўғил туғди, нега қиз туғмади? Қиз туққанида бунчалик азоб чекмасмиди? Терисини шилиб олганларида ҳам бу қадар қийналмасди.

— Иш судга оширилади, деяптими?— деди Шохсанам ниҳоят кучини тилига йгиб.

— Ҳа, унинг иши судга оширилади, тўй кечиктирилади. Раҳму-шафқатни унутган Шохсанам прокурорга еб қўйгудай қаради:

— Мен одам боласига эмас, тегирмон тошига гапирган эканман-да,— деди газабга тўла оҳангда.— Энди мени янга дема! Сенда янга ҳам йўқ, тоға ҳам. Устингдан шикоят ёздираман. Қизчангни болалар боғчасига давлат машинаси олиб бориб қўяди. Кечки маҳал шофёр бечора боғча олдида қизчангнинг чиқишини соатлаб кутиб туради...

— Командировкага кетганимда шофёр қизчанни бир маротаба боғчага олиб бориб қўйганлиги рост.

— Хотининг базадан импорний молларни олиб, ошиқча нархда қўшниларга сотади, чайковчилик қилади.

— Хотинимнинг бод касали бор, яхши юролмайди, олти ойдан уйдан бошқа ёққа чиққан эмас.

Прокурорнинг хузуридан эшикни зарб билан ёпиб чиққан Шохсанам киприк ва милклари бўялган котиба қизга ҳам қарамасдан ташқарига отилди. «Ёрдам бермади, нафи тегмади, ер ютсин», деган сўзларни ички алам билан тақрорлаганча гилосранг «Жигули»га келиб ўтирди. Ҳозир нима бўлса ҳам уйига тезроқ етиб бориши керак. Йўл-пўлда жон-пони чиқиб кетса, кўчада ўлиб қолибди, деган маломатга қолмаслик учун рулдаги йигитга «хайда», деди. Тақа мўйловли қўшниси машинани гувиллатганча ўрнидан кўзғатди. Район билан совхоз посёлкаси ораси саккиз чакирим. Бу йўлда умрида неча маротаба ўтганлигини билмайди. Лекин ҳар ўтганида орадаги бу йўл унга икки қош орасидай яқин туюларди. Ҳозир эса бу йўл поёнсиздай, чеки йўқдай кўринди. У йўлда бораркан, бирор нарсани эшитмас, шовуллаб ортда қолаётган атрофдаги дарахтларни кўрмас эди. Наҳотки, умрнинг шами сўнаётган бўлса? Иши ўнгидан келмади. Бунинг учун у прокурорни айблаб қарғарди. Бирок ҳамма айб ўғлида эканлигини тан олгиси келмасди, ўғли назарида балиқдай тоза, мусицадай беозор эди. Аслида Шохсанамни ғам-ғусса жодусига солиб, беададай ғирчиллатиб қирққан Олимжон-ку ахир! Шундай бўлса-да, у негадир ўғлини айблагиси келмасди. Қайси она фарзандининг ёмон иллатини атрофдагиларга эшиттириб «Ёмон!» деб айтади! Бу — кулфат, бу маломат қаердан келиб, унинг ёқасига ёпишди?

Шохсанам уйга ҳарсиллаб кирди. Уйда ҳеч ким йўқ, на Мухтор, на Олимжон. Катта хонага ўтиб, мағизранг румий гарнитурига қаради. У ҳеч нарса рўй бермагандай ўз жойида тек турарди. Кейин

деразани очиб, ташқарига назар солди. Ташқарида феруза осмоннинг ярми сукут сақлаб турарди. Бу сукутда бир ваҳима, бир бало борга ўхшаб кўринарди. Шунинг учун у осмоннинг қайси бир бурчида турган куёшни излади. Ана, куёш қизариб ёғду сочганча Ғарбга оғиб бораяпти. Куёш ердаги одамларнинг барча яхши-ёмон ишларидан хабардор бўлиб туради, деганлар ақлли кексалар. Шоҳсанамнинг хаёлига шу фикр келди. Шу дамда куёш Шоҳсанамдан ҳазар қилиб, уни масхаралаб гапирётганга ўхшаб туюлди: «Ёкангдан бўғиб олардим, лекин дастим ёканга етмайди-да! Нега ўғлингни жазодан қутқариб қололмадинг? Кўзи очик онанинг фарзанди жазодан холи бўлиши керак. Мадомики, фарзанд жазони ўтар экан, бундай дамдаги ғамга она зоти бардош беролмайди. Шунинг учун прокурорнинг олдига қайта бор, балки қайта борсанг, ёрдам беришга ҳаракат қилар!»— дерди куёш назарида.

Она куёшдан кўзларини олиб қочди. Шундай қилмаса, юраги ёрилиб кетадиганга ўхшади.

Энди у деразани ёпиб, барқут тўшалган диванга ёнбошлади. Ёнбошлаганда бутун вужуди мисдай қизиётганлигини сезиб, қўққисдан жарга яқин келиб қолган одамдай қўрқиб кетди. Кўзларини юмди. Шоҳсанам фарзанд камоли деб, ором билмади. Энди эса...

Даладан қайтган Мухтор хонага дала нафасини олиб кирди. Шоҳсанам қимирламай, чўзилганча диванда ётарди. Уни кўрган Мухтор: «Хайрият, уйга эсон-омон етиб келибди!»— деди-да, унинг ёнига яқин борди. Яқин борди-ю, бутун вужуди сирқираб йиғлаб юборди. Энди бу йиғини Шоҳсанам эшитмасди. Бу ҳол Мухторнинг жисми-жонини баттар сирқиратарди. Унинг охириги сўзини эшитмаганлигидан, жони қийналганида ёнида бўлмаганлигидан қақшаб, титраб, ўкириб йиғлади.

Эртаси прокурорнинг хонасига қора, ориқ йигит энтиқиб кирди.

— Ўртоқ прокурор! Тоғангизнинг бошига оғир мусибат тушди, умр йўлдоши Шоҳсанам қазо қилди. Дафн туш маҳалига белгиланди. Тоғангиз шу гапларни прокурор жиянимга айтиб қўй дедилар.

Прокурор оғир сукут оғушида бир муддат жим қолди. Кейин мунгли овозда ўзига ўзи деди: «Янгамни ўғли ўлдирди!»

Тонгда Мухторнинг ҳовлиси таъзияга келган одамлар билан лиқ тўлди. Ҳовлига кирадиган қўқ дарвоза олдида хўнг-хўнг йиғлаб турган Мухторнинг кўзи прокурор жияни Содиқжонга тушди. Отасининг ёнида қайғу-ҳасрат чекиб турган Олимжон ҳам Содиқжонни кўрди. Қора чармдан плаш кийган Содиқжон тўғри келиб тоғасининг елкасини кучди: «Бошингизга оғир мусибат тушибди, менинг ҳамдардлимни қабул қилинг!»— деди кўз ёшларини дастрўмоли билан артаркан. Кейин Олимжоннинг ҳам елкасини кучиб, унга ҳамдардлик билдирди.

Шоҳсанам тушда қабрга қўйилди. Умр йўлдошидан жудо бўлган Мухторнинг боши гувиллар, танаси изтиробдан сирқирарди. Уйга қайтиб келганда алами яна ортди. Ўзини қўярга жой



тополмай қолди. Ёнига келиб: «Энди Шоҳсанам қайтиб келмайди, куйиб ёнишинг бефойда», — дейдиган одам топилмади. Шунда у узига ўзи тасалли беришини ўйлади. Ўйлади-ю, бунинг уддасидан чиқолмади. Кеч тушганда, ухлаганда ором оларман деган хаёлга борди. Шунинг учун кеч тушганда бошини ёстикқа куйиб, кўзларини чирт юмди. Лекин уйку келиш ўрнига нафаси қисилиб, кўзлари мошдай очилиб кетди. Шифтга тикилганча мижжа қокмай узок ётди. Қанча вақт уйғок ётганлигини билмайди. Дард-алам унга қақир тиканакдай ёпишиб олганди. Бу боши тошга каттиқ текканидан далюлат эди. Аммо унинг туйғулари соғлом, у соғлом туйғулардан жудо бўлмаган эди. У ҳали яшайди, ҳалол, мардона яшайди.

У ўйга толди. Ўзига ўзи сўзлади: «Фалокат ёқамга ёпишди».

Бу кутилмаганда рўй берди. Бундан қалбим ларзада. Тирноқдан сочгача титроқ пайдо бўлган. Ғам-ғусса исканжасидаман. Бу ҳол етти ухлаб тушимга кирмаган. Олимжоннинг иши терговга тушади деб, ҳеч қачон ўйламаганман. Агар шундай бўлишини олдиндан билганимда бошқача йўл тутган бўлардим. Афсуски, инсон нохуш воқеалар рўй беришини олдиндан сезмаскан. Бугун гулзорда юрса, эртага тикон устида юмалашини билмаскан. Мен ёлғиз ўғлим билан фахрланардим. Шу фахрланиш ҳисси кўзимга нур, қалбимга сурур бағишларди. Аммо мени хавотирга ўхшаган нимадир ташвишга соларди. Қалбимнинг бир четини кўзга кўринмас мушукнинг тирноқлари шафқатсизлик билан тирнарди. Нега, шундай бўларди? Нега? Бунинг сабабини тушуна олмасдим? Энди бу саволларга жавоб бериш тегирмон тоши остида эзилишдан ҳам мушкул. Лекин бу нарса ўзимга аён. Заҳарланишнинг илдиизи эркатойлигидан озиқ олган. Мен ўғлимни ҳеч нарсага зорикмай ўссин дедим. Шу мақсадда сув келса шимирдим, тош келса кемирдим. Ўзим туз яласам, унга асални раво кўрдим. Ўзим яёв юрсам, унинг машинада юришини орзу қилдим. Ўзим ерда ўтирсам, унинг кўрпачада ўтиришини ўйладим. Бундай ўйларимнинг чегараси қаерда эканлигини англаб етмадим. Ўзимнинг ёшлигим «бор-борича — йўқ ҳолича» ночорликда ўтган эди. Энди бўлса, «қамбағалнинг оғзи ошга етганда — бурни тошга тегди», деганларидек, олтмиш ёшдан ошганимда бу фалокат оёғим остидан чиқди. Ғамнинг беомон олови ичида қолдим. Шундай пайтда «Юрагингга кўп ҳам чўғ босаверма, бусиз ҳам у куйиб бўлган», — дейдиган одам топилмайди. Ўғлинг азоб чекиб турса, сенинг юрагингга қил сифармиди? Унинг бу иши учун мен ҳам айбдорман. Иш билан овора бўлиб, уни вақтида тергай олмадим. Оталик бурчи буни такозо этмас-дими? Этарди. У кирчиллаган ёшида қайрилди. Бурни қонади, ноқобил фарзанд номини олди. Унинг қонида сохта шухратга мойиллик ҳисси жўш урган. Ана шундай бўлмаганда жиноят кўчасига кирмасди. Мен уни ақли, бутун йигит деб юрардим. Шухратга умидворлик туйғуси қалбида томир отганлигини пайкамай қолибман. Одам обрўни мисқоллаб йиғади, лекин унинг челақлаб тўкилишини истамайди. Мен ҳам обрўим тўкилишини ҳеч қачон истаган эмасман. Аммо обрў бугун тўкилди. Бундай

пайтда дардингни ҳеч кимга айтолмайсан. Ўз ўтингда ўзинг коврилиб ёнасан. Фарзанд туфайли келган бундай бадномликни эл орасида кўтариб юришдан оғир нарса борми, дунёда! Болани эркалатма, эртага нохуш ҳолга дуч келасан, деганлари рост экан. Энди ўғлимдаги эркаликнинг бир ҳалқаси жиноят занжири ҳалқасига уланди. Бу ҳалқадан уни ким ажратиб олади? Бундан пушаймон бўлиб, тўкилган кўз ёшлари мушкулни осон қилолмайди. Менинг дардим оғир, дўстлар. Виждон азобини тўдалигича бошдан кечирадиган одамман. Қалтис вазиятдан елим балиққа ўхшаб сирғалиб чиқиб кетишга ўрганмаганман. «Вазиятга мослашиб яша, наф кўрасан, мослашмасанг, анвал асабинг, кейин юрагинг ишдан чиқади»,— дегувчиларни жиндан ҳам ёмон кўраман. О, фалак, нега кексайган чоғимда қаддимни ёйдек букдинг! Қайси гуноҳларим учун бундай ҳолга солдинг, фалак! Ўз овозинг ўзингга мунгли куйдай эшитиляпти, Мухтор! Лекин бардам бўл, сўнгги нафасгача мард бўлиб яша! Бўридан кўрққан кўзига ўхшаб титрама, Мухтор! Кўз олдингдаги барча гўзал нарсаларнинг бари ҳали ғойиб бўлган эмас. Қарилликни, ўлимни ўйлашга ҳали эрта. Хўроз кўзини жўжа, ота кўзини ўғил чўқибди. Жиноят қилибди. Қонун олдида жавоб берсин. Ўзгача йўл йўқ».

# Ҳ И К О Я Л А Р



## ТУНГИ АЛАНГА

Турна келганда ер яшилликка бурканади. Турна келганда эса барглар хазон бўлади. Соҳибхоннинг колхозга раис бўлиб келиши турнанинг келиши эмас, кетишига ўхшаб, хазонлик келтирди. У колхозда ишни аввал зехни ўткир кишиларга тош отишдан, уларни таъқиб остига олишдан бошлади. Зехнли одам зехни пастлар ишидаги хатоларни тезда пайқаб олиб, ана шу хатоларни тузатишни талаб килади-да. Қилган хатоларини элдан яширмоқчи бўлган зехни паст зехни ўткирни бадном қилиш, иложини топса уни йўқ қилиб юбориш пайига тушади. Унга қарши курашмаса ороми бузилади, давраларда яйраб ўтиролмайти, кўчаларда бошини фоз тутиб юролмайти, минбарларда истаганча оғиз кўпиртириб гапиролмайти. Сабаби аён, зехни ўткирдан ҳайикади, чўчийди. Лекин у доимо шуунндай бўлишини, юраги зардобга тўлиб юришни истамагани учун ҳам зееҳни ўтткирданн ўч олиш йўлига тушади.

Соҳибхон колхозга раис бўлиб келиши билан зехни ўткир кишилар кимлигини идорадаги тилёғламачи хушомадгўйлардан сўраб-суриштириб, билиб олди. Ўнг кўлидаги ҳассага таяниб юрадиган оқсоқ буғолтир: «Анави ориқ мухбир Боқижон ўзини ҳаммадан зехнли ҳисоблайди, колхоздаги у-бу янгиликларни марказда чоп этиладиган рўзномаларга ёзиб туради»,— деганидаёк раиснинг кўнглига ғулуўла тушганди.

— У шу колхозда яшайдими?— сўради раис Боқижондан хавфсирагандай.

— Ҳа, шу колхозда яшайди. Лекин район марказида чиқадиган рўзномада ишлайди,— дейди бухгалтер.

— Бола-чақаси борми?

— Ҳали уйланмаган. Ундайларга бола-чақа ҳам ҳайф. Заҳрини сочавериб бола-чақанинг бағрини қон қилиб юборади.

— Ҳарбий хизматга чақирилганми? Ватан олдидаги хизматини ўтаганми?

— Кўкйўтал бўлганлиги учун ҳарбий хизматга нолойиқ деб топишган.

— Бундайлар бирор дардга мубтало бўлиши аниқ. Охир-оқибатда ана шу дард уни гўрга судраб кетади.

— У аллақачон ўлиб кетиши керак эди, раис. Лекин иродаси кучлими, билмадим, тирик юрибди зангар. Эчкидай калта-калта йўталганини кўрсангиз ё эртага, ё индинга жон таслим қилади, деб ўйлайсиз.

— Ёмонга ўлим йўқ, дейдилар. Бундайлар ҳаммани ўлдириб, кейин ўзи ўлади. Азройил ҳам ундайлардан узокроқ юради.

— Мана ўзини эрта-индин кўрасиз. Бамисоли арвоҳга ўхшайди. Танасини кўтариб, оёқда тик юрганига хайрон қоласиз.

— Эртага идорага чақиртиринг, бир суҳбатлашайлик.

— Э, у билан суҳбат қура кўрманг. Жирканасиз, таъбингиз хира тортади.

— Майли, чақиртиринг.

— У суҳбат қилишга арзимайдиган одам.

— Чақиртиринг дедимми, чақиртиринг. Уни ўзим мулла минган эшакдай ювош қилиб қўяман.

Эртасига Боқижон раис ҳузурига кирди. Сочларини оркага силлиқ тараб, ҳар доим Марғилон дўпписини кийиб юрадиган, ўйчан кўзларида ўзига бўлган ишонч учқунлари порлаб турадиган, тасмадай қотма Боқижон карашлари кўрбошини эслатадиган, япаски бурнининг учи кизарган раисга одоб доирасидан чиқмай салом берди.

— Келинг, ўтиринг, — деди раис совуққина қарши олиб Боқижонни. Боқижон қатор тизилган стулларнинг бирига омонатгина ўтирди.

— Қаерда ишлайсиз?

— Район рўзномасида.

— Рўзномачиман денг.

— Шундай.

— Эшитишимча колхозда рўй берган янгиликларни рўзномага ёзиб тураркансиз. Шундайми, ўртоқ рўзномачи?

— Фақат янгиликларни эмас, хўжаликда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни ҳам қаламга олиб тураман.

— Ютуқлардан кўра кўпроқ камчиликларни ёзаман денг.

— Ютуқлар ўзимизники, камчиликларни тугатиш зарур-да.

— Хўш, бизнинг хўжаликда қандай муаммоларни ҳал қилишимиз керак, сизнингча?

— Ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар оз эмас.

— Уларни менга бир бошдан айтиб бероласизми?

— Айтиб бероламан. Аввало одамлар тоза ичимлик сув билан таъминланмаган. Бу — биринчи навбатда кечиктирмай ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо. Иккинчидан, колхоз ичидан район марказига газ қувури ўтказилган. Аммо колхозчиларнинг хонадонлари газлаштирилмаган. Бу ҳол дарё бўйида ўтириб ташналикни бошидан кечираётган одамлар ҳолини эслатади. Учунчидан, далада ишловчи аёлларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилмаган. Уларнинг фарзандлари тарбияланиши учун болалар боғчалари куриб берилмаган. Тўртинчидан, жамоат чорвачилигини ривожлантириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Сигирларнинг ризқи қийилган, бедазорлар пахтазорларга айлантириб юборилган. Бу

хўжаликда ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут бир эчкидан олинадиган сутга тўғри келади. Бу алмашлаб экишга rioя қилинмаётганлигининг оқибатидир.

Нуксонларни тинглашни истамаган раис гўштдор кафтларини бир-бирига ишқаркан, Боқижонга синчковлик билан, айна дамда нафрат билан назар солди. У билан узоқ гаплашишни хоҳламади шекилли, гапни қисқароқ қилишга интилди:

— Муаммолар кўп экан-ку!

— Керак бўлса бундан бошқа муаммоларни ҳам тилга олишим мумкин.

— Уларни мавриди билан рўзномага ёзсангиз керак.

— Рўзноманинг навбатдаги сонларининг бирида худди шу ҳақдаги танқидай мақола эълон қилинади.

— Ростданми?

— Ростдан.

— Мақолани рўзномадан олдириб ташланг.

— Нима учун?

— Камчиликларни районга ноғора қилиш шарт эмас.

— Олдириб ташлашнинг иложи йўқ.

— Нима учун иложи бўлмас экан. Ахир, ўлимдан бошқа нарсанинг иложини топса бўлади-ку!

— Мақолани муҳаррир ўқиган, имзо чеккан. Энди ихтиёр менда эмас, муҳаррирда.

Раиснинг пешонаси тиришиб, тарзи ўзгарди. Ҳузуридаги кичкинагина, ўжар бир йигит сўзларини рад этаётганидан ўнғайсизланди, нафаси бўғилиб, кўзларининг косаси кенгайди, ўрнидан туриб, «Сизга рухсат!»— деди. Боқижон бирор сўз демай хонадан аста ташқарига чиқди.

Оқшом эшик сирли тақиллади. Боқижон илгакки кўтарди.

— Мухбир сенмисан?— деди юзларига қора мато тортиб олган киши зардали оҳангда. Қора матонинг оғиз ва кўзларга тўғри келган жойлари қайчи билан қийиб, ўйилган эди. Чунки уни юзларига тортган киши кўриши ва нафас олиши учун шундай қилган.

— Ҳа, мен мухбирман,— деди кутилмаган ҳолдан шошиб қолган Боқижон.

— Қолхоздан шу оқшом кўчиб кетасан, бўлмаса тириклайин гўрга кўмиб юборамиз,— деди ҳалиги киши. Шу пайт унинг ортида юзларига қора мато тортган уч нафар норгул йигитлар пайдо бўлди.

— Кўчиб кетмайман. Тириклайин теримни шилсаларинг ҳам кўчмайман,— деди Боқижон ғазабдан юз пайлари титраб.

— Оғзига латта тиқиб, қўлларини орқасига боғланглар,— деди тўртовлоннинг сардори.

Зум ўтмай Боқижоннинг оғзига латта тиқиб, қўлларини орқасига боғлашди. Кейин уни отга ўнгариб қабристон томонга олиб кетдилар. Қабристонда казиб, тайёрлаб қўйилган қабрга уни тикка туширдилар.

— Энди устига тупроқ тортинглар,— деди йигитларнинг сардори. Икки киши кетмон билан тупроқ тортишга киришди. Энди

тириклай кўмилиши муқаррар эканлигини ҳис этган Боқижоннинг баданини совук тер босди, кўз олди қоронгулашди, кулоқлари шангиллади. Кучли энтикиш билан оғзидаги латтани туширишга эришди.

— Колхоздан кўчиб кетаман,— деди ниҳоят.

— Бу бошқа гап. Тупроқ тортишни тўхтатинглар,— деди йигитлар сардори.

Норғул йигитлар Боқижоннинг қўлларини ечиб, қабрлар дўппайиб турган гўристонда қолдириб кетишди.

Эртасига Боқижон ёлғиз онасини олиб, кишлоқдан қўшни тумандаги бир колхозга кўчиб кетди.

Ярим кечада икки шарпа Боқижон уйи ёнидан икки марта айланиб ўтди. Кишлоқ осуда уйқуда эди. Боқижоннинг уйи ҳам қоронғуда сукут сақлаб, дўппайиб турарди. Шарпанинг бири уй атрофига икки пакир бензинни селиб чиқди. Иккинчи шарпа эса чарс этказиб гугурт чақиб, бензин сепилган ерга ташлади. Олдинига кичик, кейинроқ осмонга ўрлаган катта аланга Боқижоннинг уйини ҳалқадай ўраб олди. Икки шарпа келган томонига шошганча қайтиб кетди. Одамларнинг бир-бирига бўлган нафрати, ёвузлиги аланга бўлиб ёна бошлади. Бу аланга анча маҳалгача уйқудаги сокин кишлоқнинг ярмини ёритиб турди.

## МАМАТ ЧҶЛОҚ

Кишлоқда Мамат чўлоқни ҳамма танийди. У одамларга отнинг қашқасидай маълум. Керчь учун бўлган жангда чап оёғидан айрилган. Уруш тугагач ўша томонларда қолмоқчи бўлди, ногирон ҳолда кишлоққа кириб келишни орийат деб билган бўлса қарак. Лекин бошпана топиш осон бўлмади. Бунинг устига бирор аёл унга кўнгил қўймади. Кўнглининг тинчини ўйлаган аёл: «бошимга ташвиш орттириб, ногиронни боқиб нима қиламан?»— дегани эхтимолдан холи эмас. Шундан бўлса керк, Белоруссия кишлоқларининг бирида ўзини ёлғиз, камситилган, хўрланган ҳисоблаб, охири кишлоғимга кетаман, деган хаёлга келди. Аччиқ, аламли таассурот остида кишлоғига қайтди. Бир оёғидан айрилиш унинг яшаш ҳақидаги ўйларини ларзага солган, юрагини қонга тўлдирган эди. Шундан бўлса керак, бирор ўринсиз гапни эшитса жаҳл отига миниб, сочлари тикка бўлиб кетади. Шундай пайтда унинг кўз олди қоронғилашар, олдидаги одам туман ичида тургандай кўринарди. Кишлоқдаги қариндошлари ундан муруватни дариг тутмадилар, уни Ойниса исмли бева, бир кўзи кўр аёлга уйлантириб қўйдилар. Уйлангач ҳам асабийлашиш дардидан фориг бўлмади. Шунинг учун одамлар у билан эҳтиёт бўлиб муомала қиладиган бўлишди. Бир куни раис уни ҳузурига чақириб беда қоровуллигига тайинлади. У бу ишни бутун жони билан берилиб бажаришга киришди. Бедапоя устидан қуш ҳам учиб ўтмайдиган бўлди. Мабодо кимдир колхоз бедасининг бирор боғини оладиган бўлса, иш судгача бориб тақаладиган бўлди. Бир боғ беда олган одамни тавба-тазаррусига таянтирмаса



ороми йўқолади, тинчи бузилади, уйкуси қочади, егани татимайди. Бундан ранжиган, азиат чеккан беда ўғрилари «Урушда бир коп тупроқ Мамат чўлокни бағрига олиб қўяқолганида бу жиззакидан қутилган бўлардик», — деган гапларни айтишади.

Мабодо кимнингдир боғланмай қолган сигири ёки бузоғи бедазорга кириб колса борми, у ўша заҳоти молнинг бўғзига пичоқ тортиб юборишдан ҳам қайтмайди. Одамлар молини подага қўшаётганда бўйнини силаб-сийпаб қўйишади: «Далага тўғри бориб, уйга тўғри келгин. Мамат чўлокнинг бедазорига кадам қўя кўрма, нақд жониңдан айриласан». Бу гапларга моллар тушунмайди, лекин бу гаплар мол эгасининг кўнгилларига қандайдир тасалли бергандай, гўё шундай қилса моллари бедазорга боришдан бош тортган бўлади. Хуллас, Мамат чўлоқдан моллар ҳам одамлар ҳам доимо хушёр тортиб туради.

Қора чўвир отда ёғоч оёғини осилтириб юрадиган Маматнинг кўзлари бедазорга оралаган бирор жонзотни илғамай қолмайди. Унинг кисик, лекин ўткир кўзлари кўкдан назар солган бургутникидай тўрт томонни тўлиқ кўришга улгуради.

Бир кун қизик воқеа бўлди. Қишлоқда Жаннат момо яшайди. Унинг кўзлари ожиз. Икки ўғли урушдан қайтмаган. Турмуш ўртоғи Ҳайит ± ул фарзанд доғида оламдан ўтган. Ёлғиз уйда ёлғиз қолган Жаннат момо ола сигирининг сутини ичиб кун кўрарди. Бир куни боғланмай қолган сигир бедазорга ўтлагани ўтади. Энди ўроққа келган бедани иштаха билан ямлаб ютаётганида Мамат чўлокнинг нигоҳи сигирга тушиб қолади. Шунда «Ҳайит!» — деб чўвир отига қамчи босади-да, сигирни колхоз молхонасига ҳайдаб боради. Кейин катта бир ишни амалга оширган кишидай ғурурланиб, ёғоч оёғини ғичирлатганча колхоз раисининг олдига боради.

— Одамларда инсоф қолмади, — дея сўз бошлайди тик турганича. — Куппа-кундузи сигирларини бедазорга ҳайдаб юборишади-я. Колхоз мулкига ўғриларча муносабатда бўлади-я. Нега ер ютиб кетмайди-я, бу инсофсизларни. Ер ҳам ютишга ҳазар қилади булардан. Гапларимга кулоқ солинг раис! Бугун бедазорда бемалол ўтлаб юрган сигирни колхоз молхонасига ҳайдаб келдим. Сўйиб гўштини давлатга топшириш керак. Шундай қилсак, бу иш бошқаларга ўрнак бўлади.

Пахтанинг ривожини текширгани келган ўзаро текшириш бригадаси аъзоларини эндигина кузатиб идорага кирган раис кўзойнагини қўлига олиб Мамат чўлоққа ҳорғин қаради.

— Кимнинг сигири эканлиги аниқ эмас, — деди Мамат чўлок бирор ёққа шошаётган одамдай тоқатсизланиб.

Раис ярим соатдан кейин районга бюро мажлисига бориши керак. Вақти тигиз бўлганлиги учун ўйлаб ўтирмай: «Майли, сўйдириб юборинг!» — деди.

Раис ҳузуридан ҳовлиқиб чиққан Мамат чўлок сигир кўзи ожиз Жаннат момоникни эканлигини суриштириб ўтирмай сигирни сўйдириб юборди. Асабийлик энг яқин ошнаси бўлган Мамат чўлок бу ишидан мамнун бўлиб, «бопладим» деб қўйди ўзига ўзи. Аммо шу куни у қишлоқдагиларнинг қарғишига қолганлигини билмади.

«Бошинг миңган отингнинг остида қолсин, Мамат чўлок!»— дейишди Жаннат момога раҳми келганлар. Ахир, шу Мамат чўлок туфайли Жаннат момо сигиридан ажралди, сут-қатиксиз қолди.

Кўп ўтмай Жаннат момо қазо қилди. У ўлими олдидан «Таъзиямга қон қусиб ўлгур Мамат чўлокни қўйманглар!»— деди. Одамлар Жаннат момо айтганини бажо келтирдилар, Мамат чўлокни таъзияга йўлатмадилар. Бунинг учун Мамат чўлок изтиробга тушмади, виждони азобланмади. «Мен колхоз мулкани асрадим, ўзимга топширилган вазифани бажардим» деб, бедазор томонга қараб кетаверди. «Шу бедазор мазор бўлсин сенга», деди бир киши оғзидаги носини туфлаб бўлгач.

Бир кун бедазор бўйидаги ариқ ёқасидан кетаётганида Мамат чўлокнинг оти ариқ бўйидаги гувалакка қоқиниб кетади. Бундан жаҳли чиққан Мамат чўлок чўвир отнинг бошига қамчи билан қаттиқ уради. Кўзи тиниб, боши айланган от мункиб кетиб йиқилади. Шунда Мамат чўлокнинг ёғоч оёғи қорнига қадалади ва борадилар. Кўп қон йўқотган Мамат чўлок шифохонада вафот этади. Бу орада қишлоқда яшаётганларнинг кўпчилиги мол-ҳолсиз қолган эдилар. Азбаройи қишлоқдаги барча майдонлар пахтазорларга айлантирилганлиги туфайли ҳам шундай бўлган эди. Энди Мамат чўлок бедазор бўйларида ҳайқирмас, камчини ҳавода ўйнатмас, моллар эса бедазорларга келмас эди. Мавжуд ерларнинг ҳамма-ҳаммасида ям-яшил пахтазорлар мавжланар эди.

## ЗАМИРА

Ёғаётган қордан кўкламнинг илиқ нафаси келарди.

Хонага бош бухгалтер Икромжон, унинг ортидан кўзлари чарос, қуюлиб тушган бурни чўзиқ, оқ юзларига ярашиб тушган хушқомат қиз кирди.

— Мана шу стол сизга, мана шу йигит бош иктисодчимиз,— деди Икромжон илтифот билан Замирага.— Танишиб олинглар.

— Замира!— Ҳознинг патидек оппоқ кўлини ғурур билан узатди.

— Шокиржон,— деди қизил лак суртилган латиф тирноқларга ошқора назар ташлаган иктисодчи.

Кўённинг терисидан қилинган оппоқ телпагини, қундуз ёқали ҳаво ранг пальтосини илгакка илди. Яшил ранг шамсиясини йиғиштириб тўрт бурчакли оқ сумкасига солди. Камондай қора қошларини бир чимирди-да, Шокиржонга белисанд назар билан Икромжон кўрсатган стол олдидаги стулга ўтирди.

— Танишиб олдиларинг. Замира бугундан бошлаб чорвачилик бўйича бухгалтер ўринбосари ҳисобланадилар,— деб Шокиржонга таъкидлаган бўлди-да, Икромжон хонадан чиқиб кетди.

Шаҳарлик олифга қизларнинг бири-да, деган уй билан Шокир-

жон чизғитни қоғоз устига қўйиб ёйдек тўғри чизиқлар чиза бош-  
лади.

— Шокиржон ака, сизни раис чақираяпти,— деди шошиб эшик-  
ни очган қорача, ориқдан келган котиба. Шошмай ўрнидан турган  
Шокиржон чап оёғига оқсаб хонадан чиқди.

— Во-й бечора, оқсоқ экан-ку!— деди Шокиржоннинг ортидан  
синчиковлик билан қараб қолган Замира.

Кўп ўтмай Шокиржон хонага кирди. Юришини зимдан ўғринча  
кузатди Замира. Чап оёғини босганда шу томонга йиқилгандай эги-  
ларди. Унча оғир бўлмаган танасини соғ. оёғига олганда бўйи бир  
оз чўзиқ кўринарди. Стол ёнида соғ оёғида туриб турли хил рақам-  
лар ёзилган қоғозларни титкилай бошлаганда чап оёғи ерга тегмай  
шалвираб турарди.

— Чамаси, уч сантиметрча калтага ўхшайди,— ўйлади ачинган  
бўлиб Замира.

Шокиржон бир даста қоғозларни олиб, раис ҳузурига чиқди.  
«Маймоқ киши билан бир хонада ишларканман-да»,— Замиранинг  
хаёлидан афсусга ўхшаш фикр ўтди.

— Мени район кишлок хўжалиги бошқармасига чақиришибди.  
Телефонда сўрашса, районда деб қўярсиз,— деди Шокиржон хона-  
га қайта киргач илтимос оҳангида. У қора пальто ва мовут шляпа-  
сини кийиб, кўча томон юрганда Замира эшикни очяб, сезиб қолмас-  
лиги учун оёқ учида туриб ортидан кузатди. Шокиржон бўйига бир  
оз узун бўлган пальтонинг ичида тебранганга ўхшаб кетарди.

— Товба, йигит киши ҳам шунча кўримсиз, пачоқ бўладими?!  
Эртаси Замира ишга келганда Шокиржон кечаги жойида миҳла-  
ниб ўтирар, қора каттак чизиқлар орасидаги рақамларни бир қоғоз-  
дан иккинчисига диққат билан кўчирар эди.

— Хайрли тонг!— деди Замира истамагандай жилмайиб. Қоғоз-  
дан бошини кўтарган Шокиржон унинг ҳурмати учун ўрнидан  
туриб:

— Сизга ҳам шундай,— деди.

— Ўрнингиздан турманг!— огоҳлантириш урғуси билан айтил-  
ган бу гапдан Шокиржон ҳийла ранжигандай бўлди. Замира Шокир-  
жоннинг ўрнидан туришини ёқтирмас, «бу одам фақат ўтириб  
ишлашга яралган» деган хулосага келганди. Аммо Шокиржон  
беписанд назар билан ишини давом эттираверди. Буни сезган  
Замиранинг ғаши келди. Шокиржон оқ оралаган сочларини бармоқ-  
лари билан орқага силади. Замиранинг нигоҳи сочларга тушди.  
«Намунча шошилиб, тез қариди экан?» кўнглидан ўтказди Замира.  
Сўнгра «Ке, нега уни ўйлайсан, сенга бегона-ку!»— деди  
дилида. Нимага у ҳали замон айтган «Хайрли тонг» сўзининг ёнига  
«Шокиржон ака» сўзини қўшиб айтмади? Ахир, кеча танишганлари-  
да бир-бирларининг исмларини билиб олишгани-ку. Айтгандай  
нега сочининг ярмидан кўпи ёшига нисбатан бевақт оқарган?!  
Сабабини сўрасинми? Йўғ-э, кўнглига келади. Оқсаб юриши-чи?  
Дард устига чипқон.

— Тошкентликмисиз?— кутилмаганда савол берди Шокиржон.

— Йўқ, сал берирокдан — Янгийўлданман.

— Юришимга, сочим оқиға ҳайрон бўлаётгандирсиз! — У Замиранинг юрагини чизиб ўтган гапларни аниқ топиб айтган эди. Замира бундан сесканди, чўчиди, ўнғайсизланди, кейин кўрқди. «Тавба, қандай сизди экан?» — чарс кўзларини бир лаҳза юмиб ўйлади Замира.

Шокиржон қутилмаганда сўраб билиш қийин бўлган гапни бошлади:

— Соч оклигини наслга йўйса ҳам бўлади ёки турмуш азиятларидан деса ҳам бўлади. Оёғимга келсак, тарновли том устига босилган пичандан йиқилганман. Ҳаммаси шу, — Сиз шунини билмоқчи эдингиз, дегандай Замирага кўз ташлаб қўйди Шокиржон.

— Мен сизга ёқмаган бўлсам керак, — яна тилга кирди Шокиржон.

«Қанақа йигит ўзи — бу!» — ўйлади Замира. Кейин ўзини ҳушёрликка олиб, паст оҳангда:

— Нега бундай дейсиз, унаштирилганман, бир хирургга, — деди.

— У маънода деб ўйламанг. Мен бировга ёқиш учун ҳаракат қилмайман. Буни одамлар мендан кутмайди ҳам. Лекин, одамларга, айниқса, аёл зотига ёқиш учун ясама ҳаракат қилганларни жиним суймайди.

Замира оппоқ бармоқларини кафти билан силаб «Жуда дангал экан-ку», деди кўнглида. Унга раҳми келдими, ёки у билан гаплашишни хоҳламадими, қора тигиз киприklarини столдан кўтармай жим ўтирди.

Шокиржон қўшни хонадан пахтагулли чойнакка чой дамлаб келди. Замира узатилган пиёлага хушламай қўл чўзди. Ҳар бир ҳодисанинг бир сабаби бўлади. Шу бир пиёла чой баҳона бўлдими Шокиржон эски таниш билан учрашгандай сўзлай бошлади:

— Сизга айтсам, бир оғиз ширин сўз дунёдан кенг, юлдуздан тиниқ, гулдан нафис туюлади менга. Мен яхши сўзнинг қулиман. Сўз энг нафис қуйдан, ёқимли қўнғироқ овозидан ҳам гўзал назаримда. Яхши сўзни одам пулга сотиб олмайди, нархи арзон, лекин шу арзон нарсани одамлар қимматга сотиб олгандай мендан қизганишади. Очигини айтсам, улар орасида борлигим билинмасди. Бор-йўқлиги билинмаган одамга ким ҳам эътибор билан яхши сўз айтарди, дейсиз! Мен буни катталардан кутардим. Аммо улар буни сезмасдилар. Ҳозирги ёшларга маза, болалик даврининг ҳар қуни лаззатли тушга ўхшайди. Ёшликнинг такрорланмас тиниқ давлари тотли туйғуларга тўла. Яхши сўзга нолойиқ болани ҳеч ким яхши кўрмайди ҳам. Яхши сўз эшитиш учун аввало одамларга ёқилишнинг, меҳрларига яқин бўлишнинг керак. Мана шу арзон, лекин азиз нарсалар сочини оқартирган. Мен ўттизнинг устидаман. Йигитликнинг бўй таратиб гуллаган даври — бу! Мен туғилганимда онам кўп қон йўқотиб оламдан ўтганлар. Биринчи ингамни эши-

таолмаган. Отам тўнларининг ўнгирига ўраб, туғруқхонадан олиб чиққанлар. Эчки ва сигир сути билан боққанлар. Отам тракторда ишлардилар. Бир куни кечаси уйку элтиб плуг остига тушганлар. Сўнг касалхонада ҳалок бўлганлар. Мен икки ёшда бўлганман, юз-кўзларини яхши эслай олмайман. Кейин тоғам Эгамкулнинг қўлида қолдим. Тоғамнинг хотини хушсурат, гўзал, эҳтиёткор, аммо ишёкмас аёл. Менга тоғам доим: «Бекор турма, меҳнат қил!» дерди. Ҳозир ҳам шундай. Уйдан қочиб кетишга орият йўл кўймаган. Ҳовли супириш, томорқа чопиш, сув келтириш, пичан йиғиш, молхона кураш, сигир, қўй эчкига қараш зиммамда эди. Айтилган иш вақтида бажарилмаса, каштали белбоғларини дарра қилиб урарди. Зор қолгур сувга ботирилган қамчидай ботарди. Жаҳл билан урганда ғужанак бўлиб олардим, танамдан ўт, кўзимдан ёш чиқиб кетарди. Чамаси етти ёшларда эдим. Тарновли томг пичан босаётганда йиқилиб тушганман. Синган оёғим калта бўлиб битган. Ўрта мактабни аъло баҳога битирганман. Тоғам қанчалик бераҳм бўлмасин, мени ўқитди. Хотинлари туғмаган. Симсиз симёғочдай яккаю ёлғиз бефарзанд тоғам: «Энди бизни ташлаб кетмагин»,— деган хавотир ва умид билан яшайди.

Замира бир лаҳза сукутга чўмди. «Оқ кўнгил йигит экансиз», деб айтмоқчи бўлди, лекин сўзи ҳалқумида қолди.

Шокиржон стулнинг суянчиғига елкасини ташлаб, ҳаммасини айтдим, деган маънода чуқур нафас олди. Замиранинг нақш олмадай қизил ва силлиқ юзларига сўзлари таъсирини билмоқчидай назар солди. Замира чарос кўзларини яшириб секин сўради:

— Ҳали ҳам тоғангиз билан турасизми?

— Ҳа!

— Бундай қилганингизга хотинингиз эътиризи билдирмайдими?

— Хотин дейсизми? Улар мендан хуркишади. Бўйдоқман. Институтни битириб келганимда тоғам икки-уч хонадон эгаларига оғиз солганда рад жавобини олгач, буни ҳал этишни ўзимга ташлаб қўйганлар.

Замира ётоқхонага боргунча Шокиржонни ўйлади. «Бўйдоқ экан». Бу сўзни ўзига ўзи аста айтди. Кейин нега бундай деганидан уялди. Ўзини қўлга олмоқчи бўлиб: «Бўйдоқ бўлса менга нима. Тенгини изламаган, топмаган. Лекин инсонга бўлган меҳрни топганга ўхшайди», деди. Замиранинг бўлажак қайлиғи район марказидаги касалхонада хирург. Ялтироқ гардишли кўзойнак тақиб, сочини орқага силлиқ тараб юради. Улар яқинда бир ҳинд фильмини бирга кўргандилар. Замира театрга келганда Эркин билет олиб кутиб турганди. Замира билан кўришганда оғзидан ароқнинг бадбўй ҳиди келганди.

— Мени кечирасиз, операциядан кейин ўтиришда бўлгандик,— деди Эркин,

Замиранинг гаши келганди. Кинони эътиборсизлик билан кўрди. «Операция пичогини қўлига олади. Кейин беморнинг ака-укалари, ёри-бродарлариникида меҳмондорчилик. Бу ҳол уни маишат майдонига олиб киради. Бора-бора пичоқ тутадиган қўллари қалтираб

колса керак. Кейин ўзига, ишга ишончи йўқолади. Дахшат!»— ўйларди сигаретани асабий ҳолатда тутатиб ўтирган Эркиннинг ёнидаги Замира. Кино тугаганда Эркин Замирани уйига кузатиб қўйди. Хайрлашиш пайтида уни ўзига тортиб ўпмоқчи бўлди. Замира унинг қўлидан ситилиб чиқди. Ароқ ва тамакнинг нохуш хиди кўнглини айнитган, бу ҳол уни Эркиндан узокроқ юришга даъват этганди. Очиги бу ҳол унга қаттиқ ҳақоратдай туюлганди.

Хонага келиб ётган Замира шуларни ўйлади. Шокиржон билан Эркин орасида тафовутни ақл тарозисида тортар, Шокиржон оқ кўнгиллилиги билан тарозининг бир палласни босиб турарди. Буни ўйлаган сари бадани қизир, юраги тез-тез урарди. Нега бундай? У овозсиз йиғлар, аччиқ кўз ёшлари юракнинг назик пардасини ёриб чиқаётгандай бўларди. Уни ҳаётда ким юпатади, кўнглига тасалли берувчи таянчи ким бўлади? Шокиржонми? Наҳотки... Бу ҳаёлидан у чўчиб кетди.

Тез орада Янгийўлга боради. Онасига тушунтиради. Эркин билан орани очик қилади.

Тонгда толикиб ўрнидан туради. Елкалари, боши сиркираб оғриди.

Уни хонада Шокиржон очик чехра билан қарши олди.

— Хушвақтлик ёр бўлсин!

— Раҳмат!— деди Замира тунда йиғлаганини, уйқўга қонмаганлигини билдирмасликка интилиб.

— Бугун иқтисод тўғараги аъзоларининг ўқиши бўлади. Катнашасизми?

— Ҳаракат қиламан.

Тингловчилар залга йиғилганда Замира орқа каторлардан бирига бориб ўтирди. Шокиржон тўпланганларга юзланди. Ишонч ҳиссига тўлиб сўз бошлади.

— Тилининг бурролигини қаранглар! Ўқиган — ўқдан ўзар, дегани рост экан,— деди Замирага ёнма-ён ўтирган кенг елкали киши ёнидаги шеригига шивирлаб. Замира бу гапни эшитди. Шокиржон оғирлигини соғ оёғига олиб ҳамон сўзлашда давом этарди. Ерни қадрлаш, техникани асраш ҳақида гапирганида эҳтиросли шоирдай жўшиб кетди. Залдагилар унга маҳлиё бўлиб қолишганди. Гўё у оддий рақамлар эмас, оламдаги энг гўзал юлдузлар, ўрмонлар, чашмалар, чаманзорлар тўғрисида эртак айтаётгандай эди. Сўзнинг жозибаси баҳордан сулув, шабнамдан тиник эканлиги замиранинг қалбида таърифлаб бўлмас бир ҳис уйғотарди. Сўзлари-га бўлган ишонч тўйғуси тинглаётган ҳар юракда ҳавас завқини кўзғатарди. «Агар Шокиржон шоир бўлганда соф инсоний туйғуларнинг сеҳргар ранглари, жилвагар жозибасини сўзлар қудрати билан ифодалаб, эл аро машхур бўлиб кетарди. Обруё ёнига талант келтирган шуҳрат қўшилса одамни олам танийди», ўйлади Замира роҳатбахш хаёллар оғушида қолгандай.

Йиғилиш тугагач Замира Шокиржонни «қойил!» деб табрикларди.

Эртаси Замира ҳаётида бирор бир ўзгариш рўй беришини сезиб, Янгийўлга кетди. Қизини тинглаган онаси:

— Бундай қилишинг нотўғри! Урф-одатимизни бузиб бўлмайди,— деб туриб олди. Замира ўз айтганидан қайтмади.

Одатдагидай ишга келган Замира Шокиржон ўтирадиган жойга қаради. Йўқ. Шу топда Замира Шокиржонни жуда кўргиси келди. Нега шундай бўлди? Ох, бу саволга жавоб бериш қийин. Ўз чиройига, ақллилигига шу кунгача ишонган Замира кўринишда назардан четда бўлган Шокиржонга ғурур тоғидан туриб, кўнглимдан нарироқ юр деган ният билан эмас, меҳримга яқинроқ кел, оқ кўнгли йигит, деган фикр билан қараганлиги учун шундай бўлдимикан? Нега бир чўлоқ йигит хирург Эркиндан устун, баркамол бўлиб кўришди? Балки, бу ерда маънавий оламнинг гўзаллиги ўз кучини кўрсатгандир. Шу лаҳзада телефон жирингади.

— Ал — ло!

— Салом, Замира! Бу мен — Шокиржонман! Ишим ўзгариб қолди. РАПОга ўтдим. Ўзимнинг ишим яхши эди десам ҳам кўнишмади.

— Мен ишхонангизга бораман,— деб юборди Замира. Шундай деди-ю, юраги зарб билан урди. Ҳаяжондан Шокиржоннинг «Ўзингиз биласиз» деган сўзини эшита олмади. Телефон дастагини жойига қўйишни унутиб деразага қаради. Дераза ортида киш тугаб, баҳор бошланишидан дарак берувчи лайлак қор ёғарди. Қордан кўкламнинг илиқ нафаси кегарди.

## САДОҚАТ

Исмоил Ховоснинг чекка бир қишлоғида яшайди. Касби механизатор, комбайн ҳайдайди. Бўйи узун, ясси пешона, қирра бурун, қўлоқлари олдинга ҳарвайган киши. Ватан урушида бомба тупроғи остида қолган, майиб бўлган. Асорати бор. Кўп гапни, қулгини ёқтирмайди.

Урушдан қишлоғига қайтди. Қишлоқда майда ўрилган қора сочларига попук тақиб юрадиган Робия яшарди. Уятчан, кўнгли очик Робия балоғат ёшида эди. Бўй-басти келишган, меҳнатқаш, елиб-югурувчан, бир йигитнинг хонадонини гуллатадиган киз. Исмоил шунга ўйланди. Тотли дамлар дейдими, ҳар қалай шодлик билан тўлиб-тошган кунлар...

Кўкламнинг бир илик қунида Исмоил даладан чағир кўзлари очик, ҳали юришга унча ўрганмаган малларанг кучук олиб келди. Робия ўзида йўқ хурсанд.

— Вой, мунча чиройли,— деди кучукчани бағрига босиб, бошини майин кўллари билан силарқан.— Қаранг, сиртлон экан. Орқа оёқларида сиртлон эканлигини билдирувчи белги бор.

Кучукча чағир кўзларини тез-тез очиб юмар, жони ором олганиданми, ингичка овоз билан эркаланиб, ғингширди.

— Чўпонлар унутиб қолдирганга ўхшайди. Яхшилаб қара, ўлмай қолса ҳовлининг подшоши бўлади,— деди Исмоил йўғон овозда.

— Отини Сиртлон қўямиз,— деди Робия беғубор бир завк билан.

Робия ошхонадаги ўчоқдан сал наридаги бурчакка жой қилди. Остига ярим газ эски кигизни солди. Сўнгра сўргич сўрагани қўшни-синикига чиқди. Ҳали замон қатик увитиш учун қайнатиб қўйган сигир сутидан бир шишага солиб, сўргич билан Сиртлоннинг оғзига тутди. Юмшоқ жувлари бир оз нам бўлган Сиртлон бутун танаси билан энтикиб, сутни сўради.

— Оч, экан, бечора!— деди Робия кучукнинг қора-қизғиш тум-шуғидан кўзини узмай. У дамба-дам чағир кўзларини Робияга қадаб қўярди.

— Қаранг, миннатдор бўлаяпти,— деди эрига Робия.

Робия ҳам унга сут бераётганидан мамнун эди. Сут. Дунёдаги барча неъматларнинг султони. У оламдаги ҳамма нарсадан илик ва лаззатли эканлигини кучукча сўз орқали айтолмасди.

Кунлар ўтди, сигир сути, Робиянинг меҳрибонлиги самарасини кўрсатди. Дўмбоққина Сиртлон тикилса кўзни яйратарди.

— Биров ўғирлаб кетмаса бўлгани,— деб хавотир олиб қўярди Робия. Сиртлон Робияни кўрганда эркаланар, олдинги оёқларини дам кўтариб, дам ўннга, дам сўлга ташлаб ўйнарди. Баъзан кўйлагининг этагидан тишлаб оларди. Шодлиги танасига сиғмай кетарди бундай дамда Сиртлоннинг. Шундай пайтда Робия унинг майин юнгларини ёқимли қўллари билан силарди. Сиртлоннинг назарида дунёда Робиядан меҳрибон аёл йўқ эди.

Бир кун «Тез ёрдам» машинаси Робияни туғруқхонага олиб кетди. Бу — Сиртлон учун қутилмагандаги мусибатли айрилиқ бўлди. Ҳовлида тонг отгунча зорланиш оҳангида ғингишиб, айланиб чиқди. Начора, бечора, гапиришни билганида, «Мени Робиянинг олдига олиб боринглар, мен уни янги фарзанд билан қутлай, Робия сен унинг юрагига меҳрибонлик, инсонийликнинг чўғини сол! Бу чўғ кейинчалик яшнаб, аланга олиб, одамларга тутун эмас, яхшилиқ, эзгулик нурини сочсин!»— деб айтармиди. Афсуски, у бундай деёлмайди. Тилсиз ҳайвон-да!

Робия касалхонадан чиқиб, ҳовлига кириши билан «Мени соғиндингми?» деб озиб кетган Сиртлоннинг бўйни ва белини илик қўллари билан силади. Одатда ит зоти тез эшитувчан, тез кўрувчан, бунинг устига ҳид билувчан бўлади. Робиянинг қўлларидан оламда йўқ майин, хушбўй ҳидни сездди. У шодлигидан маст эди. Робиянинг оёқлари олдига ётиб олар, яна тезда турар, атрофида гиргиттон бўтиб, парвонадек айланарди. Шу маҳал у бирдан шўхчан бир назар билан Робиянинг қўлида оқ чойшабга ўроқлик нарсага тикилиб қолди.

— Нега ҳайрон бўлдинг. Бу — чақалоқ, оти Тохиржон, ҳали



бирга ўйнайсизлар,— деди Робия гўё Сиртлоннинг кўнглидагини билгандай.

Бир кун тонгда Робия қўшни колхозга турмушга чиққан синглисини кўргани кетди. Сиртлон яна безовта, ҳовлини бошига кўтариб гингшийди. Бу ҳол бир оз бўлса-да Исмоилнинг гашини келтирди. Қаердандир эски, улама занжир топди. Сиртлонни пахса деворнинг остига бўйнидан боғлаб қўйди. «Нима ўзи бу, мунча совуқ, мунча оғир» — аччиқ изтироб билан ўйлади ҳаётида биринчи бор занжирга боғланган Сиртлон. У бундай мудҳиш нарсадан халос бўлиш учун бор кучи билан орқага тисарилиб кўрди. Бошимдан ситилиб чиқса керак деб ўйлаган эди. Лекин кутганидай бўлмади. Нима бўлса ҳам у бу балодан қутилиши керак. Шу ҳаёл билан ўнг ва чап томонларга бор кучи билан ташланиб кўрди. Бўйни иссиқ темирга бошилгандай ачишди. Оҳ, ҳовлида озод, эркин юришга нима етсин.

Осмонга оппоқ хандалакдай ой чикди. У ҳамон бир газ ерда занжирдан қутилолмай бағри қон. Ҳали котиб, ўткирлашмаган тирноқлари билан ерни тирмаларди. Нега Робия уни яна ташлаб кетди? Ўз майлича ҳовлида юриш қанчалик завқли эди-я. Тақдирга тан бериш керакмикан? У боши оғриб, бутун вужуди чўғдай қизиб ётиб қолди.

Робия синглисиникидан қайтганда Сиртлонни занжирда кўриб кўнгли ачишди. Робия уни занжирдан озод қилганда чеккан азобларини унутиб, ҳовли бўйлаб чопиб кетди. Оҳ, озод бўлиш қанчалик соз. Робиядай оккўнги аёлнинг дунёда борлиги ундан ҳам гўзал.

Сиртлон бир ёшдан ошганда ҳовлининг содиқ соқчисига айланди. Ҳовлига бегона мол, товук, мушук, дайди итлар келиб қолгудай бўлса, Сиртлон уларни бу ерга иккинчи марта қайтиб келмайдиган қилиб ҳайдаб юборади. Бундай пайтларда у ғазабга тўлиб кетади. Келгиндилар ҳовлидан узоклашиб кетгач, Сиртлон Робиянинг олдига келади, бўйнини пастга экканича думини ўйнатиб, унинг эркалашини кутади. Робия бундай дамларда уни эътиборсиз қолдирмайди.

Ёзнинг ойдин бир туни. Исмоилнинг ҳовлисидаги супа устига янги поёндозлар солинган. Амакилари билан бирга уларнинг студент ўғиллари келишган. Улар бахмал болишларга ёнбошлаганча чой ичишиб, узок маҳал гаплашишди. Бу гапларни сал нарироқда пастги жағини олдинги оёқлари устига қўйиб ётган Сиртлон қимирламай тинглаб ётди. Улар гап орасида итга қараб-қараб қўйишарди. Айниқса, икки студент ит ҳақида қизиқ гапларни айтди. Улар айиқ билан олишган, Ватан уруши даврида белига мина боғлаб, душман танкаси остига кирган, мина излаган, ярадорларни жанг майдонидан, ёнғин орасидан олиб чиққан, Сибирда чана тортган итлар тўғрисида гапирганда Робия ҳам, Исмоил ҳам Сиртлондан мамнун эканликларини айтдилар.

Эртаси қотган нонларни олдига ташлаётганда Сиртлон Жумагулнинг оёғидан қопди. Тўртта тиши ботган жойдан озгина қизғиш-қора қон сизиб чиқди.

— Бу лаънати кутурган, ҳа, кутурган,— фарёд солди Жумагул.

Бундан огоҳ бўлган Исмоил уйдан қушоғиз ов милтиғини олиб чиқди. Бу орада ҳовлини тўрт йил кўриклаган Сиртлон шу хизматлари эвазига Исмоилдан бирор марҳамат умид қилиш ўрнига гуноҳкор ўғридай орқасига қарамай кетиб борарди. У ҳовлидан уч юз метрча узоқлашганди. Исмоил афсус ва ғазаб билан кетма-кет ўқ узди. Лекин ўқ «ҳовлининг подшоҳи» Сиртлонга тегмади.

— Қайтиб келса, тирик қўймайман,— деди Исмоил кечикиб ўқ узганлигидан хижолат бўлиб.

Сиртлон қабристон томон элтадиган йўлга қайрилайётганда ҳовлига охириги марта бурилиб қаради. Балки бу ҳовлига энди қайтиб келмаслиги учун шундай қилгандир.

Орадан уч кун ўтганда қабристон қоровули Тоштемир Сиртлонни Робиянинг қабрига бош қўйганча ўлиб ётганини кўрди. Менинг эса шу воқеадан кейин ит бўрининг аждоди деган гапга ишонгим келмай қолганди.

## И Ғ В О Ғ А Р

Одатдагидай тонгда ишга келдим. Кўринишдан ориқ, узун бўйли бир ўқитувчи менга тортиниб салом берди. Унинг овози заиф эди.

— Соғлиқларингиз яхшими?

— Раҳмат!— у бу сўзни истар-истамас айтди. Мен уни хонага бошлаб киргач, илтифот билан «хизмат» дедим.

— Одамни чаён чақса захрини дори қайтарармиш. Тухмат балосига учраганга дори-дармон топилармикан?

У мен яхши биладиган бир ифвогарнинг номини тилга олиб, «Бу Тангрикул дегани жонимга тегди»,— деди. Сўнг асабий ҳолатда терлаган пешонасини «уҳ» тортиб артди.

— Тангрикул ҳақида ўзингиз билган ва мен ҳозир сизга сўзлаб берадиган гапларни қўшиб бирор нарса ёзинг, ўқиб зора инсофга келиб қолса!

Шу гап сабаб бўлди-ю, Тангрикул ҳақида ушбуларни қоғозга туширдим.

Мен Тангрикулни яхши биламан. Ўрта бўйли, қотмадан келган, уйқусизликдан кўзлари қизариб, қовоғи шишиб юради. Ҳа, чиндан ҳам у уйқусизликдан ана шундай ҳолатга тушиб қолган. Хўш, нега у уйқусизлик деб аталмиш бедаво бир дардга йўлиқиб қолди дерсиз? Бу ҳол бирданига содир бўлган эмас. Бу узоқ вақт «топарманми бирор омонлик» деб бировга ёмонлик соғиниб юриш ҳиссидан келиб чиққан «хислатдир». Бу «хислат» касаллик деган иллатга айлангач, уни гирибонидан ғиппа бўға бошлайди. Аламидан уйқу дориси ҳам ичиб кўрди. Дори қор қилмади. «Нега ухлай олмайман, дейди ўзига-ўзи. Кўрпам типратикон игналаридан қилинганга ўхшайди-я. Тавба, энди нима қиламан! Ҳадемай тонг отади. Ҳамма

Меҳмонлар супага солинган жойда ухладилар. Сиртлон уларнинг уйқуси тинч, осуда, кўнгилли ва роҳатбахш бўлсин деган

ниятда тонга қадар ҳовлини сергаклик билан кўриқлаб чиқди.

— Робия, ақлли ит ўстирганинг учун сенга раҳмат,— дея сўзида давом этди миннатдорчилик билан кўшниси Кундузой.— Сиртлоннинг бўлмаганда қизимдан айрилиб қолардим. Томорқа бошидаги арик сувига тушиб нақ чўкаётганда Сиртлон кўйлагидан кўтариб сувдан олиб чиқибди.

Кўшнисининг гапидан Робия шодланди, юзларига мамнунлик табассуми югурди. Сиртлоннинг фақат зийраклигидан эмас, ақлли эканлигидан кўнгли севинчга тўлди. «Студентлар гапирган яхши итларга ўхшайди»,— деди ичида Робия.

Чиндан ҳам Сиртлон зийрак эди. У зайракликда лайча, този ва исковуч итлардан қолишмасди. Ундаги юз тузилишининг узунлиги шотланд овчаркасиникидай чиройли эди.

Кейинчалик Исмоил оиласида мусибат рўй берди. Робия тоғ пиёзи тергани чикиб, қоядан йиқилди. Бош суяги қаттиқ жароҳатлангани учун операциядан соғ чиқмади.

Қишлоқ аҳли ҳовлига йиғилди. Ҳамманинг юзида қайғу, ҳасрат ифодаси. Одамларнинг орасида Робия кўринмасди. Нега у йўқ? Бу сирга тушунмай, Сиртлон хайрон эди. Шунда одамлар бошларини ҳам қилиб ичкарига бирин-сирин кириб чиқишарди. Сиртлон ҳам Робиядан огоҳ бўлиш мақсадида ичкари кирмокчи бўлди. Лекин йўлакдаги одамлар уни ичкарига қўйишмади.

Робиянинг тобути ташқарига олиб чиқилди ва йўнғичкаси урилган бедазорга бир пастга қўйилди. Сиртлон унинг ўлганлигини шунда сизди. Одамлар орасидан сездирмай ўтиб, тобут ёнига борди. Робияни кўрди. Тобутга ўзини ташламокчи бўлди. Лекин одамлар уни ҳайдаб қолди. Аммо унинг чағир кўзлари аччиқ ёшга тўлган эди. У ўз дардини шу кўз ёшлари орқали изҳор этарди. Одамлар расм-русумни бажо келтирганларидан кейин тобутни елкаларида тутиб қабристонга йўл олдилар. Сиртлон ҳам улар ортидан қабристонга борди. Робиянинг қабрга қўйиб қайтганларида Сиртлон ички изтироб билан ингради. Бу: «Тинч ёт Робия, мен сендан розиман! Тирик эканман сенинг меҳрибончилигингни унутмайман!»— дегани эди.

Пешиндан кейин ҳовлида одамлар сийраклашди. Сиртлонга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳовлининг бурчагидаги девор остига бориб, ёлғиз ётди. Аслида у ҳаммадан кўп қайғу-алам тортарди. У дунёдаги энг яқин, меҳрибон кишисидан айрилган эди.

Робиянинг қирқи ўтгандан кейин Исмоил Жумагул исмли бир кўзи пуч кўр аёлга уйланди. У доимо хафа бўлиб, оламда кўнглига ҳеч нарса ёқмаган одамдай шумшайиб ковоғини солиб юрарди. Жумагул Исмоил хонадонига келган куниёқ эшик олдида мунғайиб турган Сиртлонни «Нари тур, текинхўр!» деб тепмокчи бўлди. Робиянинг вафотидан кейин озиб-тўзиб кетган, қовурғалари саналиб, кўзлари киртайиб қолган Сиртлон хафа бўлиб, бошини қуйи солганча индамай нари кетди. Шу топда Робия бўлганда эркалаб, кўнглини кўтармасиди?

одамлар уйку лаззатидан роҳатланиб, ишга йўл оладилар. Мен-чи, мен кўзимга кум қўйилгандай сархуш бўлиб юраман. Атроф ҳам, йўқ

тўрт томон ҳам кум ва тўзон ичида қолгандай туюлади менга».

Шуларни ўйлаган Тангрикул қоп-қоранғу шифтга бақрайган кўзларини тикди. Лекин, шифтда ҳеч нарсани кўрмади. Аммо буни қарангки, шу лаҳзада шифтдан бир овоз чиққандай бўлди. «Биласанми, буюк Шекспир уйқу табиатнинг бебаҳо лаззати, деб айтган. Сен эса ана шу лаззатдан бебахра одамсан. Нега бундай бўлди? Нега уйқусизлик дарди сени қурт бўлиб кемирмоқда? Аниқ жавоб бераоласанми? Йўқ, бунга аниқ жавоб бергинг келмайди. Бу саволга мен жавоб беришим мумкин. Сен ўзингни ноҳақ бўҳтонларнинг, тухматларнинг, иғволарнинг билан бир қанча ростгўй, ишбилармон, самимий, дилқаш одамларнинг уйқусини буздинг. Оқибатда ўзинг шу касалликнинг заҳарли қармоғига илиндинг. Ҳаммасини ўзингдан кўр. Чунки бу дардни сенга биров елим билан ёпиштирган эмас. Яхши бўлсанг ейсан ошингни, ёмон бўлсанг ейсан бошингни, деган гап бор-ку, ахир. Бу касалликни тезда олдини олишинг керак. Агар сен мени тўғри тушунсанг унинг яхши давоси бор. Бу ҳам бўлса одамларга яхшилик қилиш, уларга самимий ҳурматда бўлиш туйғусидир. Шундай қилмасанг, бу дард бир кун оёғингни ердан узиб, танангга илоннинг пўстидан кафан ёпади».

Бу сўзлар зулматдай қоранғу уйда янада даҳшатли эшитилди. Шундан кейин унинг яна уйқуси қочиб кетди. «Нима қилсам экан?— ўйлади у. — Ўзямни дарахтга оссаммикан, ёки сувга чўктирсаммикан?»

Шунда тўрт томондаги деворлардан ўкирикка ўхшаган акс-садо келди: «Сенга бир маслаҳат бор. Кимки бировга гўр қазиса, унга аввал ўзи тушади, деган гапни эшитганмисан. Агар эшитган бўлсанг, сен ўзгаларга тухмат гўрини қазима, шунда уйқусизлик дардидан қутилиб, соғайиб кетишинг мумкин».

— Энди ўзгалар устидан бўҳтонлар ёзмаганим бўлсин, — деди у ўзига-ўзи инграган оҳангда.

Шундай қилиб десангиз, у тонг отгунча ухлай олмади. Эрталаб уни замбилда кўтариб чиқдилар-да, «Тез ёрдам» машинасига солишди. Машина касалхона томон шамолдай учиб кетди.

Хўш, кейин нима бўлди дерсиз? Ҳали у шифохонадан тўла даволаниб чиққанича йўқ. Ётган жойида даволовчи врачга илон бўлиб заҳар сочса, ҳамширани чаён бўлиб чақаяпти.

Тангрикул районимиздаги бир мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Тангрикулнинг яхшиликни кўролмаслик касаллиги кечагина пайдо бўлган эмас. У педагогика институтини битириб мактабга келгач, оддий ўқитувчи бўлиб ишлашни истамади. Бу даргоҳда энг билағони менман, миямда билим булоғи биқир-биқир қайнаб ётибди, шундай экан, директорлик лавозими анови ўрта бўйли кишига эмас, менга ярашади, деб ўйлади. Амалга интилиш, амалпырастлик касали Тангрикулни юрса ўтказмай, ўтирса турғизмай қўйди. Ниҳоят қўлига қоғоз ва қалам олди. Директорнинг устига иғво ўқларини ёғдира бошлади. Етуклик гувоҳномасига баҳони ошириб қўйган, хотинини мактабга ишга жойлаштирган, фаррошларнинг ойлигидан 5 сўмдан

ушлаб қолган, ремонтга келтирилган пахта, шифер, бўёқларни уйига ташиб кетган қабиладаги бўхтонлар битилган имзосиз хатлар юқори ташкилотларга жўнатилди.

Текшир-текшир бошланди. Бировнинг азоб чекишидан ўзи завқ оладиган Тангриқул бир чеккада бош бармоғини тишлаб, айёрона бир киефада жилмайиб турди. Текшириш натижалари шунга олиб келдики, отилган тухмат тошлари нишонга бориб тегмади. Директор директорлик эгаридан учиб кетмади. У қайта ўрнида қолди. «Ит хуради, карвон ўтади», деди текширишга келганлардан бири асабий ҳолатда, тухмат азобини биринчи бор бошидан кечириб, азоб тортаётган директорга тасалли берган оҳангда.

Тухматчи шу куни уйига калтак еган одамдай шалвираб қайтди. Хотинига, болаларига, ота-онасига қайрилиб ҳам қарамади. Физиклар тили билан айтганда, у катта босим зарбидан пружинада қисилган эди. Азоб ва ҳасратларга тўлган кўнглини озгина бўлсада ёзиш мақсадида бошини совуқ сув билан ювди. Бари бир кўнгли таскин топмади. Бошини икки чаккаси бурама миҳ қоқилгандай оғрирди.

Ниҳоят кеч кирди. У чўғ босиб олган товукдай безовта бўла бошлади. Чунки, у кеч киришдан кўрқарди. Нега дейсизми? Уйқусизлик азоби уни кеч кирган пайтда ана шундай кўрқув ҳолатига солиб кўярди. Ана шундай пайтлардан бошлаб уйқусизлик касали унинг қалбида, юрагининг мушакларида томир ўза бошлади.

Эртаси у мактаб илмий бўлим мудирини устидан тухмат хати ёзди. Хатда илмий бўлим мудирини юқори синф ўқувчиларига уларни ўзи томонга оғдириб олишдек маккорона кўз билан қарайди, деб ёзди.

Текширишда бу хат ҳам тасдиқлабмади. Гап хатнинг тасдиқланмаганлигида ҳам эмас, гап бу ерда қанча юракларнинг ўринсиз азоблангани ҳақидадир. Айниқса, биз учун энг қимматли бўлган вақтнинг самарасиз кетганлигини айтмайсизми?

Мактаб ўқитувчилари орасида текшириш якунига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Текширишга келганлардан бири: «Ўқитувчи энг яхши инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган киши бўлмоғи лозим. У маънавий жиҳатдан гўзал, ахлокий жиҳатдан пок бўлиши билан ҳам ёшларнинг ва ота-оналарнинг хурмат-эътиборини қозонишга лойиқдир. У мактабнинг уриб турган юрагидир. Шунинг учун ёшлар тарбияси унга ишониб топширилган», — дея яқунлади ўз нуқтини. Бу гаплар ифвогарга таъсир қилмади. Чунки тухматни уйлашга ўрганиб қолган Тангриқулнинг яхши гапларни эшитишга унчалик тоқати йўқ эди. Энди у директор ва бўлим мудирини бир томонга суриб қўйиб, бутун коллективга ифво найзасини санчишга ўтди. Лекин унинг заҳарли найзаси коллектив деб аталган мустаҳкам қалқонни тешиб ўта олармиди? Йўқ!

Шундан кейин нима бўлди дерсиз азиз ўқувчи? Бунинг натижаси юқоридан сизга аён. У ҳозир шифохонада шифтга термилиб ётибди.

Киличдан, найзадан тухмат ёмон, дейдилар. Тухматчи ва ифвогарлиги уни жонажон коллективдан, камтарин, ҳар сўзини етти

ўйлаб, бир гапирадиган директордан, ёшларни кўзимнинг қорачиг-лари деб атайдиган илмий мудирдан ажратиб касалхонага олиб келди.

Нима бўлганда ҳам у тезда соғайиб кетсин.

Ҳа, у тезда шифо топсин. Бўлмаса, даволовчи врачлар устидан иғво ёзиши мумкин. Мактаб коллективи бошига тушган текшир-текшир ишлари шифохонадагиларнинг ҳам бошига тушмасин.

## ХИЖОЛАТПАЗЛИК

Қишлоқдаги бир танишим «Бизни бир бора йўқлаб келмадин-гизда» деб, гинахонлик қиларди. Тасодифни қарангки, бир куни у яшайдиган қишлоққа бориб қолдим. Мени қишлоқ клуби олдида кўргач «Бир пиёла чай ичиб кетасиз, йўкса хафа бўламан», дея оёғини тираб олди. Мени менсимай, назарига илмади, деган хаёлга бормасин деган хаёлда уйига боришга розилик бердим. Уйига келиб ўтирганимда дастурхон ёзди. Одатга кўра олдин нон-чай олиб келса керак, деган уйга бордим. Кўпинча ўйлаганингни тескариси бўли-шини хаёлга келтирмабман. Танишим нон-чайдан олдин дастур-хонга икки шиша ароқ олиб келиб қўйди. «Меҳмон отангдан улуг, деганлар. Бугун азиз меҳмонимиз бўласиз. Мана шу шишаларда «миштираб» турган «бўтакўзни» тинчитамиз. Биласизми, туя сўйсақ ҳам келмайсиз. Ўз оёғингиз билан келиб қолганингиздан мамнун-ман. Мамнунлигимиз янада ошиб шодликка айлансин десангиз, бугунги вақтингизни бизга бағишлайсиз», деди лаби-лабига тегмай.

Мен масаланинг моҳиятига тушиниб безовталандим. Хиждолат-пазликдан бошим айланиб, кўзим тина бошлади. Ичмайдиган одамларга ичишни таклиф этганларида ана шундай нохуш ҳолатга тушсалар керак. Танишим мендаги хиждолатпазликни сезиб, сезмас-ликка олди.

— Мен ичолмайман! Бир оз вақтдан кейин мактабга — ота-она-лар мажлисига бораман,— дея муддаомни айтдим.

— Йўқ, раъиймни қайтарманг, хафа бўламан. Залнинг охи-роғига бориб ўтирасиз. Мажлисда маъруза қилувчи келиб оғзин-гизни ҳидлаб кўрмайди. Шундай бўлгач, келинг, олайлик!— деди кўзларини лўқ қилиб.

Чиндан ҳам у менинг ичишимни истарди. Гуёки мен ичсам у мамнун бўларди. Унинг мамнун бўлиши учун мен ўзимни заҳарлашим лозим эди. Масала ўзимни заҳарлаш билан ниҳоя-сига етса майли эди-я. Мактабдаги йиғилишга қандай юз билан боришим танишимни қизиқтирмасди. Шу боис, Эрон гиламлари осилган катта хона менга торлик қила бошлади. Шунданми, нафас-им қисилди. Хонадан ташқари чиқмасам, тарс ёрилиб кетадиганга ўхшардим. Шу пайт у иккита бўзранг пиёлага култуллашиб ароқ қўйди-да, пиёланинг бирини менга узатди. Мен ичмаслигим қатъий эканлигини унга уқдиришга юз чандон ҳаракат қилдим. Лекин у буни инобатга олмасди. Пиёлани ўлидан олиб, дастурхонга қўйдиму-у, ташқари чиқдим. «Яхши килмадингиз!»— деди ортимдан

чикиб. Гапани жавобсиз қолдирдим. Ўжарларга гапиргандан гапирмаган маъкул. Гапирсангиз ғайратланиб, кучга тўлаверади. Нима бўлганда ҳам мен унинг ихтиёрига берилишим мумкин эмасди. Шу сабабли унинг ранжишидан изтиробга тушмай келган томонга кетдим.

Оққўнгилли кишиларга ўз таъсирини ўтказиб, ичкизиб юборувчилар баъзан учраб туради-да. Бундайлар «кўрдингизми, фалончига ичкизиб юбордим»,— деб мақтаниб ҳам юрадилар. Хўш, улар сизу бизга яхшиликни раво кўрадиган одамларми? Асло! Бундайлар яхшилик қилаяпман деб, танишларини ҳалокат жарига итариб юборадилар.

## Х А Б А Р Ч И

Бир кишлоқдаги танишим олий ўқув юртини битирган ўғлини уйлантирмоқчи эканлигини айтиб, тўйга таклиф этди. «Жўра, Хўжанд шаҳрида дўстларим бор. Уларни шахсан ўзим бориб тўйга таклиф этмасам бўлмайди»,— деб мендан маслаҳат сўраган бўлди. «Ўзингиз бориб таклиф этсангиз, албатта яхши бўлади»,— дедим.

Шундан кейин у Хўжандга бориб дўстларини ёшларнинг бўлажак тўйига таклиф этади. Дўстлари унга тўйга албатта бора-жақларини айтадилар. Бундан хурсанд бўлган ҳалиги киши ресторанга киради. Аввал юз грамм ичади. Кейин кўнгли яна юз граммни тусайди. Яна ичади. Кейин хушёрхонада бир ҳафта тунаб қолади.

Бу орада таклиф қилинган дўстлар тўйга келиб кетишади. Тўй ўтиб бўлгандан кейин хабарчи уйига қайтиб келади. Қўни-кўшни, ёри-биродарлар «Қаерларда юривдингиз»,— деб сўрашади. Шунда у уялганидан бошини ҳам қилиб индамайди. Қандай қилиб гапирсин. Дарди ичида. Тили гапга қандай айланади? Томирини қўйдирган ароқ унинг қаддини ҳам букиб қўйди. Қалбидаги барча эзгу ниятлар уни тарк этиб, узоқ-узоқларга учиб кетган қушларга ўхшарди.

## ОНА-БУЮК ҚУЁШ

Бир танишим Тошкентдаги политехника институтини битиргач, шаҳардаги бир заводда инженер бўлиб ишда қолди. Кўп ўтмай уч хонали квартира олиб, бир иқтисодчи қизга уйланди. Онаси шаҳардан йигирма чақирим наридаги кишлоқда турарди. Онани қуёшга қиёс этамиз. Она ҳам, қуёш ҳам саховатли. Қуёш она заминдаги одамларга бебаҳо зиёсини аямай сочади. Она ҳам ўз фарзандига покиза меҳрини бахшида этади. Фарзанд учун ҳар қандай мушкулликларга, жафоларга қарши туради. Ана шундай оналардан бири шаҳардаги инженер ўғлига ҳар тонгда сирли, зангори бетончаларда сут-қатиқ олиб келади. Тонгдай оппоқ ният билан йигирма чақирим йўлни эрта тонг шабадасида босиб ўтади.

Келиб, дермантин қопланган эшикдаги оқ тугмачани секин босади. Кўнгирак жиринглайди. Ичкаридан келиннинг тикондай ўткир овози эшитилади: «Ким у, сахар мардонда бизни безовта қилган?» — дея эшикни очишга интилади. «Мен, Норинисоман! Сут-қатик олиб келгандим», — дейди она синик овозда. Она юз ва кўзларида бегоналик ҳисси шундай билиниб турган келиннинг башарасига қарамай сут-қатик сфлянган зангори бетончаларни аста ерга қўяди. «Ўғлим Мардонкул яхшими? Уйда бўлса айтинг, бир кўриб кетай», — дейди она келиннинг қахрабо юзларидан кўзларини олиб қочиб. «Ўғлингиз меҳмондорчиликдан кеч қайтди. Меъеридан ортиқ ичганга ўхшайди, ҳали ухлаб ётибди. Уйғотсам хафа бўлади», — дея жавоб қилади келин.

Фарзанд ташвишида сочлари қордай оқарган она ўз ўғлини кўролмай, остонадан ортига қайтади. Бундай ҳол кўп марта такрорланади. Она сут-қатик бахонасида бемехр фарзандини кўриб кетмоқчи бўлади. Она келганда фарзанди ухлаб ётган, ёки уйга келмаган бўлади. Кўп ўтмай она оламдан кўз юмади. Мардонкул онасини гўрга кўмиб бўлганларидан кейин етиб боради. Тунда ичган ароғи уни тушгача михлаб қўйган эди. Энди Мардонкулга тонгда ҳеч ким сут-қатик олиб келмайди. Лекин Мардонкул сирли, зангори бетончаларда сут-қатик келишини зориқиб кутади.

Биз кўпинча оналар қадрига улар оламдан ўтганларидан кейин етамиз. Мардонкул дўстлари билан машат қилишга доимо вақт топади. Аммо оқ сўтига қўшиб оппоқ меҳрини баҳшида этган онасини бориб кўришга вақт тополмади. Онанинг юз ва кўзларидаги бебаҳо меҳрни, чексиз садоқатни бадмастлар, айниқса, ўз вақтида пайқамайди. Қуёш терак бўйи кўтарилганча ухлайдиган бадмаст фарзанд улуғ онанинг дилидаги ёрқин меҳрни ўз пайтида англамади. Энди у онасининг қабрига мрамртош қўймоқчи. Хўш, тош қўйилгандан кейин қандай ўзгариш рўй беради? Қадди дол бўлиб кетган она бундан қандай наф кўради? Совуқ мрамртош онанинг юрагига ўғли беролмаган иссиқ меҳрни бероладими? Афсуски, йўқ.

## БАХШИ ШОИР

Тун алламаҳал бўлган. Тун маликаси — ой заиф нур сочади. Шунда уч ўртоқ Сирдарё соҳили ёқалаб ширакайф ҳолда келарди. Улар тўйдан чиқишганди. Охирги шиша ичиб бўлингандан кейин улар ўринлариндан кўзгаллишган эди. Шу дарё соҳилидаги қишлоқларнинг бирида дўмбира оркали халқ дostonларини куйловчи бахши шоир яшарди. Ширакайф йигитлардан бирининг нигоҳи ана шу бахши-шоир яшайдиган уйга тушади. «Ана бахши шоирнинг уйи. Юринглар, уйига борамиз. «Алпомиш» дostonини айттирамиз», — деди учовлоннинг бири бахши шоирнинг уйини кўрсатиб. «Вақт бемаҳал бўлди. Бахши шоиринг ухлаб ётгандир», — деди учовлоннинг бири. «Ухласа ухлар. Уйғотиб айттирамиз», — деди яна бири.

Хуллас, учовлон бемаҳалда бахши шоирнинг эшигини тақил-



латишди. Ороми бузилган бахши шоир хижолат бўлиб эшикни очди. Эшик олдидаги йигитлар оёқларида аранг туришарди.

— «Алпомиш»ни куйлаб берасиз,— деди улардан бири.

— Шу бемаҳалда-я! Ахир, болалар ухлашаяпти. Эрта тонгда мактабга боришади. Ҳозир дoston оҳангидан уйғониб кетишса, эртаси дарсда кун буйи мудраб ўтиришади. Уйқусираб ўтиргандан кейин муаллимнинг сўзлари миясига жо бўлмайди. «Алпомиш»ни бошка сафар келганларингиздан кейин айтиб бераман, хозир фурсати эмас.

Меъёридан ортиқ қистов одамни қийноққа солади. Мастлар куйлаб берасиз, деб қатъий туриб олишди. Улар билан ади-бади айтиб ўтириш фойдасиз эканлигини сезган бахши шоир дўмбирани олиб, паст овозда дostonдан бир парча куйлади. «От чопса гумбирлар тоғнинг дараси...» «Йўқ, бу бизни қаноатлантирмади», деб туриб олишди яна улар.

Шу чоқ бахши шоир дарё бўйига қараб кетди. Болалар уйғониб кетмасин деган мақсадда у дарё бўйига ўтириб олиб куйламоқчи эди. Мастларнинг бири йўлда: «Дарё бўйига биз бормаймиз, борсак дарёга чўкиб кетишимиз мумкин», деди шерикларига. Бундан ҳушёр тортган мастлар уйлари томонга қараб кетишди.

## ЗИННАТ МОМО

Зиннат момо етмиш ёшда. У ўтган бу етмиш баҳорда не-не ташвишларни кўрмади дейсиз! Ўғли Таваккалнинг чилласи чикмай умр йўлдоши Нурмат нон топиш дардида Бухорога кетди. Бухорода икки-уч ой ишлагач, ортига — кишлоғи Оққўрғонга қайтди. Ховос станциясига етганида ўғрилар топган-тутганини шилиб олишди. Уйга қуруқ борсам уят бўлади, деб кўтонга ўғриликка тушди. Чўпон ити сезгир экан, пайқаб қолди. Ур-урлашиб келган чўпонлардан бирининг қоронғида серпаган таёғи нақд бошига тегди. Гангид йиқилгач, уларнинг раҳми келибдими, бошини каштали белбоғ билан бойлаб, айрон билан сийлади. Тонгда йўлга кузатиб қўйишди.

Не аҳволда уйга келиб, икки-уч кун тин олгандан кейин йилқи учган чўққининг нариги томонига бориб, буғдой совурилган хирмоннинг қолдиғидан бир-икки гўжа ошлик дон йиғиб келаман деб, йўлга чиқди. Мадори қуриган бўлса керак, чўққига чиққанда оёғи қалтираб, тошдан тойиб кетди. Бир-бирига урилган тошлар дарани замбарак ўқидай қўрқинчли ларзага солиб юборди. Юмалаган тошлар орасида Нурмат ҳам бор эди. Тилка-пора бўлган жасадни тош орасидан олдилар. Йиғи-сиғи аралаш гўрга кўмдилар. Шундай қилиб Таваккал отасиз қолди.

Кейинчалик колхоз фермасида сигир соғувчи бўлиб ишлаган Зиннат момо Таваккални оёққа турғазди. «Эр йигит — эл қалъаси» дегандай Таваккал бақувват, эр йигит бўлди. 1941 йилда бошланган урушга Таваккал ҳам йўл олди. Зиннат момо ёлғиз қолди. Очлик ҳар бир хонадонда оч бўридай увларди. Зиннат момо кўпинча тенгдоши Ҳосиятникига келиб, эринмай алламаҳалгача гаплашиб

ўтирарди. Хосият ўн ёшли ўгли билан қолган. Эри жангда. Хосият тушлик ва кечки овқатини Зиннат момодан қизганмасди. Балки шу ҳол Зиннат момони бу хонадонга чорлагандир. Ёки Хосиятнинг очиккўнгил ва илтифотли эканлиги унга ёқиб қолгандир.

Кунлардан бир кун Хосиятнинг қопида ун қолмади. Авваллари у ундан чиққан кепакларни молга бермай, алоҳида бир қопга солиб кўярди. У шу кепакни қайта элаб, бир зувала ҳамирлик ун йиғди. Зиннат момо бўлса Хосиятнинг дастурхонга нон олиб келишини кутиб ўтирарди. У бугун очликнинг аламли азобини тортаётгандай эди. Ҳар қалай ўгли Таваккал ёнида бўлганида бунчалик қийналмасмиди. Ахир қиличнинг дамини қайтарадиган йигит-ку, еларди, югурарди, онани туйғизадиган нон топарди.

Шуларни ўйлаган Зиннат момо ошхона томонга чўчиб, тортингандай қараб кўярди. Хосият бўлса, ўчок бошида узоқ ҳаяллаб қолганди. Шу куни Хосият ёш боланинг юзича келадиغان иккита кулча пиширди. Иккала кулчани ҳам дастурхонга олиб келиб кўйганда Зиннат момонинг юз-кўзларида шукроналикка монанд бўлган умид учқунлари порлади. Энди Хосият бу кулчаларни ушатади, сўнг аввалги кунлардагидай: «Марҳамат, нондан олинг, Зиннат момо!» дейди. Лекин у бутун кулчаларни ушатишга шошилмади. Хотиржом ўтирди дастурхон ёнига. Зиннат момога «мени кечирин!» дегандай қаради-да, кулчанинг бирини кўлига олди:

— Мана шу кулча сизга,— деди.

— Раҳмат қизим,— дея ориқ кўлларини узатди Зиннат момо.

— Охирги унимиздан пиширилган кулча — бу!

— Унинг тугадими, қизим?

— ...

Хосият қопдаги кепакни қайта элаб, кулча пиширганлигини Зиннат момога айтмади.

Иссиқ кулчани бағрига босиб олган Зиннат момо уни дастурхонга қайта қўйишини ҳам ёки ушатиб ейишини ҳам билмас эди.

— Кулчани уйингизга олиб бориб енг,— деди Хосият.

— Майли кизим,— деб ўрнидан кўзгалди Зиннат момо. У кулчани бағрига босганча уйи томон кетди. Хосият унинг ортидан узоқ қараб қолди: «Эртага келиб овора бўлманг, уним йўқ, нон пиширолмаيمان», деган гапни айтолмаганди Зиннат момога.

Негадир Зиннат момо Хосиятнинг уни тугаганини билгандай эртаси эрталаб келмади. Кўп ўтмай Хосиятнинг қулоғига йиғи овози эшитилди. Бу овоз Зиннат момонинг ҳовлисидан чиқарди.

## ҚИЗ БОЛАНИНГ ОЛТИ ФАРЗАНДГА ОНА БЎЛГАНИ

Муроднинг ўнг оёғи Одер дарёси бўйида қолиб кетди. Мана, у ёғоч оёқда юради. Оёғини ҳар босганида «ғичир-ғичир» деган овоз эшитилади. Бу овоз ўзгаларга тез эшитилади. Лекин Мурод бунга эътибор бермайди. Товуқ донсиз яшолмаганидек, Мурод ҳам меҳнатсиз туролмайди. Икки кўли бўш қолдими, кўзига дунё

қоронғу кўринади. Шундан бўлса керак, уйда ҳафталаб ёстикқа суяниб ётмади. Район йўл қурилиши бўлимига ишга чиқди. Асфальт текислагич машина хайдади. Урушгача трактор минган эди.

Ёғоч оёғини ҳисобга олмаганда, бу машинани бошқариш тайёр узукни бармоққа қадашдай осон иш эди.

Орадан олти йил кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Бу орада хотини Фотима уч қорин эгиз туғди. Мурод олти фарзандга ота бўлди. Фарзандларни боқиш қайғуси эмас, Фотиманинг бетоблиги уни кўпроқ қийнади. Охири фарзандлари дунёга келганда Фотима бод касалига чалиниб, кўрпа-ёстикқа михланиб қолди. На тандирда, на ўчоқда ўт ёнарди.

Мурод ишдан қайтганда дўкондан нон олиб ўтарди. Сарик-оқдан келган ўрта бўйли, хушмуомила қиз Барчиной унга илтифот билан нон тутқазарди. Мурод бўлса «Раҳмат, умрингдан барака топ!» дерди-ю, ёғоч оёғини ғирчиллатиб уйга шошарди. Барчиной унинг ортидан ғамгин қараб қоларди. Афтидан раҳми келса керак.

Барчиной Муродга ҳамқишлоқ. Муродни яхши билади. Олти фарзанди борлигидан ҳам хабардор. Хотини бўлса касал. Кўп ўтмай, Фотиманинг дарди оғирлашди. Охири оламдан кўз юмди. Мурод олти фарзанд билан қолди.

Хўш, энди у нима қилади? Олти фарзанднинг ҳам бошини силаш, ҳам эркалаш керак. Ҳам ота, ҳам она ўрнида бўлиши лозим. Қоринларини тўйғазиш масаласини айтмайсизми? Боз устига ўт билан сувнинг фарқини билмаган ёш боланинг уйда ёлғиз қолиши бўлмайди.

Дўкондан нон олган Мурод уйига шошилди. Шунда Барчинойнинг ёнида турган дугонаси Унсин: «Мурод акага ҳамманинг раҳми келади. Хотини ўлиб, олти боласи билан қолди»,— деди.

— Уйда тандирга ўт ёқадиган аёл бўлмагандан кейин эркак кишига қийин бўларкан. Ҳар куни дўконга нон олгани келади,— деди Барчиной.

Шу топда Барчинойнинг унга яна раҳми келди. Уйига борса, болаларига қараса, қандай бўлар экан? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Одамлар нима дейди?! Одамлар хотинсиз уйга қиз боши билан кириб олди, деб гапиришмайдами? Бундай сўзларни кўтариб юриш осонми? Барчиной бундай фикрни ҳеч қачон ҳаёлидан ўтказмаган эди.

Дўконни ёпиб уйга қайтди. Чой ичди. Онаси билан нари-бери гаплашди. Ётиш учун ёстикқа бош қўйди. Лекин киприкларига уйку илинмади. Хаёлида Мурод. Оёғини ғичирлатиб дўконга келгани, кейин нонни бағрига босиб уйига қайтгани кўз олдидан нари кетмасди. «Унга ёрдамлашай, болаларига нон пишириб берай» деса онам рухсат берармикан? Бундай одамга ҳиммат қўлини чўзиш, мурувват қилиш инсоний бурч эмасми, ахир»,— ўйлади Барчиной. Кейин унга хат ёзишга қарор қилди. Ўрнидан туриб хатни ёзди:

«Хурматли Мурод ака! Сиз Ватан учун жанг қилгансиз, ўлимга тик боққансиз. Ҳамқишлоқларингизни тинч, осойишта турмуш кечиришлари учун бир оёғингиздан ажралгансиз. Бугун эса сиз

олти фарзанд билан қолгансиз. Рўзғор ниши, фарзанд тарбияси, йўл қуриш ишлари сизни канчалик толиқтираётганлигини мен хис этаман. Буни сизнинг юзингизга қараб, очик айтишга тортиндим, уялдим. Шунинг учун хат оркали мурожаат қилаяпман. Олти фарзандли одамга хат ёзишга киз боланинг хамияти қандай йўл қўйди экан, деб ўйларсиз. Сизнинг аҳволингиздан хабардор бўлиш ва ундан четлаб ўтолмаслик бу хатни ёзишга даъват этди. Мен болаларингизга нон пишириб бериш мақсадида уйингизга бориб турсам, бунга нима дейсиз? Барчиной».

Эртаси Мурод ака нон олгани дўконга келганида Барчиной нонга хатни ҳам қўшиб берди.

Мурод хатни уйга келганда ўкиди. Олдинига уялди, хижолат бўлди. Кейин бир қизнинг фарзандларига муруват кўрсатишга тайёр эканлигидан мамнун бўлди. Кўзларига нур югурди.

Эртаси Барчиной Муродникига келди. Болаларининг бошини силаб эркалади. Хамир йўғирди. Тандирга ўт ёқди. Иссиқ нон пиширди.

## ОЙДИН ТУНДА

Ой ботгандан кейин ўғрилиқка бориш керак, дейди Бувсора. Аммо, ой ботмай ўғрилиқка чиқди. Сабри чидамаганидан шундай қилгандир.

Уйдан чиққач, бир оз юриб тўхтади, хавотирланди. Бувсора туғма чўлок. Ўнг томонга оксаб юради. Ўнг оёғидаги калиши ердан кўтарилганда катта ва кир товонига «шап-шап» этиб урилади. Одамлар бу — Бувсора чўлок калишининг овози эканлигини яхши билишарди. Буни Биров сезиб қолмаслиги учун калишларини ечиб, қўлига олди. Сўнг осмондаги ойга қаради. Ой «майли боравер, йўлларингни ёритиб тураман», дегандай кенг самода эркин сузарди. Бундан у ҳийла хурсанд бўлди. Бир оз ўтгач, қўнглини гашликка ўхшаш кўрқинч эгаллади.

Калишни омборхонага кўтариб бораманми? Шошганимда қолиб кетса-чи? Одамлар калишимдан таниб олишади. Ахир, менинг калишимни улар тезда билишади-ку! Чайқалиб юрганимдан оғзи тошбака инидай беўхшов бўлиб кетган.

Шу фикрларни ўйлагач, ортига қайтиб, яна тўхтади. Тўхтаганда ёқимли бир умид билан сой бўйида дўппайиб турган тарновли омборхонага қаради. «Жойидан силжигани йўк, турибди, худога шукур. Кун чиқиш томондаги катта шотут ҳам ой нурида қорайиб турибди. Борганимда олдин тутнинг тагини кўраман. Қоровул бобо ё ухлаётган, ё хуфтон номозини ўқигани уйига кетган, номозини ўқиб бўлгач, бу ерга келишга эриниб уйда ухлаб қолган бўлади»,— деб ўйлади уйи билан омборхонани тасмадай боғлаб турадиган сўқмоқда турган Бувсора чўлок.

Бувсора чўлок калишини қолдиргани уйига тез-тез юриб кетди. Уйдан чиққанда ўғли Эргашнинг уйғониб қолишини ўйламаган экан. Ишқилиб, уйғонмасин. Уйғонса ўғирликка борганини қўй

боқиб юрган отасига айтиб беради. Жаҳлдор ота аяб ўтирмайди. Номус ўлимдан қаттиқ дейди-ю, Бувсора чўлокни уриб, сувга солинган нондай шишириб юборади.

Калишларини уйининг олдидаги супа устига қўйди-ю, ортига тез қайтди.

Йўл-йўлакай бораётганида қўлтиғидаги бўз халтани бир-икки ушлаб қўйди. «Гўлса, ўн кило буғдой нақд деяверинг» деди ичида ўзига-ўзи.

Омбор ёнига келганда биров кўриб қолмадимикин деган ҳадик билан ортига бир қараб қўйди. Осмондаги латиф ой олтин киприкдай нурларини ҳамон кенг дара қўйнидаги кишлоққа сочарди. Бувсора чўлок ўнг томонга қийшайиб оёқ босганча, омборхона олдига ўтди. Тутнинг остига эҳтиёткорлик билан тикилди. Омадни қарангки, Олим қоровул йўк. Демак, уйига кетган.

Бувсора чўлок омборхонани шамоллатиб турадиган туйнукларга қаради. Учала туйнук ҳам қорайиб турибди. «Ўртадаги туйнукдан кираман» хаёлидан ўтказди у. Аммо бўйи етмади. Оёқ остига уч-тўртта ғишт топиши керак. Омборхона атрофидан ғишлар топилди. У туйнукка қўли етгач, аввал халтани омборхона ичига отди, кейин ўзи ичкарига тушди. Бир оз қизиган буғдойнинг хиди димоғига урилди. «Мана буғдой, истаганинингча ол, фақат сезиб қолишмаса бўлгани»,— деб ўйлади Бувсора чўлок. Халтага буғдойни тез-тез сола бошлади. Бояги ҳидни энди сезмасди. Халта жавдари буғдойга тўлди. Энди туйнукдан ошиб тушса бўлди. Олдин халтани туйнукдан ташлаб юборди. Кейин ўзи тушди. Оёқ остидаги ғишларни олган жойига элтиб қўйди. Кейин халтани ўнг елкасига олиб, уйи томон равона бўлди. Бекназарнинг олапари узук-юлук увлади. Шундан кўрқиб, тўхтади. Кўкрагини очиб, шоша-пиша қўйлагининг ичига туфлади: «Худо паноҳингда ўзинг асра!» Сўнг юришда давом этди. Осмондаги латиф ой олтин киприкдай нурларини ҳамон кенг дара қўйнидаги кишлоққа сочарди.

Бувсора чўлок уйига келгач, халтадаги буғдойни сандиққа жойлади. Хайрият, ҳеч ким сезиб қолмабди, деган фикр парвонадай чарх урарди хаёлида. Шунинг учун бўлса керак, анча маҳалгача хаяжондан кўзларига уйқу илинмади. Тонгга яқин ухлаб қолди.

Уйғонгач, бу оқшом ҳам ўғрилиққа бораман деган ўй танаси бўйлаб томир отди.

Ой яна кўк минбарига чиқди. Бувсора чўлок омборхона олдига келгач, шотутнинг остига қаради. Бахтига Олим қоровул бугун ҳам йўк. Туйнукдан ошиб, халтани тўлдириб чиққанда хуфтон номозини уйида ўқиб келган Олим қоровул келиб, тут остига ёнбошлаган эди. Халтанинг «тўп» этиб ерга тушганидан сесканиб кетди. Кўп ўтмай туйнукдан Бувсора чўлок тушди. Энди уни Олим қоровул кўриб турарди.

— Ёрдам беринглар, омборга ўғри тушди,— ўрнидан туриб бақирди Олим қоровул. Итлар вовуллади, одамлар уйғониб кўчага чиқди.

Бувсора чўлок буғдой тўла халтани сойга ташлаб, уйига эмас, чағир тошли қирга қараб қочди.

Ғала-говурдан ўгли Эргаш ҳам уйғониб, уйдан ташқарига отилди. Кишлоқ одамлари чағир тошли қирга ёпишганча, Бувсора чўлоқни қувиб борарди. Эргаш ҳаммадан олдинга ўтиб, ўғрига биринчи бўлиб етди.

«Тўхта!» кўйлагидан тортди ўғрининг. Қараса онаси. Кўзларига ишонмай, боши айланди.

— Отанга айтма, ўғлим! Олган буғдойимни оморга элтиб бераман.

— Мен айтмайман, лекин одамлар-чи?! Уларнинг оғзига элак тутиб бўлмайди-ку!

Бувсора чўлоқ ўғри бўлгани билан фарзандига меҳрибон она ҳам эди. Онани кимлар кечирмайди! Бувсара ўзини-ўзи кечирса бўлгани.

## Т У Ғ И Л И Ш

Ой-куни яқинлашиб қолган Сўнагулни тўлқоқ тутди. От аравага миндириб, қўшни кишлоқдаги тўғруқхонага олиб жўнадилар. Умр йўлдоши Ҳайдаркул Сўнагулдан кўз узмасди. Унинг хаёлида Бувсидан эшитган гапи чарх урди: «Аёл туғиш олдидан тўлганиб, қийналганда оғзини катта-катта очиб юмади, шунда унга нон тишлатиб қўйиш керак, бўлмаса тилини тишлаб олади».

Аравада Сўнагулни суяб бораётган Ҳайдаркул уйдан чиқишда қўйнига битта обинон солиб олган эди. Бувиси айтган гапни эслagan дамда нонни бақувват, чайир қўллари билан бир-бир ушлаб қўярди.

Туғруқхонага етиб келишганда иккита оқ халатли жувон Сўнагулни икки қўлтигидан суяб ичкарига олиб киришди. Ҳайдаркул нонни қўлтиклаганча ташқарида қолди. Ичкарига киритишмади. Туғаётган аёл эр кишидан тортинади, уялади. Бу ҳол йўлдошнинг ёруғликка келишини кечиктиради. Шундай бўлгач, аёл қийналади-да. Ҳайдаркул Сўнагулга қийналишни ҳеч ҳам раво кўрмасди. Шуларни ўйлаган Ҳайдаркул туғруқхонанинг кун чиқиш томонидаги дераза тагидан ичкарига кулоқ солиб турди. Сўнагулнинг бирдан «Вой» деган овози эшитилди. Ҳайдаркул бутун вужудини ларзага солган бу нолага чидаб туролмади. Қўлтигидан нонни ўнг қўлига олиб, чап қўли билан деразани черта бошлади.

— Мана бу нонни тишлатинг, бўлмаса тилини тишлаб олади.

Доялар унинг илтижо, ёлвориш билан айтган гапини эшитишмади. Сўнагулнинг яна «Вой» деган аламли нидоси эшитилди. Юраги ўртанган Ҳайдаркул деразани бу гал қаттиқроқ черта бошлади. Оқ халатли, қора қош, қора кўз, оппоқ юзли доя деразанинг бир тавақасини очиб «халақит беряпсиз» деди.

— Сиздан илтимос, мана шу нонни тишлатинг, бўлмаса тилини тишлаб олади,— илтижо қилди Ҳайдаркул.

Ҳар қалай доянинг раҳми келдими, ёки «шу билан ади-бади айтишиб ўтираманми», деб ўйладими Ҳайдаркул икки қўллаб

тутган нонни шитоб билан олди-да, деразанинг тавақасини ёпди.

— Мана бу нонни тишлатинг деяпти, эрингиз.

Бу сўзларни Сўнагул яхши эшитмади. Лекин оғзида ноннинг хушбўй таъмини сездим, бирдан энгил тортди. Муштчалари тугилган, боши олдинга эгилган чақалоқ ёруғ дунёга келди.

Доялар Ҳайдарқулни ўғил билан самимий қутлашди. У севинганидан қизариб кетди. Бутун вужудини нурдай ёқимли илиқлик қамраб олди. Барча орзулари ками-кўстсиз амалга ошган одамдай бахтиёр сездим ўзини шунда. Ҳайдарқулга ҳали исм қўйилмаган жажжи ўғилни Сўнагул эмас, гўё оламни мусаффо нурга буркаш учун уфқ ортидан чиқиб келаётган қуёшдай қизғиш нон совға этган эди.

Ҳайдарқулнинг хотини иккинчи ўғил кўрганда ҳам у туғруқхонага келганда деразани чертиб нонни тутди.

Шунда доя «лаббай» деди.

— Нонни тишлатинг...

— Нонингни бошимга ураманми? Девонага бер! Менга Марфилон атласи, ёки япон рўмоли керак. Нонингни олиб уйингга жўна!

Ҳайдарқул бу гапдан гангиб, боши айланди. Кўз олди қоронгулашди. Тўлқокдан Сўнагул эмас, Ҳайдарқул кийналаётгандай бўлди.

— Нонга нохуш гап айтма! Кўр бўласан, — деди дояни сенсираб Ҳайдарқул.

— Уйингга жўна! Нонингни девонага бер!

— Хотиним тукқан ўғилни қизга алмаштириб юборсанг ҳам майли, лекин нонни ҳақорат қилма, — деди қаҳр билан Ҳайдарқул дояга.

## ДЎСТ

Баҳор кунлари эди. Уйнинг кўнғироғи жиринглади. Эшикни очдим. Ҳусан сиполик билан турарди. «Уйга марҳамат!» дедим. Истар-истамас ичкарига кирди. Ҳусан билан бирга ўкиганмиз. Синфдошларимиз ичида ўзига бино қўйган эди. Ҳозир район марказида яшайди, савдода хизмат қилади. Олдига дастурхон ёздим. Энг аввал тандир нон келтирдим.

*Порларди дастурхонда  
Нонмас, осмон қуёши,  
Баҳор, ёз, қуз ранглари,  
Ва деҳқоннинг бардоши.*

Нонни ушатдим. Ўсган тирноқлар, олтин узук тақилган бармоқларни нонга узатди-ю, текизмай тортиб олди. Шунда нонни менсимаётганлигини ҳис қилдим. Ҳижолат тортдим. Меҳмон отадан улуғ деган нақл эсимга тушди. Бирор нохуш сўз айтишдан ўзимни тийдим. Лекин шу нарса маълум бўлдики, у мен қўйган нонга еттинчи осмондан боққандай мағрур, беписанд қарарди. Мен ёзган дастурхонимдаги нонга ҳурматсизлик билан қараган дўст мени ҳам кадрлай олмаслигини ҳис этдим, ўшанда.

# К Ў П К А Р И

## Бадиа

Айтишларича от ёли орасига чопкирлик ҳақида ғазал битилган. Бу ғазални ҳар ким ўқий олмайди, уни отни чин юракдан севган чавандозларгина ўқийди. От кўпқарида шамолдай учганида ёллар елкасига олтиндай ёйилади. Шу ёллар орасида шамол куй чалиб ўйнайди. Бу куй авжга чиққан сари от мовий уфққа сингиб кетай-сингиб кетай деб, чопади. Аслида олдинда уфқ ҳам бор, марра ҳам бор. Марра олдида тумонот одам. Одамларнинг олд томонида бир тўда карнайчилар. Бу карнайчилар чалган куй от ёлидан таралган куйга ҳамоханг янграганда марра қизгин кураш тусини олади. Юзлаб отлар бир-бирлари билан ёнма-ён чопади. Карнайнинг қуёшгача етадиган салобатли овози отларнинг конини оловдай қизитади. Учқур, толмас от ана шунда билинади. От учиб бораётган бўлса ҳам сабрсиз чавандоз унинг бўйни, ўмови, сонига қамчи уради. «Яшин тезлигида чопаяман-ку, нега мени у уради», деб ўйлайди шунда от. Отнинг эгаси ғолиб бўлишни истайди. Шунинг учун унга қамчи уради. Буни от билади, лекин тилсиз, сўзлай олмайди. Борган сари урилган қамчин от баданини олов бўлиб куйдиради. Бу азобдан кутилиш учун жон-жаҳд билан у олға интилади, бакувват оёқлари ерни титратиб, ларзага келтиради. Туёқлардан кўтарилган чанг ва тўзон ортда қолаверади. У чопган сари кулоқлари ортга эгилади. Шамол визиллаганча ортда қолаётганлигини аввало шу кулоқлар сезади. Бу пайт унинг бўйни олдинга чўзилган, орқа чоти кенгайган, узун юзининг пастидаги қора юмшоқ лаблари, бурун катаклари терлаган бўлади. Нима бўлса ҳам чопиб келаётган отни ўзидан олдинга ўтказмасликка ҳаракат қилганча марра томон учaveraди. Шундай пайтда у дунёдаги барча нарсани — яйловни, сув ичган чашмани, турган оғилхонани, яйраб тонгда кишнаганларини унутади. Лекин устидаги чавандозни бир нафас ҳам ёддан чиқармайди. Чунки у отни парваришлаган, шу кўпқарига тайёрлаган. От бу илтифотнинг эвазига улоқни маррага элтиб ташлаши керак. Устидаги хўжайинга ҳам шу нарса зарур. Аммо маррага етиб келиш Хитой деворини бузиб ўтишдан ҳам мушкул. Маррага яқинлашган сари юзлаб отлар унинг йўлини тўсиб чиқади. Уни ёриб ўтиш учун бургутнинг шиддати, арслоннинг ҳамласи зарур бўлади. Тўдани ёриб ўтаётганда терга ботган отнинг баданидан буғ кўтарилади, кўз косалари кенгайиб, киприклари найзадай қотади. Бутун вужуди билан энтикиб нафас олади. Бу ҳам етмаганидай бўйин ва сонларига яна қамчи зарб билан урилади. Маррага етиб келиш учун ҳамма азобларга дош беради у. Ниҳоят, карнай садоси остида улоқни маррага ташлайди. Чавандоз отнинг юганини бўш қўйиб, икки қўлини осмонга кўтаради. Бу — «Ғолибман» демокликни билдиради. Ғолиблик ҳисси отга ҳам, чавандозга ҳам ғурур бағишлайди. Хўш, қандай от ва қандай чавандоз ғолибликнинг нашидасини тотиб кўради?



Бу саволга жавоб бериш учун гапни узокроқдан бошлашга тўғри келади. От — тоқ туюқли ҳайвон. Оқ самани — оқ булутга, қорабайири кора булутга ўхшайди. Иккови ҳам эл оғзига тушган отлар. Қадимда оқ отларни асосан подшолар, амирлар, беклар минган. Чунки бу отлар бошқа отлардан ажралиб турган. Оқ от — яхшилик белгиси.

Ҳар бир хонадонда от бўлиши қадимдан одат бўлган. От одамга йўлдош ва у одамнинг бойлиги, деган сўз ана шундан қолган. Сизгир ва баланд бўйли бу ҳайвоннинг кўзлари доимо юлдуздай чакнаб туради. Ўрловининг кенглиги, оёқларининг узунлиги, юнларининг жозибадорлиги, умуман қоматининг келишган ва чиройлилиги кўрган кўзни қувонтиради.

От чопишининг қозоқ ва кирғизларда «Қиз қувиш», ўзбек ва тожикларда «Кўпқари» тури мавжуд. Кўпқари пойгаси ўғил боланинг суннат тўйида уюштирилади ва ўтказилади. Бу билан ота фарзанд олдидаги бир бурчини ўтаган бўлади. Суннат тўйи асосан мактабнинг биринчи синфига ўқишга боришдан олдин амалга оширилади. Бунга тўй эгаси икки, уч йил ва ундан ҳам кўпроқ вақт тайёргарлик кўради. Солим учун гилам, кигиз, туя, от, кажавали мотоцикл сотиб олинади. Тўй эгаси дўстларига, қариндош-уруғларига тўйга чорлаш ҳақида таклифнома беради. Тўй кунда эрталаб ёки туш маҳали ош дамланади. Ошни егач чавандозлар отларини миниб кўпқари ўтказиладиган жойга йўл оладилар. Кўпқари ўтказиладиган жой тўй бўлишидан ўн кунча олдин белгилаб қўйилади. Бундай жой учун бедапоя ёки бўз ер танланади. Майдоннинг кенглиги 10 гектардан 20 гектаргача бўлади. Ана шу майдоннинг икки томонида улоқ олиб келиб ташланадиган марра белгиланади. 20 квадрат метр келадиган марра атрофи сомон билан белгиланади. Пастки марра билан юқори марранинг ораси эса 500 метрдан 700 метргача белгиланади. Томошага чиққанлар юқори марра олдида тўпланадилар. Чунки бу марра асосий марра ҳисобланиб, унга катта солим қўйилади. Қураш ана шу марра атрофида қизгин тус олади. Улоқ қанчалик азоб ва машаққат билан маррага олиб келиб ташланса, томошабинлар учун у шунчалик завқли бўлади.

Кўпқари пойгаси бошланишидан олдин карнай чалинади. У пойга бошланишига санокли дақиқалар қолганлигидан далолат беради. Бу пайтгача бир ёшли ёки икки ёшли таканинг боши кесилиб, маррага олиб келиб қўйилган бўлади. Шу чоқ тўй бошловчи от миниб ўртага чиқади. Овозни кўтариб берувчи микрофонда чавандозларга мурожаат қилади. Тўй эгасининг номи, суннат қилинаётган боланинг исми айтилиб, юқори ва пастки марраларга қўйилган солимларнинг қимматини айтади. Кейин чавандозларга омад тилаб, кўпқари пойгасини очик деб, эълон қилади. Шунда сувлиқларини чайнаб, чопиш иштиёки билан ёнаётган отлар ҳаракатга келади. Сизгир терисидан тикилган этикни кийиб олган чавандоз узангига оёғини маҳкам тирайди, отга қамчи босади. От ўзини тўдага уради. Шунда томошабинларнинг кўзлари чавандозлар белбоққа ўраб, белига бойлаб олган кулча нонларга

тушади. Нон унга ҳам ҳамроҳ бўлади, ҳам қувват бағишлайди. Чавандознингкўл ва оёқларига шиддатли куч югургач, у улоқни олишга шошилади. Улоққа отдан эгилиб арслондай ташланади.

Жумавой Кенжаев қишлоғимиздаги энг чапдаст, уддабурон, ғайратли, маҳоратли, кучли чавандоз. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. Улоқ чоғишга қизиқиши баланд. Қирқ ёшда — айни кучга тўлган пайти. Бармоқлари бургутнинг панжасидай кучли ва толмас. Кўзларида шиддат ўти ёниб туради. Оёк ва қўллари узун. Бир каттакон кўпкарида Жумавой эгилиб, ердан улоқни олаётган пайтда бир от келиб ўмрови билан унинг қўлига урилади. Қўл суяқлари уч-тўрт жойидан синиб кетади. Дўхтирлар унинг қўлини тўрт ойда даволаб, тузатишади. Чавандоз шундаям кўпкарини тарк этган эмас. У чоғиш олдидан от эгарини, эгар устидаги ёпинчиқни, айил, қўйишқонни кўздан кечирди. Айил устидан тортиладиган пуштонни ҳам тортиб кўрди. Чавкар от учадиган қушдай парвозга шай бўлиб туради. Бу от сув ўрнига совуқ чой ичган. Ҳар куни уч килограммдан арпа еган. 40 кун совутилган. Совутилганда от ҳар куни 20 километр етакланади ёки майда қадам бостирилиб миниб юрилади. Ичини тозалаш учун отга баъзи-баъзида сабзи ҳам бериб турилади. Буларни айтишдан мақсад — пойганинг тақдирини от ҳал қилади. Шунинг учун чавандоз олдин от танлайди, кейин уни пойгага тайёрлайди.

Бир куни бир чавандоз от сотиб олмоқчи бўлади. Отни кўргач «Сув ичишини кўрай, кейин оламан», дейди. Сотувчи отни оқар сувга олиб боради. От сув ичгач, орқа оёқларини қоқиб, сувдан чиқади. Олувчи «Буни олмайман, у сигирнинг сутини ичиб катта бўлган», — дейди. Отни сотувчи «Буни қандай билди экан?» деб ҳайрон бўлади. «Подалар сув ичганда шундай қилади», дейди олувчи. Чиндан ҳам бу отни туккан бия ўша куни ўлган, қулун сигир сутига боқиб, катта қилинган эди. От зийрак ҳайвон, олувчи ундан ҳам зийраклигига сотувчи қойил қолади.

Бир куни Олмали қишлоғи билан Товуқбулоқ қишлоғи орасида кўпкари бўлади. Шунда бир чавандознинг оти маррага ўн қадам қолганда мункиб, йиқилади. Чавандоз туша солиб отнинг бўғзига пичоқ тортади. От хириллаб жон беради. «Нега бундай қилдингиз?» деб сўраганларга «Маррага ўн қадам қолганда йиқилган от менга керак эмас», дейди.

Чавандозлар орасида шундай одат бор: кўпкарида ўлган отнинг гўшти уйга олиб кетилмайди, балки шу ерда чавандозларга бўлишиб берилади. Ҳалиги чавандоз отнинг терисини шилиб, гўштини атрофдагиларга таркатади. Бу ҳол чавандозларнинг ориятли, мард кишилар эканлигини билдиради.

«Алпомиш» дostonида отнинг оёғига душманлар гул мих қоқади. Оёғида гул михи бўлса ҳам Бойчибор от пойгада чапада. Шунда ортда олаётган Бойчиборга қараб Барчинога «Қур-ей тўрамнинг оти, оломсдай туёғинг опшоқ тўшим устига», деб илтижо қилади. Буни эшитган Бойчибор от оёғида гул михи бўлса ҳам пойгада биринчи бўлиб келади. Аёл киши опшоқ кўкрагини отнинг

туёғи остига қўйиб бериши, отга ва унинг чавандозига бўлган ҳурматнинг такрорланмас белгисидир.

Отга кўпинча кўзмунчоқ, тумор такиб кўядилар. Туморда Қуръон ояти ёзилган бўлади. Кўз теккан от сиёлмай ёки жигари парчаланиб ўлади.

От садоқатли ҳайвон. Кўпкари тугагандан кейин толиққан чавандоз уйгача етиб боролмай, йўлда йиқилиб қолса, то бирор бдам ёрдамга келмагунча от унинг тепасида бошини эгиб тураверади.

Агар чавандоз отдан олдин оламдан ўтса, от эгаси — чавандозга уч кун аза тутади, уч кун емиш емайди, сув ичмайди. Агарда чавандоздан олдин от ўлса чавандоз отга етти кун аза тутади. Отнинг эгаси устига қора бахмал ёпиб қўяди.

Отнинг ўта зийрык ва ҳушёрлиги одамни ҳайратга солади. Бир куни «Ховос» совхози бедазорида бўлаётган кўпкарини томоша қилаётган тўрт киши ўртага белбоғ ёзиб, нон ушатиб, чой ичишиб ўтирарди. Улоқни олган отлар тўдаси тўрт киши ўтирган томонга қараб чопади. Шошиб қолган уч киши уч томонга қочиб қолади. Бир киши қочишга улгуролмай, ерга ётиб қолади. Ҳалиги отлар тўдаси белбоғ ёзилган дастурхон ва ётиб олган одам устидан ўтиб кетади. Атрофдагилар юрак ҳовучлаб от оёғи остида қолган одамни ўлдига чиқаришади. Отлар ўтгач ҳалиги одам ўрнидан туриб, усти бошидаги чанглари қоқади. Отлар ўтганда нонни ҳам, одамни ҳам босмаган эканлар.

Бир куни от кўприк устига келиб тўхтаб қолади. Пишқириб ер тепинади, олдинга юрмайди. Кейинроқ кўприк остида яшириниб турган бўри чиқиб кетгач, от йўлида давом этади.

Янги чиққан ойни кўрса чавандозлар севиниб кетади. Чунки янги ой тулпор отнинг такасига ўхшайди, кўзлари эса юлдузга.

# ОНАЖОН, ЮРАК КЎРИ СЕНГАДИР

## БАДИА

Холбуви она ҳақида ўғилларининг бири «Биз етти ўғилни ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялаган, ўқитган онамиз билан фахрланамиз» деганди. Мен шу гапнинг ўзидан онанинг фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббати нақадар улуг эканлигига англаб олгандим.

Дарвоқе, Холбуви она дунёда мунажжимлардай янги юлдузларни кашф этмади. Бахшилардай эҳтиросга тўлиб «Гўрўгли», «Алломиш» дostonларини куйламади. Етти ўғил туғди. Турмуш ўртоғи оламдан кўз юмганда болалари бири паст, бири баланд бўлиб, энди оёққа тураётган эдилар. У ана шу болаларнинг бўйларига ўлчаб гул ўстирди. «Болаларим, жилпанглаб кўчага чиқаверманглар, кўчада ҳеч ким чалпак пишириб тутмайди. Ўқишга, дунёни билишга, китобни севишга ҳаракат қилинглар» деди. Болаларнинг келажакдаги тақдири учун оналикнинг меҳр куёшини оловлатди. Уларга эзгуликнинг қатламадай қатламларини хиҷжалаб тушинтирди. Бу борада баъзан қулса, баъзан ўйга толди. Фарзандлар эса «Яхшидан — яхши от қолади», — деган оддий, бир қарашда жўн гапдан дунёда тўғри яшашнинг мазмунини ўқиб олдилар. Болаликда қулоқларига кўрғошиндай қўйилган бу сўзлар уларнинг йўлларини бир умр маёқ бўлиб ёритишга олиб келди. «Яхшидан — яхши от қолади» сўзини ҳали ҳам фарзандлар тилларида дуодай такрорлайдилар.

Она энг олдин гапни катта ўғил, 63 баҳорни кўрган Эрмак Кўшбоқовдан бошлади. Эрмак юлий маълумотли агроном. Шу катта ўғлига онанинг меҳри баландлигини ҳар калимада сезиб турдик. У 37 йилдан бери пахта бригадири. Она яланғоч шоҳларга зоғлар кўнганда, боғларда хазонлар оловдек ёнганда бригадир ўғлини ўйлади. Бинобарин, фақат Холбуви она эмас, ўзбек элининг кўпчилиги пахтакорни ўйлайди. Пахтакор ерга эгилиб ишлайди. Шундай экан, уни ўйламай бўладими. Миттигина чигит тола бўлгунча пахтакорнинг бир йиллик умри далада ўтади. Бизни кийинтирган ҳам, тўйинтирган ҳам шулар. Холбуви она: «Фарзанд арзанда, фарзанддан кейин пахта арзанда. Менинг 55 йиллик умрим ана шу арзанда пахта эгатлари ичида ўтган. Очилган эгатлар орасида юрганимда ўзимни Сомон йўли орасида юргандай сезаман», — дедилар. Бу гаплар уларнинг тақдири еахта етиштириш иши билан бир умр чамбарчас боғлиқ эканлигидан далолат беради. Терим пайти момақалдироқ бевақт гулдураса Холбуви онанинг юраги симобдай титраб кетади. «Эрмак ўғлимнинг пахтаси ёмғир остида қолдим-я» — деб ховотирланади. Момақалдироқ пайдо қилган булдулар ўзи қаердан келади? Уни саҳро томонларга ҳайдаб юборишнинг чораси йўқмикан-а? Пахтакор ўғли ёмғир ёққан куни бевақт қаригандай кўринади она кўзига. Ўғлига ачинганидан ҳам

булутларнинг саҳроларга ҳайдалишини орзу қилади. Аммо ўғли учун пахта дунёда муқаддас иш бўлганлиги учун она бу ишга ўзини дахлдор сезади. Ўғлининг хирмони юксалиб борган сари онанинг кенг юзларига ҳам ёқимли табассум ёйилаверади.

«Офтобли кунда соя, совуқ кунда олов, очликда нон инсон беласига йўлдош бўлган» дейди она. Она очлик кунларини бошидан кўп ўтказганлиги учун ҳам бу сўзларни тез-тез такрорлаб туради. Она учта қимматчиликни кўрган. Қимматчилик йилларининг ўттиз олтита яраси қолган юрагида. Ҳар бир қимматчиликда ўн иккитадан яра тушган юрагига. Бу яралар фарзандлари ўқиб, эл таниб, тартибли, интизомли бўлиб вояга етганларида, тенгдошлари орасида ўз ҳурматларига, ўз ўринларига эга бўлганларида бирин-сирин, олдинма-кетин тузалиб, битиб кетган. Аммо очлик йилларининг ҳар куни йилдек узун бўлганлигини она сира ёддан чиқармайди. Уларни «Қаҳри қаттиқ йиллар»,— деб эслайди она.

Она етти нафар келин олган. Етти эшикни тақиллатиб совчиликка борган. Ўзи суйган қизларни ўғиллари ҳам суйган. Сирдарё вилояти агросаноат уюшмаси ходими Мирзакул Қўшбоқов, Сирдарё туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раиси Исокул Қўшбоқов, Синдоробод жамоа хўжалигининг олий маълумотли иқтисодчи бригадери Келдиёр Қўшбоқов, Синдоробод жамоа хўжалигининг бош иқтисодчиси Миртолиб Қўшбоқов, иқтисодчи Нурғози Қўшбоқов, Синдоробод жамоа хўжалигида поллиз маҳсулотлари етиштирадиган иссиқхона агрономи Жўракул Қўшбоқов ва онанинг катта ўғли Эрмак Қўшбоқовлар онаси танлаган келинлар билан тотли ва фаровон турмуш кечирмоқдалар. Она етти келиннинг етти тўйига ўзи бош-қош бўлган. Келин-куёвлар тўйида чилдирма садоси янграганда она ўтган кунлар дардини ва ўтган кунлар қувончини кўнглидан ўтказади. Етти нафар келин оқ либосларда етти марта ҳовлидан кириб келганларида ана шундай бўлган. Ҳовлига келинлар қутлуғ қадамларини қўйганида она «Пастлаб учар мусича, гулга тўлсин сен ўтган кўча» дея келинларини олқишлаган. Исми бир бўлган икки келин — Арофохонлар, Турсуной, Гулдона, Чўлпоной, Белойимлар қайнонани она деб бошига кўтаришган ардоқий келинлардир. Уларнинг хонадонида жапжал, келишмовчилик бўлганлигини ҳеч ким билмайди. Бугунги кунда Холбуви онанинг ана шу келинларидан 42 нафар невараси бор. Она атрофда парвона бўлган чеваралар эса 31 нафарни танкил этадилар. Онадан «Сиз дунёда нимани яхши кўрасиз?» деб сўраганимизда улар «Фарзандларимни, келинларимни, невараларимни», деб жавоб қилдилар.

Зотан, ўзгача бўлиши мумкин эмас. Олтмиш йилдан бери номоз ўқийдиган она саждага бош қўйганларида энг аввало ўғилларига, келинларига, невараларига, чевараларига узоқ умр тилайди. Кейин уларга тангридан ризку рўз сўрайдилар. Умрнинг узоқлиги ризку рўзнинг бут бўлишига боғлиқ эканлиги учун ҳам она шундай қиладилар. Шукрлар бўлсинким, онанинг тилаклари ижобат топмоқда.

Она овқат танламайдилар. Қайси таом олдин келса, ўшани суйиб танаввул қиладилар. Бу ҳол очлик бўридай изғиган кунларини кўп

кўрганлигидан далолатдир. Бу фазилат онанинг етти нафар келинларига ҳам ўтган. Келинлар ҳам овқат танлашмайди, борига қаноат қилишади. Эрта наҳорда сарёғ ёки қаймоқ билан нонушта қиладилар. Сарёғ ёки қаймоқ уларникида доимо бўлиб туради. Чунки ҳар бир келиннинг ўз уйлари, шу уй олдидаги томорқада моллар ковуш қайтариб турадиган молхоналари бор. Молхоналарда уч, баъзиларида бундан кўп соғин сигирлар бор. Келинларнинг болалари эса бекор туриб қолмайдилар. Бўш вақтларини молхоналарни тозалашга, сигирларга сув ва хашак беришга сарфлайди. Шундай бўлгани яхшида. Болалар бекор қолсалар, бекорчилик уларни бузилишига, нохуш ишларга қўл уришига олиб келади. Яхшиси шундаки, бу ҳол болаларни аввало меҳнатни севишга ўргатса, кейинчалик мол-ҳол ўстиришга бўлган ҳавасларини аланглатади. Бу бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги мушкул даврда, айниқса, зарурдир.

Она ҳали тетик ва бардам. «Тишларим ўзимники эмас, давлатники» — дедилар она патир нонни чайнаётганларида. Давлатники деганлари — бу табиб қўйган олтин тишлар. Бир куни ўғилларидан бири онага минг сўм пул беради. Пулни қайси ўғли берганлигини она айтмадилар. Пул берган ўғли «Тишларингиз ўз вазифасини ўтаб бўлибди. Мана машина. Сирдарё шаҳрига олиб боради. У ерда табиб сизга тиш қўяди» — деди-ю, ишига кетди. Она пулни рўмолчага тугди. Машина табибга олиб борди. Табиб уч кунда тишларни қўйди. «Суякларни синдирадиган тиш бўлди, ўзиям» — деди табиб. Она табибга узоқ умр тилади. Тишларнинг қўйилганига тўққиз йил бўлди.

Она доимо эшикни очиб ўтирадилар. Очiq эшикдан офтоб, ой нури киради. Майин ел гуллар бўйини олиб киради. Онанинг фикрича эшикларни тамбалаб ёпиб ўтирадиганлар хасис зикна одамлар ҳисобланадилар. «Эшигинг очiq — қўлингда сочиқ бўлсин» дейди она.

Она Ислом Каримовдай бағри кенг, ҳақиқатпарвар инсондан, кўп болали оналарга меҳрибончилик кўрсатаётганларидан миннатдор эканликларини қайта-қайта тилга олдилар. Уларнинг раҳбар бўлиб туриши ўзбек халқи ҳаётида энг нурли йўл бўлиб қояшини адолат ва ишончининг ифодаси деб билмокдалар.

Мен она билан илиқ ва самимий хайрлашганимда қуйидаги сатрлар туғилди:

*Онажон, гулларнинг зўри сенгадир,  
Онажон, давранинг тўри сенгадир.  
Онажон, юракнинг қўри сенгадир,  
Мен сенга гул тутай бугун, онажон.  
Ўйларинг саз бўлсин созчи торидай,  
Юзинг қизил бўлсин боғ аноридай,  
Ниятинг оқ бўлсин тоғлар қоридай.  
Мен сенга гул тутай бугун, онажон.  
Юрагинг санчмасин ёққанида қор,  
Ахир, қфрда хушбўй баҳор иси бор.  
Кенга кенг бу дунё — лекин торга тор,  
Мен сенга гул тутай бугун, онажон.*

## МУНДАРИЖА

### Қиссалар

Ўғирланган болалик. . . . .	5
Ойнинг ўн беши. . . . .	45
Жазо. . . . .	92

### Ҳикоялар

Тунги таланга. . . . .	125
Мамат чўлок. . . . .	128
Замира. . . . .	130
Садоқат. . . . .	135
Иғвогар. . . . .	138
Хижолатпазлик. . . . .	142
Хабарчи. . . . .	143
Она — буюк қуёш. . . . .	143
Бахши шоир. . . . .	144
Зиннат момо. . . . .	145
Қиз боланинг олти фарзандга она бўлгани. . . . .	146
Ойдин тунда. . . . .	148
Туғилиш. . . . .	150
Дўст. . . . .	151
Кўпқари. . . . .	152
Онажон, юрак қўри сенгадир. . . . .	156

*Литературно-художественное издание*

На узбекском языке

ХАМРАКУЛ РИЗО

УКРАДЕННОЕ ДЕТСТВО

Повести и рассказы

Муҳаррир Ш. Бўтаев

Мусаввир О. Муинов

Расмлар муҳаррири У. Солиҳов

Техник муҳаррир Е. Толочко

ИБ №0475

Босмаҳонага берилди 15.11.92. Босишга рухсат этилди 30.12.92. Бичими 60×90 1/ 16. Газета қоғози. Тип Таймс гарнитураси. Шартли босма табағи 10,0 Шартли бўёкли босмада нашр ҳажми 10,5 Нашриёт табақ ҳисоби 11,15. 30000 нусхада. Буюртма №2614. Баҳоси шартнома асосида.

«Чўлпон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Тайёр диопозитивлардан Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитаси ҳузурлиги Тошкент китоб-журнал ишлаб чиқариш фабрикасида босилди.

Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.